**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА**
**МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«ИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА»** факультети

**«ФАЛСАФА» кафедраси**

# Ф А Л С А Ф А

***МАЪРУЗАЛАР МАТНИ***

**ТОШКЕНТ - 2010**

**«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»**
**Фалсафа кафедрасининг ___-сонли мажлисида**
**муҳокама қилинган ва маъқулланган.**
**Кафедра мудири в.в.б., доц. А.МУХТОРОВ**

**___________________________________**

**2010 йил «____»___________________**

**ТАҚРИЗЧИЛАР: 1) Қодиров А.Қ. - ф.ф.д., Юридик институти профессори.**
**2) Отамуродов С. - ф.ф.д., проф. Кимё-технология институти Фалсафа кафедраси мудири.**

**ТУЗУВЧИЛАР: © ф.ф.д, проф. Саифназаров И.,**
**ф.ф.н., доц. Мухторов А.,**
**ф.ф.н., доц. Рахимбобоева Н.,**
**ф.ф.н., доц. Қодиров Ж.**

# М У Н Д А Р И Ж А

**БИРИНЧИ БЎЛИМ. Фалсафанинг бахс мавзулари, жамиятдаги ўрни ва асосий вазифалари**.................................................................4
1-мавзу. Фалсафанинг предмети ва асосий мавзулари. Фалсафий дунёқараш..........................................................................................................
4
**ИККИНЧИ БЎЛИМ. Фалсафа тарихи ва тарих фалсафаси**...........23
2-мавзу. Кадимги Шарк ва Антик дунё фалсафаси................................23
3-мавзу. Марказий Осиёдаги фалсафий фикрлар, унинг жаҳон маданиятида тутган ўрни…………………………………………………...
4-мавзу. Ўрта асрлар ва янги давр Оврупадаги фалсафий фикрлар......43
5-мавзу. Ҳозирги замон жаҳон фалсафаси ва унинг асосий оқимлари.55
**УЧИНЧИ БЎЛИМ. Онтология: борлик хакида фалсафий карашлар**..........................................................................................
64
6-мавзу. Борлиқ
фалсафаси....................................................................64
**ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. Фалсафий услублар, конунлар ва категориялар**...........................................................................................7
2
7-мавзу. Фалсафий қонунлар ва категориятлар...................................72
**БЕШИНЧИ БЎЛИМ. Гносеология: билиш фалсафаси**....................88
8-мавзу. Онг ва рухият. Билиш фалсафаси..........................................88
**ОЛТИНЧИ БЎЛИМ. Ижтимоий фалсафа**.................................104
9-мавзу. Жамият ва инсон фалсафаси.............................................104
10-мавзу. Глобал муаммолар фалсафаси........................................116

## ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


### I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 2009. 40 б.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

2. «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривож-лантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг Фармони. «Халқ сўзи», 2010 йил 30 март.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». «Халқ сўзи» газ., 2007 йил 19 май.

4. Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. «Халқ сўзи», 2010 йил 6 май.

### III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

5. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 1997 йил 29 август.

### IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

6. «Тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги хамкорлик». Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳрида 2010 йил 11 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги, ўнинчи мажлисидаги нутқ. «Халқ сўзи», 2010 йил 12 июнь. №116.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 18 июнь куни Бухоро вилоятига ташрифи. «Изчил ислоҳотларнинг амалий натижалари». «Халқ сўзи», 2010 йил 19 июнь. №122.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 26 май куни Андижон вилоятига ташрифи «Ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда». «Халқ сўзи», 2010 йил 27 май. №104.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 27 май куни Фарғона вилоятига ташрифи «Ислоҳотлар – юксак тараққиёт омили». «Халқ сўзи», 2010 йил 28 май. №105.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Универсиада – 2010» спорт ўйинлари иштирокчиларига табриги. «Халқ сўзи», 2010 йил 29 май. №106.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон» анжуманлар саройида 2010 йил 3 май куни Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросимидаги нутқи. «Халқ сўзи», 2010 йил 4 май.

12. И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикасини 2010 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2010 йил 30 апрель. №84.

13. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ.

14. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тўғрисида тўғрисида Ахборот. 2010 йил 28 январь.

15. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2009 йил 6 декабрь.

16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.

17. Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дустарнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

18. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.

19. Каримов И.А. Озод юртнинг улуғ тантанаси. “Халқ сўзи” газ., 2008 йил 1 сентябрь.

20. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008.

21. Каримов И.А. Бу байрам – барчамизники, бутун халқимизники. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. «Халқ сўзи», 2007 йил 1 сентябрь.

22. Каримов И.А. Ўзбекистон Ислом цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси. Халқаро илмий-амалий конференциядаги сўзи. «Халқ сўзи», 2007 йил 15 август.

23. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил харакат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. –Т.: Ўзбекистон, 2007.

24. Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. Президент И.Каримовнинг «Туркистон

– пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюси. «Халқ сўзи» газ. 2007 йил 23 февраль.

25. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. «Халқ сўзи» газ. 2006 йил 10 февраль.

26. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: Ўзбекистон, 2005.

27. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005.

28. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005.

29. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.

30. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. -Т.: Ўзбекистон, 2004.

31. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. -Т., Ўзбекистон, 2002.

32. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. -Т.: Ўзбекистон, 2003.

## V. Дарсликлар

1. Фалсафа асослари. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон, 2005.

2. Основы философии. -Т.: Меҳнат, 2004.

## VI. Ўқув қўлланмалар

1. Губин В.Д., Некрасова Е.Н. Основы этики. -М., Форум-Инфра-М., 2005.

2. Дружинин В.Ф. Демина А.А. Этика. Курс лекций. -М., Изд. «Экзамен». 2009.

3. Жалолова Ў., Рузметова Г. Этика фани бўйича ўқув-услубий мажмуа. -Т., 2006.

4. Жалолова Ў., Рузметова Г. Этика фани бўйича таълим технологияси. -Т., 2006.

5. Золатухина Е.В. Этика. Ростов-на-Дону. Изд. Центр. 1998.

6. Ислом энциклопедияси. -Т., 2004.

7. Йўлдошев С. Жаҳон фалсафаси. -Т., 2004.

8. Назаров В.Н. Прикладная этика. -М., Гардарики, 2005.

9. Петрунин Ю.Ю., Борисов В.К. Этика бизнеса. Учеб. пособия. -М., Дело, 2004.

10. Разин А.В. Основы этики. -М., Форум-Инфра-М., 2006.

11. Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. -Т.: Янги аср авлоди, 2003.

12. Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётида: Фалсафий мақолалар. -Т.: Чўлпон, 2003.

13. Уткин Э.А. Этика бизнеса. Учеб. для вузов. –М., Зеркало, 2000.

14. Фалсафа қомусий луғат «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти». -Т.: Шарқ, 2004.

15. Шарифхужаев М., Рахимов Ф. Даврни белгилаб берган инсон. -Т., 2004.

16. Шахс ва жамият. Қўлланма. -Т.: Ўқитувчи, 2005.

17. Абдулла Шер. Диний-бадиий асарнинг эстетик моҳияти. "Гулистон" журнали, 2001 йил, 5-сон.

18. Абдулла Шер. Ибрат кўзи. "Соглом авлод учун" журнали, 1996 йил, 7-8, 9-10-сонлар.

19. Абдулла Шер, Ҳусанов Б., Умаров Э. Эстетика. -Т.: ЎзМУ, 2008. -172 б.

20. Абдуллаева Н. Дизайн – эстетик онг маҳсули. -Т.: Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2010. 30 апрел, №18.

21. Абдуллаханова Г., Расулов Х. Электронное учебное пособие по курсу: «Эстетика». –Т., Информационно технологический центр, ТГЭУ, 2010.

22. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. –Т.: «Ношир», 2008. -256 б.

23. Афлотун. Қонунлар. –Т.: Янги аср авлоди, 2008. -452 б.

24. Аристотель. Поэтика. Т., 1980.

25. Безмоздин Л. В мире дизайна. Т., 1990.

26. Бердяев Н. «Муҳаббат метафизикаси». «Жаҳон адабиёти» журнали, 2010. №1.

27. Бычков. Эстетика. -Москва. ГАРДАРИКИ. 2006.

28. Гегель Г. Эстетика в 4-томах. М., 1968-1973.

29. Жакбаров М. Комил инсон ғояси - тарихий фалсафий таҳлил. Т., "Ибн Сино", 2000.

30. Зиёмуҳаммедов Б. Комилликка элтувчи китоб. –Т.: «Турон-Иқбол», 2006. -352 б.

31. Ибн Сино. Саломон ва Ибсол. Т., 1980.

32. Ильин Н.М. Эстетика товаров. Учебное пособие. Москва. ИНФРАМ, 2002.

33. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. –Т.: «Шарқ», 1998. 240 б.

34. Имомназаров М., Эшмуҳамедов М. Миллий маънавиятимиз асослари. –Т.: Тошкент Ислом Университети, 2001. -432 б.

35. Ислом энциклопедияси. -Т., 2004.

36. Мухторов А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. -Т.: «Янги аср авлоди", 2003.

37. Муродов М., Қорабоев У., Рустамова Р. Этномаданият. –Т.: Адолат, 2003.

38. Навоий. Мажолис ун-нафоис. // Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 13-том. Т., 1998.

39. Нитше. Зардўшт таваллоси. –Т.: Янги аср авлоди, 2007. -348 б.

40. Носирхўжаева Г. Этика. Эстетика. –Т.: ТДЮИ, 2006. -114 б.

41. Отамуратов С., Ҳусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. –Т.: Абдулла Қодирий, 2002. -213 б.

42. Плутарх. Сайланма. –Т.: Янги аср авлоди, 2006. -200 б.

43. Примова Ф.А. Ёшлар ва миллий истиқлол ғояси: муаммолар, ечимлар. –Т.: Ўзбекистон, 2010. - 232 б.

44. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. –Т.: Молия, 2002.

45. Расулов Х.С. «Бадиий меросимизда молия-иқтисодиётга оид атама, бирикмаларнинг қўлланилиши ва уларнинг таҳлили». «Иқтисод соҳасидаги ўқув юртларида ўзбек ва рус тилларини ўқитишнинг муаммолари» мавзуидаги Республика илмий-амалий анжуманнинг маърузалари. Т.: ТДИУ, 2001.

46. Расулов Х.С. «Навоийнинг «Вақфнома» асарида молия-иқтисодиёт бўйича тарихий маълумотларнинг баёни». «Иқтисодчи» газ. 2002. феврал.

47. Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди", 2003.

48. Саидмуротов С., Самадов А., Жуманов О. «Товаршунослик». -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, 2005.

49. Сиддиқова Ш. Эстетика. –Т.: А.Қодирий ном. халқ нашриёти, 2002. -72 б.

50. Соғлом авлод - бизнинг келажагимиз. -Т., "Ибн Сино", 2000.

51. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т.: Ўзбекистон, 1997. -416 б.

52. Тоҳир Карим. Миллий тафаккур тараққиётида: фалсафий мақолалар. -Т.: «Чўлпон», 2003, 76-84-б.

53. Умаров Э. Эстетика. -Т., 2004.

54. Фалсафа қомусий луғат. Т., 2004.

55. Форобий. Фозил одамлар шаҳари. -Т., 1990.

56. Цицерон. Нотиқлик санъати ҳақида икки рисола. –Т.: Янги аср авлоди, 2007. -444 б.

57. Чўлпон. Адабиёт надир. Т., 1994.

58. Шахс ва жамият. Қўлланма. -Т.: Ўқитувчи, 2005.

59. Шопенгауэр А. Севги илоҳиёти. «Жаҳон адабиёти» журнали, 2008. №5.

60. Шестаков В. Эстетические категории. М., 1983.

61. Эстетика под. ред. А.А.Радугина учебное пособие. Москва «Центр», 1998.

62. Эстетика. Словарь. М., 1989.

63. Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. –Т.: Маънавият, 1999. -240 б.

64. Яковлев Е.Г. Эстетика. -Москва. Гардарики, 1999.

65. Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар). –Т.: Шарқ, 2001.

66. Қозоқов О. «Тасвирий санъат оқимлари. -Т.: Шарқ, 2008.

67. Ҳусанов Б. Гўзаллик нимадир. «Тафаккур» журнали, 2008. №1.

68. Афлотун. Қонунлар. -Т.: Янги аср авлоди, 2002.

69. Бор М.З. Основы экономических исследований. Логика, методология, организация методика. М., «ДИС», 1998. 144 с.
70. Бочаров В.А., Маркил В.И. Основы логики: Учебник. -М.: ФОРУМ: ИНФРА. 2005. -336 с.
71. Войшвило Е.К., Дегтярев М.Г. Логика. -М.: Владос, 1998.
72. Горский Д.П., Ивин А.А., Никифоров А.А. Краткий словарь по логике. -М.: Владос, 2000.
73. Гетманова А.Д. Логика (словарь и задачник) - М.: Владос, 1998.
74. Дегтяров М.Г., Хмелевская С.А. Логика. -М.: «ПЕРсэ», 2003.
75. Джек Траут. «Новое позицитонирование. Серия «Теория и практика менеджмента». Спб. «Питер», 2000. 192 с.
76. Ерина Е.Б. "Логика: Учебное пособие. -М.: Изд-ва, РИОР, 2006. -112 с.
77. Ивин А.А., Никифиров А.Л. Словарь по логике. -М.: Владос, 1998.
78. Ивлев Ю.В. Логика: Учебник. 3-е изд. Перераб. и доп. М.: ТК Велби, Изд-во. Проспект. 2006. -288 с.
79. Курбатов В.И. Логика. -Ростов-на-Дону. Феникс, 1997, II раздел "Теория и практика аргументации".
80. Никифиров А.Л. Логика. –М.: Весь мир, 2001.
81. Маҳкамов Ж., Қудратова У., Баҳодиров О. Мантиқ. –Т., 2005.
82. Минто В. «Дедуктивная и индуктивная логика». СПб. ТИТ «Комета», 1995. 464 с.
83. Светлов В.А. Практическая логика. СПб. «МИМ», 1997. 576 с.
84. Скорик У.Д. Логика в схемах. –М.: Прометей, 2004.
85. Скирбекк Г., Гильс Н. Фалсафа тарихи. -Т.: Шарқ, 2002.
86. Трояновский В.М. Логика в менеджменте. -М.: Изд. РДЛ, 2001, 240 стр.
87. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. Маърузалар матни. -Т., 2000.
88. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: 100 савол ва жавоб. -Т.: Меҳнат, 2000.
89. Фалсафа қомусий луғат. -Т.: Шарқ, 2004.
90. Қудратова У. «Мантиқ» фани бўйича тестлар ва мустақил ишлаш учун машқлар тўплами. Т., ТДИУ, 2009.
91. «Ҳақиқат манзаралари» 96 мумтоз файласуф. -Т.: Янги аср авлоди, 2002.

## ИЗДАННОЙ В РОССИИ В 2008-2009 ГОДЫ ПОСТУПИВШЕЙ В ИНФОРМАЦИОННО-РЕСУРСНЫЙ ЦЕНТР

### Философия

1. Канке В.А. Философия для экономистов: Учебник. -М.: «Омега-Л», 2008. -411с.
2. Ильин В.В. Философская антропология : Учебное пособие/ В.В. Ильин.- 2- е изд.- М.: КДУ, 2008.- 232 с.

3. Марков Б.В. Философия антропология: Учебное пособие. 2- е изд.- СПБ.: Питер, 2008.- 352 с.

**Изданной в россии в 2009-2010 годы поступившей в информационно-ресурсный центр**

**Философия**

4. Андреевич В.К. Философия для экономистов. учеб. М.: Омега-Л, 2010. – 411с.
5. Бартенев С.А. История и философия экономической науки: пособие к кандидатскому экзамену. М.: Магистр, 2008. – 271с.
6. История и философия экономики: пособие для аспирантов. / Под.ред. Конотопова М.В. М.: КНОРУС, 2008. – 664с.
7. Канке В.А. Философия экономической науки: учеб.пособ.М.: ИНФРА-М, 2009. – 384с.
8. Толыпкин В.Е. Основы философии: учеб.пособ. М.: Эксмо, 2010. – 432с.
9. Фокина Н.И. Современная западная философия. Учеб.пособ. М.: Проспект, 2009. – 336с.
10. Философия: учеб. / Под. ред. Лавриненко В.Н, Ратникова В.П. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – 735с.

**Изданной в россии в 2007 год поступившей в информационно-ресурсный центр**

11. Аблеев С.Р. Философия в схемах и таблицах: Учеб. Пособ. –М.: Высш. Шк., 2004.-207с.
12. Алексеев П. В. История философия: учеб. – М.: ТК Велби, 2008.- 240 с.
13. Алексеев П.В., Панин А.В. Философия: учеб. – 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, 2008. – 592 с.
14. Введение в философию**:** Учеб. пособ./ Авт. колл.: Фролов И. Т. и др.—4-е изд., перераб. и доп. — М.: Культурная революция, Республика,2007.—623с.
15. Горелов А.А. Философия в вопросах и ответах. – М.: Эксмо, 2008. – 336 с.
16. История мировой философии и др.; под ред. В.Д. Губина и Т.Ю. Сидориной. - М.: АСТ: Астрель : ХРАНИТЕЛЬ, 2008. - 494, [2] с.
17. История мировой философии. Экзаменационные ответы. –М.: «Буклайн», 2007.- 240с.
18. Ильин В.В., Машенцев А.В. Философия в схемах и комментариях: Учеб. пособ. – СПб.: Питер, 2007. – 304 с.
19. Канке В.А. Философия экономической науки: учеб. пособ.– М.: ИНФРА-М, 2007. – 384 с.
20. Кравченко В.В. Тесты по философии (с историко-философским введением): Учеб.пособ.– М.: «Экзамен», 2004. – 192 с.
21. Куликов Л.М. Основы социологии и политологии: Учеб. пособие. – Финансы и статистика, 2007. – 336 с.
22. Мартынов М.И. Философия: курс интенсив. подгот. / М.И. Мартынов, Л.Г. Кравченко. – Минск: ТетраСистемс, 2007, 320 с.
23. Моисеева Н.А., Сороковикова В.И. Философия: Краткий курс. – СПб.: Питер, 2008. – 352 с.

24. Рычков А.К. Философия: 100 вопросов - 100 ответов: учеб. пособ. Под. Ред. В.Д. Губина и Т.Ю. Сидориной. –М.: АСТ: Астрель: ХРАНИТЕЛЬ, 2008.-494с.
25. Современные философские проблемы естественных, технических и социально-гуманитарных наук: учебник/ под общ. Ред . В.В.Миорнова.- М.: Гардарики, 2006. - 639 с.
26. Скорая помощ на экзаменах по философии. – Минск: Харвест, 2007. – 96 с.
27. Философия: Учебник для вузов / Под ред. В.П. Ратникова. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 622 с. **2 экз**
28. Философия: Шпаргалка. — М.: РИОР, 2008. — 46 с.
29. Философия: учеб. / под общ. Ред. В.В.Миронова.- М.: Норма, 2008. - 928 с.
30. Философия: учебник / под ред. В.Д.Губина., Т.Ю.Сидориной.- 4-е изд., перераб. и доп.- М.: Гардарики, 2007. – 828 с.
31. Халин К. Е. Краткий курс по философии: учеб. пособие. — М.: «Окей-книга», 2008. — 159 с.
32. Этика: Шпаргалка.-М.: РИОР, 2007.-32 с.

**КУЛЬТРОЛОГИЯ**

33. Грушевицкая Т.Г. Культурология: учебник для студентов вузов / Т.Г. Грушевицкая, А.П. Садохин. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 687 с.
34. Горелов А.А. Культурология в вопросах и ответах: Учебное пособие. — М.: Эксмо, 2008. — 288 с.
35. Культурология. Экзаменационные ответы. – М.: «Ответ», 2007.-32 с.

## VIII. Интернет сайтлари

1. www.gov.uz.
2. www.press-service.uz.
3. www.bilim.uz.
4. www.philosophy.ru.
5. www.filosofiya.ru.
6. www.philosophy.nsc.ru.
7. http // philosophy.albertina.ru.
8. www.history.ru.
9. www.philosophy.com.

# БИРИНЧИ БЎЛИМ

# ФАЛСАФАНИНГ БАҲС МАВЗУЛАРИ, ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

## 1-мавзу. Фалсафанинг предмети ва асосий мавзулари. Фалсафий дунёқараш

***РЕЖА:***

1. «Фалсафа» атамасининг моҳияти ва мазмуни, унинг тарихий ва замонавий талқинлари.
2. Фалсафанинг баҳс мавзулари ва уларнинг хилма хил талқинлари.
3. Дунёкараш тушунчаси, унинг мохияти ва мазмуни.
4. Дунёкарашнинг тарихий шакллари (мифоогик, диний, фалсафий).

Инсоният бугунги кунга келиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ютуқларга эришди. Фан ва техника, маданият ва маориф беқиёс ривожланди. Одамзод ўзининг ақл-заковати ва меҳнати билан жуда кўп янгиликлар яратди. Дунёнинг кўплаб сир-асрори кашф этилди, буюк ихтиролар қилинди.

Маънавий бойликлар орасида фалсафа илмида тўпланган ҳикматлар хазинаси энг муҳим ўрин тутади. Ҳар бир даврнинг буюк донишмандлари бўлади. Улар ўз юрти ва халқининг тафаккури, руҳияти ҳамда орзу-интилишларини фалсафий таълимотларида, муайян даражада, ифода этганлар, жамият фаровонлиги ва миллат равнақи учун хизмат қиладиган юксак ғояларни ўртага ташлаганлар. Оалқни буюк мақсадлар сари етакловчи байроқ сифатида намоён бўладиган бу ғояларнинг муайян давр мафкурасига айланишида фалсафий билимлар катта аҳамият касб этади.

Аввало, **фалсафа ўзи нима,** деган масалага тўхталиб ўтайлик. У инсоният тарихидаги энг қадимий илмлардандир. Фалсафий мулоҳаза юритиш, фикрлаш инсон табиатига хос, демак, унинг ўзи каби қадимийдир. У олам ва унинг яшаши, ривожланиши ва тараққиёти, ҳаёт ва инсон, умрнинг моҳияти, борлиқ ва йўқлик каби кўплаб муаммолар ҳақида баҳс юритадиган фандир.

Фалсафа асослари баён қилинган аксарият дарсликларда ушбу атама қадимги юнон тилидаги «философия» сўзидан олингани ва у «донишмандликни севиш» («фило» — севаман, «софия» — донолик) деган маънони англатиши таъкидланади. Бу — ушбу сўзнинг, атаманинг луғавий маъноси бўлиб ҳисобланади. Асрлар давомида философия сўзининг маъно-мазмунига хилма-хил қарашлар, унинг жамият, инсон ва фанлар тизимидаги ўрнига нисбатан турлича муносабат ва ёндашувлар бўлган, бу атаманинг моҳият-мазмуни ҳам ўзгариб борган.

«Философия» атамаси ва у ифода этадиган билимлар мажмуи Қадимги Юнонистон ва Римда эрамиздан аввалги VII-III асрларда юз берган буюк юксалиш натижаси сифатида юзага келган эди. Ўша даврда эндигина шаклланиб келаётган назарий фикрнинг ифодаси фалсафий тафаккур оламни яхлит ва бир бутун ҳолда тушуниш мужассамига айланган эди.

Қадимги Юнонистонда «Философия» атамасини дастлаб, математика фани орқали барчамизга яхши маълум бўлган, буюк аллома Пифагор ишлатган. Европа маданиятига эса, у буюк юнон файласуфи Афлотун асарлари орқали кириб келган. Шу тариқа, у аввало, қадимги Юнонистонда алоҳида билим соҳасига, тўғрироғи, «фанларнинг отаси», яъни асосий фанга айланган.

Қадимги дунёда фанларнинг барчасини, улар қандай илмий масалалар билан шуғулланишидан қатъи назар, философия деб атаганлар. У ҳам ижтимоий борлиқ,

ҳам табиат тўғрисидаги илм ҳисобланар эди. Шу маънода, дастлабки философия олам ва унда инсоннинг тутган ўрни ҳақидаги қарашлар тизими бўлиб, дунёни илмий билиш заруратидан вужудга келган эди. Бундан ташқари, қадимги Юнонистонда юз берган буюк уйғониш даври ўзига хос фалсафий мафкурани ҳам яратганлиги шубҳасиз. Унинг энг асосий қадрияти эркинлик тушунчаси эканини, ана шу эркин ҳаёт тўғрисидаги қарашлар буюк маданий юксалишга асос бўлганини аксарият олимлар алоҳида таъкидлайди.

Шарқда «Иккинчи Арасту», «Иккинчи муаллим» дея эътироф этилган буюк мутафаккир Абу Наср Форобий философия сўзини «Ҳикматни қадрлаш» деб талқин этган. Фалсафа Шарқ халқлари ижтимоий тафаккурида «донишмандликни севиш» деган мазмун билан бирга, олам сирларини билиш, ҳаёт ва инсонни қадрлаш, умр мазмуни ҳақидаги қараш ва ҳикматларни эъзозлаш маъносида ишлатилган.

Ҳаёт қонуниятларини яхши биладиган, умрнинг ўткинчи экани, абадият инсонга эмас, оламга хослигини яхши англаб етган, ўзи ва ўзгалар қадрини тўғри тушунадиган киши ҳеч қачон «Мен — донишмандман» дея очиқ эътироф этмайди. Айниқса, Шарқ халқлари ҳаётида бу ҳол яққол кўзга ташланади. Аммо, Форобий таъкидлаганидек, ҳикматни қадрлаш, олам ва одам ҳамда ҳаётнинг қадрига етиш — бошқа гап. Шу маънода, бизда қадим замонларда файласуф деганда, кўпдан-кўп илм соҳаларини эгаллаган, устоз ва муаллим сифатида шуҳрат қозонган аллома ва мутафаккир кишилар тушунилган.

XIX аср немис қадриятшуноси И. Риккерт ҳам шунга ўхшаш фикрни қуйидагича баён қилган: «Одамзод олам ва одам ҳамда ҳаётнинг қадрини англаб, улар омонат бир нарса эканини тушуна бошлаган даврлардан фалсафий фикрлашга киришган. Бинобарин, биринчи файласуф, ким бўлганидан қатъи назар, ҳаётни қадрлайдиган киши бўлгани шубҳасиз».

Фалсафа, аввало, муайян илмий билимлар тизимидир. У, бир томондан, инсоннинг воқеликни ақл воситасида идрок этиши, иккинчи томондан, онгнинг афсона ва ривоятлар асосидаги шакллардан узил-кесил ажралиш жараёни натижасидир. Бу икки жиҳат бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунки беҳуда хаёлпарастлик, ҳавойи ва афсонавий фикрлаш тарзидан халос бўлиш илмий билимларни эгаллаш орқали рўй беради. Энг муҳими, фалсафа кундалик турмушда учраб турадиган эскилик асоратлари, бидъат ва чекланишларга мухолиф бўлган ҳурфикрликдир. Фалсафа айнан ана шундай янги дунёқарашнинг шаклланиши учун асос бўлди.

«Фалсафа» атамаси «философия»нинг Шарқ ижтимоий тафаккуридаги шаклидир. Одатда у тушунча сифатида тор ва кенг маъноларда қўлланади. Хусусан, кенг маънода уни антик — қадимий фалсафада «донишмандликни севиш» деб тушунилганини айтиб ўтдик. Айрим файласуфлар ва фалсафий оқимлар, чунончи, инглиз файласуфи Т. Гоббс (1588—1679) уни «тўғри фикрлаш орқали билишга эришиш», немис файласуфи Ҳегел «умуман предметларга фикрий ёндашиш», Людвиг Фейербах «бор нарсани билиш», прагматизм таълимоти намояндалари эса, «фойдали нарсаларни билиш жараёни» дея талқин этган.

«Фалсафа» тушунчаси тор маънода маданият, санъат, ақлий ёки ҳиссий билиш усули, воситаси тарзида таърифланади. Фалсафага бўлган муносабатнинг хилма-хиллигига асосланган ҳолда, унга яхлит, умумлашган таърифлар ҳам берилган. Фалсафага ижтимоий онг шакли бўлган маданият, санъат, қадрият нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, унинг миллийлигини акс эттириш имконияти туғилади. Аммо онтология, гносеология, натурфилософия, антропология каби фан

соҳалари нуқтаи назаридан қаралса, ушбу таърифда умуминсонийлик ва универсаллик фалсафанинг асосий хусусияти эканини таъкидлаш лозим бўлади.

2. Ҳақиқий фалсафа тафаккур маҳсули бўлган нарсаларни олий даражадаги ҳақиқат сифатида мутлақлаштирмайди. Бу борада Суқротнинг «Мен ҳеч нарсани билмаслигимни биламан» деган эътирофи ҳақиқат мезонидир. Ҳолбуки, Суқрот қадимги Юнонистоннинг энг билимли файласуфи бўлган. У билимдон, баҳс-мунозара чоғида ҳар қандай суҳбатдошни ҳам мот қилиб қўя олгани ҳақида тарихда мисоллар кўп. Фалсафий билимлар ривожи узлуксиз жараён бўлиб, у инсониятнинг тафаккур бобида илгари эришган ютуқларни танқидий баҳолашни тақозо этади. Бироқ бу — уларни тамоман рад этиш, кўр-кўрона танқид қилиш лозим дегани эмас, балки уларга хос барча хато ва камчиликларни англаб, яхши ва ижобий жиҳатларидан фойдаланиш демакдир. Ана шундай танқидий ёндашув ва ворислик фалсафанинг муҳим хусусиятларидан биридир.

Бу фаннинг олдига қўйилган вазифаларга ва унинг ҳаётдаги ўрнига қараб, ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида унга бўлган муносабат ҳам ўзгариб борган. Бу муносабатлар дастлабки фанлар пайдо бўлиб ва уларнинг баъзилари фалсафадан ажралиб, алоҳида мустақил фан соҳасига айлана бошлаган даврлардаёқ шакллана бошлаган.

Фалсафанинг ижтимоий онг тизимида тутган ўрни, жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамияти нимадан иборат, деган масала ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлган. Айниқса, тарихий тараққиётнинг туб бурилиш даврларида фалсафанинг асл моҳиятини билиш, унинг усул ва ғоялари кучидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этган.

Фалсафа, сирасини айтганда, ижтимоий тафаккур ривожи ютуғи ва инсоният маънавий тараққиёти маҳсулидир. У кишиларнинг оламни билиш, ўзлаштириш, фаровон ҳаёт кечириш ва ўз инсоний салоҳиятларини намоён этиш эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир. Фалсафий таълимотлар ҳамма даврларда ҳам инсониятнинг илғор тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган ва инсоният маданиятини янада юксакроқ босқичга кўтаришга хизмат қилган.

Ҳар бир фалсафий ғоя, мафкура, билимлар тизими асосан ўз даври хусусиятларини акс эттирган. Улар замон руҳи ва маънавиятини ўзида мужассамлаштирган, давр муаммоларини ҳал этишда қўл келган. Шунинг учун Афлотун, Форобий ва Беруний, Навоий ва Хегелнинг асар ва таълимотларида улар яшаб ўтган давр ғоялари акс этган.

Кишилик жамияти ҳеч қачон бир текис ва силлиқ ривожланмаган. Тараққиёт ортидан инқирозлар, ютуқлар кетидан мағлубиятлар, фаровонликлар изидан заволга юз тутишлар таъқиб этган. Муайян жамият иқтисодий-сиёсий, ахлоқий-диний, бадиий-эстетик тараққиёт борасида инқирозга дуч келар экан, ундан чиқиб кетиш учун илғор фалсафий таълимотларга эҳтиёж сезади.

Шунинг учун ҳам буюк фалсафий таълимотларни, бир томондан, маданий-интеллектуал ривожланиш самараси, иккинчи томондан, туб ижтимоий ўзгаришлар тақозоси дейиш мумкин. Муайян тарихий бурилиш даврида «Фалсафа нима ўзиғ» деган масала долзарб аҳамият касб этиши ҳам шундан. Ана шундай даврларда кишилар фалсафанинг моҳияти, унинг мақсад ва вазифаларини янгича идрок этганлар.

Қадимги Юнонистон ва Рим давридан буён ўтган икки минг йилдан зиёдроқ вақт мобайнида «Фалсафа энди йўқ бўлди, уни ўрганишнинг ҳеч бир зарурати қолмади» қабилидаги гаплар кўп бўлган. Лекин замонлар ўтиши билан одамзод

барибир фалсафага эҳтиёж сезган ва у инсоннинг маънавий камолотида беқиёс аҳамият касб этишига қайта-қайта ишонч ҳосил қилган.

Бу жиҳатдан қуйидаги ривоят жуда ибратлидир. Милоддан олдинги биринчи асрда яшаб ўтган буюк файласуф Лукрецийнинг шогирдларидан бири унга қараб, «устоз, фаннинг бошқа соҳаларига оид илмлар жуда кўпайиб кетди. Энди фалсафани ўрганишнинг ҳожати бормиканғ» дебди. Шунда улуғ файласуф бамайлихотир гап бошлаб, «Фалсафани Сукрот, Афлотун, Арасту каби буюк алломалар яратган. Лекин эндиликда инсониятнинг ана шундай буюк мутафаккирлари яратган бу фанни ўрганмаслик ҳар қайси нодоннинг ҳам қўлидан келадиган иш бўлиб қолди», деган экан.

Фалсафа кишиларга олам тўғрисида яхлит тасаввур беради, бошқа фанлар эса, унинг айрим жиҳатларини ўрганади. Масалан, биология ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, турларининг келиб чиқиши, ўзгариши ва такомиллашиб бориши каби масалаларни ўрганади. Бу соҳага оид фанлар ушбу йўналишдаги жараёнларнинг баъзи хусусият ва жиҳатларини чуқуррoқ тадқиқ этишга ҳаракат қилади. Бинобарин, биолог ҳар қандай ривожланиш жараёни билан эмас, балки фақат жонли танадаги ривожланиш жараёни билан қизиқади. Умуман, ривожланиш жараёнининг ўзи нима, унинг моҳияти қандайғ Масаланинг айнан шу тахлитда қўйилиши илмий муаммоларни фалсафий масалага айлантиради. Яъни, шу тариқа муайян мавзу оддий илм соҳасидаги йўналишдан фалсафий муаммо тусини олади.

Энди **Файласуф ким,** деган саволга жавоб берайлик. Философ сўзини, юқорида айтганимиздек илк бор буюк математик ва мутафаккир Пифагор қўллаган. Бу тушунчанинг маъносини у Олимпия ўйинлари мисолида қуйидагича тушунтириб берган: анжуманга келадиган бир гуруҳ кишилар беллашиш, куч синашиш, яъни ўзи ва ўзлигини намоён этиш учун, иккинчи бир гуруҳ - савдо-сотиқ қилиш, бойлигини кўпайтириш учун, учинчиси эса, ўйиндан маънавий озиқ олиш, ҳақиқатни билиш ва аниқлашни мақсад қилиб олади. Ана шу учинчи гуруҳга мансуб кишилар, Пифагор талқинига кўра, файласуфлар эди.

Бу, бир қарашда, оддий ва жўн мисолга ўхшайди. Аммо унинг маъноси ниҳоятда теран. Чунки, инсон умрининг ўзи ҳам шундай. «Дунё театрга ўхшайди, унга келган ҳар бир киши саҳнага чиқади ва ўз ролини ўйнаб дунёни тарк этади», деган фикр бежиз айтилмаган. Кимдир бу дунёга унинг сир-асрорлари тўғрисида бош ҳам қотирмасдан келиб кетади, умрини ейиш-ичиш, уй-рўзғор ташвишлари билан ўтказади. Бошқаси - нафс балосига берилиб, мол-мулкка ружу қўяди. Учинчиси эса, олам ҳикматларини ўрганади, умрини хайрли ва савоб ишларга сарфлайди, бошқалар учун ибрат бўларли ҳаёт кечиради.

Қадимги Шарқ ва Юнонистонда ҳар томонлама чуқур билим ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, инсон маънавиятини бойитиш ва ҳақиқатни билишга интилувчи кишиларни файласуф деб атаганлар. Фозил ва комил инсонларгина фалсафа билан шуғулланганлар. Аслида, ўша даврларда фалсафани ўрганиш дейилганда, илмнинг асосларини эгаллаш кўзда тутилган. Грек мутафаккири Гераклит (эрамиздан аввалги 520-460 йилларда яшаган) шогирдларига мурожаат қилиб, «Дўстим, сен ҳали ёшсан, умрингни бекор ўтказмай десанг, фалсафани ўрган», деганда айнан ана шу ҳақиқатни назарда тутган.

Бошқа бир буюк грек файласуфи Эпикур (эрамиздан аввалги 470-399 йилларда яшаган) бу ҳақиқатни қуйдагича ифода этган: «Ўз-ўзингни ерга уриш, тубанлашиш нодонликдан бошқа нарса эмас, ўзлигингдан юқори туриш эса - файласуфликдир».

Лев Толстой донишманд кишиларнинг уч хислатини алоҳида таъкидлаб, шундай ёзган: «Улар, аввало, бошқаларга берган маслаҳатларига ўзлари амал

қиладилар; иккинчидан, ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайдилар; учинчидан, атрофидаги кишиларнинг нуқсонларига сабр-тоқат билан чидайдилар».

Худди шунингдек, Шарқда ҳам Конфуций ва Моний, Хоразмий ва Форобий, имом Бухорий ва имом Термизий, Беруний ва ибн Сино, Нақшбанд ва Навоий каби донишманд боболаримиз ўз ҳаётий кузатишлари ва тажрибаларини умумлаштириш, инсонга хос хато ва камчиликлардан сабоқ чиқариш, башарият томонидан тўпланган билим ва тажрибаларни ўзлаштириш орқали файласуф даражасига кўтарилганлар.

Умуман олганда, билимдон кишиларнинг барчасини ҳам донишманд ёки мутафаккир деб бўлмайди. Ҳақиқий файласуфлар ҳаётда ниҳоятда кам бўлади. Улар ўз даври ва миллатининг фарзанди сифатида инсоният тарихига катта таъсир кўрсатади. Худонинг ўзи ақл-заковат, истеъдод, куч-кувват ато этган, ёрқин тафаккурга эга бўлган бундай буюк шахслар умумбашарий тараққиёт миқёсида танилган, теран инсоний ғоялар, маънавий бойликларнинг қадр-қимматини чуқур англайдиган донишманд одамлар бўлган[1].

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда бизда фалсафа ихтисослиги бўйича маълумот олган мутахассисни файласуф дейиш одат тусига кириб қолди. Аслида, файласуф сўзи ана шу тарзда ишлатилганида ушбу соҳанинг замонавий мутахассиси, унинг асосларини эгаллаган, мазкур йўналишда тадқиқот олиб борадиган ёки илмий даражага эга бўлган кишилар тушунилади, холос.

**Фалсафа фанининг муаммолари,** ўз хусусиятларига кўра, азалий ва ёки ўткинчи бўлиши мумкин. Азалий муаммолар инсоният пайдо бўлган даврдаёқ вужудга келган бўлиб, токи одамзод мавжуд экан, яшайверади. Чунки инсоният тараққиётининг ҳар бир босқичида ушбу муаммолар янгидан кун тартибига қўйилаверади. Уларни ўрганиш жараёнида илм-фан тараққий этиб боради.

Олам ва одам муносабатлари, дунёнинг мавжудлиги, борлиқнинг воқелиги, ундаги ўзаро алоқадорлик ва тараққий этиш, инсоният ҳаётидаги адолат ва ҳақиқат, яхшилик ва ёмонлик, уруш ва тинчлик, умрнинг мазмуни, табиат ва жамият тараққиётининг асосий тамойиллари билан боғлиқ кўпдан-кўп масалалар фалсафа ва фалсафий билим соҳаларининг азалий муаммолари сирасига киради.

Фалсафада оламнинг асосида нима ётади, уни воқе этиб турган нарсанинг моҳияти нимадан иборат, деган масалалар ниҳоятда узоқ тарихга эга. Қадимги Юнонистон ва Римда бу масала **«Субстанция»** тушунчаси ва унинг мазмунини қандай тушунилишига қараб ўзига хос ифодаланган. Субстанция деганда олам ва дунёдаги нарсаларнинг моҳияти тўғрисидаги фикр тушунилган. Юнонистон файласуфи ва математиги Пифагор ҳамма нарса сонлардан ташкил топган деган бўлса, Афлотун субстанция — ғоялардир деган, Демокрит эса, оламнинг асосида атомлар (атом тушунчаси ўша даврда бўлинмас заррача маъносида ишлатилган) ётади деб тушунтирган.

Бу масалаларни қай тарзда ҳал қилинишига қараб фарқланадиган фалсафий оқим ва йўналишлар ҳам йўқ эмас. Масалан, оламнинг асосида нима ётади, унинг моҳияти нимадан иборат деган масалада монизм, дуализм, плюрализм, материализм ва идеализм каби қатор фалсафий қарашлар шаклланган.

---

[1] Ислом Каримов. «Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир»: «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. - Т.: «Ўзбекистон», 2000.

**Монизм** (юнонча — монос, яъни якка маъносини англатади) — оламнинг асоси якаю-ягона сабабга, битта асосга эга деб таълим берадиган фалсафий таълимотдир.

**Дуализм** (лотин тилида дуа, яъни икки деган маънони ифодалайди) — оламнинг асосида иккита асос, яъни модда ва материя билан бирга руҳ ва ғоя, яъни идея ётади деювчи қараш.

**Плюрализм** (лотин тилида плюрал, яъни кўплик деган маънони англатади) — оламнинг асосида кўп нарса ва идеялар ётади деб эътироф этадиган таълимотдир.

**Материализм** — оламнинг асосида материя, яъни моддий нарсалар ётишини эътироф этадиган, моддийликни устувор деб биладиган таълимот.

**Идеализм —** оламнинг асосида руҳ ёки ғоялар (идеялар) ётади, дунё воқелиги ва ривожида идеяларни устувор деб таълим берадиган фалсафий таълимот.

Фалсафада дунёни англаш, унинг умумий қонуниятларини билиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу масалалар билан фалсафанинг гносеология (гносис — билиш, логос — таълимот) деган соҳаси шуғулланади. Дунёни билиш мумкин деб ҳисоблайдиган файласуфларни - **гностиклар;** оламни билиш мумкин эмас, билимларимиз тўғри ва аниқ ҳақиқат даражасига кўтарила олмайди деювчиларни эса - **агностиклар** (юнонча — билиб бўлмайди деган маънони англатади) деб юритилади.

Оламдаги ўзгариш, ривожланиш, умумий алоқадорлик ва тараққиётнинг қай тарзда амалга ошиши, қандай содир бўлиши каби масалалар ҳам фалсафанинг азалий муаммолари қаторига киради. Фалсафада ана шу мавзуларга муносабат ва улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қараб фарқланадиган бир неча таълимот, қараш, усул ва методлар бор. Диалектика, метафизика, софистика, эклектика, догматика кабилар шулар жумласидандир. Уларнинг тарихи ниҳоятда узоқ бўлиб, Қадимги Юнонистон ва Рим давридан (милоддан олдинги VII — I аср) бошланади. Кейинги йилларда синергетика ҳам фалсафий метод ва таълимот сифатида талқин этилмоқда. Фалсафий методлар олам қонуниятларини тушунишга ёрдам беради ва бу усуллардан файласуфлар ўз тадқиқотларини амалга ошириш ёки изланишларининг натижаларини изоҳлашда фойдаланадилар.

**Диалектика** - грек тилида бахс ва суҳбатлашиш санъати деган маънони англатади. Антик дунё файласуфлари уни ҳақиқатга эришиш йўли ва усули сифатида талқин этганлар. Ҳозирги даврга келиб диалектика оламдаги нарса ва ҳодисалар доимо ўзгаришда, ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликда, тараққиёт ва ривожланишда деб тушунишдир. Унга кўра, оламда ўз ўрнига ва жойига, яшаш вақти ва ҳаракат йўналишига эга бўлган барча нарсалар ва воқеалар бир-бирлари билан боғлиқ ва алоқадор тарзда, бир-бирларини тақозо этадиган, доимий ва такрорланиб турадиган боғланишлар орқали намоён бўлади.

Масалан инсоният тарихига бу усулга асосан ёндошилганида, у узлуксиз тарзда рўй берадиган авлодлар ўрин алмашуви, бирининг ўрнига иккинчиси келиши, муайян қадриятларни мерос қолдириши ва янгиликнинг эскиликни инкор қилишидан иборат доимий ва такрорланиб турадиган жараёндир. Башариятнинг муайян даврида эса, шу замоннинг ижтимоий манзарасини белгилайдиган турли уруғ ёки қабилалар, давлат, миллат ва халқлар, оқим ва йўналишлар, ғоя ва мафкураларнинг хилма-хил шаклларини кўриш, уларнинг бир-бири билан узвий алоқадорликда намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Тараққиёт жараёнида авлодлар, даврлар, сиёсий тузумлар, умуман ижтимоий воқеа ва ҳодисалар ўз-ўзидан автоматик тарзда содир бўлиб, ном-нишонсиз йўқолиб кетмайди. Балки уларнинг барчаси инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва

муносабатларнинг ҳосиласи, ижтимоий жараёнларнинг натижаси, бирор сабабнинг оқибати сифатида намоён бўлади. Бир давр иккинчисининг ўрнига, бир авлод олдингисидан кейин, бир воқеа бошқасининг ортидан содир бўлиб туради. Ана шу абадий ва азалий узлуксизлик, доимий алоқадорлик, вақтнинг орқага қайтмаслиги ва воқеаларнинг кетма-кетлиги тарзидаги боғланишлар, ривожланиш ва тараққиёт, оламнинг ранг-баранглиги ва уйғунлиги диалектиканинг асосий тамойилларини ташкил қилади.

Фалсафада мазкур тамойилларга асосланган тафаккурни - диалектик тафаккур, ана шундай дунёқарашни - диалектик дунёқараш, ёндашувни - диалектик ёндашув, методни - диалектик метод деб аташ анъанага айланган. Шу билан бирга у ёки бу олимнинг ушбу тамойилларга асосланадиган дунёқараши, фалсафий таълимотлари ҳам бор. Масалан, Демокрит ва Гераклит диалектикаси, Кант ёки Ҳегел диалектикаси дейилганда ана шундай ҳол назарда тутилади.

**Метафизика** - грекча сўз бўлиб, луғавий маънода «физикадан кейин» деган мазмунни ифодалайди. Бу тушунча, фалсафа тарихида биринчи марта, Қадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи Аристотелнинг «Илк фалсафа» деб аталган асарларига нисбатан ишлатилган. Кўп ҳолларда, диалектикага қарама-қарши деб талқин этиладиган метафизика оламдаги нарса ва ҳодисаларни ўрганишда уларнинг муайян вақт давомида нисбатан ўзгармасдан, алоҳида турган ҳолатига диққатни кўпроқ қаратадиган усулдир. Бу усул қўлланганида оламнинг намоён бўлиш шакллари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг алоҳида қисми ёки ҳолатига асосий эътибор берилади. Воқеа, ҳодиса ва жараёнларни доимий ўзгариш ҳолатида ўрганиш ниҳоятда қийин бўлганлигидан, нафақат файласуфлар, балки барча фан мутахассислари унинг нисбатан тинч ва ўзгармай турган ҳолатини ўрганадилар, тадқиқ этадилар.

Аслини олганда олам гарчанд диалектик ўзгариш ва ҳаракатда бўлсада, бу жараён доимо ҳам ниҳоятда тез содир бўлавермайди. Биз эса дунёдаги нарса, ҳодиса ва одамларга шунчалик метафизик тарзда ўрганиб қолганмизки, гўё кечадан бугуннинг фарқи йўқдек, кеча кўрган кишига бугун дуч келганимизда унда ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмагандай туюлади. Шу маънода, ҳаётда кўп ҳолларда метафизик усулда фикр юритамиз, нималаргадир ана шундай муносабатда бўламиз. Аслида эса улар ҳам азалий ўзгаришлар жараёнига тушган нарса ва кишилар эканлигини жуда камдан-кам ҳолларда ўйлаб кўрамиз. Худди шундай, бизнинг умримиз ҳам кечадан эртага қараб оқиб турадиган диалектик жараёндир. Биз ҳам ана шундай ўзгариб борамиз, аммо кўп ҳолларда бунга унчалик кўп эътибор берилавермайди. Шу тариқа мактабни тугатиб қўйганимизни, улғайганимизни, болаликнинг ортда қолганини гўёки билмай қоламиз...

Алоҳида таъкидлаш лозимки, метафизик усулнинг ҳам ҳаётда, илмий изланишлар ва фалсафий тадқиқотларда ўз ўрни бор. Бизда ҳалигача метафизиканинг тушунчалари, категориялари, тамойиллари ва илмий моҳияти изоҳланган ёхуд тадқиқ этилган асарлар ва тадқиқотлар йўқ. Қолаверса уни диалектика билан бутунлай қарши қилиб қўйиш ва бу фарқни мутлақ зиддият даражасига кўтариш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Айнан ана шундай ёндашув собиқ иттифоқда диалектикани мутлақлаштиришга, метафизикани эса қуруқ ва ўлик таълимот сифатида қарашга, унинг имкониятларидан фойдаланилмаслигига сабаб бўлди.

**Софистика** — қадимги Юнонистон фалсафасида вужудга келган тафаккур усулидир. Кўпгина дарслик ва қўлланмаларда бу ибора юнон тилидаги «sopism» сўзи асосида, яъни атайлаб хилма-хил маънога эга бўлган тушунчаларни ишлатиш орқали керакли, аммо ҳақиқатга тўғри келмайдиган, кўчма маъно-мазмунга

эришиш усули, деб таъкидланади. Бу усул қўлланилганда фикрнинг мазмуни кўчма маънода баён қилинади, яъни «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» деганга ўхшаш ҳолат назарда тутилади. У нафақат Қадимги Юнонистон, балки ўрта асрларда Европада ҳам кенг тарқалган. Агар бу усул ёлғон хулосаларга олиб келса, нега ўз даврининг кўпгина доно кишилари ундан фойдаланганлар, деган савол туғилиши мумкин. Маълумки, инсоният тарихида ҳурфикрлилик ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатни тўғри ифодалашнинг иложи қолмаган замонлар кўп бўлган. Бундай ҳолни инквизиция ҳукмрон бўлган ўрта асрлар Европасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Ўша даврда ҳам кўпгина зиёлиларнинг ана шу усулга суянмасдан иложи йўқ эди. Умуман олганда, «дўппи тор келиб қолган» ана шундай замонларда фикрни Гулханийнинг машҳур «Зарбулмасал» асари каби ифодалаш ҳоллари учраб туради. Буни ўрта асрлар Европасига нисбатан олсак, унда Сервантеснинг «Дон Кихот» асари нима сабабдан шундай ёзилганлиги, унинг бош қаҳрамони эса нима учун шамол тегирмонларига қарши жанг қилганлиги ва бу лавҳалар замирида қандай ботиний мазмун яширингани аниқ бўлади.

**Синергетика** — оламнинг ўз-ўзини ташкил этиши, макон ва замонда нарса ва воқеаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муайян тизимлардан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга асосланган илмий қарашлар мажмуидир. У асосан, ХХ асрнинг иккинчи ярмида шаклланган таълимот бўлиб, асосчиси Нобель мукофоти совриндори Н. Пригожиндир. Бу таълимотни диалектика асосида шаклланган ва уни тўлдирадиган илмий қарашлар мажмуаси дейдиганлар ҳам бор. Уларга қарши ўлароқ, диалектика энди керак эмас, уни синергетика билан алмаштириш лозим деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас.

Бизнингча, синергетиканинг ХХ асрдаги шахдам одимлари ўрта асрларда Европада аниқ фанлар соҳасида индукция ва дедукция усулларининг муваффақиятли қўллангани, катта мавқега эга бўлгани ва пировард натижада, фалсафий методга айланганини эслатади. Синергетикани ХХ аср табиий фанларининг фалсафа соҳасига киритаётган энг катта ютуқларидан бири сифатида баҳолаш мумкин. Аммо, бу унинг диалектикани фалсафадан бутунлай суриб чиқаради дегани эмас. Зеро, фалсафада ҳар бир таълимот, услуб ва методнинг ўз ўрни ва фаолият доираси бор. Диалектиканинг фалсафадаги аҳамиятига келганда эса, унинг ижтимоий билимлар соҳасидаги ўрни, қадр-қиммати ниҳоятда катта ва у фалсафанинг асосий қисмларидан бири бўлиб қолаверади.

Ана шундай турли-туман қарашларга асос бўлган масалалар ҳанузгача озми-кўпми ҳар бир файласуф ва фалсафий оқим ёки таълимотларда ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда. Биз уларга кейинги бўлимларда кенгроқ тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Фалсафанинг умумбашарий фан экани, унинг баҳс мавзулари ва асосий муаммоларини белгилаб беради. Шу маънода одам ва олам, уларнинг ибтидоси ва интиҳоси, ҳаёти ва ўзаро муносабатлари, инсон тафаккури, табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари фалсафа учун азалий муаммолардир. Шу билан бирга, муайян даврда туғиладиган ва ҳал этиладиган ўткинчи муаммолар ҳам бўлади. Улар абадий муаммолар даражасига кўтарилмаса-да, ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққани учун, муҳим аҳамият касб этади.

Фалсафа янги ғояларнинг туғилишига имкон беради. Ҳаёт, ижтимоий тажриба билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. У тарихий давр билан мустаҳкам алоқадорликда тараққий этади. Ҳар бир тарихий давр, унинг олдига янги масала ва муаммоларни қўяди. Фалсафий муаммолар бевосита ҳаёт заруратидан туғилади. Айнан улар орқали фалсафада даврнинг тараққиёт тамойиллари ва ўзига хос

хусусиятлари акс этади. Масалан, ҳозирги даврда истиқлол мафкураси фалсафий асосларини изоҳлаш зарурати шу билан белгиланади.

Фалсафий таълимотларда жамият ҳаётининг барча соҳалари тарихий жараёнга хос тамойиллар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаат ва кайфиятлари, тафаккур усуллари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам муайян ижтимоий куч, синф, гуруҳ, партия ва оқимлар ўз мақсад-муддаолари ва ғояларини илмий асослашда фалсафадан фойдаланади. Фалсафадаги устувор қараш ва қоидалар давр маҳсули бўлгани учун, замоннинг тараққиёт тамойиллари ва муаммолари унда ўз ифодасини топади.

**Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик тамойили.** Албатта, фалсафа умуминсоний фан сифатида башариятга доир умумий муаммоларни қамраб олади. Маълумки, олам ва одам муносабатлари, жамият ва табиатни асраш, умрни мазмунли ўтказиш, яхшилик ва ёмонлик каби қадриятлар билан боғлиқ масалаларнинг барчаси инсоният учун умумий. Аммо фалсафада муайян миллий хусусият, мақсад ва интилишлар ҳам ўз ифодасини топади. Аслида, юқорида зикр этилган умуминсоний мавзу, масала ва муаммоларнинг барчаси аввал-бошда хусусий, миллий, минтақавий аҳамиятга молик масалалар тарзида намоён бўлади. Ўз юрти, миллати, ота-онаси ва ёр-биродарларини севган ватанпарвар инсон, аввало, ана шуларнинг камоли учун қайғуради, уларни ўйлайди, уларга хизмат қилишни олий саодат деб билади. Бундай шахс дунёқарашида ана шу жиҳат ва хусусиятлар албатта акс этади. Бу эса, ўз навбатида, умуминсоний фан бўлган фалсафада миллийликнинг акс этишига асос бўлади. Умуминсонийлик — ватансизлик (космополитизм) бўлмагани сингари, миллийлик ҳам — миллий қобиққа ўралиш, миллий маҳдудлик дегани эмас.

Лекин сизнинг хаёлингизда беихтиёр «**Миллий фалсафа бўлиши мумкинмиғ** Ахир, юқорида фалсафага ўз моҳияти билан умуминсоний фандир, деган таъриф берилди-куғ» - деган саволлар чарх уриши мумкин. Бу — ўзига хос миллий тараққиёт йўлидан кетаётган барча халқлар фалсафаси учун дахлдор бўлган саволлардир. Агар биз юқорида қайд этилган муаммоларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда бу йўналишни ривожлантириш зарурати етилганини англаймиз.

Фалсафий адабиётларда миллий фалсафа мавзуида турлича фикрлар мавжуд. Айрим файласуфлар, аслида миллий фалсафа бўлиши мумкин эмас, бундай ёндашувнинг ўзи этник маҳдудликка олиб келади, деб ҳисоблайди. Бошқалари эса, модомики, миллий фалсафа миллий ғоя ва мафкурани шакллантиришниг назарий асоси экан, ҳар қандай умумий қонуниятлар муайян ижтимоий макон ва тарихий замонда хусусий ҳолда намоён бўлади, дея миллий фалсафани ёқлаб чиқади.

Биз миллат бор экан, миллий маданият, тил ва адабиёт ҳам мавжуд деган фикрга ўрганиб қолганмиз. Аслида, уларнинг барчаси нафақат бир миллатга, балки бутун инсониятга хос-ку! Бизнинг назаримизда, миллий фалсафа миллат менталитетини белгилайдиган муҳим омилдир. Умумбашарий цивилизацияга узвий қўшилиш жараёни миллий фалсафани яратиш орқали содир бўлади. Энг муҳими — фалсафадаги миллийлик умуминсонийликни рад қилиш эвазига эмас, балки уни ижодий бойитиш орқали ривожланиб боради.

Фалсафа тарихига назар ташлайдиган бўлсак, айрим миллий фалсафаларнинг умуминсоний маънавият хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганини кўрамиз. Масалан, Рим империяси заволга юз тутганидан кейин ўз миллий давлатчилигига эга бўлган Европа мамлакатларида, ўрта асрларга келиб, миллий фалсафа яратиш имкони туғилди. (Ўрта аср Европа маданиятига бағишланган мавзуда бу ҳақда

атрофлича фикр юритамиз). Тўғри, улар умумевропа ҳудудида, қадимги Юнонистон ва Рим маданияти негизида шаклланди. Уларда Европа халқларига хос умумий жиҳат ва хусусиятлар, умумэтник менталитет акс этган эди. Бу жараён аввало, Италия ва Англияда, сўнгра Францияда юз берди. Бу фалсафий мактабларнинг Ф. Бэкон ва Р. Декарт, Б. Спиноза ва Ж.Ж. Руссо каби атоқли намояндалари нафақат ўз мамлакатлари, балки Европа ва жаҳон фалсафаси тарихида ўчмас ном қолдирди. Улар, аввалambор, ўз юрти, ўз миллати шаъну шарафини юксакликка кўтариш, тараққиётга олиб чиқиш учун илғор ғояларни ўртага ташлаган, давр тақозо этган мафкуранинг шаклланишига ҳисса қўшган.

Худди шундай, XV111-X1X асрларда миллийлик ва жаҳон фалсафасининг тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатган ҳудуд Пруссия бўлди. Узоқ вақт Австрия-Венгрия империяси таркибида бўлган бу ўлка мустақилликка эришиб, миллий давлатчилигини тиклаганидан кейин, миллий озодликнинг фалсафий инъикоси ўлароқ И. Кант, И. Ҳегел, Фихте, Шеллинг, Фейербах каби донишмандлар томонидан асосланган немис фалсафаси шаклланди. Кейинчалик бу фалсафа Ничше, Фрейд каби кўплаб файласуфлар томонидан ривожлантирилди. Ушбу фалсафа мактабининг атоқли намояндаси ҳисобланган Ҳегел таълимоти эса, Прусс монархиясининг давлат мафкураси мақомини олди. Ҳамма нарсанинг ўткинчи эканлигини ниҳоятда яхши биладиган, янги замоннинг Арастуси номини олган Ҳегел Прусс монархиясининг ўткинчи эканлигини билмасмидиғ Нима сабабдан у диалектик таълимоти эмас, балки монархияга хизмат қилган фалсафий системасининг мукаммалроқ бўлиши учун кўпроқ куч сарфладиғ деган саволлар ҳалигача файласуфларни ўйлантириб келади.

Хўш, нима сабабдан Ҳегел бу йўлдан бордиғ Чунки, Ҳегел ўз даврининг, ўз халқининг фарзанди эди. У мустақил немис миллий давлати — Прусс монархияси даврининг маҳсули, ўша давр фалсафасининг намояндаси эди. У «Файласуфлар осмондан ёмғир каби ёғилмайдилар ёки ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардек ердан ўсиб чиқмайдилар, балки уларни халқ яратади» деганида айнан ана шуни назарда тутган эди. Ҳегел ўз ижоди ва фаолияти билан Прусс монархияси, гарчанд монархия шаклида бўлсада, немис давлати эканлигини ўз миллатининг онги ва дунёқарашини таркибий қисмига айлантириб кета олган буюк файласуф эди. Унинг «Ақлга мувофиқ нарсаларнинг барчаси воқедир, воқе бўлган нарсаларнинг барчаси эса ақлга мувофиқдир», деган сўзларини ҳам ана шу маънода тушуниш лозим. Ҳегелнинг бу масалада диалектик эмас, балки метафизик усулга кўпроқ эътибор берганлигининг сабаби ҳам ана шунда.

Ўша давргача, Рим империяси қулаганидан кейин кўпроқ тарқоқ ҳудудларга бўлиниб, Австрия-Венгрия имсперияси таркибида яшаб келган немис миллати учун Прусс монархияси — миллий давлат эди. Унинг шакли-шамойили келажакда ўзгариши бошқа масала бўлгани ҳолда, бу давлатнинг Европада немис миллий давлати тарзида сақланиб қолиши, унинг миллат фалсафасига айланиши билан боғлиқ эди. Миллат фалсафасига, унинг дунёқарашига айланган миллий давлатчилик ғояси ҳеч қачон сўнмайди, гарчанд юртни ёвлар асрлар давомида босиб турсаларда, қачондир барибир қад ростлайди ва миллатнинг давлати тарзида яна қайта намоён бўлади. Ҳегел ўз миллатининг фалсафаси ва дунёқашига ўша давлатнинг шакли-шамойилини ва мазмун-моҳиятини сингдириб кета олган файласуф даражасига кўтарилгани учун ҳам бу миллат тарихида ва у орқали, жаҳон фалсафаси тарихида абадий қолади. Миллийлик ва умумевропа маданиятидан баҳра олган бу фалсафа ҳалигача ўз жозибасини йўқотмаганлигининг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Шунга ўхшаш вазифани, ўз даврида, миллатимизнинг асл фарзанди Алишер Навоий ҳам бажарган. У озодликка эришган миллат фалсафасини адабиёт фалсафасига, мустақил давлат тилини адабиёт тилига айлантира олган, ўз халқининг бу соҳадаги даҳоси буюк эканлигига, нафақат замондошлари, балки келажак авлодларни ҳам ишонтириб кета олган эди. Навоий ва унинг замонига, ўша даврга хос ўзгаришларнинг бошида турган Амир Темур фаолиятига қайта-қайта мурожаат этилишининг сабабларидан бири ҳам ана шунда. Зеро, ҳар бир халқ, аввало, ўзининг тарихидан бугунги кун учун ташбеҳлар излайди ва ижтимоий тараққиёти учун асос бўладиган маънавий тамойил, анъана ва қадриятларга мурожаат қилади.

Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин миллий фалсафани шакллантириш учун имкониятлар очилди. Бугун улуғ аждодларимиз тамал тошини қўйган ўзбек миллий фалсафасини ривожлантиришнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари мавжуд. Бу борада, аввало, Президент Ислом Каримов асарларида ўзбек фалсафасининг тараққиёт қонуниятлари очиб берилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимиз фалсафа олдидаги бугунги муаммоларнинг моҳияти, уларни ҳал қилиш йўлларига алоҳида эътибор бермоқда.

Шу билан бирга, бугунги ўзбек фалсафасининг ривожини таъминлашда қуйидаги жиҳатлар алоҳида ўрин тутади:

- халқимизнинг ўз миллий анъаналарига содиқлиги;
- мамлакатимизнинг буюк келажагига ишончи;
- муқаддас қадриятларимизга ишонч-эътиқоди;
- меҳнатсеварлиги, интеллектуал салоҳияти ва бошқалар.

Ўзбек фалсафасини янада тараққий эттириш вазифаларини амалга ошириш қуйидаги муаммоларнинг ечимини топишга боғлиқ:

- биринчидан, мустамлакачилик шароитида сохталаштирилган тарихимизни ҳаққоний ёритиш фалсафий ғоялар, қарашлар тарихини ҳам холис кўрсатиб беришни тақозо қилади. Ўз даврида қимматли тарихий манбаларнинг йўқ қилингани ёки аёвсиз талон-тарож этилгани бу ишни қийинлаштирмоқда;
- иккинчидан, мавжуд манбалар араб ёки форс тилларида эканлиги, уларни биладиган файласуф олимларнинг, малакали таржимонларнинг камлиги умуминсоний маънавий меросдан баҳраманд бўлиш ва улардан ижодий фойдаланишга тўсиқ бўлмоқда;
- учинчидан, одамлар онгидан мустабид тузумнинг сохта ғояларини, улар қолдирган асоратларни сиқиб чиқариш, мафкуравий бўшлиқни янги ғоялар билан тўлдириш, истиқлол мафкурасини шакллантириш муайян вақтни тақозо қилади.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш бугунги фалсафа масалалари билан шуғулланувчи олим ва тадқиқотчилар зиммасига ниҳоятда катта масъулият юклайди. Бунда, энг аввало, мазкур соҳага алоқадор ҳар бир юртдошимиз дунёқарашининг миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ўзгариши ниҳоятда муҳимдир. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этилаётган ҳозирги даврда бу жараённинг қандай бориши янги фалсафий онгнинг шаклланишига муайян даражада таъсир кўрсатади.

**Дунёқараш тушунчаси.** *Ҳар бир кишининг дунёга нисбатан ўз қараши, ўзи ва ўзгалар, ҳаёт ва олам тўғрисидаги тасаввурлари, хулосалари бўлади. Ана шу тасаввурлар, тушунчалар, қараш ва хулосалар муайян кишининг бошқа одамларга муносабати ва кундалик фаолиятининг мазмунини белгилайди. Шу маънода, дунёқараш - инсоннинг теварак атрофини қуршаб турган воқелик тўғрисидаги, оламнинг моҳияти, тузилиши, ўзининг ундаги ўрни ҳақидаги қарашлар,*

*тасаввурлар, билимлар тизимидир. Дунёқараш - оламни энг умумий тарзда тасаввур қилиш, идрок этиш ва билишдир.*

*Дунёқарашнинг бир кишига ёки алоҳида шахсга хос шакли индивидуал дунёқараш дейилади. Гуруҳ, партия, миллат ёки бутун жамиятга хос дунёқарашлар мажмуаси эса, ижтимоий дунёқараш деб юритилади. Ижтимоий дунёқараш индивидуал дунёқарашлар йиғиндисидан дунёга келади, дейиш мумкин. Бунда ижтимоий дунёқарашнинг умумий ва хусусий шаклларини ҳисобга олиш лозим.*

Кундалик ҳаётий тажрибалар асосида жамиятда, одамларда оддий, ўз-ўзича ривожланувчи (стихияли) моҳиятга эга бўлган қарашлар, тушунчалар, ғоялар шаклланади. Бу - дунёқарашнинг ўз-ўзича ривожланувчи (стихияли) шакли ҳисобланади. Уни кўпинча ҳаётий фалсафа, деб ҳам атайдилар.

Ҳаётий фалсафанинг доираси жуда кенг бўлиб, онгнинг содда намоён бўлиш шаклларини ҳам, оқилона ва соғлом фикрларни ҳам ўз ичига олади. Ҳаётий фалсафа ёки оддий амалий дунёқарашнинг ўзига хос турини инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги билим ва тажрибалар таъсирида шаклланаётган қарашлар ташкил этади. «Ҳар кимнинг ўз фалсафаси бор» дейилганида ана шу ҳол англашилади. Демак, дунёқараш ўзининг кундалик оммавий шаклларида чуқур ва етарли даражада асосланмаган стихияли характерга эга. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда кундалик тафаккур муҳим масалаларни тўғри тушунтириш ва баҳолашга ожизлик қилади. Бунинг учун оламни илмий таҳлил қилиш ва билиш зарур.

**Дунёқарашнинг тарихийлик тамойили.** *Дунёқараш муайян даврда шаклланади. Шу маънода, ҳар қандай дунёқараш ижтимоий-тарихий моҳиятга эга бўлиб, кишиларнинг умри, амалий фаолияти, ҳаёти, табиатга таъсири ва меҳнати жараёнида вужудга келади. Ҳар бир даврда ижтимоий гуруҳ, жамият ва авлоднинг ўз дунёқараши мавжудлиги ҳам бу тушунчанинг тарихий моҳиятга эга эканини кўрсатади.*

*Дунёқарашнинг тарихийлиги яна шундаки, у маълум диалектик жараёнда такомиллашиб боради. Унинг шакллари ўзгаради, тарихий кўринишлари муттасил янгиланиб туради.*

*Маълумки, инсоният тараққиётининг илк босқичларида дунёқараш ниҳоятда оддий бўлган. Агар шундай бўлмаганида, ҳар қандай жисм ўз ҳажмига тенг суюқлик миқдорини сиқиб чиқариш хоссасига эга эканини кашф этган қадимги замоннинг буюк олими Архимед ҳаммомдан ялонғоч ҳолда чиқиб, «Эврика!», яъни «Топдим!», дея қичқирмаган бўлар эди.*

Дунёқараш жамият ривожига мос равишда аста-секин такомиллашиб борган. Тараққиётнинг кейинги даврларида фан соҳасида қилинган кашфиётлар инсон дунёқараши нақадар чуқурлашиб, унинг билимлар доираси кенгайиб кетганини кўрсатади. Бунда ворислик анъанаси яққол кўзга ташланади: ҳар бир даврнинг дунёқараши, ғояси ўтмишда яратилган маънавий қадриятларнинг энг яхшиларини, илғор ва ижобийларини ўзида сақлаб қолади. Шу асосда янги тамойилларга эга бўлган дунёқараш ҳам такомиллашиб боради. Оддий буғ машинасидан космик ракеталаргача бўлган фан-техника тараққиёти бунга яққол мисол бўла олади.

**Фалсафий дунёқараш.** Бу тушунчанинг мазмуни инсоннинг оламга, воқеа ва ҳодисаларга, ўзгаларга ва уларнинг фаолиятига, ўз умри ва унинг мазмуни каби кўпдан-кўп тушунчаларга муносабати, уларни англаши, тушуниши, қадрлашида намоён бўлади.

Фалсафий дунёқараш кундалик фаолият, дунёвий, диний, илмий билимлар, ҳаётий кузатишлар ва ижтимоий тарбия таъсирида шаклланади ҳамда

ривожланади. Фанда ижтимоий борлиқнинг барча жиҳатлари акс этади. Дунёқарашнинг шаклланишида ҳис-туйғу, ақл-идрок ва тафаккур ҳам муҳим ўрин тутиши табиий. Унинг шаклланиши кишиларнинг ҳиссий кечинма ва кайфиятларига ҳам боғлиқ бўлиб, инсон кайфиятида унинг ҳаёт шароитлари, ижтимоий аҳволи, миллий хусусияти, маданий савияси, шахсий тақдири, ёши ва ҳоказолар акс этади. Муайян давр дунёқарашида замон руҳи, ижтимоий кучларнинг кайфияти, интилиши ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, бугунги Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш зарурати истиқлол дунёқарашини шакллантиришга улкан таъсир кўрсатмоқда.

**Фалсафий дунёқараш мураккаб тузилишга эга. У** муайян билимлар, келажакка қаратилган ғоя ва мақсадлар, табиий ва ижтимоий фан ютуқлари, диний тасаввурлар, қадриятлар, ишонч, эътиқод, фикр, ҳиссиёт каби таркибий қисмлардан иборат.

Буларнинг ичида эътиқод муҳим аҳамият касб этади. У дунёқарашнинг мазмунини ташкил этадиган асослардан биридир. Эътиқод инсоннинг ўз қарашлари ва ғоялари тўғрилигига, орзу-умидларининг асосли эканига, фаолияти ва хатти-ҳаракатининг умумий мақсадларга ва талабларга мослигига бўлган чуқур ишончидан пайдо бўлади. У инсоннинг ҳиссиёти, иродаси ва фаолиятини белгилайди, уларни бошқаради, шахсни омилкорликка, самарали фаолиятга ундайди.

Фалсафий дунёқараш таркибида ҳиссиёт ва ақл муҳим ўрин тутади. Ҳиссиёт дунёқарашнинг эмоционал-руҳий жиҳати бўлиб, дунёни тушуниш эса, дунёқарашнинг ақлий шаклидир. Ҳиссиёт - қувонч, шодлик, завқланиш, ҳаёт ва касб-кордан мамнунлик ёки норозилик, ҳайратланиш, хавотирланиш, асабийлашиш, ёлғизлик, заифлик, руҳий тушкунлик, ғам-ғусса, надомат, ўз яқинлари ва ватани тақдирини ўйлаш каби хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Ана шулар барчасининг уйғунлиги дунёни ҳис этишга олиб келади. Дунёни ҳис қилиш эса, уни ақлий тушунишга, муайян дунёқарашнинг шаклланишига асос бўлади.

Инсон ақли унга хос ҳиссиёт ва тасаввурлар асосида илмий дунёқарашни шакллантиради ва такомиллаштиради. Ҳар бир кишига хос ҳиссиёт ва фикр, билим ва эътиқод, интилиш ва кайфият, орзу-умид ва қадриятлар дунёқараш таркибида яхлитлашади ва оламни бир бутун ҳолда акс эттиради. Бир бутун, яхлит дунёқарашнинг шаклланиши болаликдан бошланиб, инсон ҳаётининг охиригача давом этади. Бу ҳолат индивидуал дунёқарашнинг асосий тамойилларидан бирини ифодалайди.

Фалсафий дунёқарашнинг шаклланишида билим ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Билимда дунёқарашнинг барча белгилари мавжуд. Лекин, билим ва дунёқараш айнан бир нарса эмас. Оламни тушуниш билимлар пайдо бўлиши учун асосдир. Билим инсон онгида ҳиссий ва ақлий билиш жараёнида ҳосил бўлади, у дунёқарашнинг асоси, унинг узвий қисмидир.

Билим муайян шароитда бирон бир ҳодиса ёки нарсани баҳолашда қўл келади ва айнан ана шу жараёнда дунёқарашга айланади. Бундай баҳо бериш жараёнида мудом муайян манфаатлар асос қилиб олинади. Шунинг учун ҳам ижтимоий дунёқараш турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этади, гоҳида уларни амалга ошириш учун кураш майдони бўлиб қолади.

Бирор партия ёки гуруҳ ўз мақсадларига етишиш йўлида бутун жамият учун хос бўлган умумий ижтимоий дунёқараш таркибида кўпроқ ва салмоқлироқ жой эгаллашга ёки уни ўз манфаатлари фойдасига ўзгартиришга ҳаракат қилади.

Умуман, ҳаётда мақсадга эришишнинг энг осон ва қулай йўли ўзгалар дунёқарашини жамият фойдасига ўзгартира олишдир.

Фалсафа азал-азалдан дунёқараш бўлган. Чунки, унинг ўзи ҳаёт нима учун берилган, дунёга келишдан мақсад нима, умрни мазмунли ўтказишнинг қандай йўллари бор, деган талай саволларга жавоб топиш зарурати туфайли вужудга келган. Фалсафий дунёқараш ўзининг назарий асослангани ва пухта ишлангани билан ажралиб туради. Шу маънода, у бошқа фан ёки фаолият соҳаси учун умумий услуб вазифасини ҳам бажаради.

Агар назария билиш жараёнининг натижаси бўлса, усул (метод) шу билимга эришиш ёки уни амалга ошириш йўлини англатади. Фалсафий назария эса, бир вақтнинг ўзида усул вазифасини ҳам бажара олади. Тарихнинг бурилиш даврларида ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ва мақсадлари нечоғли тўғри экани фалсафий дунёқараш тамойилларига солиштириб аниқланади. Бунда муайян фалсафий назария умумий усул (метод) сифатида қабул қилинади. Шу сабабдан ҳам бундай даврларда фалсафий назарияларга эътибор кучаяди, тараққиёт йўлларидан бориш фалсафий моделларининг аҳамияти ортади.

*Масалан, бизнинг мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, демократик давлат қуриш борасида Ислом Каримов томонидан асослаб берилган тараққиёт йўли - «Ўзбек модели»ни амалга оширмоқда. Бу йўлнинг асосий моҳияти ислоҳотларни инқилобий тарзда эмас, тадрижий равишда олиб боришни назарда тутади. Президентимиз, айнан шу йўлни таклиф этар экан, асосий эътиборни унинг моҳият-мазмуни, тарихда қандай натижалар бергани каби масалаларга қаратган. Бунда тараққиётнинг мазкур йўли аниқ тарзда тасаввур этилган. Яъни, унинг тарихий ва замонавий жиҳатлари, умумбашарий ва минтақавий хусусиятлари, мамлакатимизнинг бугуни ва келажаги учун нақадар аҳамияти ҳар томонлама ўрганилган. Ана шу асосда керакли хулосалар чиқарилган ва уларни ҳаётга тадбиқ этишнинг асосий йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган.*

*Биз ана шу назарияни, бир томондан, тараққиётимизнинг ўзимизга хос ва мос модели деб атаймиз. Иккинчи томондан эса, уни мамлакатимиз ҳаётини тубдан ўзгартирадиган ва унинг келажагини белгилаб берадиган, миллий дунёқараш, онг ва тафаккур ривожида муҳим ўрин тутадиган умумфалсафий таянч - методология деб биламиз. Чунки, унинг тамойиллари тараққиётимизнинг асосий йўналишларини белгилайди ва шу билан бирга, бу жараёнга кучли таъсир кўрсатадиган методологик асос бўлиб хизмат қилади.*

Инсон онгли ижтимоий мавжудот бўлгани боис, унинг дунёқараши муайян эҳтиёж ва манфаатларга асосланади. Демак, ҳар қандай дунёқараш муайян инсон, ижтимоий гуруҳ ёки табақанинг ўз эҳтиёж, манфаатларидан келиб чиққан ҳолда борлиққа муносабатини ифодаловчи ғоялар, назариялар, билимлар мажмуаси, руҳий холат ва эътиқод мужассами ҳамда уларнинг намоён бўлишидир.

Фалсафий дунёқараш, моҳият-мазмунига кўра, маънавий фаолият бўлгани боис, у борлиққа бўлган онгли, инсоний муносабатнинг муайян йўналишларини вужудга келтирган. Масалан, кишиларнинг жамиятдаги ахлоқий муносабатлари - ахлоқий дунёқарашларида, ҳуқуқий муносабатлари - ҳуқуқий, сиёсий муносабатлари - сиёсий, диний муносабатлари - диний, экологик муносабатлари - экологик дунёқараш шаклларида ўз ифодасини топган. Буни тизим тарзида изоҳлайдиган бўлсак, қуйидагича кўриниш касб этади:

1. Ахлоқий.
2. Диний.
3. Ҳуқуқий.

4. Сиёсий.

5. Экологик.

6. Эстетик.

Бу тизимни ташкил қилган нисбатан мустақил дунёқараш шакллари ўзаро боғлиқликда, алоқадорликда ҳаракат қилади.

Дунёқараш тизимининг ривожланиш даражаси жамият тараққиётига мос келади ва уни ифодалаб туради. Бундан ташқари, ҳар бир тарихий даврда миллатнинг ривожланиши, унинг менталитети ва дунёқарашида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, дунёқараш тизими ва уларнинг хусусиятлари муайян инсон, ижтимоий гуруҳ, табақа ва бутун миллатнинг маънавий қиёфасини белгилаб беради.

«Дунёқараш» тушунчаси ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, тарихий хотира, маънавий баркамоллик каби туйғу ва тушунчалар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Чунки, дунёқараш айнан ана шу руҳий-ижтимоий ҳодисалар орқали ойдинлашади, умуминсоний қадриятларнинг тарихий бир бўлагига айланади.

**4. Фалсафий дунёқарашнинг тарихий шакллари** инсоният тараққиётининг қонуний натижаси бўлиб, жамият ривожланишининг маънавий мезони сифатида намоён бўлган. Тараққиётнинг дастлабки босқичларида кишиларнинг табиатга, ўзларининг ижтимоий ҳаётига бўлган муносабати турли ривоят ва афсоналарда ўз ифодасини топган. Улар шу тариқа мифологик дунёқарашни шакллантирган. Ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги курашда яхшиликнинг мудом тантана қилиши мифологик дунёқарашнинг гуманистик мазмунидан далолат беради. Хусусан, ўзбек халқи цивилизацияси жараёнида яратилган ривоят, афсона ва бошқа жанрлардаги оғзаки ижод намуналари миллатимиз тарихда қандай маънавий қиёфага эга бўлганини ҳануз кўрсатиб туради. Улар бугунги кунда жаҳон аҳлини ҳайратга солмоқда. Масалан, қадимий меросимиз намунаси - «Авесто»да яхшилик рамзи - Ахурамазда ва ёмонлик тимсоли - Ахриман ўртасидаги кураш тарихи мисолида охир-оқибатда эзгулик барибир ғалаба қозонади, яъни ёруғлик зулмат устидан ғалаба қилади, деган ғоя асосий ўринни эгаллайди ва ҳаётбахш ғоялар илгари сурилади.

**Мифологик дунёқараш** қадимги замон кишиларининг ўзларига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш эҳтиёжларидан келиб чиққан. Эзгулик ва ҳақиқат учун кураш ғояларининг ифодаси бўлган афсона ва ривоятларда миллатнинг муайян руҳий ҳолати, келажакка ишончи, ватанга муҳаббати, инсоний камолотга интилиши бадиий воситалар, афсонавий қаҳрамонлар тимсолида ифода этилган.

Дунёқарашнинг мифологик моҳияти бугунги фан-техника тараққиёти, инсоннинг ақлий салоҳияти бағоят юксалиб кетган даврда жуда жўн ва ибтидоий бўлиб кўринади. Аммо афсона ва ривоятлар ўзининг кучли жозибаси, инсонпарварлик ғоялари билан ҳозирги кунда ҳам кишиларни эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашнинг таъсирчан ва самарали омили бўлиб қолмоқда.

**Диний қарашлар.** Муайян дунёқараш таркибида диний-илоҳий қарашлар ўзига хос аҳамият касб этади. Улар инсоннинг илоҳга бўлган эътиқоди билан боғлиқ бўлиб, вужудга келишига кўра, бошқа дунёқараш шакллари каби, муайян асосларга эга.

Мифологик дунёқараш афсонавий кучларни эътироф этиш билан боғлиқ бўлса, диний дунёқараш илоҳий қудратларга эътиқод қўйиш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу дунёқараш шаклини инсон қалбидаги қуйидаги ҳолатлар белгилайди:

- эмоционал-руҳий ҳолатлар;

- иймон-эътиқод;

- иймон-эътиқоднинг хатти-ҳаракатларда ифода этилиши.

Булар айни пайтда диний дунёқарашнинг асосий тамойилларини ҳам ташкил қилади.

Диний дунёқараш ҳар бир даврда муайян ижтимоий вазифаларни бажариб келган. «Дин, шу жумладан ислом дини ҳам, минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган»[1].

Жамият ҳаётида ҳар қандай, шу жумладан, диний дунёқарашнинг ўрни ва аҳамиятини ҳам сунъий равишида мутлақлаштириш, салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳол айниқса, диний фундаментализм ва экстремизм инсоният учун жиддий хавфга айланган ҳозирги даврда яққол намоён бўлмоқда.

Ҳозирги даврда фан, техника, дунёвий илмларнинг кучайиб кетиши билан «Диний дунёқараш, тафаккурнинг, инсонни ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатнинг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган»[2].

Диний дунёқарашни теология деб аталадиган фалсафий фан ўрганади. **Теология** олам ва одам муносабати, умрнинг мазмуни, ҳаёт ва ўлим муаммоси каби масалаларни илоҳиёт, диний эътиқод тушунчалари билан боғлаб таҳлил қилиш ҳамда ўзига хос мукаммал тизимини яратган. Бугунги кунда диний дунёқарашнинг бир талай асосий вазифалари орасида, унинг ҳаёт зиддиятларини бартараф қилиш билан боғлиқ регулятив фаолияти ниҳоятда муҳимдир. Умуман, диннинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти бениҳоят улкан ва у тобора ортиб бормоқда.

**Фалсафий дунёқарашнинг асосий йўналишлари.** Дунёқараш тизими ва унга хос нисбатан мустақил йўналишларнинг ҳар бирини фалсафий мулоҳазанинг ойдинлашган (конкретлашган) шакли сифатида қараш мумкин. Фалсафий дунёқараш, содда қилиб айтадиган бўлсак, инсоннинг олам, одам ва борлиққа муносабатини ифодаловчи билимлар тизимидир. Унга инсон борлиғининг моҳияти нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, моддий ёки маънавий жиҳатлари нечоғлик мутлақлаштирилишига қараб, унинг таркибида материалистик ва идеалистик дунёқараш йўналишлари мавжудлигини кўрамиз.

Агар борлиқ ва унинг хоссаларига мавжудлик, боғлиқлик, ўзгариш ва тараққиёт нуқтаи назаридан билдирилган муносабатларни умумлаштирадиган бўлсак, унинг таркибида метафизик ва диалектик, софистик ва синергетик каби қатор дунёқарашлар мавжудлигини кўрамиз. Булар соф назарий-фалсафий масалалар бўлиб, улар тўғрисида «Олам ва одам», «Дунёни фалсафий тушуниш» бўлимларида махсус тўхталиб ўтамиз.

Фалсафий дунёқараш борлиқ ҳақидаги илмий қарашлар тизимининг ўз-ўзича шаклланган (механик) йиғиндиси эмас, балки уларнинг умумий қонуниятлар асосидаги тизимидир. Фалсафий дунёқараш таркибида қуйидаги тамойиллар номоён бўлади:

- турли дунёқараш шаклларининг ўзаро алоқадорлиги кучаймоқда;

---

[1] Ислом Каримов. Буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 441-бет.

[2] Ислом Каримов. Буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 442-бет.

- муайян дунёқараш шаклланиш ва ривожланиш жараёнида инсонга муносабатнинг аҳамияти ортиб бормоқда;

- миллий дунёқараш умуминсоний дунёқараш шакли ва унинг таркибий қисми сифатида юзага келган.

Фалсафий дунёқарашнинг бу умумий тамойиллари ҳар қандай конкрет дунёқараш шакллари учун услубий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, унинг яна қуйидаги тамойиллари ҳам бор:

- илмийлик;
- тарихийлик;
- мантиқийлик;
- универсаллик;
- мақсадлилик;
- ғоявийлик;
- назария ва амалиётнинг бирлиги.

1. *Фалсафий дунёқараш илмийдир*, чунки у нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланиш, алоқадорлик ва муносабатларни кундалик онг даражасидагина эмас, балки назарий онг даражасида ҳам ифодалайди. Ҳар қандай фалсафий дунёқараш шакли объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг конкрет муносабатларини акс эттиради.

2. *Фалсафий дунёқарашнинг тарихийлик тамойили* жамиятнинг ўтмиши дунёқарашлар тарихидан иборатлигини ва узлуксиз ривожланишини ифодалайди.

3. *Фалсафий дунёқарашнинг мантиқий изчиллиги тамойили* ҳар қандай дунёқараш шакли ва даражасининг мантиқий бирикмалар орқали ифодаланиши билан изоҳланади. Агар мантиқий изчиллик бузилса, дунёқарашнинг ташқи оламни холис, илмий, аниқ-равшан ва изчил акс эттиришига путур етади.

4. *Фалсафий дунёқарашнинг универсаллиги* бошқа дунёқараш шаклларининг мазмунини ташкил қилиши билан сифатланади, яъни ҳар қандай дунёқараш шакли ўзига хос фалсафий хусусиятга эга.

5. *Фалсафий дунёқараш мақсадга мавофиқ* бўлиб, инсон манфаатларига мос келади. Чунки, инсон муайян мақсад, орзу-умидлар билан яшайди, уларни ўз дунёқарашида акс эттиради.

6. *Фалсафий дунёқарашнинг ғоявийлик тамойили,* унинг асосида муайян ғоя ётгани билан ифодаланади. Хусусан, бугунги ўзбек миллий фалсафий дунёқараши миллий мустақиллик, ўзликни англаш, миллатимиз келажагини белгилайдиган истиқлол ғоясига таяниши билан характерлидир. Фалсафий дунёқараш шу ғояни эътиқодга айлантириш ва унинг амалга ошиши учун хизмат қилади.

7. Фалсафий дунёқарашнинг энг муҳим тамойилларидан бири *назария ва амалиёт бирлигидир*. Дунёқарашнинг назария сифатида мавжудлиги ижтимоий амалиёт тажрибаларини ижодий умумлаштириб, истиқбол режаларини белгилашда қўл келиши билан изоҳланади. Шунингдек, дунёқарашнинг амалиётга жорий этилиш жараёнида унинг усул ва воситалари муҳим аҳамиятга эга.

**Фалсафий дунёқарашнинг вазифалари (функциялари).** Фалсафий дунёқарашнинг зикр этилган тамойиллари, унинг вазифаларини белгилаб беради. Яъни, бу вазифалар жамиятнинг умумбашарий руҳдаги мақсад-муддаоларидан, манфаатларидан келиб чиқади ҳамда бошқа дунёқараш шакллари учун услубий аҳамият касб этади.

Дунёқараш, аввало инсоний муносабатлар ифодасидир. Шу нуқтаи назардан, у инсоннинг борлиққа муносабатида, дастлаб унинг баҳоси тарзида кўзга ташланади.

Бу — фалсафий дунёқарашнинг *баҳолаш* вазифасини англатади. Яъни, инсон, ўз эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқиб, нарса-ҳодисаларни: яхши-ёмон,

фойдали-зарарли, савоб-гуноҳ, орият-беномуслик каби қарама-қарши мезонларга ажратади.

Инсон нарса-ҳодисаларга баҳо берар экан, бунинг замирида унинг ижтимоий ҳаёти, яъни онгли муносабатлари ётади. Бунда инсон ёки жамият муносабатлари дунёқарашнинг ўзи таянадиган омилларга (идеалларига) мослаштирилади. Орзу-ҳавасларга эришишнинг усуллари, воситалари, амалий йўналишлари белгиланади.

Дунёқараш инсон фаолиятини ахлоқий меъёр, диний қадрият, ҳуқуқий ҳужжат ва сиёсий механизмлар каби усул-воситалар орқали *бошқариш* вазифасини ҳам адо этади. Бунда фалсафий дунёқарашнинг ўзича нисбатан мустақил бўлган ҳар бир йўналиши ўзига хос бошқариш усулига эга бўлади. Масалан, инсонни эзгуликка йўналтириш учун ахлоқ унинг ақл-заковатига; дин — иймон-эътиқодига; ҳуқуқ — қонунларга, жазо идораларига; сиёсат-давлат функцияларига таянади ва ўзига хос таъсир йўналишларига эга бўлади.

Фалсафий дунёқарашнинг инсон фаолиятини *назорат қилиш* вазифаси ҳам бор. Бунда дунёқарашнинг жамоатчилик фикри тарзидаги кўриниши назарда тутилади. Масалан, ўзбек халқининг тарихий ривожланиши ва маънавий ҳаёт тарзида маҳалла ижтимоий назоратнинг муҳим институти тарзида фаолият кўрсатган.

Дарҳақиқат, ўзбек маҳаллаларида бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамдардлик каби ноёб фазилатлар камол топади. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов уни «Ўзини ўзи бошқариш мактаби... демократия дарсхонаси», деб таърифлайди[1].

Фалсафий дунёқарашнинг *бирлаштириш* (коммуникатив) вазифаси турли дунёқараш йўналишларини миллий ва умуминсоний ғоялар атрофида уйғунлаштириши билан характерланади. Турли манфаатлар билан боғлиқ бўлгани боис дунёқарашлар ўртасида муайян зиддиятлар рўй бериши табиий. Бундай шароитда фалсафий дунёқараш уларни муросага келтиришга хизмат қилади.

Фалсафий дунёқараш, ўз моҳиятига кўра, ижтимоий-тарихий тажрибани умумлаштириш, жамият истиқболини кўрсатиш имкониятига эга бўлганлиги учун ҳам халқни муайян ғоя атрофида бирлаштиради.

Масалан, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, муайян даврларда фалсафий дунёқараш инсон туб манфаатлари билан боғлиқ бўлганлигини, миллат келажагини белгилайдиган озодлик ғояси атрофида кишиларни бирлаштирганини кўрамиз. Бу ҳол мўғул босқинчиларига қарши кураш даврида яққол намоён бўлган. Ушбу ғоя (озодлик фалсафаси) дунёқарашнинг таркибий қисми сифатида миллатнинг турли табақаларини, эътиқоди, иқтисодий аҳволи ва сиёсий мавқеидан қатъи назар, бирлаштирган ва умумий курашга сафарбар қилган.

Ҳар қандай дунёқараш инсон эҳтиёжларидан келиб чиқади, унинг манфаатларига мос келади. Шу билан бирга, бир томондан, дунёқараш ўз-ўзидан, яъни стихияли равишда шаклланиб қолмайди. Аксинча, у турли таълим-тарбия воситаларининг мақсадга мувофиқ ҳолдаги фаолияти натижасида вужудга келади. Иккинчи томондан эса, фалсафий дунёқараш, умуминсоний тамаддун (цивилизация) таъсири ўлароқ шаклланган бўлса, муайян инсон, ижтимоий гуруҳ ёки миллатни тарбиялашнинг турли имкониятлари ва воситаларининг муштараклашган шаклидир.

Бинобарин, фалсафий дунёқарашнинг *тарбиявий* вазифасини юқорида зикр этилган бошқа вазифаларнинг асоси сифатида қараш керак. Бу — кишиларда кенг ва теран фикрлаш қобилиятини вужудга келтириш асосида бағрикенглик, муроса,

---

[1] Ислом Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» - «Фидокор», 2000 йил, 8 июн.

ҳар қандай зиддиятларни маданий йўл билан ҳал қилиш, келажакка умид ва ишонч руҳини шакллантиришдан иборат.

## Таянч тушунчалар

**Фалсафа -** юнонча phileo - севаман, Sophia -донолик деган маънони англатади. Инсоният тарихидаги энг кадимий илмлардан бири. Олам ва унинг яшаши, ривожланиши ва тараккиёти, хаёт ва инсон, умрнинг мохияти, борлик ва йуклик каби куплаб муаммолар хакида бахс юритадиган фан.

**Дунёкараш -** Инсон узини ва дунёни зарурий равишда англаши, унга бахо бериши, хулоса чикариши булиб, дунёни инсон онгидаги узига хос инъикосидир. Инсоннинг узига ва уни куршаб турган борликка булган муносабатларини ифодалайдиган куникмалари, малакалари, билимлари хамда дунёни амалий ва назарий узлаштириш хамдир.

**Миф -** юнонча mifhos сузидан олинган булиб, афсона, ривоят, хикоят каби маъноларини англатади. Ибтидоий давр кишилари онги ва тушунчасида инсон, табиат, жамият ва коинотнинг пайдо булиши билан боглик вокеалар, шунингдек, табиат ва жамият ходисаларининг акс этишидир.

**Мифологик дунёкараш -** Ижтимоий тараккиётнинг бошлангич боскичларига хос булиб, дунёни тушунишнинг оддий усули, хаёлий инъикосидир.

**Дин -** арабча - ишонч, ишонмок демакдир. Борликни яратувчи ва бошкарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос булмаган ва айни вактда баркамолликнинг олий куриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудотга, яъни Худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуидир.

**Диний дунёкараш -** Оламдаги вокеа ва ходисалар сабабларини илохий кучлар, олдиндан белгиланган максадлар билан боглаб тушунишдир.

## Такрорлаш учун саволлар

1. «Фалсафа» тушунчасининг моҳиятини сиз қандай тушунасиз?
2. Фалсафанинг баҳс мавзуси нима?
3. Фалсафа миллий бўлиши мумкинми?
4. Фалсафанинг умуминсонийлиги деганда нимани тушунасиз?
5. Дунёқараш нима?
6. Фалсафий дунёқарашнинг ғоявий илдизлари нималарда намоён бўлади?
7. Диннинг дунёқараш тизимидаги ўрни ва аҳамияти қандай?
8. Фалсафий дунёқарашнинг вазифалари нималардан иборат?

## Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Т.9. Т., «Ўзбекистон», 2001.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т., «Ўзбекистон», 2002. 316-329, 330-347-бетлар.
5. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., «Ўзбекистон», 2003. 3-51-бетлар.
6. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.

7. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005. 5-33-бетлар.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005.
9. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005.
10. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази, 2000. 8-25 бетлар.
12. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи (таржима). Т., «Шарқ», 2002. 9-16-бетлар.
13. Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003. 3-21-бетлар.
14. Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007.
15. Ўзбекистонда маънавий рухий тикланиш. Т., «Янги аср авлоди», 2003.
16. Тохир Карим. Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. Т., «Чўлпон», 2003. 3-17-бетлар.
17. Фалсафа қомусий луғат. Т., «Шарқ», 2004. 114, 418-423-бетлар.
18. Ислом энциклопедияси. Т., 2004.
19. Фалсафа асослари. Дарслик. Т., «Ўзбекистон», 2005.
20. Шахс ва жамият. Қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 2005.
21. Йўлдошев С. Жаҳон фалсафаси. Т., 2005.

**Кушимча адабиётлар:**

1. Основы философии. Т. Мехнат 2004 й. 7-17 бетлар.
2. www.bilim.uz.
3. www.philosophy.ru.
4. www.filosofiya.ru.
5. www.philosophy.nsc.ru.
6. http//philosophy.albertina.ru.
7. www.history.ru.
8. www.philosophy.com.
9. www.gov.uz - Хукумат сайти
10. www.press-service.uz - Президент сайти
11. www.edu.uz - Вазирлик сайти (руйхатдан утиш)
12. www.ziyo.edu.uz - Вазирлик сайти
13. www.performance.edu.uz - Вазирлик сайти
14. www.tseu.fan.uz - ТДИУ сайти
15. www.tseu.uz - ТДИУ сайти
16. www.teuphil.narod.ru - Фалсафа кафедраси сайти

**Мавзуда кулланиладиган педагогик технология куйидагича:**

1. Аклий хужум услуби.
2. Реферат тахлили.
3. Дарсни аник йуналтирилган саволлар асосида олиб бориш.

**Мавзуда кулланиладиган ахборот технология куйидагича:**

1. Слайдлар намойиши.
2. Интернетдан олинган маълумотлар.

Ушбу маъруза матни К.Назаров рахбарлигида яратилган маърузалар матни, Фалсафа комусий лугат, Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий карашларининг тахлили асосида тузилган. Марксизм - ленинизм фалсафасига танкидий каралган.

# ИККИНЧИ БЎЛИМ

# ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА ТАРИХ ФАЛСАФАСИ

## 2-МАВЗУ. ҚАДИМГИ ШАРҚ ВА АНТИК ДУНЁ ФАЛСАФАСИ

***РЕЖА:***

1. Қадимги Шарқ, Миср ва Бобилдаги фалсафий фикрлар.
2. Ҳинд фалсафаси.
3. Қадимги Хитой фалсафаси.
4. Антик дунё фалсафаси.

**Шарқ қадимий маданият ўчоғи** ва жаҳон цивилизациясининг бешиги дея бежиз таърифланмаган. Ғарб маданияти тарихини ўрганиш жараёнида Оврупоцентризм назариясига оғиб кетиш ғайриилмий бўлгани каби, масаланинг Шарқ билан боғлиқ жиҳатини таҳлил этганда ҳам Осиёцентризм ғоялари таъсирига тушмаслик лозим.

Шу билан бирга, Шарқнинг ўзига хослиги, унга мансуб бўлган маданий тараққиёт жаҳон цивилизациясининг бешиги, дунё халқлари ривожига қўшилган муносиб ҳисса экани ҳам сир эмас. Бу ҳол жаҳоннинг барча холис мутахассис олимлари томонидан эътироф этилади. Қолаверса, Ватанимиз цивилизациясининг Шарқ цивилизацияси кучоғида вояга етгани ва унинг қадриятларини ўзида акс эттирганини, унга ва бутун дунё маданиятига улкан таъсир кўрсатганини доимо эсда тутиш даркор.

Шарқ маданияти тараққиётининг илк даврлари деганда, кўпгина мутахассислар бизнинг Ватанимиз ўтмишини, Миср, Бобил ва инсоният тарихининг энг қадимги цивилизацияларидан бири бўлган Шумер даврларини эсга олади. Буларнинг ҳар бири инсоният тарихида жамият ҳаёти, қадриятлар тизимининг ўзига хослиги, бошқариш ва иқтисодий жараёнларнинг муайян тарзда намоён бўлиши билан тавсифланади. Ушбу маданият ўчоқлари ҳақида мактаб таълими жараёнида «Энг қадимги тарих» дарсликлари орқали маълумот берилган. Зукко талабалар ўша даврларда қандай сиёсий жараёнлар кечгани, қандай подшолик ва империялар бўлганини яхши билади. Биз бугун ўша даврлардаги фалсафий дунёқараш, қадимги аждодларимизнинг фикр-мулоҳазалари, ўзига хос таълимотларининг асосий тамойиллари билан яқинроқ танишмоқчимиз. Кўҳна Шарқ цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган Миср, қадимги замонда илк ўтроқ ҳаёт ва ўзига хос деҳқончилик анъаналари бошланган Нил дарёси бўйларидаги маданият дунё олимлари диққатини тортиб келади.

**Қадимги Миср ва Бобил фалсафаси.** Эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликнинг охири ва учинчи минг йиллик бошларида қадимги Миср ва Бобил худудида дастлабки диний-фалсафий фикрлар, олам ҳақидаги фанлар, яъни астрономия, космология, математика, мифологияга оид қарашлар бирмунча ривож топган. Табиий-илмий, диний-фалсафий фикрларнинг юзага келиши икки йўналишда борган. Биринчи йўналиш олам ҳақидаги тасаввурларнинг астрономия, космология, риёзиёт фанлари ривожи билан боғлиқ эканини, иккинчи йўналиш эса, бу тасаввурларнинг мифология билан боғлиқ бўлганини кўрсатади.

Биринчи ҳолда, асосан, табиий билимларга таянилган, кундалик ҳаётда дуч келинадиган воқеа-ҳодисалар аниқ далиллар асосида таҳлил этилган, ўрганилган, улардан тегишли хулосалар чиқарилган. Бу - ўша давр учун табиий ҳол эди, яъни у

- даврнинг инсон онгида акс этиши, кундалик турмуш ҳодисаларининг оддий бир тарзда ифодаланиши эди. Айнан ана шу ҳол табиий билимлар ривожига, гарчанд содда тарзда бўлса-да, аксарият ҳодисаларнинг фалсафий асосда изоҳланишига сабаб бўлган.

Иккинчи ҳолатда эса, ҳали табиат кучларининг қаршисида ниҳоятда ожиз бўлган одамзод, албатта, теварак атрофдаги воқеа-ҳодисаларни мифологик изоҳлаши табиий бир ҳол эди. Шу билан бирга, одамнинг мавжудлик хоссаларини ва олам қонуниятларини илмий тушуниш кўникмаси ҳали шаклланиб улгурмаган ўша қадим замонларда, афсона ҳамда ривоятларга асосланиб фикр юритмасликнинг имкони ҳам йўқ эди. Бу - ўша даврлардан қолган ёзма манбаларда, хусусан, «Хўжайиннинг ўз қули билан ҳаётининг мазмуни ҳақида суҳбати», «Арфист қўшиғи», «Ўз ҳаётидан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз жони билан суҳбати» каби битикларда яққол намоён бўлган. уларда ҳаётнинг, умрнинг мазмуни, ўша даврдаги одамларга хос туйғулар баён қилинган.

Қадимги Миср ва Бобилда шаклланган фалсафанинг энг асосий хусусияти шундан иборат эдики, уларда, бир томондан, худоларга ишонч, илоҳий кучларнинг табиат ва жамиятга кўрсатадиган таъсирини мутлоқлаштириш хусусияти устувор бўлган бўлса, иккинчи томондан, афсона ва ривоятлар тарзида бўлса-да, дунёвий билимлар, илмий қарашлар ҳам аста-секин шакллана бошлаган. умуман, бундай хусусиятни, қадим замондаги барча цивилизацияларга хос дейиш мумкин.

**Яҳудийлик дини.** Ўша даврда энг қадимги Шарқ халқларидан бири яҳудийларнинг миллий мафкураси — иудавийлик шакллана бошлаган. Бу дин, асосан, ана шу миллатга мансуб кишилар ўртасида ёйилган бўлиб, эрамиздан аввалги икки мингинчи йиллар бошида Фаластинда вужудга келган. «Забур» ва «Таврот» каби муқаддас китоблар бу диннинг асосий манбаларидан ҳисобланади.

Яҳудийлик яҳудий ва Фаластин халқларининг баъзи эътиқодларини ўзида акс эттирган диндир. Эрамиздан аввалги X-VI асрларда яҳудийлик монотеистик (якка худоликка ишониш) динга айланиб, оламни яратувчи Яҳве худосига эътиқод қилиш унинг асосий тамойили ҳисобланган. Бу динда Мусо алайҳиссалом — пайғамбар, «Таврот» худо томонидан унга юборилган илоҳий китоб экани, қиёмат кунида барча бирдек тирилиши, жаннат ва дўзахнинг мавжудлиги, гуноҳкорлар жазосиз қолмаслиги, савобли ишларни қилганлар у дунёда рағбатлантирилишлари ҳақидаги қарашлар илгари сурилган.

Кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, яҳудийлик Шарқ халқларидан бири — яҳудийларнинг миллий дини бўлгани боис, ана шу қитъада яшовчи бошқа халқларга хос бўлган кўпгина диний қарашлари билан ҳам бир қадар муштаракликларга эга. Чунончи, унинг зардўштийлик билан ўхшаш жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Масалан, «Таврот» ва «Авесто»даги аксарият қонунлар, диний-фалсафий категориялар ўртасида яқинлик кўзга ташланади. Умуман олганда эса, барча динлар орасида илоҳий қадриятларни мутлоқлаштириш, худо ғоясини муқаддаслаштириш, бу дунё ва у дунё билан боғлиқ қарашларга кўпроқ эътибор бериш каби ўхшаш жиҳатлар учрайди.

**Ҳиндистон фалсафаси.** Қадимги Ҳиндистон ҳам инсоният маданиятининг бешикларидан биридир. Унга хос дастлабки таълимотлар ёзма манба — «Веда»ларда ўз аксини топган. «Веда»лар эрамиздан бир ярим минг йил олдин ёзилган бўлиб, мутаассиб диндор ҳинду учун олий муқаддас илм ва башорат китобидир. Ҳиндулар «Веда»ни олий тангри Брахма томонидан айтилган сўзлар деб билади. «Веда»да ҳиндуларнинг қадимги тарихи, иқтисодиёти, дини, фалсафаси, ахлоқ ва нафосатига оид фикрлари акс этган. «Веда»лар бизгача тўртта

тўплам (самхитлар) шаклида етиб келган. Булар — «Ригведа», «Самаведа», «Яжурведа», «Адхарваведа»дир.

Ҳинд фалсафаси асослари «Упанишадалар» номи билан машҳур бўлган манбаларда ҳам ўз аксини топган. «Упанишадалар» сирли билим деган маънони англатиб, «Веда»ларнинг фалсафий қисмини ташкил этади. «Упанишадалар» яхлит китоб ёки фалсафий рисола бўлмай, балки турли вақтда турли мавзуда ижод этган номаълум муаллифларнинг матнларидан иборатдир. Уларнинг мазмуни ва услуби ҳар хил ва турлича фалсафий қарашлар маҳсулидир. «Упанишадалар»даги фалсафий мавзулар, асосан, инсонни ўраб турган борлиқ, унинг ҳаётдаги ўрни ва вазифаси, ташқи олам ва инсон табиати, унинг ҳаёти ва руҳиятининг моҳияти, билиш имкониятининг чегаралари, ахлоқ меъёрлари ҳақидадир. Фалсафий муаммолар асосан диний-мифологик нуқтаи назардан баён этилган.

Қадимги ҳинд фалсафий мактаблар икки гуруҳга бўлинади. Ҳиндистонлик файласуфлар бу гуруҳларни астика ва настика деб атайди. Веданта, санкхья, йога, вайшешика, нъяя ва миманса — астика гуруҳига кирувчи фалсафий мактаблар. Ушбу мактабларнинг тарафдорлари «Веда»нинг муқаддаслигини тан олиб, бирдан-бир ҳақиқат ундагина ифодаланган, дейишади. Чорвака-локаята, буддизм ва жайнизм — настика гуруҳига киради.

Чорвака-локаята тарафдорлари материалистик таълимотни илгари сурганлари учун «Веда»нинг муқаддаслигини тан олишмайди ҳамда олам илоҳий куч томонидан яратилмаган, «Веда» ҳақиқий билим бермайди, деб таъкидлашади. Буддизм ва Жайнизм диний-фалсафий мактаблар бўлишига қарамай, улар ҳам «Веда»нинг муқаддаслигини тан олмаган. Санкхья қадимги Ҳиндистондаги дуалистик фалсафий мактаб бўлиб, олам асосида моддий унсур (пракрити) модда ва руҳ (пуруша) ётади, деб ҳисоблайди. Бу йўналишга, асосан, оламдаги барча нарсалар икки унсурнинг турли тенг миқдорда (пропорцияда) бирикишидан юзага келади, олам сабабият орқали ривожланади, оламда учта сабаб мавжуд, дейилади. Улар қуйидагилардир: моддий сабаб, яратувчи сабаб, алоқадор бўлмаган сабаб. Бу фалсафий мактаб ҳақида буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарида атрофлича фикр юритган.

**Қадимги Хитой фалсафаси.** Қадимги Хитойда фан ва маданият ўзига хос шаклда ривожланган. Эрамиздан аввалги икки мингинчи йилнинг ўрталарига келиб, Юань-инь давлатида муайян хўжалик шакли юзага келган. Эрамиздан аввалги XII асрда эса, урушлар натижасида давлат Чжоу қабиласининг қўлига ўтган. Бу ҳокимият эрамиздан аввалги III асргача давом этган. Бу вақтда диний мифологик дунёқараш ҳукмронлик қилган. У олам ва табиатнинг пайдо бўлишини ўзига хос тарзда тушунтирган ва дунёвий билимлар ривожига ўз таъсирини ўтказган.

Бундай руҳдаги фалсафий ғоялар айниқса қадимги Хитой донишманди Конфуций (551-479) ижодида яққол акс этган. Унинг «Ҳикматлари», яъни афоризмлари жуда машҳур. Конфуций таълимотида умуминсоний қадриятларнинг хитой халқи турмуш тарзида ўзига хос тарзда намоён бўлиши, бу халққа хос маънавий мезонлар акс этган. Бу таълимот бир неча асрлар давомида ушбу ҳудудда миллий ғоялар мажмуи, миллатнинг мафкураси сифатида одамларнинг маънавий онги ва қиёфаси шаклланишига таъсир кўрсатган. у ҳозирги Хитойда ҳам ўзининг муайян аҳамиятини сақлаб қолган.

Конфуций фикрича, оламни осмон бошқаради. Осмон иродаси — тақдирдир. Биз яшаб турган олам, ундаги тартиб осмон ҳукмдори томонидан юборилган. Жамият ҳаётидаги тартибга қаттиқ амал қилиш талаб этилади. Тартиб, Конфуций

нуқтаи назарига кўра, илоҳий мазмунга эга ва унинг моҳиятини «Ли» тушунчаси белгилайди. у, яъни тартиб дунёнинг моҳиятини акс эттиради. Бинобарин, жамиятдаги барча ҳаракатлар унга биноан амалга ошиши лозим. Тартиб — инсоният жамоасининг энг олий ҳаётий қадриятларидан биридир. Конфуцийнинг таъкидлашича, шахс фақат ўзи учун эмас балки жамият учун ҳам яшаши керак. Конфунций таълимотида инсоннинг ҳаётдаги ижтимоий ўрни ниҳоятда улуғ, у ўзига раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмаслиги, ўзига раво кўрган нарсани бошқаларига ҳам раво кўриши лозим.

Конфуцийнинг қарашлари кейинчалик жаҳон фалсафасида ахлоқий тамойиллар ривожида, адолат, биродарлик, эркинлик ғоялари такомилида муҳим ўрин тутган. Бу таълимот Хитойда икки минг йил давомида давлат дини даражасига кўтарилган ва халқ ҳаётида муҳим аҳамият касб этган.

Қадимги Хитойнинг кўзга кўринган файласуфларидан бири Лао-Цзидир (VI-V асрлар). Унинг таълимотига кўра, олам, жамият ва инсон ҳаёти Дао қонунига бўйсунмоғи лозим. Даосизм таълимоти ана шу тариқа шаклланган. Дао қонуни — табиатнинг яшаш қонунидир, ундаги ранг-баранглик кураши ва уйғунлиги абадийлигининг эътироф этилишидир. Бу қонунга кўра, оламнинг асосини ташкил этувчи «Ци», яъни бешта унсур — олов, сув, ҳаво, ер ва ёғоч ёки металл оламдаги барча жисмлар асосини ташкил этади ҳамда уларнинг юзага келишини таъминлайди. Лао-Цзининг таъкидлашича, оламда ҳеч бир нарса доимий ва ўзгармас, ҳаракатсиз ҳолда бўлиши мумкин эмас.

Даосизмга биноан, дунёдаги ҳамма нарса бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради. Қарама-қарши кучлар ўртасидаги кураш, яъни инь ва Янъ орасидаги муносабат — бизни ўраб турган оламни ҳаракатга келтирувчи кучлар манбаидир. Инь ва Янь ўртасидаги кураш даони англатади. Одамзод бу кураш жараёнида доимо яхшилик томонида туриши, ўзини қуршаб турган табиат ва атрофдаги оламга меҳр кўрсатиши лозим. Бўлмаса, Дао қонуни бузилади ва бундай жойда бахтсизлик, фожиа юз беради. Лао-Цзи бу ўринда экологик фалокатни назарда тутган. «Кишилар Дао қонунини бузмасликлари керак, акс ҳолда табиат улардан албатта ўч олади», деган эди Лао-Цзи. Буни экологик фалокатлар авж олиб бораётган бугунги кун воқелиги ҳам тасдиқлайди.

Умуман, табиат, жамият ва инсонга нисбатан эҳтиёткор муносабатда бўлиш, Она замин ва Ватанни асраб-авайлаш, одамлар ўртасидаги муносабатларда яхшилик томонида туриш — қадимги халқларга хос бўлган фалсафанинг бош ғояларидир. Ўша, ҳамма нарса оддий тушунилган қадим замонлардаёқ буюк ақл эгалари одамларни табиатни асрашга, инсонни қадрлашга чақиргани бежиз эмас. Улар инсоният ҳаётига хавф соладиган даражага етмай туриб, у борадаги муаммоларнинг олдини олиш тўғрисида жуда ибратли ўгитлар берган. Қадимги дунё фалсафасини чуқурроқ ўрганган одам ўша давр мутафаккирлари ҳозирги замон цивилизацияси қаршисида турган барча умумбашарий муаммолардан одамларни огоҳлантирганлигининг гувоҳи бўлиши мумкин. Гап бу огоҳлантиришни эшитиш, уларни ўзлаштириш ва ҳаётнинг қонунига айлантиришда эди, холос. Афсуски, одамзод насли ўзи яратган буюк даҳоларнинг барча ўгитларига ҳамма вақт ҳам қулоқ солавермаган. Илм ва фанда неча-неча кашфиётлар қилинган, аммо улардан ўз вақтида керакли тарзда фойдаланилмаганига кўҳна тарих гувоҳ. Бугун ҳам аждодларимизнинг Ватан, табиат, жамиятни асраш, ундаги тартиб ва қоидаларни бузмаслик тўғрисидаги даъватлари эскиргани йўқ. Йиллар, асрлар ўтиши уларнинг қадрини туширмайди. Зеро, бу таълимотлар инсониятнинг ўтда ёнмас ва сувда чўкмас умуминсоний қадриятлари тўғрисидадир.

**Қадимги Юнонистон ва Рим фалсафаси.** Қадимги давр фалсафасининг яна бир силсиласи Юнонистон ва Римга тегишлидир. Бу даврдаги фалсафий қарашлар — антик давр фалсафаси деб юритилади. Унда Милет фалсафий мактаби, Элей фалсафий мактаби, Суқрот, Пифагор, Афлотун, Арасту ва бошқаларнинг фалсафий, табиий — илмий, ижтимоий — аҳлоқий таълимотлари ўрганилади.

Юнонистонда дастлабки фалсафий таълимотлар эрамиздан аввалги VII-VI асрлар ўртасида Милет шаҳрида юзага келган ва ривожланган. **Милет мактаби** вакиллари Фалес, Анаксимандр, Анаксименлардир. Унинг асосчиси Фалес (эрамиздан аввалги 624 — 547 йилларда яшаган). У Юнон фани ва фалсафасининг асосчиси бўлиб, ўз даврининг етук сиёсий арбоби, жўғрофи, файласуфи бўлган. Фалес таълимотига кўра, табиатдаги турли-туман жисм ва ҳодисалар дастлабки ибтидо — сувдан пайдо бўлган ва яна сувга айланади ва бу моддий бирлик доимо ўзгаришда бўлади. Анаксимандр (Фалеснинг шогирди) эрамиздан аввалги VII аср охири ва VI ўрталарида яшаб ижод этган. У «Табиат ҳақида» асарини ёзган, бироқ асар бизгача ётиб келмаган. Фалес оламнинг асосига сувни қўйиган бўлса, Анаксимандр дунё — чексиз, газсимон апейрондан иборат, иссиқлик ва совуқлик, қуруқлик ва намлик апейрондан ажралиб чиқиб, модданинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишини таъминлайди, деб ҳисоблаган. Унинг таълимотини замондоши, шогирди Анаксимен давом эттирди. Анаксимен (эрамиздан аввалги 588-525 йиллар) ҳаво — оламнинг асоси, деб билган. Унингча, ҳавонинг қуюқлашишидан сув, ер, тош каби моддалар ташкил топган, сийраклашишидан эса олов пайдо бўлган.

Яна бир юнон файласуфи **Гераклит** (эрамиздан аввалги 520-460 йиллар) Кичик Осиёнинг ғарбий қирғоғидаги Эфес шаҳрида заргар оиласида дунёга келган. У стихияли диалектикага асос солган, олов — оламнинг асоси, деб билган. унинг фикрича, оламда ҳамма нарса ҳаракатда. «Оқар сувга бир сонияда икки марта тушиш мумкин эмас, чунки сув ҳар дақиқада янгиланиб туради». Оламда турғунлик йўқ. Ҳаракат бутун табиатга, барча жисм ва ҳодисаларга хосдир. Абадий ҳаракат — абадий ўзгаришдир. Ҳаракат қарама-қаршилик асосида содир бўлади. «Кураш ҳамма нарсанинг отаси, ҳамма нарсанинг подшосидир», деган экан Гераклит. Бундан Гераклит кишилар ўртасида урушларни тарғиб қилган экан-да, дея хулоса чиқариш нотўғри. Гераклитнинг фикрича, доимий ўзгариш, ҳаракат ва ўзаро қарама-қарши томонларга ўтиш — жисмлар сифатининг нисбийлиги билан боғлиқ. Масалан, денгиз суви инсон истеъмоли учун яроқсиз бўлса, балиқлар учун айни муддаодир. Гераклитнинг қарашлари фалсафий тафаккур ривожига катта таъсир кўрсатган.

**Пифагор** (эрамиздан аввалги 580-500 йиллар) Юнонистоннинг Самос оролида яшаб ўтган. у қадимги Юнонистонда диний-мафкуравий фалсафий мактаб, яъни пифагорчиликка асос солган. Пифагор ўзининг сиёсий қарашлари туфайли подшо Поликрет билан чиқиша олмаган ва Самосни тарк этиб, жанубий Италияга кўчиб кетган, ўша ерда ўз уюшмасини ташкил этган. Унингча, дунёни билиш жараёни, аввало, рақамларни билишдан бошланиши керак. Пифагорчиларнинг таълимотига кўра, оламнинг асосида модда ҳам, табиат ҳам эмас, балки идеаллашган рақамлар ётади; нарса ва ҳодисалар айнан ана шу рақамлар маҳсулидир. Пифагорчилар биринчи бўлиб Юнонистонда табиатдаги нарса ва ҳодисаларни изоҳлашда микдор категориясини илгари суради. Пифагор зодагонлар оиласига мансуб бўлгани боис аристократияни ҳимоя қилган. У «тартиб» тўғрисидаги таълимотини яратиб, фақат аристократлар ўрнатган тартиб ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнайди, деган. Унинг фикрича, демократия бу тартиботнинг бузилишидир.

**<u>Элей фалсафий мактаби</u>** намояндаси Ксенофан (эрамиздан аввалги YI — V аср) шоир ва файласуф бўлган. У Кичик Осиёда дунёга келган. Илм олиш мақсадида Юнонистонга, жанубий Италияга саёҳат қилиб, умрининг сўнгги йилларини Элей шаҳрида ўтказган. Тарихчи Диоген Лаэртскийнинг ёзишича, Ксенофант «Табиат ҳақида» асарининг муаллифидир. Афсуски, ушбу асарнинг ярмигина омон қолган, холос. у кўпхудоликка ҳамда инсонларга хос сифатларни ҳайвонларга, ўсимлик дунёсига дахлдор деб билувчи таълимотга қарши чиқиб, мифологияни рад этишга ҳаракат қилган. унинг фалсафий таълимотига кўра, табиат - ўзгармас ва ҳаракатсиздир, «Ҳамма нарса ердан униб чиқади ва пировардида яна ерга қайтади». Биз ҳаммамиз ердан туғилганмиз ва ерга айланамиз». Ксенофан қадимги юнон файласуфларидан биринчи бўлиб, билишнинг имконияти ва чегараси ҳақида фикр юритган. Бу қадимги юнон гносеологиясининг ривожига туртки бўлди.

Ксенофант илгари сурган ғоялар унинг шогирди Элей фалсафий мактабининг кўзга кўринган намояндаларидан бири, эрамиздан аввалги 504 йили туғилган Парменид томонидан ривожлантирилган. Элей фалсафий мактабининг намояндаларидан бири Парменидннг шогирди ва дўсти Зенон (490-430 йиллар) ўз устозининг таълимотини ҳимоя қилди ва уни ривожлантирди.

Қадимги Юнон маданиятида **<u>софистлар фалсафаси</u>** катта ўрин тутади. Софистлар антропология (инсон ҳақидаги фан) ва гносеология (билиш тўғрисидаги фан) муаммолари билан шуғулланган. Софистлар янги касбларнинг моҳир усталари, яъни ўқитувчилар, дипломатлар, нотиқлар, суд маҳкамаларида ишловчи мутахассислардан иборат бўлиб, ҳақиқат, осойишталик, адолат ўрнатишга хизмат қилган. уларнинг таълимоти Суқрот фалсафасига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган.

**Суқрот** (эрамиздан олдинги 469-399 йиллар.) (асли — Сократ) — қадимги Юнон файласуфи. «Афинанинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этган, ёшлар тарбияси билан шуғулланган, ҳурфикрли инсон, камбағалдан чиққан, тош йўнувчининг ўғли, ўта билимдон киши сифатида машҳур бўлган.

Унинг ҳаёти фожиали тугагани тўғрисидаги мисол фалсафий афсонага айланиб кетган. Ўз даврида Афинадаги ҳукмрон тузум тартиб-қоидаларига қарши чиқиб, янги фикрларни илгари сургани учун руҳонийлар уни даҳрийликда ҳамда ёшларни ахлоқан бузишда айблаганлар. Унга шунчаки айб эмас, сиёсий айб қўйилган. Гарчанд қутилиш имкони бўлса-да, қонун ва жамият тартибларини ниҳоятда қаттиқ ҳурмат қилганлиги боис, у жазодан қочишни истамаган ва бир қадаҳ заҳар ичиб ўлган. Суқрот ва унинг тарафдорлари жамият қонунларига, улар қандай бўлишидан қатъи назар, сўзсиз итоат этишни тарғиб этганлари ғоятда ибратлидир. Ҳолбуки, Суқрот ва унинг шогирдлари Афинада амал қилган қонунларни нотўғри ва адолатсиз деб ҳисоблаган ҳамда уларни қаттиқ танқид қилган, аммо, шундай бўлса-да, уларга бўйсунган. Шу маънода, Суқрот ўзини айбдор деб топган суд ҳукмига итоат этган ва ўзини унинг ихтиёрига топширган. «Афлотун менинг дўстим, аммо қонун дўстликдан устун туради» деган ҳикматли ибора ўша давр маънавиятининг яққол ифодасидир.

Суқрот ўз таълимотини оғзаки равишда кўча-кўйда, майдонларда, хиёбонларда шогирдлари ва издошлари билан бирга шакллантирган ва халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилган, лекин биронта ҳам асар ёзмаган. Унинг фалсафий, ахлоқий таълимотлари моҳиятини шогирдлари Ксенофант, Аристофан ва Афлотунларнинг асарларидан билиб олишимиз мумкин. Ксенофант «Суқрот ҳақида эсдаликлар» асарида ўз устози ҳақида илиқ сўзлар айтиб, уни олижаноб, ахлоқ-одоб

борасида ҳаққоний фикр юритган инсон сифатида таърифлаган. Ёшларнинг ахлоқини бузган деб унга сиёсий айб қўйиш — тухмат эканини алоҳида таъкидлаган. Афлотун эса уни чуқур мулоҳазали, инсонни улуғловчи донишманд, дея таърифлаган, унинг фалсафий қарашларини ўз асарларида Суқрот номидан баён этган. Суқротнинг фикрича, фалсафанинг марказида ахлоқ масалалари турмоғи лозим. Жамиятнинг равнақи, тинчлик ва осойишталиги, фаровон ҳаёти ахлоқ ва одобнинг аҳволига боғлиқ. Бу масалалар Шарқ фалсафасида ҳам катта ўрин тутганли боис халқимиз, буюк алломаларимиз Суқрот номини бениҳоя ҳурмат билан тилга олган, унинг ахлоқ-одоб ҳақидаги панд-насиҳатларига амал қилган.

Суқротнинг шогирди **Афлотун** (асли — Платон) жаҳон фалсафаси тарихида ўчмас из қолдирган буюк алломадир. У нафақат файласуф олим, балки санъаткор, шоир ва драматург бўлган, ўз ғояларини диалоглар тарзида баён қилган. Афлотун 428 йил 21 майда Делос оролида туғилган. Ўзидан кейин 35 дан зиёд диалог шаклидаги асарлар ёзиб қолдирган. Арастунинг у ҳақдаги маълумотларини бирдан-бир тўғри далил деб қараш мумкин. Чунки Арасту Афлотуннинг энг яқин дўсти ва шогирди бўлган.

Афлотун **«Ғоялар дунёси ва соялар дунёси» таълимоти**нинг асосчисидир. Унингча, ғоя ҳақиқий борлиқ, биз биладиган ва яшайдиган дунё эса унинг соясидир. Ҳақиқий ўзгариш ва тараққиёт ғоялар дунёсига хос, соялар дунёсидаги ҳаракат эса унинг аксидир. Ғоялар дунёсининг қонуниятларини ҳамма ҳам билолмайди. Уларни биладиган зотлар ниҳоятда кам учрайди, улар улкан ақл эгаси бўлади ва тарихда чуқур ном қолдиради. Аксарият кишилар эса, соялар дунёси билан кифояланади.

Афлотуннинг жамият ва давлат тўғрисидаги таълимоти унинг дунёқарашида марказий ўринлардан бирини ташкил этади. У фақат антик давр фалсафаси — онтология ва гносеологиянинг классиги бўлиб қолмай, мумтоз антик сиёсий назария ва педагогиканинг билимдони ҳам бўлган. Афлотун ижтимоий-сиёсий масалаларга доир «Давлат», «Қонунлар», «Сиёсат» ва «Критий» номли асарлар ёзиб қолдирган. «Давлат» асарида жамият ҳақида, унинг идеал сиёсий тузуми тўғрисидаги қарашларини марказий таълимоти — ғоялар назарияси билан узвий боғлиқ ҳолда илгари сурган. Унинг фикрича, давлатнинг тўртта шакли мавжуд: теократия; олигархия; демократия; тирания. Афлотуннинг идеал давлат тўғрисидаги орзулари негизида адолат ғояси ётади. Афлотун айтганидек, жамият барча аъзоларининг одил жамиятдаги қонунларга бўйсуниши ижтимоий тараққиётнинг асосий гаровидир.

Афлотуннинг шогирди ва сафдоши **Арасту** (384 — 322 йиллар) (асли — Аристотель) қадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи, ўзининг бетакрор, жаҳонни лол қолдирган илмий мероси билан машҳурдир. Ўн етти ёшида ўз илмини ошириш мақсадида Афинага келиб, Афлотун асос солган академияга ўқишга кирган ва 20 йил давомида (Афлотуннинг ўлимига қадар) шу ерда таҳсил олган. Кейинчалик Македония подшоси Филиппнинг II таклифига биноан, унинг ўғли Александрга 3 йил мунтазам устозлик қилган. Бинобарин, кейинчалик дунёни забт этиб, жаҳонгирлик мақомига кўтарилган искандарнинг камолотида Арастунинг хизматлари беқиёс бўлган. Филиппнинг ўлимидан кейин Александр тахтга ўтиргач, Арасту Афинага қайтиб келиб, 50 ёшларида «Ликкей» номли мактаб очган. Илмий фаолиятининг самарали бўлишида, умуман, Юнонистондаги илм-фан ривожида Александр томонидан кўрсатилган ҳиммат ва рағбатлар муҳим аҳамият касб этган. Искандар вафотидан кейин унга қарши кучлар бош кўтариб, Арастуни даҳрийликда айблашган ва судга тортишган. Суддан олдин Эвбей оролига кўчиб кетган Арасту кўп ўтмай ўша ерда вафот этган.

Арасту забардаст олим бўлиб, мантиқ, психология, фалсафа, ахлоқ, нотиқлик санъати, табиий фанлар бўйича ўлмас, бебаҳо асарлар ёзиб қолдирган. Унинг барча асарлари борлиқни ўрганишга қаратилган. Мантиққа оид асарларининг барчасини «Органон» («Қурол») номли асарига жамлаган. Файласуф барча фанларни икки турга — назарий ва амалий фанларга бўлган. Амалий фанлар шогирдларга йўл-йўриқ кўрсатишга, бирор бир фойдали ишни амалга оширишга йўналтирилган. У назарий фанларни уч қисмга - фалсафа (метафизика), математика ва физикага ажратган.

Файласуф оламдаги нарса ва ҳодисалар тўртта сабабга эга. Булар — моддий сабаб, яъни модда (материя); шаклий сабаб ёки шакл; яратувчи сабаб; пировард сабаб ёки мақсад сабаблардир. Яратувчи сабаб, Арасту талқинича, ҳаракат манбаидир. Масалан, ота ва она боланинг улғайиши сабабчисидир. Арасту пировард сабаб (мақсад сабаб) воситасида инсонга хос бўлган мақсадни табиат ҳодисаларига ҳам татбиқ этмоқчи бўлган. Ҳаракат олам сингари абадийдир. Айни пайтда, олам ўзининг абадий сабаби, яъни ҳаракатлантирувчи кучига эга.

Арастунинг жамият ва давлат тўғрисидаги таълимоти «Давлат», «Сиёсат» каби асарларида баён этилган. Унинг фикрича, давлат бошқаруви жамиятнинг эркин ва фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши лозим. Бахтли ҳаёт мазмуни фақат моддий мўл-кўлчилик билан белгиланмайди, балки сероблик маънавий бойлик билан уйғун бўлгандагина, жамият бахтли ҳаёт кечиради. Давлатнинг бойлиги, асосан, ўртача мулкка эга бўлган фуқароларнинг меҳнати билан таъминланади. Арастунинг бу борадаги қарашлари бугунги кунда Ватанимизда кичик ва ўрта бизнес соҳасини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятига жуда ҳамоҳангдир.

Юнон фалсафасида **Демокрит**нинг қарашлари ҳам муҳим ўрин тутади. У ҳақиқий борлиқ — моддий дунё, абадий ва поёнсиз, чексиз-чегарасиз реалликдир, олам майда моддий заррачалардан, яъни атомлардан ва бўшлиқдан иборат дея таълим беради. Атомлар ва бўшлиқ ўзаро яхлит абадий ибтидодир. Атомлар — бўлинмас ва ўзгармас, сифат жиҳатдан бир хил, унинг миқдори шакли сингари беҳисобдир. Ҳаракат, деган эди Демокрит, атомлардан иборат модданинг абадий, табиий ҳолатидир. Демокрит тасодифиятни инкор этган. У «на табиатда на жамиятда хеч бир нарса тасодифан пайдо бўлмайди», деб ёзган. Демокритнинг фалсафий қарашларида ахлоқий таълимот муҳим ўрин тутади. Унинг бу борадаги қарашлари сиёсий қарашлари билан узвий боғлиқдир. Яхши бошқарилаётган давлат — буюк қўрғондир. Давлат манфаатлари қолган барча нарсалардан устун турмоғи лозим.

Меъёр, дейди файласуф, ахлоқнинг табиат инсонларга инъом этган куч ва қобилиятга мос келишададир. Донолик учта ҳосил келтиради: яхши фикрлаш; яхши сўзлаш; яхши ҳаракат қилиш. Демокритнинг ахлоқий қарашлари ўз давридаги амалий маънавий муносабатларнинг умумлашмасидир. Унинг таълимоти бугунги кунда инсонларни ахлоқ-одобга, диёнатга даъват этади.

**Эпикур** (341-270 йиллар) — қадимги Юнон мутафаккири. Демокрит илгари сурган атомчилик таълимотини янада такомиллаштириб, уни юқори поғонага кўтарган ва тегишли қарашлар билан бойитган файласуф. Эпикур таълимотича, олам — моддий, абадий ва чексиз. Атомлар — бўлинмас, олам — жисм ва бўшлиқдан иборат, деб ёзган эди у. Барча жисмларни Эпикур икки гуруҳга бўлган. Биринчи гуруҳга жисмларни ташкил этувчи атомларни киритган бўлса, иккинчи гуруҳга атомларнинг бирлашишидан ташкил топган жисмларни киритган. Эпикур ички ҳаракат қонуниятини кашф этиб, Демокрит илгари сурган атомчилик

таълимотига улкан ҳисса қўшган. Эпикурнинг фалсафий-ахлоқий таълимоти ўз замонасида илғор аҳамиятга эга бўлган. Роҳат-фароғат, хурсандчилик деганда, кайф-сафо, маишат, шоҳона ҳаётни эмас, балки жисмоний эзилиш ҳамда руҳий ташвишлардан халос бўлишни, озодликни тушунамиз, дейди Эпикур. унинг фикрича, давлат кишиларнинг ўзаро келишуви асосида тузилиши лозим. Эпикур илгари сурган ижтимоий келишув ғояси кейинчалик XVIII аср француз маърифатпарварлари ҳамда XX аср файласуфлари томонидан давом эттирилган.

Эпикур таълимотини римлик **Лукреций Кар** (эрамиздан аввалги 99-55 йиллар) давом эттирган. У «Нарсаларнинг табиати тўғрисида» номли асари билан машҳур бўлган. Яшашдан мақсад, деб ёзган Лукреций, бахтли ҳаёт кечиришдан иборатдир. Жамият ҳам, худди табиат сингари, ўз қонунларига эга ҳамда табиат қонуниятларига таянган ҳолда ривож топади, дейди у. Унинг фалсафий қарашлари ўз даври ва ўрта аср фалсафасига ўз таъсирини кўрсатган.

Унинг фикрича, модда (материя) — абадий, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб, шаклини ўзгартириб яшаш — унинг хоссаси. Оламдаги барча нарсалар иккига — оддий ва мураккаб турга бўлинади. Лукреций Кар атом ҳаракатининг учта турини санаб ўтган. Булар — нарсанинг оғирликка эга бўлгани учун тўғри чизиқли ҳаракати, нарсанинг ўзича оғиш ҳаракати, нарсага туртки бўлган асосга қаратилган ҳаракат. Лукрецийнинг назарияси моҳиятан содда бўлса-да, табиатшуносликка улкан таъсир кўрсатган.

Биз хорижий Шарқ ва антик дунё фалсафаси ҳақида жуда қисқа маълумот бердик. Уларга мансуб айрим оқим ва машҳур файласуфлар таълимоти тўғрисида ниҳоятда мухтасар фикр юритдик. Аслида бу мавзулар ўта кенг қамровли бўлиб, уларнинг моҳиятига етиб бориш учун кўп ва хўб ўқиб-ўрганишга тўғри келади. Ишончимиз комилки, сиз, азиз талабалар уларни мустақил ўқиб-ўрганиш жараёнида тўлиқ ўзлаштириб оласиз.

## Таянч тушунчалар

**Антик фалсафа -** кадимги даврда эрамиздан аввалги 8 асрда Юнонистонда, эрамиздан аввалги 2 асрда Рим жамиятларида шаклланиб, эрамизнинг 6 асрига кадар ривожланиб келган фалсафий таълимотлар умумлашмаси.

**Ведалар -** диний мазмунга эга адабиётлар. Баъзи тахминларга кура, деярли туккиз аср давомида Хиндистон ярим оролида яшаб келган кадимий халк ва элатлар томонидан яратилган.

**Упанишадалар -** сирли билимлар деб аталиб, ведаларнинг фалсафий кисмидир. У маълум бир китоб ёки фалсафий рисолалар шаклида булмай, балки турли мавзуларда, турли даврларда асосан номаълум муаллифлар томонидан яратилган матнлар туплами. Хар бир матн у ёки бу муаллифнинг фалсафий мушохадаларининг кискача баёнидан иборат.

**Элей мактаби -** пифагорчиларнинг иттифоки каби Элладнинг Элей шахрида юзага келган. Бу мактабнинг асосий намоёндалари Ксенофан, Парменид, Зенон ва Мелисслардир. Элей мактаби таълимоти кадимги Юнон фалсафасининг шаклланишида, унинг категориялари, жумладан, борлик категориясининг ривожида янги кадам хисобланади. Ионияликларда борлик жисмий, пифагорчиларники эса математик булса, Элей мактабида у фалсафийдир. Элейликлар биринчилар каторида борлик ва тафаккур уртасидаги муносабат масаласини куйдилар. Антик фалсафа шаклланишининг якуни Элей мактаби билан тугалланади.

**«Таврот», «Веда»** — диний китоблар. астика — «Веда»нинг муқаддаслигини тан олувчи, настика — унинг муқаддаслигини тан олмайдиган мактаблар. Дао — табиат қонуни, Ци — борлиқнинг асосида ётган беш унсур, ян — ёруғлик кучи, ин — зулмат кучи, метафизика — қадимги юнонистонликлар фикрича, борлиқнинг асосини ўрганадиган дастлабки фалсафа, атомлар — бўлинмас деб тасаввур қилинган заррачалар.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Қадимги Миср фалсафасига хос хусусиятларни санаб беринг.
2. «Веда»лар нима ва қачон пайдо бўлган?
3. Буддавийлик таълимотининг моҳияти нимадан иборат?
4. Конфуцийлик нима?
5. Лао Цзи фалсафасида Дао қонуни нимани англатади?
6. Милет фалсафий мактаби тўғрисида нималарни биласиз?
7. Гераклитнинг «Оқар сувга икки марта тушиб бўлмайди» деган ҳикматли ибораси фалсафий моҳиятини тушунтириб беринг.
8. Суқрот қандай файласуф бўлган?
9. Афлотуннинг ғоялар дунёси ҳақидаги таълимотининг моҳияти нимадан иборат?
10. Арасту ҳақида нималарни биласиз?

### Асосий адабиётлар


1. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Т.9. Т., «Ўзбекистон», 2001.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т., «Ўзбекистон», 2002. 316-329-бетлар.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., «Ўзбекистон», 2003. 3-51-бетлар.
4. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005. 5-33-бетлар.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005.
7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005.
8. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази. 2000. 67-80-бетлар.
10. Гуннар Скирбекк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002. 17-168-бетлар.
11. Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003. 3-21-бетлар.
12. Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007.
13. Ўзбекистонда маънавий рухий тикланиш. Т., «Янги аср авлоди», 2003.
14. Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. Т., «Чўлпон», 2003. 18-20, 33-41-бетлар.

15. Фалсафа қомусий луғат. Т., «Шарқ», 2004. 29, 206, 475-476-бетлар.
16. Ислом энциклопедияси. Т., 2004.
17. Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров). -Т., «Ўзбекистон», 2005.
18. Шахс ва жамият. Қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 2005.

**Кушимча адабиётлар:**

1. Основы философии. Т. Мехнат 2004 й. 7-17 бетлар.
2. www.bilim.uz.
3. www.philosophy.ru.
4. www.filosofiya.ru.
5. www.philosophy.nsc.ru.
6. http//philosophy.albertina.ru.
7. www.history.ru.
8. www.philosophy.com.
9. www.gov.uz - Хукумат сайти
10. www.press-service.uz - Президент сайти
11. www.edu.uz - Вазирлик сайти (руйхатдан утиш)
12. www.ziyo.edu.uz - Вазирлик сайти
13. www.performance.edu.uz - Вазирлик сайти
14. www.tseu.fan.uz - ТДИУ сайти
15. www.tseu.uz - ТДИУ сайти
16. www.teuphil.narod.ru - Фалсафа кафедраси сайти

**Мавзуда кулланиладиган педагогик технология куйидагича:**

1. Аклий хужум услуби.
2. Реферат тахлили.
3. Гурухларда жуфтлик ёки кичик гурухларга булиниб ишлаш.

**Мавзуда кулланиладиган ахборот технология куйидагича:**

1. Слайдлар намойиши.
2. Интернетдан олинган маълумотлар.
3. Мультимедия.

Ушбу маъруза матни К.Назаров рахбарлигида яратилган маърузалар матни, Фалсафа комусий лугат, Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий карашларининг тахлили асосида тузилган.

# 3-МАВЗУ. МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР, УНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ

### *1-машғулот*

***РЕЖА:***

1. Марказий Осиёдаги энг қадимги фалсафий қарашлар.
2. “Авесто” ва зардуштийлик ғоялари.
3. Марказий Осиёда буддавийлик.
4. Моний ва Маздакнинг фалсафий қарашлари.

### *2-машғулот*

***РЕЖА:***

1. Илк ўрта асрларда Ватанимизнинг жаҳондаги йирик маданият марказларидан бирига айланиши.
2. Марказий Осиё уйғониш даври фалсафаси.
3. Ҳозирги давр Ўзбекистон фалсафаси.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биз фалсафа тарихини фақат машҳур номлар ва улар яратган таълимотларни билиб олиш учунгина ўрганмаймиз, балки инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк файласуфларнинг ибратли ҳаёти, ўлмас ғоялари моҳиятини чуқур англаш, уларга таяниб, бугунги кун фалсафий муаммоларининг қулай ечимини топиш, шу тариқа Ватанимиз ва халқимизга ҳалол хизмат қилиш, қолаверса, буюк аждодларимизга, элу юртимизга муносиб фарзандлар бўлиш учун ҳам пухта ва чуқур ўрганамиз.

Тарихни билиш, ундан тўғри ва холис хулосалар чиқара олиш инсон маънавий камолоти учун ниҳоятда муҳим. Тарих — буюк муаллим, ўтмишдан сабоқ берадиган тарбиячидир. Гап энг қадимги давр фалсафаси ҳақида борар экан, бу ҳақиқат янада катта аҳамият касб этади. Айримлар «Бизга минг йиллар қаърида ётган маданият ва фалсафадан нима фойда, яхшиси, бугуннинг гапидан гапирингғ", «Ўтмиш қаъридан ташбеҳ излагандан кўра, бугунги муаммолар устида бош қотирган маъқул эмасмиғ» деган хаёлларга бориши мумкин. Бир қарашда уларнинг гапида ҳам жон борга ўхшайди. Аммо бир нарса аниқ: ўтмишни билмасдан туриб, келажакни тўғри тасаввур этиш мумкин эмас. Зеро, ўтмишсиз келажак йўқ.

Шу маънода, биз фалсафа тарихини азбаройи ўтмишга қизиққанимиз учун ўрганмаяпмиз. Биз уни турли замонларда рўй берган хилма-хил воқеа ва ҳодисаларнинг фалсафий фикр ва онгида қандай акс этгани, уларни қандай ғояларнинг туғилишига сабаб бўлгани, қайси таълимотлар инсоният тараққиётига қандай таъсир кўрсатгани, қайси мафкура одамзодни кўпроқ ривожланиш ёки таназзул томон етаклагани каби ҳақиқатларни билиб олиш учун ўрганамиз. Тарихни ўрганмоқ ва ундан сабоқ олмоқ ҳар бир инсон учун зарурдир. Бу — фалсафа билан шуғулланаётган мутахассис учун ҳам, уни ўрганаётган талаба учун ҳам бирдек муҳим аҳамиятга эга. Тарихни фалсафасиз тўғри тушуниб бўлмагани каби, фалсафани ҳам тарих ҳақиқатисиз тўғри англаб бўлмайди.

Шуларни назарда тутиб, қуйида биз мамлакатимиз тарихида муайян из қолдирган айрим фалсафий қарашлар ва таълимотлар ҳақида қисқча тўхталиб ўтамиз.

**Зардўштийлик таълимоти.** Эрамиздан аввалги X асрдан эрамизнинг VII асрларигача бўлган давр маҳсули бўлган диний-фалсафий таълимотлардан бири зардўштийликдир.

Бу таълимотга Зардўшт асос солган бўлиб, Шарқ ва Ғарбда Заратуштра, Зароастр номлари билан машҳурдир. Манбаларга кўра, Зардўшт эрамиздан аввалги VI асрнинг биринчи ярмида яшаган. Лекин унинг тарихий ёки афсонавий шахс эканли ҳақида аниқ бир тўхтамга келингани йўқ. У ўзини пайғамбар деб эълон қилган. Лекин унинг пайғамбарлиги илоҳий асосга эга эмас. Яъни бу ҳақиқат илоҳий китобларда ўз тасдиғини топмаган.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу таълимот Ватанимиз ҳудудида, хусусан, Хоразм заминида пайдо бўлган. У ўз даврида халқни эзгулик ва адолат ғояларига даъват этиш, ҳаётбахш анъаналарни шакллантириш, деҳқончилик ва шаҳар маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган, унинг ғоялари билан боғлиқ қадриятлар бугунги кунгача яшаб келмоқда ва халқимиз турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини белгилашда улкан қиммат касб этмоқда.

Зардўштийликнинг бош китоби «Авесто»дир. унда қадимги халқларнинг дунё тўғрисидаги тасаввурлари, ўзига хос қадрият ва урф-одатлари акс этган. Унда оламнинг азалий қарама-қарши кучлари- яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик, ҳаёт ва ўлим борасидаги қарашлар ўз ифодасини топган. «Авесто»да, шунингдек, табиат фалсафаси, тарих, этика, тиббиётга оид маълумотлар ҳам берилган.

Фалсафа тарихида македониялик Александр (эски ўзбек тилида Искандар дейилган) истилоси ва Грек-Бақтрия даври фалсафаси ҳам халқимизнинг тараққиёт тарихида муҳим ўрин тутган. Манбаларда Александр қўшини маҳаллий халқларнинг қаттиқ қаршилигига учрагани, у «Авесто»нинг кўпгина қисмини ёндириб юборгани ҳақида маълумотлар бор. Бугунги кунгача ҳам айрим тарихчилар Александр «Авесто»нинг тилини билмагани, уни ўқий олмагани сабабли бу китобнинг қадр-қимматини тушунмаган ва уни ёқиш тўғрисида кўрсатма берган, деган фикрларни баён этадилар. Аслида ундай эмас. Бу — тарихий ҳақиқатни, гарчанд у кимлар учундир аччиқ ва кимлар учундир ибратли бўлса-да, хаспўшлашга уринишдан бошқа нарса эмас. Негаки, Александр ўз замонида фанларнинг отаси деб ном олган фалсафани фан даражасига кўтарган, буюк донишманд сифатида етти иқлимда тан олинган Арастудан 20 йил мобайнида муттасил таълим олган эди. Бинобарин, Шоҳ Филиппнинг ўғли Александрни саводсиз, китобнинг қадрини тушунмайдиган бир кимса деб таърифлаш тарих ҳақиқатига тўғри келмайди.

Тўғри, у «Авесто»ни ўтда куйдирган бўлиши мумкин. Лекин буни китобнинг қадрини тушунмагани учунмас, балки ерли халқларни бирлашишга даъват этиб турувчи, улар эътиқод қўйган миллий ғоялар тимсоли бўлган ва ўз салтанатига қарши муттасил кураш олиб борувчи ватанпарварларни тарбиялайдиган манба эканини назарда тутиб, шу ишни амалга оширган. Қолаверса, ўзини дунёдаги энг ривожланган ҳудуд маданиятини жаҳонга ёйиш учун масъул деб билган, тўғрироғи, ўша маданиятдан бошқасини тан олмаган машҳур жаҳонгир учун забт этилган халқнинг «Авесто»дек буюк китоби бўлиши кутилмаган ҳол эди. У, юқорида таъкидланганидек, мазкур китоб омон турса, у ушбу замин фарзандлари учун ўзликни англаш, бинобарин, куч-қудрат манбаи бўлиб қолаверишини ниҳоятда яхши тушунган. Александрдан кейин яшаган Рим императорлари ҳам Миср ва Византияга қарши уруш қилиб, яҳудийларнинг ерини босиб олганида туб аҳолининг маданий бойликларини йўқ қилгани, «Забур» ва «Таврот»нинг қадимги нусхаларини куйдириб юборгани юқоридаги мисолнинг тасодифий эмаслигидан далолат беради.

Умуман, ҳар қандай шароитда ҳам истилочиларнинг биринчи иши халқ ва миллатларни зўрлик билан босиб олиш, бойликларини талаш бўлса, кейинги асосий фаолияти — миллатни ўз тарихи ва анъаналаридан узиб қўйиш, маданий меросини талон-тарож қилиш, унинг маънавиятини йўқотишдан иборат бўлади. Тарихнинг бу аччиқ сабоғи мустамлакадан озод бўлган, ўз мустақиллигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга интиладиган ҳар қандай халқ тараққиёти учун энг муҳим хулоса бўлиб хизмат қилади.

Искандарга қарши курашда халқимизнинг миллий қаҳрамони Спетамен беқиёс мардлик ва жасорат кўрсатади. У Искандарга қарши аёвсиз қаршилик кўрсатган ватанпарвар лашкарбошилардан биридир. Аслида, унинг қаҳрамонлиги миллатимизнинг ўша даврдаги ўз давлатчилигини, ўзи яшайдиган ҳудуд даҳлсизлигини сақлаб қолиш учун олиб борилган курашнинг яққол тимсолидир. Албатта, бу лашкарбоши ортидан халқ эргашса, элнинг озодлик ва мустақилликка интилиш туйғуси кучли бўлмаса, Спетаменнинг номи бу қадар машҳур бўлиб кетмас эди. Негаки, инсон нақадар кучли, тадбиркор ва омадли бўлмасин, агар халқ билан бирга бўлиб, унинг дардларига дармон изламаса, ҳуррият ғояларини байроқ қилиб кўтармаса, ҳақиқий миллий қаҳрамон бўлолмайди. Спетамен эса ўша халқимизнинг руҳи, орзу-умидлари, мустамлакачиларга қарши матонати рамзи сифатида тарихимиз қатига мангу муҳрланиб қолган.

**Марказий Осиёда буддавийлик** ҳам ўз ўрнига эга. У диний-фалсафий таълимот сифатида қадимги Ҳиндистонда эрамиздан аввалги VI асрнинг охири ва V аср бошларида вужудга келган. У жаҳонда кенг тарқалган динлардан биридир. Бу таълимотга асос солган донишманд Сидхарта уруғидан чиққан Гаутама ҳисобланади. Кейинчалик у «Будда», яъни нурланган деган лақабга эга бўлган. Буддавийлик исломга қадар Ўрта Осиёда тарқалган қадимги динлар орасида мавқе жиҳатидан жуда катта ўрин тутади. Бу таълимот Ўрта Осиёга эрамиздан аввалги II-I асрларда кириб келган. Тарихий манбаларга кўра, уни Тохаристонга балхлик савдогарлар олиб келишган. Кушонлар даврида буддавийлик дини ҳукмрон динга айланган эди. «Халқчил бўлганлиги учун Ўрта Осиёга кенг ёйилган. Буддавийликнинг Ўрта Осиёга ёйилиши қуйидаги тўрт босқичдан иборат.

Биринчи босқич. Кушонлардан олдинги давр. Бу эрамиздан аввалги I асрга тўғри келади. Бу даврга оид ёзма манбалар бизгача етиб келмаган.

Иккинчи босқич. Кушонлар даври (эрамизнинг II-IV асрлари) Бу даврда буддавийлик Ўрта Осиёга кенг тарқалган эди. Айниқса, унинг ахлоққа оид масалалар, ҳалқ оммасини сабр-қаноат ва бардошга даъват этувчи ғояларни илгари сурганлиги муҳим аҳамият касб этган.

Учинчи босқич. Бу даврда Ўрта Осиёда буддавийлик таълимотининг манбалари ёйилган.

Тўртинчи босқич. (IX-XIV асрлар) ислом Ўрта Осиёда ҳукмрон динга айланиши билан бу дин сиқиб чиқарилган ва жуда заифлашиб кетган.

Буддавийликнинг Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқи ўртасида ўз даврида маънавий кўприк бўлиб хизмат қилганлиги аниқ. Халқларимиз орасидаги дўстлик ва биродарликнинг илдизлари ҳам ўша даврга бориб тақалади ва бугунги кунда аксарият кишилар, айниқса, ёшларимизнинг ҳинд халқи, унинг маданияти ва санъатига қизиқиши тасодифий эмас.

**Моний таълимоти** юртимизда буддавийликдан кейин кенг тарқалган эди. у зардўштийлик ва христианликнинг синтезлашуви натижасида вужудга келган. Моний форс ва араб тилларида бир неча рисолалар ёзган. Лекин улар бизгача етиб келмаган. Моний ҳатто «Монийлик ёзуви» номли алифбо ҳам тузган. унинг

таълимотича, ҳаётда даставвал нур дунёси - яхшилик ва зулмат дунёси- ёвузлик бўлган. Улар ўртасида абадий кураш боради, инсон икки унсурдан (руҳ — нур фарзанди, жисм — зулмат маҳсули) иборат. Монийлик халқ оммаси манфаатларини ҳимоя қилувчи таълимот бўлгани сабабли ҳукмрон мафкура қаршилигига дуч келган.

Монийлик таълимоти асосида **Маздак таълимоти** юзага келган. У эрамизнинг V-VI асрларида кенг тарқалган эди. Унинг асосчиси Маздак (470-529 йиллар) бўлган. Маздак ва унинг маслакдошлари ўз қарашларида ҳалқ оммасига суянган. Халқнинг озодлик, эркинлик, ҳурлик йўлида олиб борган ҳаракатларига раҳнамолик қилгани учун тез фурсатда уларнинг маслакдошлари, издошлари кўпайиб кетган. Маздакийлик ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш йўлида курашга даъват этувчи мафкура сифатида хизмат қилган. Унда асосий ёвузлик-бойликка ҳирс қўйиш ва ўта камбағаллик қораланади. Бу инсонпарвар ҳаракатдан чўчиган шоҳ Маздакни турли ҳийлалар билан ўлимга маҳкум этади. Маздакийлар ҳаракати, эрамизнинг VI асрида бостирилганига қарамай, турли мамлакатларда муайян даражада давом этган. Ўрта Осиёда Муқанна, Озарбайжонда Бобак бошлиқ деҳқонлар ва шаҳар камбағалларининг зулмга қарши курашлари бунга мисол бўлади.

Марказий Осиёда вужудга келган қадимги фалсафий таълимотлар, улар илгари сурган ғоялар бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятига эга. Санаб ўтилган қадимги диний-фалсафий таълимотлар, яъни зардўштийлик, унинг бош китоби — «Авесто», Моний таълимоти, «Моний ёзуви», маздакийлик ҳаракати жамиятда адолат, эркинлик, тенг ҳуқуқлилик тамойилларини қарор топтиришига даъват этган. Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган Муқанна бошчилигидаги ҳаракат нафақат Ўрта Осиёда, балки жаҳоннинг бошқа ўлкаларида ҳам акс-садо берган. Ватанимизнинг ўша даврда шаклланган ва ривожланган бой маданияти, миллий маънавиятимиз, фалсафамиз жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган.

Сирасини айтганда, мамлакатимиз тарихи ислом дини юртимизга кириб келган даврдан бошланмайди. У исломга қадар ҳам минг йиллар мобайнида ривожланиб келган шонли тарихига эга. Лекин, афсуски, Ватанимизнинг ана шу давр тарихи ниҳоятда кам ўрганилган. Бу даврга оид манбаларнинг аксарияти эса йўқ қилиб юборилган. Бу вайронкорликнинг бошида милоддан аввал македониялик Александр турган бўлса, мамлакатимизни забт этган кейинги босқинчилар ҳам ана шу йўлдан борган. Улар халқ онгидан мустақиллик ва эркин ҳаёт тўғрисидаги мақсад-муддаоларни бутунлай йўқотиб юборишга уринишган. Бунинг натижасида маънавий қашшоқ ва тарихий хотирасиз кишилар тарбияланиши лозим эди. Босқинчилар Мовароуннаҳрда ниҳоятда бой маданият шаклланганини эътироф этган. Аммо унинг босқинчилик ғояларига мос келмайдиган жуда кўп намуналарини аёвсиз йўқ қилишган. Айниқса, маънавий қадрият ва маданий бойликларни шафқатсизларча ғорат қилиш асосий ўринда турган. Юртимизда араблар истилосига қадар устувор бўлган маънавий ва маданий дурдоналар қадрини яхши англайдиган ва уларнинг аҳамиятини тўғри тушунадиган кишилар биринчи навбатда йўқ қилиб юборилган. Бу тўғрида Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида қуйидагиларни ёзган: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб ва буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб

бўлмайдиган даражада яширин қолди»[1]. Ушбу асарнинг бошқа саҳифасида улуғ ватанпарвар олим юқоридагига ўхшаш яна бир фикрни қуйидагича ифода этган: «Қутайба хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз бўлиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар»[2].

Беруний замонида ислом ягона ҳукмрон диний мафкура бўлиб турганини эътиборга олсак, зикр этилган асар ва ундаги теран фикрларни бундай ўктамлик билан айтиш ғоят улкан жасоратни талаб этгани аён бўлади. Истилочиларнинг бундай вайронкор сиёсати кейин ҳам давом этган. Хусусан, мустабид шўролар мафкураси ҳукмронлик қилган даврда ҳам ана шундай ҳол рўй берган. Ниҳоятда бой қадриятларимиз, фалсафий таълимотларимиз, умуман ўз меросимиздан бебаҳра бўлиб қолдик.

Истиқлол туфайли аждодларимиз яратган бой ва ўлмас маданий меросни ўрганиш имкони туғилди. Тарихий хотирани тиклаш, халқимиз қалбида миллий қадриятларга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳозирги кунда маънавий ҳаётнинг устувор йўналишига айланди.

Мазкур мавзуга асос бўлган давр фалсафаси араб истилоси ва мамлакатимизда ислом динининг тараққий этиши билан узвий боғлиқдир. Бу фалсафа, баъзи чет эллик мутахассислар айтгани каби, фақат араблар маданиятининг бир қисми эмас. Балки бизнинг Ватанимиз фарзандлари улуғ бобокалонларимизнинг ислом динига, ислом фалсафасига, бутун араб дунёси ва жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган таълимотлари дунёга келган давр фалсафаси ҳамдир.

Шу билан бирга, бу аждодларимизнинг босқинчиларга қарши курашини акс эттирган, халқимиз маданияти ва маънавияти ниҳоят даражада ривожланганини бутун жаҳонга яққол намоён қилган давр фалсафасидир.

Бу Муқанна каби миллий қаҳрамонларимиз кенг халқ оммасига бош бўлиб озодлик кураши олиб борган пайтларда элнинг руҳини кўтариб, илҳомлантирувчи эзгу ғоялар шаклланган давр фалсафасидир.

Бу Аму ва Сирдарё бўйларида яшаган халқнинг даҳоси энг юксак даражага кўтарилган, унинг атоқли намояндалари жаҳон маданияти саҳифаларига ўзларининг ўчмас номларини муҳрлаб кетган давр фалсафасидир. Бу фалсафанинг хусусиятлари ўша даврда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзига хослиги билан белгиланади.

Мазкур мавзуни ўрганишдан мақсад, Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ёш авлод қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантриш, «Ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш»дан иборат[3].

**Араб босқини ва ислом дини.** Мовароуннаҳр араблар томонидан забт этилиши арафасида Турк қоғоноти тизимига кирар эди. У майда амирликлардан иборат бўлиб, улар ўртасида тинимсиз тўқнашувлар рўй бериб турар эди. Айниқса, Турк қоғоноти билан сосонийлар Эрони ўртасидаги тўқнашувлар ўта шиддатли тусда юз берар эди. XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида бу ҳудуд араб халифалиги томонидан босиб олинди. Бунга Мовароуннаҳр ҳудудида яшовчи

---

[1] Абу Райҳон Беруний. «Танланган асарлар». 1-жилд. Т. «Фан», 1968, 72-бет.
[2] Абу Райҳон Беруний. «Танланган асарлар». 1-жилд. Т. «Фан», 1968, 82-бет.
[3] Ислом Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». - «Фидокор» газетаси, 2000 йил 8 июн.

ҳалқлар, ижтимоий кучлар орасида сиёсий ҳамжиҳатликнинг йўқлиги, ўзаро қирғин-баротларнинг авж олиши сабаб бўлди.

Мовароуннаҳрга араблар босқини билан бирга ислом дини ҳам кириб келди. Ислом сўзи арабча тангрига ўзини топшириш, итоат, бўйсуниш, тинчлик каби маъноларни англатади. Ислом дини байроғи остида кенг ҳудудда араб қабилалари бирлашган, мавжуд тарқоқликка чек қўйилган, ягона марказлашган араб халифалиги ташкил топган.

Қуръон ва ҳадисларда исломий таълимотнинг асоси баён қилинган. Қуръон — муқаддас китоб. Унда ислом қонун-қоидалари, иймон-эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар ўз ифодасини топган. У 114 сура ва улар таркибидаги оятлардан ташкил топган.

«Сунна» эса ҳадислар мажмуи бўлиб, Қуръондан кейин туради ва уни тўлдиради. Унда Муҳаммад пайғамбарнинг сўзлари, хатти-ҳаракатлари нақллар ва ҳадис шаклида жамланган.

Қуръон ва суннадан кейинги муҳим манба — шариатдир. Шариат (тўғри йўл, илоҳий йўл демакдир) — исломда ҳуқуқий, ахлоқий меъёр ва амалий талаблар тизимидир. Исломдаги асосий йўналишлар — суннийлик, шиалик ва хорижийлик. Улар диний таълимот, маросимчилик, ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга оид масалаларда ўзаро фарқланиб туради.

Хорижийлар йўналиши ўрта асрлар даврида кўпгина оқимларга бўлиниб, кейинчалик йўқолиб кетган. Фақат ибодийлар (абодийлар) оқими сақланиб қолган.

Суннийлик ва шиалик ҳокимият масаласида (суннийлик халифалик ҳокимияти, шиалик эса имомат ҳокимияти тарафдори), айрим диний маросим ва анъаналарда бир-биридан фарқ қилади.

Исломдаги оқимлар ақидавий таълимот ва маросимчилик масалаларида бир-биридан ажралиб турадиган диний гуруҳлардир. Шиаликдан қарматлар, исмоилийлар, зайдийлар, нусайрийлар, алиилоҳийлар ва бошқалар ажралиб чиққан.

Суннийликдан равшанийлар, аҳмадия, жангари ваххобийлар, маҳдийлар ажралиб чиққан. Мазҳабчилик илоҳиёт масалалари бўйича юзага келган ўзаро келишмовчиликлар натижасидир.

Исломда ҳанафийлик, ашъарийлар, жабарийлар, қадарийлар, сифатийлар, муржиъийлар, муътазилийлар каби мазҳаблар мавжуд. Қадарийлар инсон ирода эркинлигини ёқлаб чиқиб, уни тан олмаган жабарийларга қарши чиққан. Мутакаллимлар аристотелчилик фалсафаси усул ва воситаларидан фойдаланиб, исломнинг диний-ақидавий таълимотини асослаб беришга уринган.

**Абу Мансур Мотуридий** (мелодий 944 йилда вафот этган) калом илмининг ақл мақомига алоҳида эътибор қаратган Самарқандда Мотуридия мактабини яратган. Муътазилийлар (ажралиб чиққанлар) якка худоликнинг адолатли эканини, Қуръоннинг тангри томонидан яратилганлигини, ирода эркинлигини ёқлаб чиққан. Унинг асосчиси Восил ибн Атодир (699-748 йиллар). Унинг охирги вакилларидан бири Замахшарийдир.

Калом ислом илоҳиётининг ўзига хос фалсафий таълимотидир. У диний ақидаларни асослаб беришга уринган. У Қуръонга таяниб, жаннат ва дўзахнинг азалий эканлигини, инсонда ирода эркинлигининг йўқлигини, лекин инсоннинг Оллоҳ олдида ўз қилмишлари учун масъул эканлигини асослаб беришга харакат қилган.

Бундай маънавий жараёнлар билан ёнма-ён исломда **машшоийунлар ва таббиийунлар**нинг (Арасту фалсафаси ва табиатни ўрганишга аҳд қилганларнинг) фалсафий қарашлари шакллана борган. Бу исломий маънавиятнинг дунёвий ва

диний масалаларда, жаҳон фалсафий тафаккурида рўй бераётган жараёнларга нисбатан ташаббускор бир куч эканини кўрсатиб турибди.

Қадимги Юнон фалсафаси анъаналарида сиёсий фаолият ва донишмандлик кўп ҳолларда бир-бирига қарама-қарши қўйилган бўлса, ислом фалсафасида сиёсатга, аксинча, инсон фаолиятининг юксак бир шакли сифатида қаралади. Исломда давлатни бошқариш — бу санъат, аммо у ижтимоий адолат таомилига амал қилмоғи зарур, ижтимоий адолат эса тенг ҳуқуқийликка амал қилиш туфайли барқарор бўла олади, деб ҳисобланади.

Ислом фалсафасига кўра, инсоният истиқболи комил инсонни шакллантириш орқали юзага келади, ахлоқ-одоб эса инсон тафаккурининг ажралмас таркибий қисмидир. Мусулмон Шарқи мутафаккирларини ақл мақоми, мантиқ илми аввалдан қизиқтириб келади, чунки мантиққа таянмаган хар қандай билим ишончли ва самарали бўла олмайди. Бу масала ҳам ислом фалсафасида ўз ўрнига эга.

**Тасаввуф ва унинг тариқатлари.** Тасаввуф фалсафий оқим ва диний-маънавий ҳодиса сифатида ислом дини доирасида (кўпгина ички сабаблар ва баъзи ташқи унсурлар — буддавийлик ва ҳиндийликнинг илк диний тасаввурлари, шарқий христиан таркидунёчилиги, неоплатонизм кабиларнинг таъсири остида) пайдо бўлди. Тасаввуф учун ваҳдоният — Оллоҳнинг бирлиги, Оллоҳ ва оламнинг порлаб туриши, фано бўлиш, ориф шахсининг тангри таоло билан руҳан бирлашиб кетиши каби мушоҳадалар муҳим аҳамият касб этади. Бу оқим намояндалари ва тарафдорларини сўфийлар, деб атаганлар ва «сўфизм» атамаси шундан пайдо бўлган. Илк сўфийлар аҳолининг камбағал тоифаси орасида шаклланган. Уларнинг қарашлари истилочилар зулми, адолатсизлик, ижтимоий тенгсизликка қарши норозилик белгиси сифатида ҳам юзага келган.

Тасаввуфнинг муҳим жиҳатлари йирик мусулмон илоҳиётчиси Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг (1059-1111) «Диний илмларнинг тирилтирилиши» асарида баён этилган. Ул зот дунё қонуниятларини ақл орқали билишни эътироф этган, лекин Оллоҳни ақл билан англаш мумкин эмаслигини таъкидлаганлар. У фақат қалб, махсус руҳий ҳаракатлар — илтижо-ибодатлар кўмагида билиб борилади. Мантиқ, табиатни билиш Оллоҳни танишга халал бермаса, улар аҳамиятлидир, агар аксинча бўлса, уларнинг мақоми чегараланади.

Расмиятчилик, ақидачиликни тасаввуф аҳли қабул қилмаган. Уларнинг фикрича, иймон-эътиқоднинг моҳияти Оллоҳдан бошқа нарсага муҳтож бўлмаслик, ҳеч қандай мулкнинг қулига айланмаслик, борига сабр-қаноат қилиб яшашдир. Оллоҳга етишиш учун қалбни поклаш, нафс балосидан озод бўлиш даркор. Ана шундагина инсон дили нур билан тўлади, нуқсонларни бошқалардан эмас, ўзидан излайдиган даражага кўтарилади, Ҳақ сари яқинлашади, бемаъни қараш ва тушунчаларнинг қуллик кишанидан ўзини озод қилади, чунки инсон қалби ҳурдир.

Тасаввуфда **кубравия, яссавия, нақшбандия** тариқат-сулуклари кенг тарқалган.

Кубравия тариқатининг асосчиси **Нажмиддин Кубро**дир (1154-1226). Хевада туғилган, ёзган асарлари орасида «Шарҳус-сунна вал-масолиҳ", «Усули ашара», «Фавоиҳул-жамол» кабилар машҳурдир. Кубравия тариқатининг моҳияти ўнта усулда мужассамлашган. Булар — тангрига ўз хоҳиши билан юзлашиш, зуҳд фи дунё — ҳар қандай лаззатдан ўзини тийиш, таваккул — Оллоҳга эътиқоди поклиги учун барча нарсалардан воз кечиш, қаноат, узлат — хилватни ихтиёр қилиш, мулозамат аз-зикр — узлуксиз зикр, таважжуҳ — Ҳаққа муҳаббат қўйиш, сабр — нафс балосидан озод бўлиш, муроқаба — тафаккурга ғарқ бўлиш, ризо — тангри хушнудлигини қозонишдан иборат.

Кубро мўғуллар билан бўлган жангларда жасорат кўрсатган ва шаҳид бўлган. Мўғуллар Кубронинг номи улуғлиги, обрўси баландлигини ҳисобга олиб, унга озод бўлиши, омон қолиши мумкинлигини, бунинг учун эса қамал қилинган қалъадан чиқиб кетиши кифоя эканини билдирган. Аммо Кубро бундай жон сақлагандан кўра, ўз халқи билан бирга юрт ҳимояси йўлида жон беришни афзал кўрган. Ривоят қилишларича, ул зот қартайиб қолганига қарамай, жангчиларга фаол кўмак берган. Буни кўрган шогирдларидан бири «Устоз, анчадан бери байроқ кўтариб чарчадингиз, уни менга беринг», деганида, у «Агар кучим бўлганида қилич ёки камон олган бўлар эдим. Байроқни бизга қўйингда, сиз ё қилич ёки найза билан ёғийга қарши курашинг», деган экан. У байроқни шунчалик маҳкам ушлаган эканки, халок бўлганидан кейин қўлидан байроқни олишнинг иложи бўлмаганидан, бир мўғул Кубронинг қўлини кесиб олган экан.

Яссавия тариқатининг асосчиси **Хожа Аҳмад Яссавий**дир (1166 йилда вафот этган). У Туркистоннинг Сайрам музофотида туғилган, машҳур мутасаввиф Юсуф Ҳамадонийнинг (1140 йилда вафот этган) таълим-тарбияси билан вояга етган, ориф мақомига эришган. Яссавий устозининг вафотидан кейин муайян бир муддат унинг мақомида турган, сўнг эса бу мақомни Абдухолиқ Ғиждувонийга қолдириб, Ясси — Туркистон шаҳрига қайтади ва ўз тариқати, йўл-йўриқларини ташвиқ этиш билан машғул бўлади.

Яссавийнинг оддий халқ тушунадиган услубда ёзилган, тасаввуфий қарашларини акс эттирган ҳикматлари девонида ўз аксини топган. Унда илоҳий ишқ, Ҳақ васлига етишиш, унинг ишқида парвона бўлиш, ундан бошқа нарсага кўнгил қўймаслик ҳақида фикр юритилган. Яссавий риёзат, чилла, зикрга алоҳида аҳамият бериб, ҳаётининг аксариятини чиллахонада ўтказган. Яссавий тариқати Туркистон ўлкаси, Озарбойжон, Туркия, Шимолда — Қозонгача, Ғарбда — Болқонгача кенг тарқалган.

**Баҳоуддин Нақшбанд** (1318-1389 йиллар) нақшбандия тариқатининг асосчисидир. Бу таълимотнинг моҳияти «Дил — ба ёру даст — ба кор» шиорида яққол ифодасини топган. Инсон Оллоҳ инояти натижаси бўлиб, бу дунёни унутиб қўймаслиги лозим, унинг қалби доимо Оллоҳда, қўли эса меҳнатда бўлмоғи лозим. У тасаввуфнинг барча тариқатлари сингари шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат мақомларини эътироф этади.

Нақшбанднинг таъкидлашича, шариат — аҳдга вафо, исломнинг бешта асосий талабига риоя қилиш, дил ва тил бирлиги. Тариқат эса, ўзидан кечиш, фано бўлишдир. Ҳақиқат — беҳуда ишлардан узоқлашиш, ҳақ ишларга боғланиш. Демак, шариат — қонун, тариқат — йўл. Қонун вужуд ва қалбни тарбиялайди. Йўл эса кўнгилни поклаб, руҳни илоҳий қувватдан баҳраманд қилади.

Кубравия, яссавия ва нақшбандия таълимотлари маънавиятимиз тарихида жуда катта ўрин тутган. Улар маънавий тараққиётда муҳим аҳамиятга молик бўлиб, ўз таъсирини ҳалигача йўқотмаган.

Ватанимиз цивилизациясининг шарқ халқлари, араб маданияти ва ислом фалсафаси ривожига таъсири ниҳоятда катта бўлган. Унинг ҳудудида араб халифалигидан нисбий мустақилликка эришган давлатларнинг ташкил топиши, халқимизнинг бағрикенглиги туфайли янги марраларга эришилди. Дунёвий ва диний соҳалардаги маданий-маънавий юксалиш мазкур уйғониш даврининг ёрқин тимсолидир. «Авесто» анъаналари, табиатни ўрганишдаги ютуқлар, гуманитар соҳадаги ижобий силжишлар, Шарқ халқлари, араб маданияти ва ислом фалсафаси ривожига самарали таъсир кўрсатди. Ўша даврда жаҳон миқёсида Ватанимизнинг

маънавий-интеллектуал нуфузи ортиб борди. У жаҳондаги йирик маданият ва илм-фан марказига айланди.

**Диний бағрикенглик ва дунёвий билимлар такомили.** Мусулмон Шарқи, жумладан ислом жорий этилганидан кейин Ватанимиз ҳудудидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ижодида Оллоҳ, инсон ва табиат масалалари илоҳиёт ва дунёвий фалсафанинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб келган. Биронта буюк аллома ва мутафаккир исломий қадриятлар мавзуини четлаб ўтмаган.

Диний илмлар соҳаларида имом Бухорий, имом Термизий, имом Абу Ҳанифа, имом Мотуридий ва имом Бурҳониддин Марғинонийлар пешқадамлик қилганлар.

**Имом Бухорий** (810-870йиллар) йирик илоҳиётчи, муҳаддис сифатида 60 мингга яқин ҳадис тўплаган, улардан ишончли деб топганлирини махсус тўплам ҳолига келтирган. Бу тўплам «Саҳиҳи Бухорий» номи билан машҳурдир.

**Имом исо Термизий**дан (824-892) «Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари», «Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола», «Тарих» ва бошқа асарлар мерос бўлиб қолган. Имом Термизий ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, муайян тартибга солган ва яхлит бир китоб шаклига келтирган.

**Абу Ҳанифа ан-Нуъмон** ҳанафия мазҳабига асос солган, барча ислом тарқалган ҳудудларда ўз мавқеига эга бўлган. Бу мазҳабнинг муҳим жиҳатлари калом ва илоҳиёт соҳаларининг пири Абу Мансур Мотуридий (вафоти 944 й.) нинг «Тавҳид» ва «Таъвилот» асарларида ва Бурҳониддин ал-Марғиноний (1123-1197) нинг «Ҳидоя» тўпламида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Уларнинг асарларида ақл мақоми ва мантиқ илмига, илм ва далилга кенг ўрин берилган.

**Муҳаммад ал-Хоразмий (783-850) ва Аҳмад ал-Фарғоний (тахм. 797-865)** бутун мусулмон Шарқи ва жаҳонда табиий ва аниқ фанлар ривожига салмоқли ҳисса қўшган буюк алломалардир. Муҳаммад ал-Хоразмий араб халифалигининг пойтахти Бағдодда «Донишмандлик маскани» («Байт ул-ҳикма») га раҳбарлик қилган. Унинг «Астрономия жадвали», «Ҳинд ҳисоби тўғрисида рисола», «Қуёш соати тўғрисида рисола», «Мусиқа ҳақида рисола», «Тиклаш ва қарши қўйиш ҳисобига оид мухтасар китоб» каби асарларида алгебра соҳасига асос солинди.

Шарқ халқлари орасида «Буюк математик» унвонига сазовор бўлган Аҳмад ал-Фарғоний (тахм. 798 й. да Қувада туғилган) астрономия ва математика соҳаларида ном таратди. Унинг «Самовий жисмлар ҳаракати ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб», «Астрономия асослари», асарларида коинот харитаси тузилди. Ер ва фазовий сайёралар ҳажми, иқлимлар, жўғрофий кенгликлар тўғрисида кузатувчилар орқали асосланган янги маълумотлар берилган, илм-фаннинг янги йўналишларига асос солинган. Қўлга киритилган маълумотларни умумлаштириш, тадқиқотда ҳиссий ва ақлий мушоҳада муштараклиги алломага хос хусусиятлар сифатида дунёқарашни шакллантиришнинг муҳим омиллари бўлиб келди ва ундан кейин яшаган илм аҳлига таъсири сезилиб турди.

Фалсафа, табиатшунослик ва тиббиёт тарихини Форобий, Беруний ва Ибн Синосиз тасаввур қилиб бўлмайди. **Абу Наср Форобий** (873-950) - мусулмон Шарқида Арастудан кейин «иккинчи устоз» унвонига муяссар бўлган йирик мутафаккир ва аллома. Унинг қаламига 160 дан зиёд асар мансуб бўлиб, улар асосан қадимги юнон олимлари асарларидаги табиий-илмий ва фалсафий муаммолар шарҳлаш ҳамда бу соҳаларнинг долзарб масалаларини таҳлил қилишга бағишланган. Мутафаккир оламни икки кўринишда: «Вужуду вожиб» (оллоҳ) ва «вужуди мумкин» (барча моддий ва руҳий нарсалар) мисолида талқин қилади, барча нарсалар «вужуди вожиб» туфайли яшаш ҳуқуқига эга бўлади. Улар ўзаро

бир-бири билан сабабий тарзда боғланади. Сабабсиз оқибат бўлмаганидек, оқибатсиз сабаб ҳам бўлмайди, дейди Форобий.

Олам сифат, миқдор, жавҳар, акциденция (муҳим бўлмаган хосса), имконият, зарурият ва тасодифият, макон ва замон, ҳаракат ва ривожланиш каби тушунчаларда ифодаланади. Улар фазовий жисмлар, ақлли маҳлуқ (инсон), ақлсиз жониворлар, ўсимликлар, минераллар ва тўртта унсур-сув, олов, ҳаво ва тупроқ каби олтита кўринишда намоён бўлади.

Билиш жараёни ақл ва сезгилар орқали юзага келади. Билишда ақл ва мантиқ илмининг мақоми беқиёсдир. Ақл воситасида инсон илм-фанни яратади. Фан туфайли ҳодисалар моҳияти очиб берилади. Ҳар бир фан инсоннинг муайян эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Мутафаккир ўз асарларида комил инсон, фозил фуқаро, одил ҳукмдор, бахт-саодат, унга эришиш йўллари, давлатнинг хусусиятлари, аҳлоқий ва ақлий тарбия, ижтимоий истиқбол тўғрисида илғор ғояларни илгари сурган. Форобийнинг Шарқ халқлари фалсафий тафаккури ривожига бўлган таъсири сезиларли бўлган.

**Абу Райҳон Беруний** (973 — 1048) деярли барча фан соҳаларида ижод этган буюк қомусий аллома ва машҳур мутафаккирдир. У яратган 152 та асардан 28 таси бизгача етиб келган. Унинг табиатни ўрганишдаги хизмати каттадир. Аллома жисмларнинг ўзаро тортишуви, Қуёш ва Ойнинг тутилиши, зарра, инерция ва сунъий танланиш, ривожланиш аномалияси, Ер қаърида рўй берадиган геотектоник силжишлар, Ер қиёфасининг тадрижий тарзда ўзгариб туриши, хилма — хил оламлар тўғрисида илмий башоратларни илгари сурган. Унинг фалсафий қарашлари табиий-илмий қарашлари таъсирида шаклланди. У модда ва замон, қонуният, зарурият ва тасодифият, ҳаракат ва ривожланиш, зиддият, сабаб ва оқибат каби фалсафий муаммоларга катта эътибор берган.

Берунийнинг асарларида билиш масалалари муҳим мақомга эгадир. Билишга бўлган қизиқишнинг иккита сабаби бор. Биринчидан, бу ўзига хос лаззатдир. Иккинчидан, билишдан мақсад одамлар эҳтиёжларини қондиришдир. Билиш сезгилар етказиб берган маълумотлардан бошланади. Улар билишнинг юқори босқичи ақлий билиш учун ўзига хос кўмакчи ва асос бўлиб хизмат қилади. Билимнинг чинлиги кузатув ва синов — тажриба орқали белгиланади. Улар туфайли ашёларнинг муҳим жиҳатлари ўрганилади, уларнинг миқдорий томонлари аниқланади, билиш жараёнининг самарадорлиги ошиб боради.

Берунийга кўра, инсон қиёфаси табиат таъсирининг натижасидир. Унинг ички қиёфасига келсак, уни инсон чексиз саъй-ҳаракатлар оқибатида тубдан ўзгартириши мумкин. Ҳар бир киши ўз хулқ-атворининг соҳибидир. Жамият тадрижий ўзгаришлар орқали ривожланиб боради. Адолат, фуқаро учун ғамхўрлик, зулмни бартараф этиш, жамиятни ақл ва адолат туғи остида бошқариш мутафаккирнинг идеалидир.

**Абу Али ибн Сино** (980-1037) буюк аллома ва мутафаккир. У Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилиб, Ҳамадон шаҳрида вафот этган. Ибн Синодан қолган маънавий меърос тахминан 280 номдан зиёдроқдир. Улар тиббиёт, фалсафа, мантиқ, психология, ахлоқ, мусиқа, фармакология ва бошқа соҳаларга бағишланган. Олимнинг «Шифо китоби» «Тиб қонунлари», «Билимлар китоби», «Табиат дурдонаси» каби асарлари машҳурдир. Борлиқни талқин этишда Ибн Сино Форобий изидан бориб, уни «вужуди вожиб» ва «вужуди мумкин»дан иборат, деб эътироф этади. «Вужуди вожиб» биринчи сабаб вазифасини бажаради. «Вужуди мумкин» эса унинг оқибатидир. Яратилиши доимий бўлганлиги учун яратилган «вужуди мумкин» ҳам абадийдир.

Олимнинг сабабиятга оид мулоҳазалари эътиборга моликдир. Унга кўра, сабаблар моддий (муайян ҳолатни келтириб чиқарувчи сабаб), фаол (муайян ҳолатни ўзгартирувчи сабаб), шаклий (турли хил қувватлар билан боғланган сабаб) ва тугалловчи (барча сабабларнинг пировард мақсади) сабаблардан иборатдир.

Ибн Сино Закариё ар-Розий ва Беруний каби жаҳон фалсафий тафаккури тарихида биринчилардан бўлиб кузатув ва тажрибага муҳим эътибор қаратди. Масалан, аллома улар кўмагида хастанинг ҳолати, келажакда кутилаётган кайфияти, дори-дармонлар таркиби, инсон ва атроф-муҳит ўзаро муносабати муаммоларини ҳал этишга уринади.

Мутафаккир ўз асарларида илм ва ахлоқ-одоб уйғунлиги, инсон камолоти, бахт-саодат, ижтимоий адолат, кишиларнинг ўзаро ҳамкорлиги, ҳукмдорнинг бурчи тўғрисида қизиқарли ғояларни илгари сурган. Унинг таъкидлашича, барчани бир хил ижтимоий мавқега эриштириб бўлмайди. Аслида улар учун муайян шароит яратиб бермоқ лозим. Барчанинг бой ва мансабдор бўлиши ёки ҳамманинг қашшоқ бўлиши жамиятнинг таназзули ва инқирозидир. Лекин инсон ўзгаларга меҳр-оқибатли, ғамхўр бўлмоғи, керак вақтда саховат ва мурувват қўлини ночорларга узатиши зарурдир.

Марказий Осиёда илк ўрта асрлар даврида кенг тарқалган тасаввуф таълимотидаги комил инсон мақоми, нафсни тийиш, бағрикенглик, диний донишмандлик, Мусо ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғоний тадқиқотларида илгари сурилган табиий-илмий ғоялар, Форобий, Беруний ва Ибн Синонинг табиий-илмий ва фалсафий қарашлари, фандаги янги йўналишлар биринчи галда мусулмон Шарқи, қолаверса, бутун жаҳон табиий-илмий ва фалсафий тафаккурининг равнақига ҳаётбахш таъсир ўтказиб келди.

XIV асрнинг охири-XV асрнинг бошларида Амир Темур амалга оширган ҳарбий юришлар натижасида ўлка мустақиллиги қўлга киритилди. Темур ва темурийлар даврида уйғониш даврининг иккинчи босқичи бошланди. Бу илм-фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаш босқичи бўлди. Маънавиятга ҳомийлик ҳаракати авж олди. Бунга Самарқандда Улуғбек астрономия мактабининг вужудга келиши, расадхонанинг қурилиши, машҳур олимлар Қозизода Румий, ал-Коший, Али Қушчи ва бошқаларнинг фандаги жонбозлиги яққол мисолдир. Бу масала кейинги маъруза учун мавзу бўлиб ҳисобланади.

Афсуски, бу маданий уйғониш мўғул босқини туфайли таназзулга юз тутди. Амир ва султонлар ўртасидаги ўзаро ихтилофлар, ноаҳиллик Чингизхон босқинига қўл келди. Бу босқин мўғулларнинг 1218 йилда Ўтрор шаҳрини босиб олиши, унинг ҳокими, Хоразмшоҳнинг қайноғаси, Инолчиқни банди қилиши ва қулоғига қайнаб турган кумушни қуйиб юборишдек хунрезликдан бошланди. Мўғулларнинг ҳукмронлиги даврида ана шундай қонхўрлик тинимсиз давом этди. Кўркам шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланди, иқтисодиёт таназзулга юз тутди. Илм-фан, маданият, жумладан фалсафа илми ҳам инқирозга учради.

Халқимиз мўғул босқинини қаттиқ қаршилик билан кутиб олди. Гарчанд уқувсиз ҳукмдор Муҳаммад Хоразмшоҳ салтанатни сақлаб қола олмаган бўлса-да, халқимизнинг босқинчиларга қарши кураши асло тўхтагани йўқ. Баъзи тарихий манбаларга кўра, ўша даврда ниҳоятда катта ҳудуддан 600 мингга яқин қўшин тўплаш мумкин эди. Бу қўшин тўпланганида ва тажрибали лашкарбошига топширилганида Чингизхон салтанатни босиб олиши гумон эди. Инсониятнинг ўтмишини яхши биладиган баъзи олим ва мутахассисларнинг фикрича, агар шоҳ ўзининг ёвқур ўғли Жалолиддинни аввал бошданоқ тахт вориси этиб

тайинлаганида ва қўшиннининг ихтиёрини унга топширганида, нафақат Осиё тарихи, балки жаҳон тарихи бошқачароқ йўлдан кетиши мумкин эди.

Афсуски, тарих «Агар ундай бўлмаганида эди...» қабилидаги тамойилларни тан олмайди. Чингизийлар босқини Ватанимиз маданий тараққиётини бир неча асрлар орқага суриб юборди. Ўша даврда босқинчиларга қарши курашнинг энг атоқли вакили Жалолиддин Мангуберди эса миллатимиз ўз озодлиги учун олиб борган курашнинг тимсоли сифатида тарихимиз саҳифаларида абадий қолди. Бу миллий қаҳрамонимизнинг таваллуд куни 1999 йилда кенг нишонлангани унинг руҳини шод қилиш ва Жалолиддин Мангубердини курашга отлантирган эзгу ғоялар бизнинг кунларимизда амалга ошганлигининг рамзидир.

Маъруза ниҳоясида, алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» тамойили ўрта асрлар фалсафасини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Буюк аждодларимизнинг бағрик енглиги, мазҳабпарастликка берилмаганлиги, улар дунёқарашида дунёвий ва диний илмларнинг муштараклиги, сабр-қаноатлилиги барчамизга намуна — ибратдир. Бу бой маънавий хазина ёшлар онгига миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини сингдиришга хизмат қилади, уларни мустақил фикрлаш, дўстни душмандан фарқ қилишга ундайди, юртим деб, элим деб яшашга чорлайди.

## Таянч тушунчалар

**Анхра Манйу -** Зардуштийликда ёвуз кучлар, зулмат ва улим бошлиги, Ахурамащданинг душмани, инсон рухиятидаги салбий хиссиётларнинг тимсоли. Оламнинг ягона хукмдори булмиш Вакт бир-бирига зид икки буюк кудрат Ахурамазда ва Анхра Манйу рухларини вужудга келтиради. Борлик ана шу кучлар томонидан навбатма-навбат бошкарилиб турилади.

**Ахура Мазда -** «Авесто» таълимотида зулм ва кабохат эгаллаган дунёга, шу жумладан, умидсизликка учраган кишилар калбига ёруглик, эзгулик нурини таратувчи, кишиларни уз кучига ишончини мустахкамлашга, келажак абадий хаётга истагини кучайтирадиган ва унга йуналтирувчи кудратли куч сифатида мадх килинади.

**Моний -** Моний Ибн Фатак монизм таълимотининг асосчиси. Наккош ва рассом. Марказий Осиё, Эрон, Хиндистон буйлаб сафар килиб, зардуштийлик, буддавийлик, брахманлик каби турли диний таълимотлар билан танишади. Дунё зиё ва зулматнинг абадий кураш майдони, инсоннинг вазифаси эса, ёвузликни узил-кесил йук килиш учун эзгуликка кумаклашишдир. Бу гоя Моний ахлокий таълимотининг асосини ташкил этади.

**Маздакийлик -** диний фалсафий таълимот. Асосчиси Маздак (470-529). Маздак халк оммасининг зардуштийлик кохинлари ва зодагонларига карши курашини бошкарган. Маздак таълимотига биноан, оламда буладиган жараёнлар онгли ва бирор максадни кузлаб харакат килувчи эзгулик, ёруглик манбаи билан кур-курона ва тасодифий харакатланувчи коронгилик манбаи уртасидаги курашдан иборат. Бу кураш «яхшилик»нинг «ёмонлик» устидан мукаррар галабаси билан тугалланади.

## Такрорлаш учун саволлар

1. «Авесто» тўғрисида нималарни биласиз?
2. Зардўштийликнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Моний фалсафасининг мазмунини айтиб беринг.

4. Маздак таълимоти нимага даъват этади?
5. Ислом дини тўғрисида нималарни биласиз?
6. Тасаввуфда комил инсон таомилини Сиз қандай тасаввур қиласиз?
7. Тасаввуфдаги кубравия, яссавия ва нақшбандия тариқатлари тўғрисида нималарни биласиз?
8. Машҳур муҳаддислардан кимларни биласиз?
9. Сизнинг назарингизда диний бағрикенглик нима?
10. «Маънавий меросни билмай туриб, мустақилликнинг мафкурасини яратиб бўлмайди» деган фикрни қандай тушунасиз?

### Асосий адабиётлар


19. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Т.9. Т., «Ўзбекистон», 2001.
20. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т., «Ўзбекистон», 2002. 316-329-бетлар.
21. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., «Ўзбекистон», 2003. 3-51-бетлар.
22. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.
23. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005. 5-33-бетлар.
24. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005.
25. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005.
26. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
27. Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази. 2000. 67-80-бетлар.
28. Гуннар Скирбекк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002. 17-168-бетлар.
29. Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003. 3-21-бетлар.
30. Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007.
31. Ўзбекистонда маънавий рухий тикланиш. Т., «Янги аср авлоди», 2003.
32. Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. Т., «Чўлпон», 2003. 18-20, 33-41-бетлар.
33. Фалсафа қомусий луғат. Т., «Шарқ», 2004. 29, 206, 475-476-бетлар.
34. Ислом энциклопедияси. Т., 2004.
35. Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров). -Т., «Ўзбекистон», 2005.
36. Шахс ва жамият. Қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 2005.


### Кушимча адабиётлар:


17. Основы философии. Т. Мехнат 2004 й. 7-17 бетлар.
18. www.bilim.uz.
19. www.philosophy.ru.
20. www.filosofiya.ru.

21. www.philosophy.nsc.ru.
22. http//philosophy.albertina.ru.
23. www.history.ru.
24. www.philosophy.com.
25. www.gov.uz - Хукумат сайти
26. www.press-service.uz - Президент сайти
27. www.edu.uz - Вазирлик сайти (руйхатдан утиш)
28. www.ziyo.edu.uz - Вазирлик сайти
29. www.performance.edu.uz - Вазирлик сайти
30. www.tseu.fan.uz - ТДИУ сайти
31. www.tseu.uz - ТДИУ сайти
32. www.teuphil.narod.ru - Фалсафа кафедраси сайти

**Мавзуда кулланиладиган педагогик технология куйидагича:**

1. Аклий хужум услуби.
2. Реферат тахлили.
3. Гурухларда жуфтлик ёки кичик гурухларга булиниб ишлаш.

**Мавзуда кулланиладиган ахборот технология куйидагича:**

1. Слайдлар намойиши.
2. Интернетдан олинган маълумотлар.
3. Мультимедия.

Ушбу маъруза матни К.Назаров рахбарлигида яратилган маърузалар матни, Фалсафа комусий лугат, Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий карашларининг тахлили асосида тузилган.

## 4-МАВЗУ. ЎРТА АСРЛАР ВА ЯНГИ ДАВР ОВРЎПАДАГИ ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР

***РЕЖА:***

1. Ўрта асрларда Оврўпа маданияти: Номинализм ва реализм, апологетика, патристика ва схоластика ғоялари.
2. Оврўпада XV-XVII асрлардаги ижтимоий-сиёсий узгаришлар ва янги замон фалсафий тафаккурининг шаклланиши.
3. Немис миллий фалсафаси, унинг тарихий илдизлари.

1. Европада Қадимги Юнон ва Римдан ўрта асрлар фалсафасигача, яъни милоддан илгариги 1 асрдан милоднинг X1V асригача, бир ярим минг йил давомида бир қанча оқимлар пайдо бўлди ва амал қилди. Бу давр фалсафасида икки хил жараённи кўриш мумкин: 1. Христианликнинг шаклланиб давлат дини ва мафкурасига айланиши; 2. Ўрта асрларга келиб инквизициянинг устивор йўналишга айланиши. Гностика, апологетика, патристика, реализм, номинализм ва бошқа оқимлар ўша давр фалсафасининг қиёфасини белгилайди.

**Гностиклар.** Бу давр фалсафасида ўз ўрнига эга бўлган гностицизм эрамизнинг 150 йилларида ўзининг юксак равнақига эришади. Улар шундай фалсафий таълимот яратдиларки, уларнинг фикрича Худо руҳ сифатида ёвузликда мутлақо соф, инсон эса ўз табиатинниг руҳий жиҳати билан худога мослашган. Бу масалада гностицизм файласуфлари христианликни юнон фалсафаси билан бирлаштиришга ҳаракат қилдилар. Агар бу уринишда гностицизм ғалаба қилса, христианлик қадимги дунёнинг навбатдаги фалсафий дини бўлиб қолар эди ва шундай бўлди ҳам. 354 йилда Помпей собори христианликни Рим империясининг асосий дини деб эълон қилди.

**Дуализм** — гностицизмнинг асосий йўналиши, бу оқим тарафдорлари моддий ва руҳий дунё ўртасида мустаҳкам чегара мавжуд деб таъкидлайдилар. Улар таълимотида материя ҳамма вақт ёвузлик тимсолидир. Бундан улар худо ҳеч маҳал моддий дунёни яратиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Гностиклар томонидан эълон қилинган дарвешлик (аскетизм) ўрта асрларда монахчиликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Апологетлар христианлик тарихида 1 ва III асрларда вужудга келди. Апологетика сўзининг луғавий маъноси «ҳимоя қилиш», — демакдир. Апологетлар ҳукуматнинг христианликка бўлган душманлигини бартараф қилишга, Рим давлатининг христианликни таъқиб қилиши ҳеч қандай оқлашга лойиқ эмаслигини исботлашга ҳаракат қилганлар, ўз асарларида мушриклик (кўп худолик) адабиётларидан олинган баҳслашиш (диалог) шаклидан, ёки апологетиканинг мумтоз шаклидан фойдаланганлар.

Апологетлар асарларида икки анъана яққол сезилиб туради. Яъни инкор қилиш ва тасдиқлаш. Улар энг аввал мушриклар томонидан христианликка қўйилган айблар — ғайриодатий ҳаракатлар, дабдабабозлик кабиларни инкор қилганлар. Христианликнинг софлигини эса тасдиқлаганлар. Бу соҳада Юстиннинг «Биринчи апологея», «Иккинчи апологея» асарларини, Тулеан ва Анаксагор каби файласуфлар фаолиятини таъкидлаш лозим.

**«Патристика»**- сўзи «ота» («падре») сўзидан келиб чиққан. Бу ном билан одатда Ғарбда епископларни уларга ҳурмат сифатида атаганлар. Шарқда машҳур бўлган черков оталаридан бири Иоан Златоуст (347-407) эди. Унинг 640та даъватларидан

кўпчилиги авлиё Павел номаларининг шарҳи эди. Унинг асарларида инжилни амалий қўллаш соф аҳлоқий масалалар билан қоришиб кетган.

Ғарбда энг йирик черков оталаридан бири «Пок» деган унвонга сазовор бўлган Аврелий Августин (354-430) бўлиб ҳисобланади. У файласуф ва илоҳиётчи бўлган. Августин ўз ҳаётини епископликка, тадқиқотчиликка, адабиётга бағишлайди. У 100 га яқин китоб, 500 та даъват ва 200 га яқин номалар ёзади. Унинг ўша даврдаги энг машҳур асарларидан бири «Сиғиниш» 401 йилда ёзилган. Бу асарда у ўзининг христианликкача бўлган ҳаётини ёзади. Муқаддас китоб «Библия» оятлари рамзий — тимсолий баён қилинади. У мушриклик фалсафасини қоралайди. Унингча, бу фалсафа инсонни христиан диничалик ҳеч маҳал ҳақиқатга олиб келмайди. Августин баҳс шаклида бошқа (диалог) фалсафий асарлар ёзган.

**«Схоластика»**- сўзи юнонча «школа»дан («shola») олинган бўлиб, «ўқиш жойи»,»мактаб» маъноларини англатади. Буюк Карл саройида ўқитувчилик қилганларни, ёки умуман сарой мактабидаги ўқитувчиларни схоластлар деб атаганлар. Шунингдек, динни ўрганишда фалсафани татбиқ қилган ўрта аср олимларини ҳам схоластлар деб атаганлар. Схоластикани маълум даражада илоҳиётни ақлга мослаштириш, динни тафаккур ёрдамида қувватлашга бўлган интилиш деб ҳам баҳолаш мумкин. Ўша даврда илоҳиётни муқаддас китоблар ақидалари асосида эмас, балки фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш тоқозо қилинарди. Схоластларнинг мақсади эътиқод ақлга мувофиқми деган саволга жавоб бериш бўлган.

**Реализм.** Унинг йирик вакилларидан бири Ангельм Кеттерберийский (1038-1109) дир. У Шимолий Италияда туғилган, 1093 йилда Кеттерберийск шаҳрининг архиепископи этиб тайинланади. Ангельм ўзининг икки асари билан машҳур.

Биринчиси «Монополия» — худонинг борлигини сабаб оқибат муносабатлари тизимида исбот қилиш. Бу исбот — космологик исботнинг шакли сифатида шундай талқин қилинади: инсон ҳаётда кўп неъматлардан фойдаланади. Бу неъматлар эса энг олий илоҳий неъматларнинг аксидир. Улар орқали ҳамма нарсалар мавжуддир. Узлуксиз таназзулни тасаввур қилиб бўлмагани сабабли, ҳамма нарсанинг бир сабабчиси бўлиши керакки, биз уни худо деб атаймиз.

Ангельмнинг иккинчи асари «Прологион» худо борлигининг дедуктив исботидир. Унинг таъкидлашича, ҳар бир одам учун олий ва комил моҳият ҳақида ғоя мавжуддир. Бу ғоя эса объектив мавжудликка эга бўлган реалликка мос келади. Чунки агар борлиқ мавжуд бўлмаганда эди, нарса комил бўлмас эди. Агар худодан юқорироқ олий нарсани тасаввур қилиш мумкин эмас экан, демак, худо реалликда мавжуддир.

Арасту таълимотининг кўп томонларини қабул қилган ўрта аср схоластлари мўътадил реалистлар деб аталганлар. Уларнинг йирик вакиллари Пьер Абеляр ва Фома Аквинскийлар бўлган.

Британияда туғилган **П. Абеляр** (1079-1142) жуда ёшлигиданоқ ўз билими билан машҳур эди. Абеляр — мўътадил реалистдир. Унинг таъкидлашича, реаллик ёки универсалий дастлаб худо ақлида мавжуддир, ундан кейин нарсаларнинг ўзида мавжуддир ва ниҳоят, одамларнинг онгида мавжуддир. Абеляр «Мен эътиқод қилиш учун биламан» деган ғояни илгари сурган. Яъни билмайдиган, билимсиз кишидан кўра, дин ва унинг асосий тамойилларини яхши ўрганган киши абзал. Бундай киши ақидапараст эмас, балки ўзи билган нарсанинг қадрини биладиган инсондир.

Абеляр ҳақиқатни топишда тафаккурнинг хизматини таъкидлаб, унга ҳамма вақт мурожаат қилади. Унинг таъкидлашича, шубҳа ҳамма вақт тадқиқотга йўллайди, тадқиқот эса ҳақиқатни топади. Унинг фикрича, инсоннинг ўлими худони рози қилиш

учун эмас, балки одамларни худога бўлган муҳаббат билан таажжубга солиш ва одамларга аҳлоқий таъсир кўрсатиш мақсадида содир бўлади. Бу билан одамлар ўз ҳаётини худога бўйсўндирадилар. Бу қараш аҳлоқий таъсир қилиш назарияси деб аталади.

**Фома Аквинский** (1224-1292) мўътадил реализмнинг яна бир йирик вакили бўлиб ҳисобланади. Фома ўша давр учун Арасту натур фалсафасини илоҳиёт билан бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бунда у мўътадил реализм позициясида турган ва схоластиканинг энг йирик намояндаси бўлган. Унинг фикрича, натурал фалсафада тафаккур ва Арасту мантиқий таълимоти ёрдамида худо мавжудлиги ҳақидаги ҳақиқатга эришиши мумкин.

Фоманинг «Илоҳий суммалар» асари 3000 мақоладан иборат бўлиб, 600 масалани ёритишга бағишланган. У илоҳиётнинг системали баён қилиниши вазифасини бажаради. «Илоҳий суммалар»нинг биринчи қисми худонинг мавжудлиги ва борлиғи масаласида баҳс юритади. Иккинчи қисми «худога қараб ҳаракат» ҳақида ҳикоя қилади.

Аквинский таълимотича, дунё иерархик нарвондан иборатдир. Унинг энг қуйи қисмида ер ва 4 элементдан иборат бўлган ҳамма нарсалар мавжуддир. Одам руҳи худо ва моддий дунё ўртасидаги жойни эгаллайди. Дунёвий жамият тепасида эса, папа бошчилигидаги илоҳий давлат туради. Ердан узоқлашган сари у илоҳийлашиб боради. Сайёрамиз дунёсиннинг тепасида фаришталар дунёси мавжуддир. Бутун коинот тузилиши уч шахсни бирлаштирган ягона худо томонидан бошқарилиб туради. Аквинский таълимотидан кейинчалик «томизм» оқими шаклланди ва у «неотомизм» тарзида ғарбда ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Ўша даврнинг машҳур файласуфларидан бири **Вильям Оккам**дир (1309-1349). Унинг фикрича, илоҳиёт ақидалари рационал (ақл) йўл билан исботланиши мумкин эмас. Улар фақат Муқаддас китоб нуфузи туфайлигина қабул қилиниши мумкин. Бу қараш эътиқод ва тафаккурни бир-биридан ажратарди, уларни омухта қилишни қораларди. Оккам, шунингдек, универсалийларнинг объектив мавжудлигини инкор қилади. Унингча, универсалийлар тафаккур тушунчалари учун фақат исмдирлар. Бу тушунчаларни одам ўз онгида яратган. Унингча, алоҳида одам инсонга нисбатан реалроқ ва муҳимроқдир.

**Роджер Бэкон** (1214-1292) ҳам Оккам мансуб бўлган оқим вакилларидандир. У ўз ҳаётини илмий тажрибаларга бағишлаган. Улар ёрдамида у тажрибавий фанга асос солди. Бундай методни XYII асрда Френсис Бэкон ишлаб чиқди. Ҳақиқатни топишда табиатни тажрибавий ўрганиш методини қўллаш номиналистлар қарашларига тўлиқ мос келарди. Номиналистлар ва реалистлар ўртасидаги қарама-қаршилик ўрта аср схоластикасининг муҳим муаммоларидан бири эди. Бутун ўрта асрларда схоластиканинг бу икки оқими ўртасида кураш кетган. Схоластиканинг авжга чиққан даври — 1150 ва 1300 йилларда — Фома Аквинийскийнинг мўътадил реализми номинализм устидан ғалаба қозонди. Лекин 1300 йилдан кейин черков илоҳиётчилари тафаккурида номинализм юқори мавқени эгаллай бошлади. Бу кўп жиҳатдан уйғониш даври фалсафасига таъсир кўрсатди. Шунингдек, ҳақиқатга эришишнинг тажрибавий методини (рационализм) вужудга келишида катта хизмат қилди.

**Европа фалсафасининг ривожида университетлар** муҳим ўрин тутади. Улар билим ва маърифатнинг ўчоғи сифатида 1200 йилларда вужудга келди. 1400 йилларга келиб, Европада 23 та университет мавжуд бўлган. Университет дастурининг жуда катта қисмини схоластика билан шуғулланиш ташкил этар эди.

Университетларнинг вужудга келишининг сабаби машҳур олимларнинг фаолиятидир. XII асрда Итерий Рим ҳуқуқининг буюк тадқиқотчиси сифатида машҳур бўлади ва талабалар уни эшитиш учун Болонья шаҳрига оқиб кела бошлайдилар. Натижада Болонья шаҳри университети муваффақиятли фаолият кўрсата бошлайди. Абелярнинг ўқитувчи сифатидаги шуҳрати кўп жиҳатдан Париж университетининг вужудга келишига сабаб бўлди. Университетлар, шунингдек, талабаларнинг чиқишлари натижасида ҳам вужудга келган. Масалан, XII асрда Англия ва Франция қироллари орасидаги низо оқибатида, Англия талабаларига яхши муносабат билдирилмаганлиги уларнинг Париждан Англиянинг Оксфорд шаҳрига кўчиб ўтишларига сабаб бўлди. Бунинг натижасида машҳур Оксфорд университети ташкил топди. Кембридж университети эса Оксфорд университети талабаларининг қўзғолон кўтариши ва 1209 йилда уларнинг Оксфорддан Кембриджга кўчиб ўтишлари натижасида вужудга келди.

Университетлар Қадимги Юнонистон ва Римда, шу билан бирга бизнинг мамлакатимизда ҳам машҳур бўлган устоз ва шогирдлар тўпланиб илм ўрганадиган, ўргатиладиган ва илмий баҳслар олиб бориладиган мактаблар тарзида шаклланган бўлсалар-да, аммо фан соҳаларининг кўплиги туфайли алоҳида илм ўчоғига айланиб қолдилар. Уларнинг тажрибаси кейинроқ бутун дунёга тарқалиб кетди.

**2. Уйғониш даври фалсафаси.** Бу инсоният тарихида юз берган энг буюк илғор тараққиёт даврларидан бири эди. Уйғониш даврида ҳаётнинг ҳамма тармоғида муҳим, илғор, ҳатто айтиш мумкинки, инқилобий ўзгаришлар юз бераётган эди.

Уйғониш даврида Европада фалсафанинг ривожланишига катта ҳисса қўшганлардан бири немис **Николай Кузанский**дир (1401-1464). Кузанский таълимотича, худо ҳамма нарсаларда мавжуд, шунингдек, ҳамма нарсалар худода мавжуд. Энг олий ҳақиқатларни билиш, схоластик фикрлаш билан эмас, балки, тажриба асосида амалга ошади.

У худони борлиқнинг олий ва ягона асоси деб ҳисоблайди. Бу масалада Кузанский шундай муҳим космологик фикрларни баён қиладики, ҳатто маълум даражада уни Коперник ва Бруноларнинг ўтмишдоши деб ҳисоблаш мумкин. Иккинчи масала эса билиш назариясига нисбатан унинг бутунлай янгича ёндошишидир. Ушбу масалалар бўйича Кузанский томонидан илгари сурилган ғоялар айрим ҳолларда XVIII аср охири ва XIX аср бошидаги немис философлари томонидан баён қилинган фикрларнинг дебочаси эди.

Философия ва фан ривожланишига энг катта ҳисса қўшган уйғониш даврининг мутафаккирларидан бири поляк олими **Николай Коперник**дир (1473-1543). Маълумки, фан тарихида Коперник ўзининг фанда туб ўзгариш ясаган гелиоцентрик таълимоти билан машҳур бўлган. Унинг таълимотича, инсонлар томонидан кузатиладиган қуёш ва юлдузларнинг ҳаракатлари аслида Ернинг ўз ўқи атрофида кундалик айланишидан ва қуёш атрофида йиллик айланишидан иборат. Бизнинг планетамизнинг маркази Ер эмас, қуёшдир. Коперникнинг буюк кашфиёти дунёга теологик қарашга зарба бериб, табиатшуносликда тўнтариш ясади. Бу кашфиёт Библиянинг дунё тузилиши ҳақидаги ва ўзгармас деб танилган таълимотига зарба берди. Агар ер оламнинг маркази эмас, балки Қуёш атрофида айланувчи планеталарнинг бири бўлса, унда дунёни, коинотни мақсадга мувофиқ худо томонидан одамлар учун яратилганлиги ҳақидаги талимот асоссиз бўлиб қоларди.

Коперникнинг гелиоцентрик назариясидан чуқур илмий хулосалар чиқарган мутафаккирлардан бири италиялик **<u>Жордано Бруно</u>**дир (1548-1600). У Неапол яқинида туғилган. Ўзининг илғор фикрлари учун Бруно даҳрийликда айбланади ва черковдан ҳайдалади. Италиядан қочишга мажбур бўлади. Узоқ вақт Швецария, Франция, Англия ва Германияда қувғинда юради. 1592 йилда Бруно италияга қайтиб келади, лекин черков инквизицияси томонидан ушланиб турмага солинади. Қийноқларга қарамасдан, у ўзининг таълимотидан воз кечмайди, натижада қатл этишга ҳукм қилинади, 1660 йил 17 февралда Римда Гуллар майдонида ёқиб ўлдирилади.

Бруно гелиоцентрик назарияни ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш билан чекланиб қолмайди. У табиатшунослик тажрибаларини ҳисобга олиб, бир неча муҳим назарий хулосалар қилдики, улар философияни яна ҳам бойитдилар. Бруно таълимотича, ҳақиқий философия илмий тажрибага суяниши керак, схоластикани тугатиш керак. унинг таълмотича, коинот ягона, моддий, чексиз ва абадий. Жуда кўп дунёлар бизнинг қуёш системасидан ташқарида мавжуддир. Биз кўриб турган нарсалар коинотининг энг кичик бир қисмидир. Юлдузлар — бу бошқа планета системаларининг қуёши. Ер — чексиз дунёнинг кичик бир зарраси. Демак, Бруно табиий — илмий қарашларида Коперникдан илгарилаб кетиб, коинотнинг чексизлиги ҳақидаги фикрни айтади, Коперник эса коинотни чекли деб ҳисоблаган эди. Бруно Коперник таълимотини қуёш системасининг тузилиши ҳақидаги янги қарашлар билан бойитди.

Уйғониш даврининг натижаси сифатида намоён бўлган Ғарбий Европа мамлакатларидаги туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар Нидерландияда XYI асрнинг 60-70 йилларида, Англияда XYII асрнинг 40-50 - йилларида бўлиб ўтди. Бу даврга келиб, Европада алоҳида миллатларнинг шаклланиши юз берди, миллий давлатлар пайдо бўлди. Энди монархия тузуми жамиятнинг илғор табақалари назарида фақат тарихан ўз умрини ўтаб қолмасдан, балки ғайритабиий, ғайриақлий бўлиб кўрина бошлади. Ўша даврнинг идеологлари илгари тан олинмаган инсоннинг табиий ҳуқуқлари масаласини ўртага қўйдилар. Улар ижтимоий тартиблар инсон табиатига мос келишини талаб қила бошладилар. Бор-йўғи 50-60 йил илгари инквизиторлар Жордано Брунони ёқиб юборганларида лом-мим демаган Европа, энди ўзининг ҳаётида марказий ўринни инсон ҳуқуқлари эгаллаши кераклигини ҳис эта бошлади. Ҳатто худонинг номидан бўлса-да, инсон умрига зомин бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги, одамзоднинг яшаш, фикр юритиш эркинлигининг табиийлиги англаб олина бошлади. Албатта, бунгача иквизиция бир неча асрлар бу ҳудудни ақидапарстлик чангалида ушлаб турган, не-не ақлли кишиларни ўз домига тортиб улгурган эди.

Маънавий уйғонаётган миллат ва ҳудудда ҳеч қачон ақидапарастлик ўз таъсирини тўла — тўкис сақлаб қола олмайди. Европада ҳам худди шундай бўлди. Маънан камолга етган, миллий давлатчилигига эга бўлган ва энди ана шу мустақил давлатларини камолга етиши учун қарздор эканлигини англаб олган Европа миллатлари ўзларининнг комил инсонларини энди инквизициянинг, ақидапарастларнинг ҳукмига топширишга сира ҳам ҳақлари йўқ эканлигини англадилар.

Европада Рим империясидан кейин бир неча асрлар ўтиб, айнан ана шу даврда илгариги, бутун минтақа ҳаёти учун христианлик ва унинг хилма-хил оқимлари умумий мафкура ролини ўтаб келган давр тугади. Энди диний оқимлараро кураш, христианликнинг софлигини сақлашга уринишнинг мутлақлаштирилиши натижасида вужудга келган инквизиция ҳам ўз даврини ўтаб бўлди. Бутун

Европани бошқариб келган қон-қардош ва бир-бирига душман қироллар даври ҳам ўтмишга айлана бошлади. **Европа уйғонди.** Илм-фан соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Одамларнинг дунёқараши кескин ўзгара бошлади. Эндиликда миллий давлатларнинг ҳар бири учун муҳим бўлган мафкуранинг шаклланиши заруриятга айланиб қолди. Албатта бунда биз санаб ўтган омиллар, яъни қироллик анъаналари, христианлик ва унинг оқимлари таъсири, умумевропага хос хусусиятлар, Рим империяси даврида бир оила бўлиб яшаган халқлар ўртасидаги ҳудудий ва маънавий яқинлик ўз таъсирини ўтказди. Аммо, асосийси, бу даврда миллий ғоялар тўла-тўкис амалга ошиши учун ижтимоий шароит етилди, италия, инглиз, француз ва бошқа халқлар ўз давлатчилик анъаналарини тўла-тўкис тикладилар. Бу давлатларда шаклланган фалсафий мактаблар фақат миллий қобиққа ўралиб қолмадилар, балки умумевропа ва бутун жаҳон тараққиётининг умумбашарий муаммоларини фалсафий жиҳатдан изоҳлаш, илмий ўрганиш ва асослашга ҳаракат қила бошладилар. ушбу давр фалсафаси ҳам олдингига нисбатан катта қадам ташлади. Фанда қўлга киритилган ютуқларнинг фалсафий изоҳланиши, кашф этилаётган илмий усул ва услубларнинг фалсафага тадбиқ этилиши, фалсафий қонунларни фаннинг турли соҳаларида синаб кўрилиши ўша давр файласуфлари учун одатий ҳолга айланди. Бу тамойиллар эса миллий чегараларни билмайдиган, умуминсоний қадриятлар хусусиятига эгадир. Уйғониш даври Европа фани ва фалсафаси ҳам инсоният тарихида энг буюк кўтарилиш даврларидан бири бўлиб қолди.

**Инглиз фалсафаси.** Ўша давр фалсафасининг асосий вакилларидан бири Ф. Бэкон (1561-1626) юқоридаги масала ҳақида шундай деган эди: «Моддий дунё, мамлакатлар, денгизлар, планета жуда кенг бўлгани ҳолда инсонларнинг маънавий дунёсини эски чегаралар билан ўраб қўйилиши шармандаликдан бошқа нарса эмас» («Янги Органон» китоби). Бэкон инглиз фалсафасининг ўрта асрлардаги тараққиётига энг катта ҳисса қўшган олимлардан биридир. Унинг таълимотича, фаннинг янги биносини кўриш учун, тўғри фикрлашга ўрганиш керак. Бэкон таълимотича, табиатни билишда бир неча «идоллар» инсонга ҳалақит беради. Улар инсон ақлини ўраб ташлайди. Улар асосан тўртта. Биринчиси уруғ идоллари, булар инсон зотига, бутун одамларга хосдир. Масалан, Бэкон шундай дейди: «инсоннинг ақли қийшиқ кўзгуга ўхшайди. У нарсаларнинг табиати билан ўз табиатини аралаштириб юбориб нарсаларни қийшиқ, бузуқ кўрсатади. Иккинчиси, ғор идоллари. Бу ҳар бир одамннинг ўз специфик хусусиятлари натижасида янглишиши. Улар фикрлаш уфқининг чекланишидан туғилади. Бу нарса ҳамма нарсани ўз нуқтаи-назари билан ифодалаш, ўзинниг тор доираси билан ўлчаш натижасида вужудга келади. Учинчиси, майдон идоллари, бўлиб, у маълум бўлган тасаввурларга таяниш одати, нотўғри ёки ноаниқ термонологияларга танқидий ёндошмаслик оқибатида вужудга келади. Бу масалага Бэкон жуда ҳам катта аҳамият беради. Масалан, у шуни таъкидлайдики, реал борлиқни ифодаламайдиган ёки уни ноаниқ, мавҳум ифодалайдиган сўзлар сохта тушунчаларни туғдирадики, улар тафаккурга тескари таъсир қилади. Тўртинчиси, театр идоллари: улар авторитетлар фикрига кўр-кўрона эргашиб қадимгиларнинг фалсафий системаларини давом эттираверадилар.

Бэкон томонидан схоластикага қарши қаратилган идолларнинг танқиди катта метотологик аҳамиятга эгадир. Бэкон билиш назариясининг биринчи босқичи эса тажрибадир, иккинчи босқичи ақлдир. У тажриба маълумотларини рационал қайта ишлайди ва умумлаштиради. Бэкон таълимотича, олим чумолига ўхшаб фақат йиғиш ва йиғилганлар билан кифояланмаслиги керак, ўргимчакка ўхшаб ҳаётдан

ажраб, фақат ўзининг шахсий ақли билан ўзининг макрли фалсафасини тўқимаслиги керак. Бэкон таълимотича, олим асаларига ўхшаб гуллардан олиб кейин уларни асалга айлантириши лозим.

Бэкон ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашлари бўйича кучли марказлашган давлат тарафдори бўлган. Жамият ҳаётида асосий ролни Бэкон фикрича санъат ва савдо ривожланиши ўйнайди.

Унинг таълимотини **Томас Гоббс** (1588-1679) такомиллаштирган ва ривожлаштирган. Гоббс моддийликни асосий субстанция деб ҳисоблаган, материянинг абадийлиги, ҳаракатнинг эса механистик тарзда амалга ошишининг тарафдори бўлган олимдир. У математик сифатида борлиқнинг намоён бўлишини геометрия фани нуқтаи назаридан тушунтирган. Билиш назариясида Гоббс кўпроқ эмпирик жиҳатларга ўз эътиборини қаратган, сезгиларнинг билимлар ҳосил қилиш жараёнидаги аҳамиятини таҳлил қилган. Жамият тараққиёти ва унда давлатнинг ўрни ҳамда келиб чиқиши масаласида Гоббс кўпроқ хусусий мулкчиликка асосланади. Шу билан бирга унинг фикрича давлатнинг монархия шакли мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Инглиз фалсафасида **Жон Локк** (1632-1704) қарашлари алоҳида ўрин тутади. У тажрибани билишнинг асосий манбаи деб ҳисоблайди. Бунда ички ва ташқи тажриба ажратиб кўрсатилади. 1690 йилда Локк томонидан ёзилган «Инсон ақли ҳақида тажриба» номли асарида Р. Декартнинг «туғма ғоялар» тўғрисидаги қарашларига қарши чиқади. Локкнинг фикрича билиш табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлардан иборат бўлиб, ҳақиқатлар эса кишиларнинг бу жараёнда ҳосил қилган тушунчалари, ғоялари ва хулосаларининг оламга мос келишидан иборатдир.

Ижтимоий-сиёсий қарашларига кўра Локк давлатнинг ўзига хос қуйидаги тамойилларини таърифлайди: 1. Ҳокимиятни қонун чиқарувчи тизими; 2. Ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари; 3. Иттифоқ федератив ҳокимияти. Ана шу тамойиллар уйғун бўлганида давлатнинг фаолияти самарали амалга ошади.

**Француз фалсафаси.** Ўрта асрлардаги Европа фалсафаси тараққиётида Францияда шаклланган миллий фалсафа мактаби ниҳоятда катта ўрин тутади. Бу борада Р. Декарт, Ламетри, Гельвеций, Дидро, Голбах ва Руссоларнинг қарашлари ниҳоятда муҳим.

Р. Декарт (1596-1650) фалсафасида дуализм асосий ўрин тутади. Унинг фикрича материя ва руҳ борлиқнинг асосида ётади ва худога бўйсунади. Олам, Декарт фикрича чексиз ва абадий, у инсон тафаккурига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланади ва такомиллашади. Р. Декартнинг «Мен фикр қилаяпман, демак мен мавжудман» деган фикри файласуфлар орасида машҳур бўлиб ҳисобланади. Билишда фикр ва сезгиларнинг аҳамиятини ниҳоятда ортиқча деб билган Р. Декарт рационализм таълимотининг асосчиси бўлиб ҳисобланади. Унингча инсоннинг фикрлаши ва мулоҳаза қилиши шубҳа остига олиб бўлмайдиган жараёндир, ундан бошқа ҳамма нарсани текшириш шубҳа остига олиш мумкин. Декарт ўша замоннинг энг буюк математикларидан бири бўлиб, ўз даврида аниқ фанлар соҳасида катта аҳамият касб этган дедукция усулини фалсафага киритган олим бўлиб ҳисобланади.

Ламетри ва Гельвеций, Дидро ва Голбах ўз даврида француз ҳаётида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган миллий давлатчилик, инсон эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқлари муаммоларига алоҳида эътибор қаратганлар. Француз миллатини маънавий жиҳатдан юксакликка кўтариш ва маърифатли халққа айлантириш учун ўз асарларида ана шу қадриятларга эришишнинг йўллари ва усулларини кўсатиб берганлар.

Улар томонидан яратилган кўп томлик «Энциклопедия» ўша замоннинг маънавий муаммоларини маърифатли йўл билан ҳал қилиш усуллари ва имкониятлари кўрсатиб берилган «Европа қомуси» даражасига кўтарилган эди. Бу китобни яратишда бошқа кўпгина маърифатпарвар француз олим ва мутахассислари ҳам қатнашган бўлиб, ўзининг аҳамияти, муаммоларининг умуминсоний нуқтаи назаридан ечилиши, халқчиллиги ва тилининг француз миллати ҳаёт тарзига яқинлиги билан энциклопедия XVIII аср Европасининг тенги йўқ китоби эди. Айнан ана шу китоб муаллифлари ўзларининг бошқа асарлари ва фаолиятлари билан 1789-1884 йиллардаги Француз инқилоби қабул қилган «Инсон ва гражданлар ҳуқуқлар деклорацияси»да илгари сурилган умуминсоний қадриятларни жамиият тараққиётининг энг устивор маънавий мезонларига айлантирдилар.

**4. Немис фалсафаси.** XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Германия бошқа Ғарбий Европа мамлакатларига нисбатан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қолоқ эди. Аммо француз инқилобининг кучли таъсири остида шундай фалсафий таълимот вужудга келдики, унинг шаклланишида табиатшунослик ва ижтимоий фанларнинг ривожи асосий ўринни эгаллади. Физика ва химия фанлари ютуқларга эришди, табиатни ўрганишга катта эътибор берила бошланди. Математика фанида янги ихтиролар қилинди. Бу ихтиро ва ютуқлар ҳамда инсоният жамиятининг ривожи ҳақидаги назариялар борлиқни ўрганишнинг услуби ва назарияси бўлиб хизмат қиладиган ривожланиш ҳақидаги ғояларни ишлаб чиқишни тарихий бир зарурият қилиб қўйди. Мана шундай тарихий шароитлар тақазоси билан XVIII асрнинг II ярми ва XIX аср бошларида немис фалсафаси вужудга келди.

Немис фалсафасининг асосчиларидан бири **Иммануил Кант** (1724-1804) фақат машҳур файласуфгина бўлиб қолмасдан, йирик табиатшунос олим ҳамдир. Кант томонидан яратилган газ ҳолатидаги улкан туманликдан қуёш системасининг келиб чиқиши ҳақидаги назария ҳозирги даврда ҳам астрономия соҳасидаги энг муҳим таълимотлардан биридир. Кантнинг табиий-илмий қарашлари табиат ҳодисаларини метафизик руҳда тушунтирувчи таълимотларга зарба берди. Кант ўз даври табиатшунослиги эришган ютуқларни фақат Коинот тузилиши масаласига эмас, шу билан бирга Коинот генезиси ва ривожланиши масалаларига ҳам татбиқ қилди. Кантнинг инсон ирқларининг табиий келиб чиқиши ҳақидаги назарияси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кант таълимоти бўйича, фалсафанинг энг муҳим муаммолари бўлмиш — борлиқ, ахлоқ, деган масалаларини таҳлил қилиш учун энг аввало, инсон билимининг имкониятлари ва чегараларини аниқламоқ керак. Бизнинг билимларимиз нарсанинг ҳодисасини, яъни бизга қандай ҳолатда намоён бўла олишини (феномен) била олади. Улар бизнинг тажрибамиз мазмунини ташкил қилади. «Нарса ўзида»нинг бизнинг сезги аъзоларимизга таъсири натижасида сезгилар хаоси вужудга келади. Бу хаос бизнинг ақлимиз қуввати билан тартибга солинади ва бир бутунга айлантирилади. Биз табиат қонунлари деб билган нарсалар аслида ақл томонидан ҳодисалар дунёсига киритилган алоқадир. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг ақлимиз табиатга қонунлар киритади. Лекин ҳодисалар дунёсига инсон онгига боғлиқ бўлмаган нарсаларнинг моҳияти, яъни «нарса ўзида» мос келади. Уларни мутлақ билиш мумкин эмас. «Нарса ўзида» биз учун фақат ақл билан билиш мумкин бўлган, лекин тажрибадан келиб чиқмайдиган моҳиятдир. Кант инсон ақлининг чексиз кудратига ишончсиз қарайди. Инсон билимининг нисбатан чекланганлигига у маълум ахлоқий маъно беради. Унингча, агар инсон

мутлақ билимга эга бўлса, унда ахлоқий бурчни бажариши учун кураш ҳам, интилиш ҳам бўлмасди.

Кант таълимоти бўйича, макон ва замон ғоялари инсонга унинг тасаввурларидан олдин маълумдир. Макон ва замон реал эмас, балки фақат тушунчада, ғоялардадир.

Билиш назариясида Кант диалектикага катта ўрин беради. Қарама-қаршиликни билишнинг зарурий омили сифатида қарайди.

Кант фалсафада катта ўрин қолдирди. Унинг вафотидан кейин немис фалсафасининг ривожи **Ҳегел** (1770-1831) ижодида ўзининг юксак чўққисига эришади. Ҳегел диалектиканинг қонунлари ва категориялари ҳақидаги таълимотни ривожлантирди. Фалсафа тарихида биринчи марта бир тизимга солган ҳолда диалектик логиканинг асосий қоидаларини ишлаб чиқди. Ўша даврларда ҳукмрон бўлган метафизик фикрлаш услубини танқид қилди. Кантнинг «нарса ўзида» ҳақидаги таълимотига қарама-қарши қилиб, шундай таълимотни илгари сурди: «Моҳият намоён бўлади, ҳодиса моҳиятдан ажралмасдир». Ҳегелнинг таъкидлашича, категориялар борлиқнинг объектив шаклларидир. Борлиқнинг асосида эса, «дунёвий ақл», «мутлақ ғоя» ёки «дунё руҳи» ётади. Ўз-ўзини англаш жараёнида дунёвий ақл уч босқични босиб ўтади:

1. Ўз-ўзини англовчи мутлақ ғоянинг ўз хусусий қобиғида бўлиш босқичи; тафаккур жараёнида, яъни бу ҳолатда ғоя диалектика категориялари ва қонунлари тизимида ўз мазмунини, моҳиятини намоён қилади. Бу босқич Ҳегел фалсафасининг мантиқ босқичидир;

2. Ғояннинг ўзидан «бегоналашуви» яъни табиат ҳодисалари шаклида намоён бўлиш босқичи, яъни бу босқичда табиатнинг ўзи ривожланмайди, фақат категориялар сифатида ривожланади. Бу босқич Ҳегелда табиат фалсафа босқичидир;

3. Ғоянинг тафаккурда ва инсоният тарихида ривожланиш босқичи. Бу босқич Ҳегел фалсафасида руҳ фалсафаси босқичидир. Мана шу якуний босқичда мутлақ ғоя ўзига қайтади ва ўзининг инсон онги ва ўз-ўзини англаш шаклида ўз моҳиятига қайтади.

Ривожланиш ғояси Ҳегел фалсафасини қамраб олган. Унинг таъкидлашича, ривожланиш тор доира ичида эмас, доимий, қуйидан юқорига қараб боради. Мана шу жараёнда миқдор ўзгаришларининг туб сифат ўзгаришларига ўтиши юз беради. Ривожланишнинг манбаи эса ҳар қандай ўз-ўзидан ҳаракатнинг сабаби бўлган қарама-қаршиликдир. Ҳегел фалсафасида борлиқ диалектик ўтишлар занжири сифатида баён қилинган.

Ҳегел фикрича, тарих дунёвий руҳнинг ёки мутлақ ғоянинг ривожи сифатида намоён бўлади. Умуман тарих бу моҳиятан фикрнинг, ақлнинг ўз-ўзидан ривожи тарихидир. Ҳегел таълимотича, ақл тарихда шундай намоён бўладики, унда ҳар бир халқ руҳ ўз-ўзини англаб, тобора юқорилаб боришига ўз ҳиссасини қўшиш ҳуқуқини олади. Лекин бу жараён қандайдир тартибсиз (хаотик) амалга ошмайди. Ҳегел умумжаҳон тарихини тўрт босқичга бўлади: 1. Шарқ дунёси; 2. Юнон дунёси; 3. Румо дунёси; 4. Герман дунёси:

Инсоният тарихини мана шундай босқичларга бўлиб, уларга баҳо беришда Ҳегел очиқдан-очиқ ирқчилик руҳидаги таълимотга юз тутади. Унингча, шарқ халқларида эркинлик бўлган, фақат ягона зўравон ҳукмроннинг эркинлиги тан олинган. Шунинг учун бу халқлардаги эркинлик — бир томондан ҳукмроннинг зулми, ҳирсларнинг кенг қулоч ёйиши, иккинчи томондан кўр-кўрона, сўзсиз бўйсуниш халқ руҳига хос бўлган бир хусусият бўлган. У юнон-румо дунёсида эса,

эркинлик бўлган, лекин улар жуда чекланган, фақат айрим кишилар учун амал қилган. Шунинг учун юнон-румо дунёсининг давлатчилиги қулликни инкор қилмаган. Лекин юнон ва румо дунёси халқ руҳи ҳар хил йўналишда бўлган. Агар юнон дунёсига хос бўлган нарса «гўзал шахслилик» принципи бўлса, румо дунёсига хос бўлган принцип мавҳум умумийликдир. Ҳегелнинг даъвосича, фақат герман халқларида тўлиқ эркинлик бўлган. Бу халқлар ўз тарихий ривожланишларида ислоҳотчилик (реформация), 1789 йил Француз инқилоби меваларидан баҳраманд бўлганлар. Фақат уларгина умумий фуқаролик ва сиёсий эркинликка эришганлар. Ҳегелнинг таъкидлашича, ақлга мувофиқ давлатчиликни ўрнатган фақат герман халқигина умумжаҳон — тарихий жараённинг ҳақиқий тимсолидир.

Ҳегел умумий фалсафий системаси ҳам, унинг яратган методи ҳам бошқа камчиликлардан, ички қарама-қаршиликлардан ҳоли эмас эди. Чунки унинг фалсафий таълимотида билимнинг объектив асоси мутлақ руҳдир, мақсади эса шу мутлақ руҳнинг ўз-ўзини англашидир, охирги босқич ўз-ўзини англаш билан якунланади. Ҳегел фалсафаси мана шу масалани амалга оширишга қаратилган. Шундай қилиб Ҳегелнинг системаси ва методи ўртасидаги қарама-қаршилик чекланганлик ва чексизлик ўртасидаги қарама-қаршиликдир.

XIX асрнинг охиридан бошлаб ғарб мамлакатларида Ҳегел фалсафаси атрофида турли фалсафий мактаблар ва оқимлар вужудга келади. Бу фалсафий мактаблар ичида маълум нуфуз ва таъсирга эга бўлган оқим «ёш ҳегелчилар» оқими эди. Бу оқимнинг ўша даврдаги асосий намояндалари орасида ака-ука Бруно ва Эдгар Бауэрлар алоҳида ажралиб турар эди.

Дастлаб мана шу оқимга мансуб бўлган К. Маркс (1818-1883) ва Ф. Энгельс (1820-1895) кейинчалик материалистик жиҳат ва атеистик тамойиллар устувор бўлган, қарама-қаршиликларнинг кураши тамойили мутлақлаштирилган ўз таълимотини ишлаб чиқдилар. Унинг асосий назарияларини ҳаётга татбиқ қилишга даъват қилдилар. Уларнинг таълимоти марксизм фалсафаси деган ном олди. Кейинчалик бу фалсафа социалистик лагер деб аталган мамлакатларда давлатнинг мафкуравий доктринасига айланди, «илмий коммунизм» ғоялари асосида инсоният тарихининг табиий жараёнини пролетариат диктатураси деб аталган давлат ва ҳокимият юритиш усули орқали зўрлик билан ўзгартириш таълимотини кўпчилик оммага, сиёсий партияларга, мафкурага сингдиришга ҳаракат қилди.

XX асрнинг бошларидан 80 — йилларнинг охиригача дунёнинг жуда катта ҳудудида ҳукмронлик қилган бу мафкура собиқ Иттифоқ тарқалиши билан унинг ҳудудида ўз устуворлигини йўқотди. Унинг катта салбий оқибати айниқса ўтмиш маданий ва фалсафий меросига бўлган муносабатда яққол намоён бўлди. Бу фалсафанинг методологик принциплари — синфийлик ва партиявийлик холис хулосалар чиқаришга имкон қолдирмас эди. уларга мос келмайдиган ҳар қандай таълимот қораланар, ҳатто бутунлай инкор қилинарди. Ўтмиш меросининг қай даражада умумбашарий, умумжаҳон аҳамиятига эга эканлиги эътибордан четда қоларди. Бу нафақат умуминсоний қадриятларнинг аҳамиятини менсимасликка олиб келарди, шу билан бирга, маълум даражада халқларда миллийлик руҳини, миллий меросдан ғурурланиш руҳини тугатишга қарши ҳаракат эди. Ўтмиш меросига бундай ёндошишнинг зарарли томонларидан яна бири шунда эдики, охир-оқибатда ўтмиш мероси бир ёқлама талқин қилинарди, кўпинча эса очиқдан-очиқ сохталаштириларди. Ижтимоий-иқтисодий, тарихий, маънавий, мафкуравий шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда, ўтмиш меросини юқорида эслатиб ўтган принциплар қолипига солиб талқин қилинарди.

Сўнгги йилларда социалистик лагернинг парокандаликка учраши, собиқ иттифоқ таркибига кирган кўпгина жумҳуриятларда, шу жумладан, Ўзбекистонда мустақил миллий давлатларнинг вужудга келиши, уларнинг ўз халқи миллий руҳига хос ва мос мафкура методологияси асосида муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланиб бораётганлиги марксистик фалсафанинг ҳаёт талабларига жавоб бераолмайдиган, халқларнинг руҳига ёт бўлган ғайримиллий таълимот эканлигидан далолат беради.

Бу таълимотнинг баъзи тарафдорлари Ғарбда «неомарксизм» оқимига бирлашганлар. Уларнинг бир қисми марксизмни ислоҳ қилиш, замонга мослаштиришга ҳаракат қилсалар, бошқалари эса яна Марксга қайтиш лозим, деб ҳисоблайдилар. Кези келганда таъкидлаш жоизки, марксизмга вақт ўз баҳосини берди. Ана шу баҳони холис қайд этиш бу таълимотнинг мустабид тузум мафкурасига айлантирилиши қандай оқибатларга олиб келганини яққол кўрсатиш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида мазкур таълимот тўғрисида умуман гапирмаслик эмас, балки уни танқидий таҳлил этиш орқали, моҳият ва мазмунини очиб бериш, оқибатларини яққол кўрсатишга имкон яратади.

## Таянч тушунчалар

**Номинализм -** лотинча номина - исм, ном маъносини англатади. Схоластик фалсафа. Номиналистлар фикрича, универсалийлар хакикатда эмас, балки факат тафаккурда мавжуд. Урта асрларда номинализм схоластиканинг реализм билан мунозараси натижасида келиб чиккан эди. Лекин номинализмнинг асосий тезиси кадимги юнон файласуфлари Антисфен ва Стоиклар томонидан илгари сурилган булиб, улар Платон гояларини танкид килган эдилар. Росцелин томонидан асосланганидан кейин мустакил окимга айланди. У факат якка нарсаларгина реал мавжуд, универсалийлар эса нарсаларнинг номи, деб таъкидлаган.

**Реализм -** Реалистлар Ансельм Кентерберийский, Фома Аквинский умумий объектлар, тушунчалар ё алохида инсонда, аклдан ташкарида, бу нарсаларга кадар ёки индивидуал нарсаларнинг узларида, уларнинг рухий асосларини ташкил этган холда мавжуд, деб хисоблайдилар. Черков реализм нуктаи назаридан, турли акидаларни, масалан Одам Атонинг гунохкор булганлиги хакида афсонани фалсафий асослаш учун фойдаланди.

**Апологетика -** юнонча apologetikos - химоя килиш маъносини англатади. Илохиётда тафаккур далиллари ёрдамида диний таълимотни химоя килиш ва оклаш билан боглик булган соха. Диннинг мохиятини акидалар тизими хусусиятлари, ахлокий принциплари, ижтимоий хаётдаги роли ва ахамиятини тахлил клиш асосида уни фалсафий материалистик ва генетик танкиддан химоя клишни уз олдига асосий вазифа килиб куяди.

**Патристика** - лотинча patris - демакдир. 2-8 асрларда христиан рухонийларининг илохий, фалсафий, сиёсий-социологик карашлари мажмуини ифода этувчи тушунча. Антик даврнинг инкирози йилларида гностицизмга карши кураш жараёнида вужудга келган.

**Схоластика** - диний фалсафанинг асосий йуналишларидан бири. Мазкур таълимот илохиётга асосланиб, диний акидаларга фалсафий ёндашган. Схоластика аслида, урта асрларда гарбий Европада ривожланган. Бирок кейинчалик, мазкур термин Шарк фалсафасига нисбатан хам ишлатила бошланди. Схоластика антик фалсафадан, хусусан, Прокл таълимотидан куп бахраманд булган. 13-14 асрларда Схоластикада иккиёклама хакикат назарияси акл ва иймон уйгунлиги вужудга келди. Ренессанс даврида схоластик анъаналарнинг айрим жихатлари янада

ривожланди. Схоластикада билимнинг икки томони - инсон онги оркали хосил буладиган билим хамда мушохада оркали пайдо буладиган билимни эътироф килиб, уларни диалектик алокадорлигини хисобга олмайди.

**Рационализм -** лотинча rationalis, ratio - акл деган маънони англатиб, аклга одамларнинг билиш ва хулкининг асоси, деб карайдиган фалсафий йуналиш. Рационализм атамаси 19 асрнинг урталарида фалсафага кириб келди. Урта аср схоластикаси ва диний догматизмга зид равишда бутун оламнинг сабабий богланганлиги гоясини илгари сурди.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Рим империяси ҳаётининг сўнгги даврларидаги фалсафий оқимларни санаб беринг.
2. «Уйғониш даври» тушунчасини қандай талқин этасиз?
3. Миллий фалсафий мактаблар деганда нимани тушунасиз?
4. Миллий фалсафий мактабларнинг умуминсоний ютуқлари нималарда намоён бўлади?
5. «Немис классик фалсафаси»ми ёки «Немис миллий фалсафаси»ми? Бу масалага сизнинг муносабатингиз қандай?
6. Нега марксистик фалсафа миллий фалсафа бўла олмас эди?
7. Европа уйғониш даври фалсафасини ўрганишимизнинг аҳамияти нималарда деб ўйлайсиз?

## Асосий адабиётлар


1. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Т.9. Т., «Ўзбекистон», 2001.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т., «Ўзбекистон», 2002. 316-329-бетлар.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., «Ўзбекистон», 2003. 3-51-бетлар.
4. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005. 5-33-бетлар.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005.
7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005.
8. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази. 2000. 107-122-бетлар.
10. Гуннар Скирбекк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002. 169-261-бетлар.
11. Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003. 3-21-бетлар.
12. Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007.
13. Ўзбекистонда маънавий рухий тикланиш. Т., «Янги аср авлоди», 2003.
14. Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. Т., «Чўлпон», 2003. 63-72-бетлар.

15. Фалсафа қомусий луғат. Т., 2004. 298, 306-бетлар.
16. Ислом энциклопедияси. Т., 2004.
17. Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров). -Т., «Ўзбекистон», 2005.
18. Шахс ва жамият. Қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 2005.

**Қўшимча адабиётлар:**

1. Основы философии. Т. Мехнат 2004 й. 7-17 бетлар.
2. www.bilim.uz.
3. www.philosophy.ru.
4. www.filosofiya.ru.
5. www.philosophy.nsc.ru.
6. http//philosophy.albertina.ru.
7. www.history.ru.
8. www.philosophy.com.
9. www.gov.uz - Хукумат сайти
10. www.press-service.uz - Президент сайти
11. www.edu.uz - Вазирлик сайти (руйхатдан утиш)
12. www.ziyo.edu.uz - Вазирлик сайти
13. www.performance.edu.uz - Вазирлик сайти
14. www.tseu.fan.uz - ТДИУ сайти
15. www.tseu.uz - ТДИУ сайти
16. www.teuphil.narod.ru - Фалсафа кафедраси сайти

**Мавзуда кулланиладиган педагогик технология куйидагича:**

1. Аклий хужум услуби.
2. Реферат тахлили.
3. Лидерлик.
4. Конференция куриниши.

**Мавзуда кулланиладиган ахборот технология куйидагича:**

1. Слайдлар намойиши.
2. Интернетдан олинган маълумотлар.
3. Мультимедия.

Ушбу маъруза матни К.Назаров рахбарлигида яратилган маърузалар матни, Фалсафа комусий лугат, Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий карашларининг тахлили асосида тузилган. Марксизм - ленинизм фалсафасига танкидий каралган.

# 5-МАВЗУ. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЖАҲОН ФАЛСАФАСИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ОҚИМЛАРИ

***РЕЖА:***

1. Хозирги замон фалсафасидаги ворислик ва янгиланиш, унинг XIX асрдаги илдизлари.
2. Позитивизм фалсафаси, унинг мазмун мохияти.
3. Демократик дунёда ижтимоий жараёнларнинг марказига инсон муаммосининг куйилиши.
4. Ғарб мамлакатларида жамият фалсафаси.

1. Маълумки, ҳамма замонларда ҳам фалсафа ўз даврининг долзарб муаммоларини ҳал этиш йўлларини топишга ҳаракат қилган. XX асрга келиб инсоният фан ва техника тараққиёти соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритди. Лекин шу билан бирга, айнан ушбу аср ижтимоий силсилалар, иккита жаҳон уруши, экологик инқироз, оғир йўқотишлар даври ҳам бўлди. Бу эса фалсафий фикрнинг тараққиётида ўз аксини топди, унинг турли йўналиш ва оқимлари шуғулланган муаммоларнинг салмоғи, мақсад-муддаосини аниқ белгилади. Бунинг натижаси сифатида, ҳозирги давр фалсафасида ниҳоятда хилма — хил оқим ва йўналишлар мавжуд. Ўз навбатида бу илм-фан ва амалиётнинг ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярми ва ҳозиргача бўлган фалсафа илми ривожининг асосий хусусиятларини белгилайди.

Ҳозирги замон фалсафасининг энг асосий тамойиллари умуминсонийликнинг устуворлиги, унинг миллийлик билан уйғунлиги, демократик эркинликлар, инсон қадри, бирор таълимотни мутлақлаштирмасликдир. Бағрикенглик ва толерантлик ҳозирги фалсафий таълимотлар ранг-баранглигини таъминлайди.

Анъанавий фалсафада, турли ғоявий тизимларга бўлинишига қарамай, муҳим муаммоларни ҳал этишда маълум бир умумийлик мавжуд эди. Ҳозирги замон фалсафасида аксинча, фалсафий муаммоларнинг кўп хиллиги ва ўзига хослиги, турли-туманлиги, улар асосида фалсафий оқимларнинг мустақил йўналиш сифатида шаклланганлиги яққол кўзга ташланади.

Анъанавий фалсафада ақл — инсон моҳиятининг белгиловчиси, деб талқин этилган бўлса, энди рационализмга қарши инсоннинг мавжудлиги (экзистенциализм) муаммолари, ҳамда унинг норационал моҳияти илгари сурила бошлади. Яъни илгари маърифатпарварлик ғояси устувор бўлса, эндиликда кўпроқ инсон ҳуқуқларига эътибор кучайиб кетди. Фалсафа гуёки, мавҳумликдан аниқлик томон борди, умумий эмас, аниқ-равшан масалаларни ҳал қилиш бошланди.

Анъанавий фалсафада ҳодисалар механика қонунлари асосида тушунтиришга ҳаракат қилинган бўлса, энди бундай таҳлил доирасидан четда қолган муаммолар ўрганила бошланди.

Бугунги кунга келиб кўпгина фалсафий оқимлар ўзларининг анъанавий фалсафага алоқадор эканликларини ҳамда улардан фарқ қилишларини таъкидлаш мақсадида, номларига **«нео»**, яъни янги, замонавийлашган деган маънони англатувчи қўшимчани қўшганлар. Масалан, неопозитивизм, неотомизм ва бошқалар шулар жумласига киради.

Фаннинг жамият ҳаётидаги ўрнини белгилаш ва унга нисбатан муносабатга қараб, замонавий фалсафий таълимотларни асосан икки йўналишга ажратиш мумкин. Улардан бири — **сциентизм** (лот scientia — фан) яъни фан мавжуд барча

ижтимоий муаммоларни ҳал этиши мумкинлигини илм-фан тараққиётининг доимий ижобийлигини асословчи фалсафий дунёқараш. Сциентизм ғоялари, неопозитивизм, технологик детерминизм каби таълимотларнинг асосини ташкил этади.

Иккинчиси — **антисциентизм**, яъни фан тараққиёти жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатишини асословчи фалсафий дунёқараш. Бундай дунёқараш экзистенциализм, франкфурт ижтимоий-фалсафий мактаби, Рим Клубининг бир қатор тармоқларини, баъзи диний-фалсафий оқимларнинг фанга муносабатини ифодалайди. Антисциентизм илм-фан тараққиётининг натижаларини назорат остига олиш, бу масалада жамият ҳаётини хавф остига қўймаслик талаби билан боғлиқдир.

Антисциентизмнинг айрим ўта ашаддий намояндалари фан-техника тараққиётини тамоман тўхтатиб қўйиш ғоясини ҳам илгари сурадилар. Умуман олганда, XX аср фалсафасида бир-бирига муқобил бўлган йўналишлар рационализм ва иррационализм, антропологизм ва натурализм, сциентизм ва антисциентизм, материализм ва идеализм ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Янгича фалсафий тафаккурга асос солган олимлар орасида кўпчилик немис олими **Артур Шопенгауэр** (1788 — 1860) қарашларини тилга олади. Шопенгауэр оламдаги барча мавжуд нарсаларни ироданинг намоён бўлиши, ироданинг эса онгсиз кўр-кўрона интилиш тарзида тушунади. Махлуқотларнинг инстинктлари, хатти-ҳаракатлари — ироданинг намоён бўлишидир. Инсон фаолияти ҳам ақлдан бегона бўлган ироданинг натижасидир. Шунинг учун инсон моҳияти ирроционал асосга эга. Ақл эса тасодифийдир. Инсон ҳаёти доимо айланиб турган ирода ғилдирагига боғлиқдир.

Шопенгауэр таълимотини давом эттирган немис файласуфи **Фридрих Ницше** (1844-1900) фикрича, «борлиқнинг энг чуқур моҳияти ҳокимиятга эришиш учун бўлган иродадир.» Ницше инсон борлиғида махлуқлик ва холиқликни бирлашиб кетганини асослаб беришга ҳаракат қилди. Унинг диёримизда бундан икки ярим минг йил муқаддам шаклланган зардуштийлик таълимотини ўрганиб яратган «Зардушт таваллоси» асарида кучли шахсларни тарбиялаш ғояси илгари сурилган. У ўз ортидан иродасиз кишилар оммасини етаклашга қодир бўлган иродаси кучли шахсларни тарбиялаш тарафдори бўлган. Ницшенинг цивилизация ва маданиятнинг сўниши ва барҳам топиши тўғрисидаги ғоясига асосланиб, 1918 йилда Г. Шпенглер «Европанинг сўниши» деган асарини ёзади.

Ўтган аср охири олимлари ижтимоий инқироз ва маънавий турғунликдан чиқишнинг йўлини Ғарбда классик фалсафий меросга мурожаат этишда ва уни қайта тиклашда кўрдилар. Шу зайлда «Орқага Кантга» шиори остида неокантчилик, «Орқага Ҳегелга» шиори остида эса неоҳегелчилик пайдо бўлди.

Шу билан бирга, фалсафанинг классик илдизларини сақлаб қолишни диний оқим бўлган неотомизм ҳам ёқлаб чиқди. Неатомизм шу бугунга қадар ҳам ўз мавқеини йуқотмаган бўлиб, католик черкови томонидан қўллаб-кувватланади. Бунда айниқса Рим папаси раҳбарлик қиладиган Ватиканнинг фаолияти муҳим ўрин тутади.

**Неотомизм** — XX асрдаги энг йирик диний-фалсафий оқим бўлиб, у ўрта асрлардаги (XIII аср) Фома Аквинскийнинг таълимотини қайтадан тиклади. У (нео — янги, томизм — «фома», транскрипцияда «тома» бўлиб ўзгарган) Фома Аквинскийнинг янги, замонавий таълимоти демакдир. Бу таълимотга кўра, илм ва эътиқод ўртасида тўла мувофиқлик, уйғунлик бор. Улар бир-бирини тўлдириб туради, ҳар иккиси ҳам худо томонидан берилган хақиқат.

Неотомизм вакиллари фикрича, илм етмаган жойда эътиқод қўлланиши керак. Лекин бу эътиқод кўр-кўрона, шунчаки ишонч бўлмай, балки мантиқан теран англанган эътиқод бўлиши керак. Худонинг мавжудлигини фалсафа турли мантиқий усуллар орқали исбот қилиши лозим. Шундай қилиб, фалсафанинг вазифаси динга хизмат қилишдан иборатдир.

Неотомистлар дунёни, жамиятни худо яратган, жамият тараққиёти худонинг режаси асосида боради, дейдилар. Диний теология оқими бўлганлигидан неотомизм албатта, илоҳий қадриятларни устувор қўяди. Аммо у дин ва унинг жамиятдаги ўрнига, ўзининг номи келиб чиқишига сабаб бўлган, Фома Аквинский замонидан фарқли ёндошади. Фомадан кейинги давр Европада христианликнинг софлигини сақлаш ғояси, аста-секин мутлақлашиб, ўрта аср ақидапарастлигининг маълум кўринишларидан бири-инквизицияга олиб келган эди. Бу эса ҳурфикрлилик, илм-фандаги янгиликка қарши курашга айланиб кетган эди. Лекин инсон ҳуқуқлари, фикр эркинлиги демократия белгисига айланган XX асрда бундай ўтакетган ақидапарстликка ўрин йўқ. Неотомизм ҳозирги цивилизацияли дунёда цивилизациялашган таълимот сифатида майдонга чиқмоқда. Ўз навбатида бу демократия устивор бўлган ҳаёт тарзига муайян даражада мос келади.

**Неокантчилик** XIX аср ўрталарида шаклланган ва XX аср бошларида ривожланган эди. Унинг вакиллари И. Кант ўз даврида қўйган илмий билишнинг умумийлиги ва зарурияти ҳақидаги ҳамда тажрибавий ақл ҳақидаги муаммоларни таҳлил этадилар. Бу таълимотга кўра, инсон дунёга бир марта келади, шунинг учун ҳар бир инсоннинг ҳаёти ўзи учун энг олий мақсаддир. Шундай экан, инсон ҳаётидан кимдир ўз мақсадларини амалга ошириш учун восита сифатида фойдаланиши мумкин эмас. Эркин мавжудот деганда, Кант издошлари ўзи хоҳлаган ишларни қилувчи кишини эмас, балки жамотчилик манфаатига қарши юрмайдиган, унга зид иш қилмайдиган, аммо ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладиган инсонни назарда тутадилар.

XX асрга келиб, фан ва техника тараққиёти билан илмий тафаккур ва тил муаммоларини фалсафий таҳлил қилишга қизиқиш ниҳоятда ортди. Бу йўналишда ишлаётган энг йирик оқимларга неопозитивизм, структурализм ва герменевтика каби фалсафий қараш намоёндалари мисол бўлади.

**2. Неопозитивизм** оқимининг йирик намояндалари Карнап, Айер, Рассел, Витгенштейн ва бошқалардир. Нео — янги; позитив — ижобий деган маънони англатади. Непозитивизм Ғарбда X1X асрнинг 20 — йилларида пайдо бўлган, асосчиси XIX асрда яшаган Огюст Контдир. Унинг фикрича, фалсафа аниқ фанлар тараққиётисиз мавжуд бўла олмайди. Фалсафа — объектив реалликни эмас, балки аниқ фанлар қилаётган илмий, яъни ижобий (позитив) хулосаларни ўрганиб, таҳлил қилиб уларни мантиқан бир тартибга, системага солиши керак.

Конт фалсафанинг ўзи мустақил равишда объектив дунё тўғрисида ҳеч қандай аниқ билимлар бериши мумкин эмас, у шу пайтгача йиғилган билимларни формал логика қонунлари асосида таҳлил этиши ва қайта баҳолаши, уни «абсолют ғоя, руҳ» тўғрисидаги ортиқча фикрлардан тозалаши керак ва янги фалсафани яратиши керак, деб таълим берган.

Неопозитивистлар **верификация принципини** илгари сурадилар (лот. Veritas — хақиқат.) уларнинг фикрича, фақат тажрибада ўз тасдиғини топган билимгина ҳақиқийдир. Лекин назарий, мавҳум билимларнинг ҳаммасини ҳам тажрибада эквивалентини топиш, айнан шундай эканлигини исбот қилиш мумкин эмаслиги туфайли бу принцип кейинчалик инкор этилди.

Шундан сўнг **постпозитивизм** (яъни кейинги позитивизм) вакили К. Поппер **фальсификациялаш методини** илгари сурди. Бунга кўра, инсон баъзи назарий билимларнинг ҳақиқатлигини эмас, хато эканлигини исботлаши керак. Охир-оқибатда неопозитивизм вакиллари фалсафа билимларнинг ҳақиқийлигини мантиқий — лингвистик усул орқали исботлаши ва системалаштириши керак, деган хулосага келдилар. XX асрнинг 60 — 70 йилларига келиб, неопозитивизмнинг мавқеи камайиб, асосий ўринга структурализм ва герменевтика чиқди.

**Структурализм** (асосий вакиллари Леви — Стросс ва Фуко) билишда структуравий усулнинг аҳамиятини мутлақлаштиради. Бу оқим тарафдорлари нарса ва ҳодисанинг структурасини билиш унинг объектив моҳиятини билиш демакдир, деб ҳисоблайдилар. Масалан Леви-Стросс мифологик тафаккурни таҳлил этиб, турли жойларда яшаган қадимги қабилалар ва халқлар яратган афсоналарнинг умумий структурага эга эканлигини исбот қилди. Унинг фикрича, бу афсоналарнинг асосий мазмуни бир-бирига тўла мувофиқ келади. Инсониятнинг илмий тафаккури ҳам бу таълимотга кўра шундай принципга, умумий мантиққа эга.

**Герменевтика** — қадимги юнон афсоналаридаги худоларнинг хоҳиш ва иродасини инсониятга тушунтириб бериш учун ерга юборилган элчиси — Гермес номи билан аталади. Демак, герменевтика — тушуниш, тушунтириш, таҳлил этиш ғояларига асосий диққатини қаратади.

Жамият, бу таълимотга кўра, кишилар ўртасидаги мулоқотга асосланади. Мулоқот жараёнида маданий, тарихий ва илмий қадриятлар яратилади. Шунинг учун фалсафанинг асосий вазифаси ҳаётнинг маъносини, моҳиятини кишилар ўртасидаги мулоқотдан қидиришдан иборат.

Бу оқим вакиллари Шлейермахер ва Дильтей фикрича, бирор бир тарихий манбанинг тўғри таҳлил этилиши тадқиқотчининг давр хусусиятларини тўла ҳис этиши, тушуниши билан боғлиқ. Ҳозирги даврда бу таълимотнинг кўплаб тарафдорлари мавжуд.

3. XX асрнинг 30 — йилларига келиб **«экзистенциал фалсафа»** ривожланди. Экзистенция — том маънода мавжуд бўлмоқ демакдир. Экзестенциализм ниҳоятда хилма-хил йўналишдаги таълимотларни инсоннинг маънавий дунёси, инсон тақдири, эркинлиги ғоялари асосида умумлаштирди.

Бу муаммоларнинг талқини, айниқса, ижодкор зиёлилар ўртасида оммавий тус олди. Шунинг учун экзистенциал фалсафа бу даврда энг кенг тарқалган оқим бўлиб қолди.

Экзистенциализм вакиллари асосан икки йўналишга бўлинадилар. Бири — дунёвий (Хайдегер, Сартр, Камю) ва иккинчиси диний (Ясперс, Марсель) бўлиб бундай бўлиниш нисбийдир.

Хайдегер, Сартр, Камюларнинг таълимотига кўра, инсон ўзининг яратиш жараёнини ўзи эркин амалга оширади. Инсоният олдида улкан имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан қайси бирини танлашда у эркиндир. Демак, инсон ўз моҳиятини ўзи эркин белгилайди, унинг ким бўлиб етишиши фақат унинг ўзига боғлиқ. Шу маънода, инсон доимо ривожланиб борадиган, тугалланмаган лойиҳага ўхшатилади. Эркинлик инсоннинг ўзи томонидан яратиладиган ички руҳий ҳолати тарзида талқин этилади. Инсонга берилган имкониятларни танлаш ниҳоятда масъулиятлидир, чунки бунда инсон ўзи, бошқаларни ҳамда уни ўраб турган оламни ҳам қайта яратади.

Диний экзистенциализм вакиллари Ясперс ва Марсель фикрича, инсон ўз эркин фаолияти давомида худога қараб унга етишиш учун, камолот томон ҳаракат қилади. Ҳақиқий эркинлик инсонга таҳликали онларда, ташвишда, ёлғизликда намоён бўлади. «аҳлика, масъулият соф эркинликнинг ўзидир, фақат шундай шароитда инсон ўзини тўлалигича англайди. Ҳаёт ва ўлим, қўрқинч, даҳшат тушунчалари бу таълимотнинг марказий тушунчаларидир. Экзистенциалистлар фикрича, олам маъносиз ва уни билиб бўлмаслиги абадий, инсон умри ўткинчи бўлганлиги учун ҳам даҳшатлидир.

Янги замон фалсафасининг яна бир оқими **прагматизм** АҚШда кенг тарқалган. Умуман олганда, «прагматизм» фойдали фаолиятга ундовчи, «фойдага» қандай қилиб эришиш йўллари ва усуллари ҳақида мулоҳаза юритувчи таълимотдир. Бунда «фойда» тушунчаси «тажриба», «ҳақиқат» тушунчалари билан айнанлаштирилади.

Прагматизм таълимотининг йирик намояндалари Ч. Пирс, У. Джемс, Ж. Дьюи ва бошқалардир. Уларнинг таълимотида оламнинг ўзгарувчанлиги ўз ифодасини топган. Улар тажрибани турли тасодиф ва кутилмаган вазиятларни ўзида мужассамлаштирган, онгимиздан тезкор қарорларни қабул қилишни талаб этувчи ҳодисалар мажмуи сифатида таърифлайдилар.

Инсоннинг хатосиз фаолият кўрсатиши учун унинг хатти-ҳаракатларини бошқариб турувчи восита — интеллектдир. Ж. Дьюи фикрича, интеллект инсонни ўраб турган оламдан нусха олади, ҳамда унга муҳитга мослашишга ёрдам беради. Прагматизм фалсафасининг мақсади инсонга оламда ўз ўрнини топишга ёрдам беришдан иборат. Дьюи тажриба натижасининг «фойдали» томонига эътиборини қаратади. Джемс фикрича, ҳақиқат фойдали бўлган нарса ёки ҳодисадир.

Прагматизм АҚШ ижтимоий-маданий ҳаётининг қадриятларини ифода этиб, у ердаги ишбилармонлар, менеджерлар, сиёсатчилар ва давлат арбоблари ўртасида кенг тарқалган. Американиклар бу таълимотнинг назариётчиларини ҳалқнинг дунёқараши ўзгаришида, ҳозирги американча ҳаёт тамойилларини кенг оммага сингдиришда катта хизмат қилган файласуфлар сифатида қадрлайдилар. Масалан, Ж. Дьюини «Американинг Арастуси» дея ҳурмат билан тилга оладилар.

Жамият тараққиётига оид ғоялар таҳлили фалсафада антик даврлардан, Суқрот ва Афлотун замонларидан бошлаб шакллана бошлаган. Бу ғояларнинг ривожида XVII-XVIII асрларда яшаган италиялик файласуф Дж. Вико, XVIII асрда яшаган И.Г. Гердер ва айниқса, немис фалсафасининг йирик намоёндаси Хегел катта ҳисса қўшганлар. Жамият тараққиёти тўғрисидаги таълимотлар орасида тадрижий тараққиёт ва инқилобий сакрашлар йўлидан боришни илгари сурадиган таълимотлар талайгина. Кўпчилик тадрижий йўлни маъқул кўради ва биз юқорида тилга олган файласуфларнинг аксарияти ана шундай қараш тарафдори.

Афсуски, бошқача қарайдиган таълимотлар ҳам бор. Янги давр фалсафасида тарқалган ана шундай оқимлардан бири **марксизм** бўлиб, унинг асосчиси немис иқтисодчиси ва файласуфи К. Марксдир (1818 — 1883). Унинг ижтимоий фалсафаси капитализмда синфий курашнинг мутлақ антогонизм даражасига кўтарилиши, охир-оқибат пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши ва шу йўл билан синфсиз жамиятга ўтишни тарғиб қиладиган ва реал ҳаётни акс эттирмайдиган назариядир.

Кейинчалик собиқ иттифоқда ҳукмрон мафкурага айланган бу таълимот дастлаб К. Маркс ва Ф. Энгелс ёзган «Коммунистик партия манифести»да баён қилинган. Унинг назарий асослари К. Маркснинг «Капитал», Ф. Энгелснинг «Анти-Дюринг» ва «Табиат диалектикаси» асарларида таърифлаб берилган бўлиб,

ижтимоий ҳаётда салбий оқибатларга олиб келди. У борлиқ тушунчасини материя билан айнанлаштирган, руҳни бутунлай инкор қилган, материализм ва атеизмни мутлақлаштирган.

Бу таълимотнинг К. Каутский, В. Плеханов бошлиқ мўътадил тарофдорлари кейинчалик социал-демократияга кўпроқ мойил бўлишди. Россияда В. Ленин бошчилигидаги тарафдорлари эса синфий кураш ва пролетариат диктатурасини мутлақлаштириш йўлидан бордилар. Бу ўз навбатида, инқлобий сакраш йўлини танлашга олиб келди ва Россияни террор йўлига бошлади. Оқибатда эса бу типдаги дунёқараш жамият ва халқлар тақдирида ғоят салбий ўрин тутиши маълум бўлди. Ғарбда Маркснинг ҳозирги даврдаги тарофдорлари **«неомарксизм»** оқимини ташкил этадилар. Кўпгина неомарксистлар синфий курашни мутлақлаштирмаслик, инқлобий эмас, тадрижий сакраш йўлидан бориш устувор бўлиши лозимлигини эътироф эта бошладилар. Аммо уларнинг асл қарашларини жамият, миллат эмас, синф ва улар ўртасидаги кураш тараққиёти белгилайди, деган ўша таълимотга боғлиқлигича қолмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, яқингача собиқ Иттифоқ ва унинг иттифоқчилари ҳудудида мутлақ ҳукмрон бўлган мафкуранинг тақдирини ўрганиш, унинг тарихидан холисона хулоса чиқариш, бу таълимотнинг қандай аянчли натижаларга олиб келганини билиб қўйиш ҳам фойдадан холи эмас. Бу борада лом-мим демаслик фойда бермайди. Зеро, таълимотлар тарихи — инсонлар, уларнинг тақдири, юксалиши ёки таназзули тарихидир. Бу юксалиш ёки таназзул кўп ҳолларда муайян ғоялар, мафкуралар таъсирида рўй беради. Гоҳида минглаб, миллионлаб кишиларни мафтун қилган баъзи ғоялар ёки мафкуралар охир-оқибат ана шу миллионларнинг заволига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Биз қисқа таҳлил қилган марксизм ва кейинроқ у пайдо бўлган ҳудудда шаклланган национал социализм (фашизм) назариялари ана шу тарихий ҳақиқатни исботлайди. Бу ҳақиқатнинг остида эса бирор таълимот қадриятларини мутлақлаштириш, албатта, муайян «изм»га, ақидапарастликка олиб келади, бу ўз навбатида жаҳолат ва қабоҳатга элтувчи йўлдир, деган умуминсоний тамойил ётади.

4. XX асрга келиб жамият тарихий тараққиётига оид таълимотларни умумлаштириш натижасида ижтимоий тараққиётнинг плюралистик модели, «локал маданиятлар» ҳамда «цивилизацияларнинг хилма-хиллиги» концепциялари шаклланди. Уларга кўра, жамият тарихи — ўзига хос маданиятларнинг бирлиги эмас, хилма-хиллигидан иборат. Шу маънода у органик табиатдаги ҳаёт шаклларининг ранг-баранглигига қиёсланади. Демак, табиат қандай хилма-хилликнинг бирлиги бўлса, жамият ҳам ана шундай ранг-бaрангликнинг уйғунлигидир. Жамиятда ҳам ҳамма ва ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бор.

Бу ғоялар немис файласуфи ва социологи О. Шпенглер (1880-1936) ва инглиз тарихчиси А. Тойнби (1889-1975) таълимотларида ҳар томонлама асослаб беришга ҳаракат қилинди. О. Шпенглер ўзининг «Европанинг сўниши» номли асарида тарихни бир — биридан мустасно бўлган маданиятлар мажмуидан иборат, деб ҳисоблайди ҳамда мукаммал ривожланган 8 хил маданиятни кўрсатади. Булар: араб, ҳинд, вавилон, хитой, юнон-рим, византия-араб маданиятлари, майя ва русс-сибир маданиятларидир. Маданиятлар ўзига хос диний асосга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири қатъий биологик маромга (ритмга) бўйсунади. Ва қуйидаги асосий даврларни босиб ўтади: туғилиш ва болалик, ёшлик ва камолот, қарилик ва сўниш. Бунинг асосида маданиятлар ривожининг икки босқичи мавжуд, деб кўрсатилади. Биринчи босқич — маданият равнақи (соф маданият) ва иккинчиси — унинг таназзули («цивилизация»).

О. Шпенглер европоцентризмга, яъни барча маданиятларни европалаштириш ғоясига қарши чиқди. Ҳар бир маданиятнинг ўзига хослиги, бир-биридан мустасно ҳолда ривожланиш ғоясини мутлақлаштирди. Улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳам мавжудлигига кам эътибор қаратди.

Яна бир олим А. Тойнби эса ўзининг 12 жилдлик «Тарихни ўрганиш» асарида маданиятларнинг локал ривожланиш ғоясини давом эттирди. Бироқ унинг таълимоти Шпенглер концепциясидан ўзининг икки жиҳати билан фарқланади. Биринчидан, инсонда ўз ҳаётини эркин белгилаш имконияти мавжудлигини, тарихий тараққиёт зарурият ва эркинликнинг ўзаро бирлигидан иборат эканлигини назарда тутса, иккинчидан, тарихий тараққиётнинг даврий модели дунёвий динлар (буддизм, христианлик, ислом) нинг барча халқларни якинлаштирувчи ва жипслаштирувчи бош омил ғояси билан бойитилган.

Тойнби Ғарб христиан цивилизациясининг таназзулга қараб бораётганлигини кўрсатиб, унинг олдини олиш йўлини маънавий бирликда, жаҳон халқларининг ягона динни қабул қилишларида, деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, ҳозирги пайтда жамият тараққиётининг цивилизацион концепцияси кўпчилик файласуфлар томонидан тан олинмоқда. Хусусан, индустриал ва постиндустриал жамият ғоялари, айниқса, оммавийлашиб бормоқда. Унга кўра, жамият тараққиётининг бош мезони — саноатнинг ривожланиш даражасидир.

Шундай қилиб, XX асрга келиб ранг-баранг фалсафий таълимотлар шаклланди. Уларнинг барчасини мазкур мавзуда кўриб чиқиш имконияти бўлмаса-да, юқорида баён этилган маълумотлардан фалсафий плюрализм ҳақида, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканлиги тўғрисида муайян хулосага келиш мумкин. Бу соҳадаги билимларимиз, ўз навбатида бизнинг миллий ғоя ва мафкурамизни шакллантиришга, маънавиятимизнинг бойиб, мустаҳкамланиб боришига, интеллектуал камолотимизга хизмат қилади.

## Таянч тушунчалар

**Прогматизм -** юнонча progmatos сузидан олинган булиб «иш, хатти-харакат» деган маънони англатади.

Асосчиси - Чарлз Сандерс Пирс, ундан сунг У.Жеймс, Ж.Дъюн, ФюШиллер томонидан ривожлантирилган.

Тушунча ва эътикоднинг маъносини аниклашга ёрдам беради, гоя ва тушунчалар факат тадкикотчи томонидан текширувдан утганда кейингина муайян ахамиятга эга булади.

Хусусияти: У ёки бу объектлар хакидаги тушунчаларнинг маъноси ва ахамияти улар келтириб чикарган амалий натижалардан.

Асосий асари: «Эътикрднинг урнатилиши».

-Ж.Дъюн фалсафаси учун марказий муаммо - «тажриба» тушунчасидир., «Тажриба» ни хаёт тушунчаси билан айлантирилади. «Прагматизм» асл маънода фойдали фаолиятга ундовчи, «фойдага» кандай эриш йуллари ва усуллари хакида мулохаза юритувчи таълимотдир.

Прогматизм АКШ ижтимоий-назарий мухитининг мевасидир.

**Экзистенциализм** - лотинча «экзистенция» ёки интизча «экзистенсе» сузидан олинган булиб «мавжудлик», «мавжудбулмок», деган маънони англатади. Дастлаб ватани Россия булган (Бердяев, Шестов) кейинчалик Германияда кенг ривожланди (Хайдеггер, Ясперс, Бубер) Асл маънода XX аср маънавий хаётининг эхтиёжларига жавоб сифатида юзага келди ва ривожланди. Ута зиддиятли ва

мураккаб хусусияти: киши, узининг мавжудлигини чукур маънавий зиддият, рухий тушкунлик холатидагина англай олади.

Мохияти: 1. Инсон хакидаги фалсафадир тарийхай чекланган фалсафий йуналишидир.

2. Ижобий томони шундаки бу йуналиш - гуманистикдир масалан Жан-Пол Сатр «Пашша» номли пессасида гуманизм рухида булган ижтимоий маъсулият хакида бадиий образ яратади.

**Неотомизм** - диний оким. XIII аср Италян файласуфи Фома Аквинскининг фалсафий-диний таьлимоти булган тизимни XX аср вокеалигида тиклашга уринувчи фалсафадир. Рим Катлоик черкови ва унинг марказий хокимияти Ватикан Неотонизмнинг маьнавий сиёсий хомийсидир. Рим Католик черковининг расмий мафкурасидир. Асосий вакиллари - Францияда Э.Жилсон-Марйтен, Италияда У.Подовани, Ф. Олджати, Германияда А.Двлсор, И.Лоц, VI Грабман, В.Бруггер эса Д.Мерсье, А.Дондейн ва бошкалар.

Бу таълимотга кура илм ва диний эътикод бирликда булади. Моддий реаллик билан ибр каторда рухий реалликни хам тан олиш лозимлигини талаб килади.

**Неопозитивизм -** янги позитивизм гарб оламида кенг оммалашган.

Гоявим вакили Мориц Шлик.

«Мантиций эмпиризм», «Илмий эмпиризм», «Мантикий позитивизм», «Вена тугараги».

Мохияти: уч куринишда ифодаланади.

1) Мантикий позитивизм.
2) Лингвистик тахлил.
3) Конвенционализм ва физикализм.

Ижобийлиги:

1) хурфикрлик
2) илмий билишнинг янги томонларини кидиришга уринади.
3) Аньанавий методлардан четга чикишга харакат килди.

**Герменевтика** - юнонча суз булиб, «изохлайман», «тушунтираман» деган маьнони англатади!

Техниканинг жуда катта ютукларини мантикий талкин килиш муаммолари билан богликдир. Герменетика масалалари психологлар, мантикшунослар ва файласуфлар томонидан кейинги ун йилликда кенг урганилмокда.

**Феноменология** - хозирги замон фалсафасидаги ва маданиятидаги асосий окимлардан бири.

**Махизм** - асосчиси Мах Эрнст австралиялик физик ва философ субьектив идеалист эмпириокритицимнинг асосчиларидан бири. Мах нарсапарни «сезгилар комплекслари» деб эътироф килиши билан уз таьлимотини фалсафий материализмга карама-карши килиб куяди. Мах Сабабият, зарурият, субстанция тушунчаларини «тажрибада» мавжуд булмаган тушунчалар деб рад этади. «Тафаккурни тежаш принципи» га мувофик оламни тасвирлаш факат «Тажрибанинг бетараф элементлари» ни уз ичига олмоги лозим. Мах фалсафанинг субьектив -индеалистик характери В.И.Лениннинг «Материализм ва эмпириокритизм» асарида танкид килинди.

## Такрорлаш учун саволлар

1. XX аср фалсафасининг характерли хусусиятлари нималарда кўринади?
2. Экзистенциал фалсафанинг моҳияти нимадан иборат?

3. Неопозитивизмнинг асосий хусусиятлари қандай?
4. Структурализмнинг моҳияти нима?
5. Герменевтика нима?
6. Сциентизм ва антисциентизм нима?

### Асосий адабиётлар


1. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Т.9. Т., «Ўзбекистон», 2001.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., «Ўзбекистон», 2003. 3-51-бетлар.
3. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.
4. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005. 5-33-бетлар.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005.
7. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази. 2000. 133-143-бетлар.
9. Гуннар Скирбекк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002. 510-514, 534-548, 643-681-бетлар.
10. Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003. 3-21-бетлар.
11. Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007.
12. Ўзбекистонда маънавий рухий тикланиш. Т., «Янги аср авлоди», 2003.
13. Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. Т., «Чўлпон», 2003.
14. Фалсафа қомусий луғат. Т., «Шарқ», 2004. 299, 334-бетлар.
15. Ислом энциклопедияси. Т., 2004.
16. Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров). -Т., «Ўзбекистон», 2005.
17. Шахс ва жамият. Қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 2005.


### Кушимча адабиётлар:


1. Основы философии. Т. Мехнат 2004 й. 7-17 бетлар.
2. www.bilim.uz.
3. www.philosophy.ru.
4. www.filosofiya.ru.
5. www.philosophy.nsc.ru.
6. www.history.ru.
7. www.philosophy.com.
8. www.gov.uz - Хукумат сайти
9. www.press-service.uz - Президент сайти
10. www.edu.uz - Вазирлик сайти (руйхатдан утиш)
11. www.ziyo.edu.uz - Вазирлик сайти
12. www.performance.edu.uz - Вазирлик сайти

13. www.tseu.fan.uz - ТДИУ сайти
14. www.tseu.uz - ТДИУ сайти
15. www.teuphil.narod.ru - Фалсафа кафедраси сайти

**Мавзуда кулланиладиган педагогик технология куйидагича:**

1. Аклий хужум услуби.
2. Реферат тахлили.
3. Мужизалар майдони.

**Мавзуда кулланиладиган ахборот технология куйидагича:**

1. Слайдлар намойиши.
2. Интернетдан олинган маълумотлар.

Ушбу маъруза матни К.Назаров рахбарлигида яратилган маърузалар матни, Фалсафа комусий лугат, Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий карашларининг тахлили асосида тузилган. Марксизм - ленинизм фалсафасига танкидий каралган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

## ОНТОЛОГИЯ: БОРЛИҚ ҲАҚИДА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР

### 6-МАВЗУ. БОРЛИҚ ФАЛСАФАСИ

***РЕЖА:***

1. Борлиқ тушунчасининг мохияти ва маъноси. Борлик хакидаги тарихий концепциялар.
2. Борлиқнинг шакллари ва намоён бўлиш хусиятлари.
3. Материя тушунчаси. Унинг хусусиятлари ва намоён бўлиш шакллари ҳақида замонавий қарашлар.
4. Харакат - материянинг намоён бўлиш шаклидир.

**1. Борлиқ тушунчаси.** Файласуфлар қадим замонлардан буён «борлиқ» ва «йўқлик» ҳақида баҳс юритишган. Улар борлиқнинг вужудга келиши, моҳияти, хусусиятлари ва шакллари ҳақида кўплаб асарлар ёзишган. Хўш, борлиқ нимағ Бу савол бир қарашда жуда оддий кўрингани билан унга шу чоққача барча кишиларни бирдай қаноатлантирадиган жавоб топилгани йўқ. Бу ҳолат борлиққа турлича нуқтаи назарлардан қарашларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Масалан, айрим файласуфлар борлиқни моддийлик, моддий жисмлар билан боғлаб тушунтиришади. Уларнинг нуқтаи назарларича, борлиқ - объектив реалликнигина қамраб олувчи тушунчадир. У ҳолда фикр, инсон тафаккури, ўй-хаёлларимиз борлиқ тушунчасидан четда қолар эканда, деган саволга улар, бундай тушунчалар объектив реалликнинг ҳосиласидир, деб жавоб беришади.

Фалсафанинг борлиқ ҳақидаги таълимотни изоҳлайдиган қисми — **онтология** деб аталади. (Бу тушунчани фалсафада биринчи бор X. Вольф қўллаган). Олам ва борлиқ масалаларини фалсафанинг ана шу соҳаси ўрганади.

**Йўқлик** ҳеч нима демакдир. Ҳамма нарсани ҳеч нарсага айлантирувчи, ҳамма нарсанинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқликдир. Бу маънода йўқлик чексизлик, ниҳоясизлик ва мангулик билан бирдир. Йўқлик чекинган жойда борлиқ пайдо бўлади. Демак, борлиқнинг бунёдкори ҳам, кушандаси ҳам йўқликдир. Борлиқ йўқликдан йўқликкача бўлган мавжудликдир. Йўқликни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Фанда йўқлик нима, деган саволга жавоб йўқ.

**Борлиқ ҳақидаги концепциялар**. Тарихдан маълумки, файласуфлар борлиқ ҳақида турлича ғояларни илгари суришган. Марказий Осиё тупроғида вужудга келган зардўштийлик таълимотида борлиқ қуёш ва оловнинг ҳосиласидир, алангаланиб турган олов борлиқнинг асосий моҳиятини ташкил этади, деб ҳисобланган. Чунки бу ғоя бўйича, ҳар қандай ўзгариш ва ҳаракатнинг асосида олов ётади ва у борлиққа мавжудлик бахш этади.

Қадимги юнон файласуфи Сукрот борлиқни билим билан қиёслайди ва унингча, бирор нарса, биз уни билсаккина бор бўлади, инсоннинг билими қанча кенг бўлса, у шунча кенг борлиқни қамраб олади, деб ҳисоблайди.

Қадимги дунёнинг атомист олими Демокрит борлиқ атомлар мажмуасидан иборат деб тушунтирган. Унинг фикрича, борлиқнинг моҳияти унинг мавжудлигидадир. Мавжуд бўлмаган нарса йўқликдир.

**Ислом таълимотида эса борлиқ** бу илоҳий воқеликдир. Яъни у Оллоҳ яратган мавжудликдир. Бу борада ваҳдати вужуд ва ваҳдати мавжуд таълимотлари бўлган.

Ислом динига мансуб мутафаккирлар борлиқ ҳақидаги таълимотни ҳар тарафлама ривожлантирганлар. Масалан, Форобий фикрича, илк борлиқ азалий Оллоҳнинг ўзидир. Беруний фикрича, борлиқ шундай умумийликки, у ҳамма нарсанинг асосида ётади, демак, борлиқ ҳамма нарсанинг асосидир. Европада ўтган олимлар Давид Юм ва Жорж Беркли борлиқни сезгиларимиз мажмуаси деб талқин этишган.

Ҳегел эса борлиқни мавҳумлик, мутлақ руҳнинг намоён бўлиши, деб таърифлайди. Кўпгина натурфалсафий қарашларда борлиқни ҳозирги замон билан, яъни шу актуал оламга боғлаб тушунтирдилар.

Аслида, борлиқ кенг фалсафий тушунча бўлиб ўзига бутун мавжудликни, унинг ўтмиши, ҳозир ва келажагини ҳам қамраб олади. Файласуфлар борлиқни тушунтириш учун йўқлик тушунчасини унга антипод қилиб олишган ва шу асосда борлиқнинг зарурий моҳиятини очишга интилганлар. Материалистик адабиётларда борлиқни объектив реаллик билан, материя билан айнанлаштириб тушунтиришади.

Борлиқ ўзига объектив ва субъектив реалликни, мавжуд бўлган ва мавжуд бўладиган оламларни, моддийлик ва маънавийликни, ўтмиш ва келажакни, ўлимни ва ҳаётни, руҳ ва жисмни қамраб олувчи умумий тушунчадир.

**Борлиқ ва мавжудлик.** Атрофимиздаги одам, олам, табиат, жамият, тафаккур, ғоялар, ўй-хаёлларимиз барчаси бирдай мавжуддир, улар турли тарзда ва шаклларда намоён бўлиб, ҳаммаси мавжудлик белгиси остида умумлашиб, борлиқ тушунчасига киради.

Материалистик мазмундаги борлиқ тушунчаси таърифига фақат объектив реал олам, онгдан ташқаридаги, унга боғлиқ бўлмаган жисмоний моҳиятга эга бўлган нарсаларгина киритилади. Борлиқнинг идеал, виртуал, потенциал, абстракт, маънавий шакллари бу таърифдан ташқарида қолади.

Аслида эса, борлиқ категорияси умумий абстракция бўлиб, мавжудлик белгиси билан барча нарса ва ҳодисаларни ўзига қамраб олувчи ўта кенг тушунчадир. У ўзига нафақат объектив реалликни, балки субъектив реалликни ҳам қамраб олади.

Борлиқ мавжудлик ва реаллик тушунчаларига қараганда ҳам кенгроқ тушунчадир. Мавжудлик — борлиқнинг ҳозирги пайтда намоён бўлиб турган қисми бўлиб, ўтган ва мавжуд бўладиган нарса ва ҳодисалар ҳам борлиқ тушунчасига киради. Реаллик эса, мавжудликнинг ҳаммага аён бўлган, улар томонидан тан олинган қисми. Борлиқ ўзига реалликни ҳам, мавжудликни ҳам қамраб олади. Анъанавий фалсафий қарашларда борлиқнинг учта соҳаси ажратиб кўрсатилади. Уларга: табиат борлиғи, жамият борлиғи, онг борлиғи киради. Булар учун энг умумий белги, уларнинг мавжудлигидир.

2. Шунингдек, фалсафий адабиётларда табиат борлиғи ва жамият борлиғининг қуйидаги шакллари ҳам фарқланади. **Табиат борлиғи** одатда табиатдаги нарсалар (жисмлар), жараёнлар, ҳолатлар борлиғи сифатида тушунилади. У иккига бўлинади: азалий табиат борлиғи (ёки табиий табиат борлиғи, у инсондан илгари ва унинг иштирокисиз ҳам мавжуд бўлган) ва одам меҳнати билан ишлаб чиқарилган нарсалар борлиғи («иккинчи табиат» борлиғи, яъни маданият). Иккинчи табиат борлиғи эса, ўз навбатида, қуйидаги кўринишларда учрайди:

- **инсон борлиғи** (инсоннинг нарсалар оламидаги борлиғи ва одамнинг ўзига хос бўлган инсоний борлиғи);
- **маънавий борлиқ** (индивидуаллашган ва объективлашган маънавий борлиқ);
- **социал борлиқ** (айрим одамнинг тарихий жараёндаги борлиғи ва жамият борлиғи), у ижтимоий борлиқ ҳам деб аталади.

**Борлиқнинг моддий шакли материя** ўзига барча жисмларни, ҳодисаларни, жараёнларни ва уларнинг хусусиятларини қамраб олади. Бундан ташқари у тафаккурни ҳам, оламда мавжуд бўлган барча алоқадорликларни ва муносабатларни ҳам қамраб олувчи умумий фалсафий тушунчадир. Борлиқнинг моддий шаклига хос умумийликни ахтаришнинг бир йўналиши моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш йўли бўлиб, юқорида қайд этганимиздек, субстанцияни аниқлаш йўлидир. Иккинчи йўл эса — моддий оламнинг асосий таркибига кирувчи «қурилиш элементларини»- субстратни ахтариш йўли. Учинчи йўл — ҳамма нарсанинг вужудга келтирувчи бош сабабчисини, ота моддани, яъни праматерияни ахтариш йўли. Мана шу йўл ҳақида махсус тўхтаб ўтайлик.

Оламнинг субстанциясини ахтаришнинг бу усули гўёки мева истеъмол қилаётган киши, унинг келиб чиқишини ахтариб, дастлаб дарахтга, сўнгра унинг гулига, баргига, кўчатига ва уруғига назар солганидек, атрофимиздаги моддий оламнинг ўзагида дастлабки яратувчи модда сифатида нима ётишини, яъни илк материяни, азалий материянинг «бобоколонини», «праматерияни» ахтариш усулидир.

3. Моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш фалсафада материя ҳақидаги тасаввурларнинг майдонга келишига ва ривожланишига сабабчи бўлди. Материя тушунчаси моддий унсурга нисбатан ҳам, атомга нисбатан ҳам, праматерияга нисбатан ҳам умумийроқ бўлган тушунчадир. Материя оламдаги барча моддий объектларни, бутун объектив реалликни ифода этувчи энг умумий тушунчадир. Файласуфлар «Том маънодаги материя фақат фикрнинг махсули ва абстракциясидир» деб ёзишади. Файласуфлар барча моддий объектларга хос хусусиятларни умумий тарзда ифодалаш учун қўллайдиган тушунча материя деб аталади. Демак, материя моддий объектларга хос энг умумий тушунча, фалсафий категориядир.

Албатта бу таърифларни бир ёқлама мутлақлаштириб тушунмаслик лозим. Бу таърифларда кўпроқ сезги аъзоларимизга бевосита таъсир этиши мумкин бўлган реаллик назарда тутилган.

XX асрнинг ўрталарига келиб, квант механикаси, нисбийлик назарияси ва ҳозирги замон космологияси соҳаларидаги илмий ютуқлар кишиларнинг объектив олам ҳакидаги тасаввурларини тубдан ўзгартириб юборди. Натижада, табиатшунос олимлар сезгиларимизга бевосита таъсир этишининг имкони бўлмайдиган реалликлар ҳақида ҳам тадқиқотлар олиб бора бошлади.

Оламнинг классик механика нуқтаи назаридан келиб чиқиб, нисбатан кичик тезликда ҳаракатланувчи системалар ҳақидаги илмий манзараси ўрнини янгича илмий манзаралар эгаллай бошлади. Бу эса материя ҳақидаги тасаввурларнинг янада ривожланишига шароит туғдирди. Бу ўзгаришларни ҳисобга олиб, марксист-файласуфлар бу таърифга сезгиларимизга бевосита ёки билвосита (яъни турли асбоблар; қурилмалар воситасида) таъсир этувчи, деган қўшимча киритишди. Шундай қилиб, бу таъриф гўё материянинг моддавий ва номоддавий шаклларини, яъни модда ва антимодда кўринишларини қамраб олувчи таърифга айланди.

Материалистлар материяни объектив реаллик, деб таърифлашади. Объектив реаллик инсон сезгиларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ундан ташқарида мавжуд бўлган воқеликдир. Бу бутун мавжудликнинг субъектив реалликдан ташқаридаги қисми ҳисобланади. Объектив реалликнинг мавжудлиги қандай намоён бўладиғ Бу саволга жавоб топишда, борлиқнинг ажралмас хусусиятларини ўрганишга тўғри келади. Ҳар қандай жисмнинг ажралмас хусусияти лотинча «атрибут» сўзи билан аталади.

**Борлиқнинг атрибутлари.** Муайян жисмнинг айнан шу жисм эканлигини белгиловчи хусусиятлари унинг атрибутлари бўлади. Борлиқнинг ҳам бир қанча атрибутлари мавжуддир. «лар: ҳаракат, фазо, вақт, инъикос, онг ва бошқалар. Борлиқ ўзининг хоссалари, хусусиятлари орқали намоён бўлади. Энди борлиқнинг атрибутлари, яъни ажралмас туб хусусиятлари ҳақида тўхтаб ўтайлик.

**4. Ҳаракат.** Борлиқнинг атрибутлари ичида унинг асосий мавжудлик усулини ифода этувчи хусусияти ҳаракат ҳисобланади. Чунки борлиқ ҳаракатсиз ўзининг структуравий яхлитлигини сақлай олмайди.

Буни моддий борлиқ мисолида қараб чиқайлик. Фараз қилинг, қаршимизда бирор жисм турибди. Агар ҳаракат бўлмаганида эди, ёруғлик нурлари шу жисмга урилиб бизга қайтмаган бўлар эди, яъни биз уни кўрмаган бўлар эдик. Шунингдек, бу жисмнинг яхлитлигини сақлаб турган молекулалар, атомлар, элементар заррачалар ўртасидаги ўзаро таъсирлар ҳам бўлмасди. Натижада бу жисмнинг структуравий бирлигига путур етган бўлар эди. Теварак-атрофимиздаги предметлар ва ҳодисалар ҳаракат туфайли ўзининг муайян тартибини ва бирлигини сақлаб туради, шу туфайли, ўсиш, улғайиш, равнақ топиш, ривожланиш мавжуддир.

Ҳаракат, бир томондан, моддий жисмлар ўртасидаги ва уларни ташкил этувчи элементлар ўртасидаги алоқадорликларнинг натижаси, бошқа томондан эса, улардаги ўзгаришлар сифатида содир бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам фалсафанинг ҳаракат бу умуман ҳар қандай ўзгаришдир, дейилган таърифи жуда ўринлидир. Ҳаракатнинг манбаи ҳақида гап кетганда, ана шу ўзгаришларнинг асосида ётувчи ўзаро таъсирлар ва улар орасидаги муносабатлар назарда тутилади.

Демак, ҳар қандай ҳаракатнинг манбаи шу системадаги ички ўзаро таъсирлар экан, ҳар қандай жисмнинг мавжудлигини, энг аввало, унинг ички алоқадорликлари таъминлайди.

**Ҳаракатнинг турлари** ҳақидаги мулоҳаза, асосан, ўзгаришларнинг хусусиятига асосланган. Ўзгаришлар оддий фазовий силжишдан тортиб, мураккаб ижтимоий ўзгаришларгача такомиллашиб борган. Шу туфайли ҳаракатга фақатгина фазовий силжиш, деб қарамаслик лозим. Бундай қараш оламдаги барча жараёнларга механик ҳаракат нуқтаи назаридан ёндашишни вужудга келтиради. Аслида оламда ўзгаришнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан сифатий фарқ қилади.

Механик, химиявий, биологик, физик ўзгаришлар билан ижтимоий ўзгаришларни асло таққослаб бўлмайди. Тўғри, бу ўзгаришлар учун умумий бўлган фазовий силжишлар ҳаракат шаклларининг ҳаммасида ҳам, у ёки бу кўринишда намоён бўлиши мумкин. Лекин ҳамма ўзгаришни ҳам, фақатгина фазовий силжишдан иборат, деб бўлмайди. Масалан, Ернинг Қуёш атрофидаги, Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатини фазовий силжишнинг яққол кўриниши дейишимиз мумкин. Лекин Ер бағрида рўй бераётган мураккаб геологик жараёнларни, Ер сиртидаги биосферанинг яшаш усулини биргина механик силжиш билан изоҳлаб бўлмайди. Ҳаракатнинг шакли қанчалик мураккаб бўлса, у билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар ҳам шу қадар мураккаб бўлади. Материянинг ташкилий структура даражаси қанчалик юқори даражада бўлса, унда фазовий силжиш ҳам шу қадар кам сезилади.

Ўзгаришларнинг шундай бир шакли борки, уни фалсафада ривожланиш деб аталади. **Ривожланиш** бу — муайян системанинг муайян вақт ва фазодаги яхлит, комплекс, орқага қайтмайдиган, илгариланма йўналишга эга бўлган, миқдорий ва сифатий ўзгаришидир.

Шу жиҳатдан ҳаракатнинг икки хил тури бир-биридан фарқ қилинади. Ҳаракатнинг биринчи тури жисмда унинг сифати ва турғунлигини сақлаган ҳолда рўй берадиган ички ўзгаришларни ўз ичига олади. Яъни ҳар қандай жисмда

бетўхтов ички ўзгаришлар рўй бериб туради, лекин бу ўзгаришлар шу жисмнинг ташқи сифатига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Атрофимизни қуршаб турган ҳар бир жисм молекулалардан, молекулалар эса атомлар ва элементар заррачалардан ташкил топган экан, бу жисмларнинг молекуляр ва атом тузилиш даражасида ҳам бетўхтов ўзгаришлар рўй бериб туради. Шунингдек, ҳар бир жисм ўзининг атрофидаги бошқа жисмларнинг ва улардан тарқалаётган нурланишларнинг таъсирига ҳам учраб туради. Бундай ташқи таъсирларни ўзида инъикос эттириш жараёнида рўй берадиган ўзгаришлар ҳам бу жисмнинг сифатий ўзгариб кетишига олиб келмаслиги, унинг турғунлиги ва асосий сифати сақланиб қолиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Биз юқорида қайд этган ички ва ташқи таъсирлар оқибатида рўй берувчи ўзгаришлар аста-секин тўпланиб, кейинчалик жисмда кескин сифатий ўзгаришнинг вужудга келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мана шундай ўзгариш, яъни жисмнинг сифатини ўзгартирувчи ҳаракат иккинчи турдаги ҳаракатга киради ва у ривожланиш деб аталади.

**Ривожланиш жараёни** ҳам икки турда бўлади. Биринчи турдаги ривожланиш бўйича, жисмда ҳар қандай сифатий ўзгариш рўй беришига қарамасдан, уни ташкил этган материянинг сифатий тузилиш даражаси ўзгармасдан қолаверади.

Масалан, нотирик табиатга мансуб бўлган Қуёшдаги равожланишни олиб қарайлик. Олимларнинг тахминларига кўра, ҳозир сиртида 6 минг, ичида эса бир неча млн. даражали ҳароратга эга бўлган Қуёш бориб-бориб совийди ва қизил гигантга айланади, яъни Қуёшнинг марказидаги термоядро энергияси сўнгач, ички зичлиги пасаяди ва марказдаги тортишиш қуввати сусаяди. Оқибатда Қуёш шиша бошлайди ва Ер орбитасини ҳам ўз ичига олган улкан қизил юлдуз вужудга келади, у аста-секин совиб, қизил карликка, сўнгра эса «қора карликка», кейин бўлса нейтрон юлдузга айланади. Бундай ўзгаришлар натижасида борлиқнинг ташкилий структура даражаси ўзгармайди, яъни жонсиз табиат шаклидаги даражаси сақланади.

Жонли табиатнинг вужудга келиши, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг пайдо бўлиши, одамнинг шаклланиши, жамиятнинг вужудга келиши сингари сифатий ўзгаришлар эса, ривожланишнинг иккинчи турига киради.

Фалсафа фанида ҳаракатнинг бир-биридан сифатий фарқ қилувчи бир қанча бошқа шакллари ҳам ўрганилади.

Матералист бўлган файласуфлар ҳаракат шаклларини туркумлаганида, қуйидаги мулоҳазаларга таяниб иш юритадилар:

1) ҳаракат шакллари бир-бирлари билан сифат жиҳатидан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири материянинг ташкилий тузилиши даражаларининг муайян босқичида намоён бўлади;

2) материянинг ҳаракат шакллари бир-бири билан генетик жиҳатидан, келиб чиқиши жаҳатдан кетма-кет боғланган, яъни ҳаракатнинг мураккаброқ шакллари унинг нисбатан соддароқ шаклларидан келиб чиққандир;

3) ҳаракатнинг юқори шакллари таркибидаги қуйи шакллари унинг юқори шаклларига ҳам мансубдир, аммо ҳаракатнинг юқори шакли ўзидан қуйи шаклдаги ҳаракатга мансуб эмасдир. Шу мулоҳазаларга таянган ҳолда, ҳаракатнинг бешта шаклини ажратиб олиш мумкин. Улар — механик, физик, химиявий, биологик ва ижтимоий ҳаракатлардир.

Фалсафада ҳаракат шаклларини туркумлашнинг бир қанча бошқа кўринишлари ҳам бор. Айрим олимлар ҳаракат шаклларини ҳар бир фаннинг номи билан боғлаш керак, деб ҳисоблашади. Бундай қарашнинг хатолиги шундаки, фанларнинг кўпчилиги ҳаракат шаклини эмас, балки миқдорий муносабатлар ва

ҳолатларни акс эттиради. Масалан геодезия ёки геометрия, тригонометрия ёки топография, чизиқли алгебра қандай ҳаракат шаклини ўрганадиғ Кибернетика эса ҳам табиатда, ҳам жамиятда амал қилувчи бошқариш жараёнларини ўрганади, яъни бу фан битта эмас, балки бир қанча ҳаракат шаклларини қамраб олади.

Ҳаракат шаклларини турлаш бўйича қуйидаги табиий-илмий концепция ҳам диққатга сазовордир. Мазкур концепция бўйича ҳаракат шакллари қуйидагича турланади: физик ҳаракат (элементар заррачалар, майдон ва атомларнинг ҳаракати), химиявий ҳаракат (атомлар ва молекулаларнинг ҳаракати) ва бунда ҳаракатнинг ривожланиши икки йўналишга ажралади, 1) ҳаракат ривожланишининг юқори йўналишида биологик ҳаракат шаклланади; 2) ҳаракат ривожланишининг қуйи йўналишида эса геологик ҳаракат шаклланади, биологик ҳаракатнинг тараққиёти ижтимоий ҳаракатга олиб боради.

Яна бир бошқа концепцияда эса ҳаракат борлиқнинг ташкилий тузилиш даражаларига мос равишда турланган. Бу концепцияда ҳаракат шакллари учта синфга ажратилади: нотирик табиатда — элементар заррачалар ва майдон ҳаракати, тирик табиатда - ҳаётнинг намоён бўлиши, жамиятда - одамнинг фаолияти.

**Ижтимоий ҳаракат** бизга маълум бўлган ҳаракат шакллари ичида энг мураккаби бўлиб, унда инсоннинг онгли фаолияти, инсон тафаккури, ижтимоий гуруҳларнинг фаолияти, ўзаро муносабатлари, жамият миқёсидаги ижтимоий фикр биргаликда ҳаракатга келади. Бу ҳаракатни чизиқли, батартиб ҳаракатлар билан мутлақо таққослаб бўлмайди. Унинг келажагини башорат қилиш ҳам ўта мураккабдир.

Борлиқнинг асосий яшаш шаклларига фазо ва вақт киради. **Фазо** нарсаларнинг кўламини, ҳажмини, ўзаро жойлашиш тартибини, узлукли ёки узлуксизлигини ифодаласа, **вақт** ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини ифодалайди.

Маълумки, ҳар қандай моддий жисм жойга, кўламга, ҳажмга эга. Фазо — вақтнинг муайян лаҳзасида оламни ташкил этган нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартибини акс эттирса, вақт эса фазонинг муайян нуқтасида рўй берувчи ҳодисалар кетма-кетлиги тартибини ифодалайди.

Фазо ва вақт тушунчалари, кўп ҳолларда, форсий тил таъсирида ёзилган адабиётларда макон ва замон деб ҳам аталади. Бу тушунчалар фазо ва вақтнинг ташқи, нисбий хусусиятларинигина акс эттиради, холос. Фазо нарсалар жойлашадиган жой маъносида, вақт эса ҳодисалар бўлиб ўтадиган муддат маъносида ишлатилади.

Фазо ва вақтни тушуниш бўйича субстанциал ва реляцион ёндашишлар мавжуд. Субстанциал концепция тарафдорлари фазони нарсалар жойлашадиган идиш, бўшлиқ деб билишади. Уларнинг фикрича, ҳамма нарса фазо ичига жойлаштирилган. Фазо ўзига нарсаларни сиғдирувчи субстанция. Ҳеч нарсаси йўқ, яъни нарсалар солинмаган фазо ҳам бўлиши мумкин, дейилади. Реляцион концепция тарафдорлари эса, нарсалар фазовий ўлчамга эга, дейишади.

Ҳеч нарсасиз фазонинг бўлиши мумкин эмас. Бу фарқни релятивистик физика асосчиси Альберт Эйнштейн шундай тушунтирган эди. Фараз қилиб, бир казарма солдатларни кўз олдингизга келтиринг. Илгариги, Ньютон физикасига кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма бўш қолади, ана шу субстанциал концепциядаги фазодир. Янги физикага кўра, солдатлар чиқиб кетиши билан казарма ҳам йўқолади. Бу реляцион концепциядаги фазодир.

**Фазо ва вақтнинг хусусиятлари.** Фазо ва вақт борлиқ миқдорий ва сифатий жиҳатларни ифодалашига қараб, метрик ва топологик хусусиятларга эга. Фазо ва вақтнинг метрик хусусиятлари борлиқнинг миқдорий муносабатларини акс эттириб, ўлчанадиган, кўзга ташланадиган ва нисбий табиатли хусусиятларидир.

Уларга кўлам, бир жинслилик, изотроплик (анизотроплик) каби хусусиятлар киради.

Фазо ва вақтнинг топологик хусусиятлари эса, борлиқнинг туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Бундай хусусиятларга узуксизлик, боғланганлик, ўлчамлилик, компактлик, тартибланганлик сингари хусусиятлар киради. Вақтнинг топологик хусусиятларига орқага қайтмаслик, бир ўлчамлилик каби хусусиятлар қўшилади.

Фазо (вақт) нинг метрик ўзгаришлари борлиқ структурасини жиддий ўзгартира олмайди, топологик ўзгаришлар эса борлиқнинг сифатий ўзгаришига сабабчи бўлади. Масалан, бир боғланган системанинг кўп боғланган системага ўтиши фазо топологиясини тубдан ўзгартиради, яъни фазонинг икки нуқтасини туташтирувчи турлича йўллар пайдо бўлади. Бундай фазода катта идишнинг ичига кичик идишни сиғдириш мумкин бўлади. Ўлчам даражаси кўп бўлган система ўлчов даражаси кам бўлган системага нисбатан кўринмас ва мураккаб бўлади. Шунингдек, фазо ва вақтнинг метрик хусусиятларини кучли ўзгариши топологик хусусиятларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Масалан, фазонинг эгрилик даражаси кучли ўзгарса, бир боғланган фазо кўп боғланган фазога айланиши мумкин.

## Асосий тушунчалар

**Онтология -** борлик хакидаги таълимот. Фалсафанинг борлик тугрисидаги фундаментал тамойилларини урганувчи сохаси.

**Борлик -** Бир бутун дунё ва ундаги нарса ва ходисалардан тортиб, инсон хаёти, онги, кишилар фаолиятининг барча объектив ва субъектив шароитлари, хатто жамиятда содир буладиган бутун жараёнлардан иборат хамма реалликларни уз ичига олади. Фалсафий категориялар ичида бошлангич категориядир.

**Субстанция -** лотинча мохият маъносини англатади. Фалсафада нарсаларнинг мохияти тугрисидаги тушунча.

**Материя -** Моддий объектларга хос хусусиятларни умумий тарзда ифодалаш учун кулланиладиган фалсафий тушунча булиб, объектив борликни реал шаклини ифодлайди.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Борлиқ ва йўқлик тушунчалари тўғрисида нималарни биласиз?
2. Мавжудлик ва реаллик нима?
3. Ҳаракат ва унинг асосий шакллари тўғрисида сўзлаб беринг.
4. Фазо ва вақт, макон ва замон қандай маъноларни англатади?

## Асосий адабиётлар


1. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Т.9. Т., «Ўзбекистон», 2001.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т., «Ўзбекистон», 2002. 316-329-бетлар.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., «Ўзбекистон», 2003. 3-51-бетлар.
4. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005. 5-33-бетлар.

6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005.
7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005.
8. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази. 2000. 150-159-бетлар.
10. Гуннар Скирбекк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002. 86-96, 118-124-бетлар.
11. Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003. 3-21-бетлар.
12. Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007.
13. Ўзбекистонда маънавий рухий тикланиш. Т., «Янги аср авлоди», 2003.
14. Фалсафа қомусий луғат. Т., «Шарқ», 2004. 57-59, 244, 317-бетлар.
15. Ислом энциклопедияси. Т., 2004.
16. Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров). -Т., «Ўзбекистон», 2005.
17. Шахс ва жамият. Қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 2005.

**Кушимча адабиётлар:**

1. Основы философии. Т. Мехнат 2004 й. 7-17 бетлар.
2. www.bilim.uz.
3. www.philosophy.ru.
4. www.filosofiya.ru.
5. www.philosophy.nsc.ru.
6. http//philosophy.albertina.ru.
7. www.history.ru.
8. www.philosophy.com.
9. www.gov.uz - Хукумат сайти
10. www.press-service.uz - Президент сайти
11. www.edu.uz - Вазирлик сайти (руйхатдан утиш)
12. www.ziyo.edu.uz - Вазирлик сайти
13. www.performance.edu.uz - Вазирлик сайти
14. www.tseu.fan.uz - ТДИУ сайти
15. www.tseu.uz - ТДИУ сайти
16. www.teuphil.narod.ru - Фалсафа кафедраси сайти

**Мавзуда кулланиладиган педагогик технология куйидагича:**

1. Аклий хужум услуби.
2. Реферат тахлили.

**Мавзуда кулланиладиган ахборот технология куйидагича:**

1. Слайдлар намойиши.
2. Интернетдан олинган маълумотлар.

Ушбу маъруза матни К.Назаров рахбарлигида яратилган маърузалар матни, Фалсафа комусий лугат, Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий карашларининг тахлили асосида тузилган. Марксизм - ленинизм фалсафасига танкидий каралган.

# ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

# ФАЛСАФИЙ УСЛУБЛАР, ҚОНУНЛАР ВА КАТЕГОРИЯЛАР

## 7-МАВЗУ. ФАЛСАФИЙ ҚОНУНЛАР ВА КАТЕГОРИЯЛАР.

***РЕЖА:***

1. Фалсафада усул ва услуб муаммоси.
2. Фалсафий конунлар.
3. Фалсафий категориялар.

Оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати, ўзгариши, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туриши, ривожланиши, улар ўртасидаги алоқадорлик ва ўзаро таъсир каби масалалар қадимдан мутафаккирлар, олимлар, файласуфлар ўртасида турли баҳс, мунозара, тортишувларга сабаб бўлган. Чунки улар тўғрисида аниқ билимга эга бўлмасдан туриб, олам ва унинг тараққиёти, ривожланиш манбаи, ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида ҳамда, энг асосийси, келажак ҳақида илмий тасаввурга эга бўлиш қийин.

Атрофимиздаги жамики нарса-ҳодисалар, яъни энг майда заррачалардан тортиб то Ер, Қуёш, Коинотгача барчаси, шу жумладан, кишилик жамияти ҳам, доимо ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишдадир. Улар ўртасида абадий ўзаро боғлиқлик, ўзаро таъсир ва алоқадорлик мавжуд. Оламда ўз-ўзидан, тасодифий равишда ҳеч қандай ҳаракат ҳам, ўзгариш ҳам юз бермайди.

**Боғланишларнинг турлари.** Биз нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати, ўзгариши ва ривожланишига улар ўртасидаги боғланиш ва алоқадорлик, таъсир ва акс таъсир асос бўлади, деймиз. Албатта, оламдаги ҳар қандай боғланиш ҳам ривожланишга сабаб бўлавермайди. Чунки бу боғланишларнинг кўлами, моҳияти, таъсир кучи ва доираси турлича. Боғланишларнинг ана шу хусусиятларига қараб, зарурий ва тасодифий, ички ва ташқи, бевосита ва билвосита, муҳим ва муҳим бўлмаган ва ҳоказо боғланишларга ажратиш мумкин.

Шунингдек, оламда бошқа воқеа ёки ҳодисалардан алоҳида, улар билан боғлиқ, ўзаро алоқадорликда ва таъсирда бўлмаган бирорта ҳам воқеа ёки ҳодиса мавжуд эмас. Демак, ўзаро боғланиш ва таъсир натижасида нарса-ҳодисаларда ўзгариш содир бўлади. Лекин, барча ўзгаришни ҳар доим ҳам бирданига, яққол сезиш мумкин эмас. Чунки оламнинг намоён бўлиши турли даражада бўлганлиги сабабли, ўзгаришлар ҳам турличадир.

Масалан, янги туғилган чақалоқнинг бир ҳафта, бир ой, ярим йил мобайнидаги ўзгаришини, яъни улғайишини ёки бўлмаса, табиатдаги қиш фаслидан баҳор фаслига ўтишдаги ўзгаришларни оддий кўз билан яққол сезиш мумкин. Лекин бирон жонсиз предмет, масалан, Ер қаъридаги ички жараёнларни маълум даврдан кейин сезиш мумкин. Ана шу сабабдан ҳам одамлар зилзилалар, вулқонлар отилиши каби офатлар қаршисида лол, гоҳида эса ғафлатда қолиб келмоқдалар. Яъни ташқи факторлар (инсон фаолияти, ёруғлик, иссиқлик, намлик, атмосфера босими) натижасида рўй берган ўзгаришларни кўз кўради, қулоқ эшитади. Хуллас, улар осон англаб олинади, очиқ-ойдин намоён бўлади. улардаги ўзаро боғлиқликни ҳам осон кўриш, илғаш мумкин. Ана шундай осон кўриш ва илғаш мумкин бўлган, очиқ-ойдин рўй берадиган воқеа, ҳодиса, натижага нисбатан «зоҳирийлик» тушунчаси, моҳиятини илғаш қийин бўлган ва мураккаб ички сабаблар натижасида кечадиган жараёнлар ва ўзгаришларга нисбатан

«ботинийлик» тушунчаси қўлланилади. Ўрта асрларда, айниқса тасаввуф фалсафасида бу икки тушунчага алоҳида эътибор берилган.

«Ҳаракат» тушунчаси «Борлиқ фалсафаси» мавзуида ёритилганлиги сабабли, бу ерда унинг қуйидаги қисқа таърифи билан чекланамиз: ҳаракат деб оламдаги ҳар қандай ўзгаришга айтилади. Ривожланиш тушунчаси эса қуйидан юқорига, оддийдан мураккабга томон илгарилаб борувчи ҳаракатни ифодалайди. Лекин бу жараён гоҳ тўғри чизиқли, гоҳ аста-секин кенгайиб борадиган спиралсимон шаклдаги ҳаракатдан иборат бўлиши мумкин.

Бунда доимий бир томонга, масалан, вақтнинг ўтмишдан келажакка томон ўтиши ҳам, лекин маконда воқеа ва ҳодисаларнинг такрорланиши, замонда орқага қайтишлар ҳам содир бўлиб туради. Баъзида тараққиётнинг маълум бир босқичида олдинги босиб ўтилган давр такрорлангандек бўлади, аммо бу илгаригидан фарқ қиладиган, бошқачароқ тарздаги такрорланишдир.

Ҳеч қачон бир хил тонг отмайди, деб бежиз айтмайдилар. Ҳолбуки, ҳар куни тонгда ўша Қуёш чиқади, ўша тоғу тошларни, боғу биёбонларни, биз яшаётган заминни ёритади. Одамлар ҳам, иш ва ташвишлар ҳам ҳамон ўша-ўшадек. Кимдир ишга шошади, кимдир ўқишга, кимдир яна илгариги кундек бекорчиликдан зерикади... Аммо дунё ўзгармадими бу бир куннинг ичидағ унда минглаб болалар туғилмадими, сон-саноқсиз жараёнлар рўй бериб, Ер сайёрасининг турли бурчакларидан бошқа жойларга қанчадан-қанча ахборотлар тарқатилмадимиғ Она замин ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланишини давом эттирмадимиғ Буларнинг барчаси бир куну-тунда рўй берган ботиний ва зоҳирий ўзгаришларнинг намоён бўлишидир.

**Қонун тушунчаси.** Дунёнинг мавжудлиги ана шундай ботиний ва зоҳирий ўзгаришларнинг абадий такрорланиб туришидан иборатдир. Бу такрорланишлар эса ўз моҳияти ва хусусиятларини сақлаб қолганликларидан қонун ва қонуният тусини олган.

Масалан, биз Ньютон томонидан кашф этилган бутун олам тортишиш қонунини ўрганганимизда ана шундай ҳолни идрок этганмиз. Бу қонуннинг асосий моҳияти бутун оламдаги нарсаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги тамойилининг доимий такрорланиши, ҳар сония ва ҳар дақиқада бу ҳолатнинг содир бўлиб туришини исботлайди.

Хўш, қонун ўзи нима? У киши ва умуман, жамият ҳаётида қандай аҳамиятга эгағ Қонунни билмасдан, ўрганмасдан туриб яшаш мумкинмиғ Қонун тушунчаси кундалик ҳаётимизда нисбатан тез-тез ишлатиб туриладиган тушунчадир. Хусусан, физика ёки кимё қонунлари деймиз, табиат қонуни ёки бўлмаса, иқтисодий қонунлар, юридик қонунлар ва ҳ. к. Бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларининг учинчиси ҳам қонун тўғрисида бўлиб, унда барча соҳада қонуннинг устуворлиги таъминланиши таъкидланади. Юқоридагиларни бирлаштириб турадиган, барчаси учун ҳам умумий бўлган хосса, хусусиятлар бормиғ

Энг аввало, шуни айтиш керакки, оламдаги барча нарса — табиат, жамият ва инсон тараққиёти маълум қонунлар асосида амалга ошади. Фанларнинг (ижтимоий, гуманитар, табиий ва ҳ. к.) асосий вазифаси ҳар бир соҳа бўйича тадқиқот ўтказиб, қонунларни кашф қилиш ёки уларнинг амал қилиш хусусиятларини ўрганиш ва очиб беришдан иборат.

Қанча кўп қонун кашф қилинса, тараққиёт шунча тез бўлади. Тараққиёт қонунларини билмасдан туриб, ривожланишга эришиш қийин. Яқин ўтмишда иқтисодиётнинг ўзига хос қонунларини писанд қилмай, турли хил съезд, пленум, конференция қарорлари асосида экспериментлар ўтказиб, барча учун фаровон ҳаёт

— коммунизм жамиятини барпо қилмоқчи бўлишганини ва бундай сиёсат қандай оқибатларга олиб келгани барчага маълум.

Ҳозир мустақил Ўзбекистон барча ривожланган мамлакатлар сингари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо қилиш йўлидан бормоқда. Бунда умумбашарий қонунлар ва мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган.

Энди шундай савол: **Нима учун инсон қонунни билиши керак?** Бунда оддий мисолларга мурожаат қиламиз: ёз ойларида барча одамлар иссиқ кийимлар (этик, пальто, қўлқоп ва ҳ. к.) сотиб олишади, ўтин ёки кўмир ғамлаб қўйишади ва ҳ. к. Нима учунғ Чунки улар табиатнинг битта қонунини, яъни фаслларнинг ўзгариши, ёздан кейин куз, ундан кейин қиш келишини жуда яхши билишади.

Ёки яна бир, жўнроқ бўлса-да, мисол: сизга биров уйнинг 5-қаватидан ташласанг, фалон пул бераман деса, рози бўлмайсиз. Нима учун? Чунки сиз И. Ньютон кашф қилган «Бутун олам тортишиш қонуни»ни яхши биласиз. Балки билмассиз ҳам, ҳавонинг ўз жисмингиздан зичлиги камлигига эътибор қилмассиз ҳам, дейлик. Аммо сиз бу ҳолда омон қолишингиз қийинлигини, майиб бўлишингизни яққол тасаввур қиласиз.

Инсон қонунларни билиши, уларга амал қилиши доирасида эркиндир. Эркинлик нимағ Эркинлик англаб олинган заруриятдир. Ҳар қандай қонунга хос белгилардан бири зарурийлик, яъни объектив тарзда амалга ошиш, ўз-ўзидан намоён бўлишдир. Эркинлик эса ана шу зарурийликни англаб олиш ва унга амал қилишдан иборат фаолиятни англатади.

Юристларда шундай ибора бор: «Қонунни билмаслик жавобгарликдан холос қилмайди». Ана шу туфайли сиз юридик қонунларни қанча яхши билсангиз, ўзингизнинг фаолиятингизни шунга мослаб олиб борасиз. Демак, шунча эркин бўласиз. Бу ҳолда сиз нима қонуний, нима эса қонуний эмаслигини яхши биласиз, қонунга хилоф қадамлар қўймайсиз.

Юқоридаги фикрларни хулоса қилиб, қонунга қўйидагича таъриф бериш мумкин: **Қонун** оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий ва такрорланиб турувчи боғланишлари, ўзаро алоқалари ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Энди қонуннинг белгиларига тўхталамиз:

- қонун турли-туман алоқадорликлар, боғланишлардан фақат муҳимларини, яъни шундай боғланишларни ифодалайдики, булар оламнинг мавжудлиги, ўзгаришлари ва ундаги нарса ҳамда ҳодисаларнинг моҳиятидан келиб чиққан бўлади;
- қонун зарурий боғланишларни ифодалайди, яъни тасодифий боғланишлар, гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқолиб кетадиган боғланишларга асосланмайди.
- қонун нарса ва ҳодисаларнинг умумий боғланишларини ифодалайди.

Қонун нисбатан барқарор, такрорланиб турувчи боғланишларни (муносабатларни) ифодалайди, яъни бир сафар юз бериб, иккинчи сафар юз бермайдиган боғланишларни қонун қамраб олмайди. Масалан, 2001 йили қишдан кейин баҳор келиб, 2002 йилда қишдан кейин бирданига ёз келишини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, бу табиат қонуни — фасллар ўзгариши қонуни доирасига кирмайди.

**Табиат қонунлари**нинг яна бир энг муҳим хусусияти — у объектив характерга эга, яъни у инсонга ҳам, инсониятга ҳам боғлиқ эмас. Бирор киши, ҳатто миллатнинг иродаси билан ҳам, табиат қонунига туб ўзгартириш киритиш ёки уни бутунлай йўқ қилиш мумкин эмас. Чунки бу қонунларнинг асосини ташкил қилган боғланишлар, муносабатлар объектив хусусиятга эга.

Оламдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса бир-бирини тақозо қиладиган ва шу билан бирга, бир-бирини истисно қиладиган қарама-қарши томонлар бирлигидан иборат. Демак, воқелик ва ўзгариш жараёнида айният ва зиддиятнинг бўлиши ҳам одатий ҳол. Масалан, иссиқ ва совуқ, оқ ва қора, кеча ва кундуз, электрнинг мусбат ва манфий зарядлари, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва жаҳолат ва ҳ. к. Қарама-қарши томонлар бир-бирини инкор этади ва шу билан бирга бири иккинчисини тақозо этади, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Фараз қилайлик, магнитнинг манфий заряди бўлмаса, у ҳолда ушбу нарса магнит бўлолмайди.

Борлиқ нарса, воқеа-ҳодисаларнинг турли-туманлигидан иборат. Лекин нарсалар қанчалик хилма-хил, турли-туман бўлмасин, улар ўртасида яқинлик, айнанлик мавжуддир. Масалан, стол ва стул сифат жиҳатидан турли нарсалардир. Лекин барибир улар ўртасида ўхшаш томонлар, белгилар бор. Айтайлик, уларнинг ё ранги ёки бир хил материалдан ясалганлиги ёки бўлмаса, вазни ўхшаш бўлиши мумкин ва ҳ.к.

**Айният тушунчаси** нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшаш томонларни ифодалайди. Шу билан бирга нарса-ҳодисалар бир-биридан фарқ қиладиган томонлар, хусусиятлар, белгиларга ҳам эгадир. Айнан бир хил бўлган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳатто дарахтнинг бир шохида ёнма-ён турган 2 барг хам бир-биридан фарқ қилувчи баъзи жиҳатларга эга. Ҳеч бўлмаганда, улар бир-биридан макондаги ўрни билан фарқ қилади.

Ҳаётдан мисол келтирадиган бўлсак, бир-бирига ташқи томондан тамомила ўхшаш бўлган Ҳасан ва Ҳусанларда ҳам жуда кўп фарқ қилувчи хусусиятлар бор. Масалан, уларда феъл-атвор, қизиқиш тури, дунёқарашлар ҳар хил бўлиши, яъни уларнинг ички дунёлари фарқ қилиши мумкин. Демак, **тафовут** нарса — ҳодисаларнинг фарқ қилувчи томонларини ифодаловчи тушунчадир.

**Қарама-қаршилик** деб эса, нарса, воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирини тақозо этувчи ва шу билан бирга бир-бирини инкор этувчи томонлари, кучларининг ўзаро муносабатига айтилади.

Қарама-қаршиликлар ўртасидаги муносабатни **зиддият** деган тушунча ифодалайди. Кўп ҳолларда айният ва тафовутнинг зидлиги ва уларнинг бир махражга келиши, меъёрий ўзгаришлар туфайли ривожланиш, тараққиёт, янгиланиш жараёнлари амалга ошади. Тараққиёт шу маънода айният, тафовут ва зиддиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳал қилинишидан иборат бўлган абадий ва азалий мураккаб жараёндир.

Собиқ Иттифоқнинг мафкураси даражасига кўтарилган марксизмда асосан зиддиятга кўпроқ эътибор берилар эди. У мутлақлаштирилар ва жамиятга кўчирилиб, асосан, антогонистик зиддиятлар тўғрисида гапирилар ва уларнинг ечилиши инсониятни бахтли ҳаётга олиб боради, дея хаёл қилинар эди. Ҳолбуки, инсоният пайдо бўлибдики, унинг ҳаётида айният ва тафовут ҳам, зиддият ва қарама-қаршиликлар ҳам мавжуд бўлиб келмоқда. Одамзод зиддиятлар камроқ бўлган, кишиларнинг хилма-хил интилиш ва мақсадлари, бир-биридан фарқ қиладиган ғоялари уйғунлашган, барқарорлик устувор бўлган жамиятни қуриш учун бош қотириб келмоқда.

Ану шундай интилишлар фанда «**Конфликтология**» (конфликт — зиддият, логос- таълимот) деб аталадиган фалсафий йўналиш пайдо бўлишига олиб келган. Бу соҳа билан шуғулланадиган олим ва мутахассислар конфликтологлар деб аталади. Улар конфликтларни келтириб чиқариш эмас, балки уларнинг олдини олиш ва жамият учун фойдали тарзда ҳал қилиш йўллари ва усуллари устида бош қотиришади.

Ҳар бир зиддиятнинг аниқланиши, ҳал қилиниши ўзгаришга, янгиланишга, бир сифатдан иккинчи сифатга, эскидан янгига ўтишга сабаб бўлади. Олам турли-туман бўлганлиги учун зиддиятлар ҳам хилма-хилдир. Масалан, ички ва ташқи зиддиятлар, асосий ва асосий бўлмаган зиддиятлар мавжуд. Улар ўртасида фарқ бўлгани билан бирга, мутлақ чегара ҳам йўқ. Чунки амалда, ҳаётда улар бир-бирига ўтиши, биргалашиб кетиши ва тараққиётда турли хил ўрин тутишлари мумкин.

**Оламнинг мавжудлиги — миқдор ва сифат воқелиги** тарзида ҳам намоён бўлади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, нарса ва ҳодисалардаги сезиларли бўлмаган миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёрни бузади ва сакраш йўли билан туб сифат ўзгаришларига олиб келади.

Моддий оламдаги хилма-хил нарса ва ҳодисалар бир-биридан ўз сифати билан ажралиб туради. **Сифат** — нарсаларнинг ички ва ташқи муайянлиги бўлиб, унинг қатор хосса, белги, хусусиятлари бирлигини ифодалайди. Сифат нарса қандай бўлса, уни шундайлигича кўрсатиб беради, жисмнинг барча ташқи хоссаларини боғлиқликда намоён қилади.

Демак, сифат нарсанинг умумийлигини, яхлитлигини, унинг нисбий барқарорлигини, бир-бирига ўхшашлиги ёки ўхшамаслигини ифодалайди. У кенг маънода нарсаларнинг турли-туман хоссалари йиғиндисидир. Лекин сифат ва хосса айнан бир хил маънодаги тушунчалар эмас. Сифатнинг ўзгариши, муқаррар суръатда, хоссанинг ўзгаришига олиб келади. Бироқ хоссанинг ўзгариши ҳар доим сифатнинг ўзгаришига таъсир этавермайди, айрим хоссалар нарсаларнинг сифатига таъсир этмасдан йўқ бўлиб кетиши мумкин. Сифат предметнинг доимийлигини, нисбий барқарорлигини ифода этади.

Нарсалар сифат муайянлигидан ташқари, бир-биридан миқдорий томонлари билан ҳам фарқ қилади. **Миқдор** предметнинг ҳажми, ўлчови, оғирлиги, ҳаракат тезлиги ва шу кабилар билан тавсифланади. Табиат ҳодисалари каби ижтимоий ҳодисалар ҳам миқдорий томонга эга. Чунончи, сув ўз солиштирма оғирлигига, қайнаш ва музлаш даражасига эга. Бир ижтимоий тузум бошқасидан хусусияти жиҳатидангина эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти, меҳнат унумдорлиги, маданияти ва ҳоказолар билан ҳам фарқ қилади. Ҳар қандай нарса миқдор ва сифат бирлигига эга. Табиатда фақат миқдорга ёки сифатга эга бўлган, яъни сифати бўлиб миқдори, миқдори бўлиб аксинча, сифати бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ.

Миқдор ва сифатнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги **меъёр** тушунчасида ифодаланади. Меъёрнинг бузилиши предмет мавжудлиги мумкин бўлмаган ҳолатга олиб келади.

Ҳар қандай нарса ва ҳодисага миқдор ва сифат ўзгаришлари хосдир. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўртасида қатъий қонуният мавжуд бўлиб, бу қонуният қуйидагича ифодаланади: миқдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришларини тайёрлаб, ҳар бир аниқ ҳолатда муайян туб сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради ва шу ҳолатда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши содир бўлади. Оламдаги барча ўзгаришлар аста-секин содир бўладиган миқдор ўзгаришларидан бошланади. Миқдор ўзгаришлари муайян чегарада сифатнинг барқарорлигига таъсир этмайди. Миқдорий ўзгаришлар чегарадан чиқиши билан сифатнинг барқарорлиги бузилади. Натижада сифат йўқолиб, янги сифат юзага келади. Тараққиёт жараёнида миқдор ўзгаришлари туб сифат ўзгаришларига ўтиши билан бирга сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига ҳам ўтади. Миқдор ўзгаришлари билан сифат ўзгаришлари ўзаро чамбарчас боғланган бўлишига қарамай, улар айрим ўзига хос хусуссиятларга ҳам эга. Чунончи:

- биринчидан, миқдор ўзгаришлари доимо юз бериб туради. Ҳатто ҳодисалар сифатининг нисбий барқарорлиги даврида ҳам миқдорий ўзгаришлар аста-секин юз беради. Сифат ўзгаришларига ўтиш фақат маълум бир даврда бошланади;

- иккинчидан, миқдор ўзгаришлари маълум вақтгача нарсаларга муҳим таъсир кўрсатмайди. Сув нормал атмосфера босимида 100° гача суюқлик ҳолатини йўқотмайди, кейин эса буғга айланади, сифатини ўзгартиради. Демак, сифат ўзгаришлари ҳодисаларни тубдан ўзгартириб, унинг бошқа ҳодисага айланишини тақозо қилади;

- учинчидан, миқдор ўзгаришлари аста-секин амалга ошади ва кўп ҳолларда сезилмасдан ўтади. Сифат ўзгаришлари эса анча тез, айрим ҳолатда тўсатдан содир бўлади;

- тўртинчидан, сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларига қараганда туб ўзгариш бўлиб ҳисобланади.

**Сакраш нимағ** Сакраш табиат ва жамиятда содир бўладиган сифат ўзгаришларини англатадиган фалсафий тушунча бўлиб, тараққиётнинг узлуксиз кўринишига қараганда анча тез ўтадиган жараёндир.

Сакраш миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтишда узлуксизликнинг узилишини билдиради. Сакраш нарса ва ҳодисаларнинг узлуксиз ривожланиш давомида тайёрланиб, шу узлуксиз ривожланиш моменти тугаб, узилиш содир бўлиши билан зарурий равишда юз беради. Сакраш бирданига, тўсатдан бўладиган ҳолатгина эмас, балки янги сифат элементлари кўпайиши орқали юз берадиган тадрижий жараён ҳамдир.

Сакрашнинг турлари ўз ҳарактерига кўра табиат ва жамиятда хилма-хил бўлиб, улар бир-бирларидан фарқ қиладилар. Жамият тараққиётидаги сакрашларнинг ўзига хос томони шуки, бу сакрашлар эски ижтимоий тузумни йўқ қилиш ва янги ижтимоий тузумни ўрнатадиган ижтимоий жараёнлар, тадрижий ривожланиш орқали амалга ошади. Бундай сакрашларни икки турга бўлиш мумкин: биринчиси — портлаш йўли билан бўладиган сакрашлар, иккинчиси секин-аста, тадрижий йўл билан бўладиган сакрашлар. Биринчи тур сакрашларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда нарса ва ҳодисаларнинг янги сифатга ўтиши ниҳоятда тезлик билан юз беради ва кутилмаган натижаларни, тасодифий жараёнларни бошлаб юбориши, ҳатто салбий ҳолатларни келтириб чиқариши ҳам мумкин.

Сакрашнинг иккинчи турида эса, эски сифат элементларининг аста-секин йўқолиб бориши ва янги сифат элементларининг аста-секин тўпланиши натижасида янги сифат пайдо бўлади.

Шундай қилиб сакраш қуйидаги жиҳатларга эга:

- биринчидан, сакраш тараққиёт натижасида амалга ошадиган объектив ва қонуний жараёндир;

- иккинчидан, сакраш тадрижийликнинг узилиб, миқдор ўзгаришларидан туб сифат ўзгаришларига ўтишидир;

- учинчидан, сакраш эскини тугатиш ва янги сифатга мос келадиган ҳолатларнинг вужудга келиши туфайли пайдо бўладиган зиддиятларни ҳал қилишдир;

- тўртинчидан, сакраш оламнинг ривожланиб, илгарилаб боришидир.

Ҳодисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шароитига боғлиқ равишда эски сифатдан янги сифатга ўтиш турли шаклларда содир бўлади. Ҳар бир нарса, ҳодиса ўзининг аниқ инкор қилиш усулига, ўз навбатида аниқ сакраш шаклига эгадир.

Демак, ҳар қандай ўзгариш, ҳар қандай ривожланиш миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро бир-бирига ўтиши орқали содир бўладиган жараёнлардан иборат. Борлиқнинг ҳамма соҳасида доимо эски, умри тугаётган нарса ва ҳодисаларнинг барҳам топиши, янги нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиш жараёни содир бўлиб туради. Бундаги эскининг янги билан алмашиниши инкор деб аталади.

Ўзгариш ва ривожланиш жараёнида **ўз-ўзини инкор этиш тамойили** ниҳоятда муҳим. Бунда **ворислик** - эскининг инкори ва янгиликнинг шаклланиши сифатида намоён бўлади. Ана шу жараёнларнинг доимий такрорланиши **инкорни инкор қонуни**нинг моҳиятини билдиради.

Мазкур қонунга мувофиқ объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши жараёнида эскининг янги томонидан инкор қилиниши рўй беради. Бироқ, аксарият ҳолларда, эскилик бутунлигича инкор қилинмайди, ундаги ижобий томонлар сақланиб қолади.

**Инкор** тушунчаси кундалик онгда «йўқ», сўзи билан қўшилиб кетади, инкор қилмоқ — «йўқ» демакдир, бирор нарсани рад этмоқдир. Лекин диалектикада инкор кундалик онгда ишлатиладиган тушунчадан фарқ қилади. Диалектикада инкор қилиш тўғридан-тўғри «йўқ» дегани эмас, яъни нарсани мавжуд эмас, деб эълон қилмоқ ёки уни ҳар қандай усул билан йўқотиб ташламоқ эмас.

**Инкорни диалектик тушуниш** янгининг эски билан оддий алмашуви бўлмасдан, балки эскининг бағрида вужудга келиб, ундан фойдаланиб, қарор топишини тан олишдир. Диалектик инкорнинг муҳим икки жиҳати мавжуд: биринчиси, эскининг ўрнига янгининг келиши табиий-тарихий жараён бўлганлиги учун тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланса; иккинчиси, у янгини эски билан ворисий боғлиқ эканлигини ҳам ифодалайди.

Инкорни инкор қонунини тушуниш учун уни нега шундай деб аталишини изоҳламоқ лозим. Фалсафанинг бу таълимотини икки марта такрорланувчи инкорда ифодаланиши оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг доимий равишда ўзгариб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб бориши ва оқибатда, ривожланиш узлуксиз эканлигидан келиб чиқади.

Бу қонунга кўра, ҳар бир мавжуд бўлган нарса ва ҳодиса ўзигача бўлган сифат ва миқдор инкор этилишининг маҳсули, шу билан бирга, ана шу нарса ва ҳодисаларнинг ўзи ҳам шароитнинг ўзгариши, вақтнинг ўтиши билан инкор этилишга маҳкумдир. Демак, ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўзгариши ва ривожланиши ҳамиша икки ва ундан кўпроқ инкор этишлар билан амалга ошади. Инсоният тарихи - авлодлар алмашинуви тарихидир, дейилганида ҳам ана шундай ҳол назарда тутилади.

Инкорни инкорнинг яна бир муҳим белгиси шуки, тараққиётдаги даврийликнинг муайян ҳалқасида, яъни навбатдаги инкор босқичида унинг олдинги босқичидаги баъзи белгилар такрорланади. Масалан, дон ўсимликдан яна донларга айланади, кейинроқ яна ўсимликка ва ҳоказо.

Инкорни инкорнинг амал қилиши туфайли тараққиёт тўғри чизиқ шаклида эмас, доира шаклида бўлади, унинг охирги нуқтаси бошланғич нуқтага яқинлашади. Лекин бу яқинлашув унинг охирги нуқта билан туташиши бўлмасдан, балки юқори босқичда содир бўлиши сабабли тараққиёт спирал шаклга эга бўлади. Бу спиралнинг ҳар бир янги ўрами олдинги ўрамига нисбатан юқорироқ босқичда юзага келади.

Диалектик инкор янги билан эски ўртасидаги боғланишни буткул рад қилади, деб тушунмаслик керак. Янги қанчалик илғор бўлмасин, у йўқ жойдан пайдо

бўлмайди, балки эскининг қобиғида аста-секин шаклланади. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда эскидан янгига ўтилаётганда эски бутунлай ташлаб юборилмайди, балки унинг ижобий томонлари сақланиб қолади ва ривожланиш давом эттирилади. Демак, янги билан эски ўртасида ворислик мавжуддир. Инкорни инкор қонуни тараққиётда ворислик ва қайтарилувчанликнинг бирлигини тавсифлайди. Диалектик инкорнинг муҳим хусусияти ана шундан иборат.

Инкорни инкор қонуни мустақиллик ва бозор иқтисодиёти жараёнида рўй бераётган ҳодисалар моҳиятини илмий англашда катта аҳамият касб этади. Янги жамиятни барпо этишга қаратилган ўзгаришлар ҳамма нарсани бутунлай йўқ қилишни билдирмайди. Аксинча, бу — халқимиз тараққиёти жараёнида эришилган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий ютуқларни сақлаб қолиб, уларни янада бойитиб, ривожлантиришдан иборатдир. Мазкур жараённинг асосий тамойили Ислом Каримовнинг янгисини қурмасдан, эскини бузмаслик лозимлиги тўғрисидаги хулосасида яққол ўз асосини топган.

Ҳар қандай фаннинг ўзига хос қонунлари ва асосий тушунчалари бўлади. Масалан, физикада физик қонунлар, оғирлик, тезлик, куч каби тушунчаларга жуда кўп дуч келиш мумкин. Уларнинг аксарияти бу фан тарихида чуқур из қолдирган машҳур олимларнинининг номи билан боғланган. Масалан, физикада Ньютон, Фарадей, Авагадро ва ҳоказо. Математикани эса Пифагор, ал-Хоразмий, Карл Гауснинг қонунларисиз тасаввур қилиш қийин. Худди шундай фалсафанинг фанлик мақомини белгилайдиган асосий тамойиллар, қонунлар ва категориялар тизими ҳам бор. Уларни ўрганишдан аввал, қонун ва категория тушунчаларининг мазмунини аниқлаб олиш зарур. Анъанавий тавсифларга кўра, «Қонун» фалсафий категория сифатида нарса ва ҳодисалар ривожланиши жараёнидаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, доимий такрорланиб турувчи, ички ўзаро боғланишлар, алоқалар, муносабатларнинг мантиқий ифодаси эканлигини кўриб ўтдик. Энди категорияларнинг моҳияти ва мазмуни билан қисқа танишайлик.

**Категория ўзи нимағ** Бу сўз қадимги юнон тилидан олинган бўлиб: «изоҳлаш», «тушунтириш», «кўрсатиш», деган маъноларни англатади. Унинг мазмунидаги бундай хилма-хиллик қадимги даврларданоқ илмий тадқиқот йўналишига айланган.

Фалсафа тарихида уларни биринчи бўлиб, Арасту таърифлаб берган. У ўзининг «Категориялар» деган асарида уларни объектив воқеликнинг умумлашган инъкоси сифатида қараб, туркумлаштиришга ҳаракат қилган. Хусусан, унингча қуйидаги категориялар мавжуд: «моҳият» (субстанция), «миқдор», «сифат», «муносабат», «ўрин», «вақт», «ҳолат», «мавқе», «ҳаракат», «азоб-уқубат». Бу туркумлаштириш, ўз вақтида илмий билишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик Арасту «Метафизика» асарида «моҳият», «ҳолат» ва «муносабат» категорияларини ҳам изоҳлаган.

Умуман, категорияларни фалсафа тарихида илмий мавзу сифатида ўрганишни айнан Арасту бошлаб берганлиги эътироф қилинади. Маълумки, унгача Юнонистонда кўпроқ политика ва риторика (нотиқлик санъати) фанлари системалашган, яъни фан сифатида тизимга туширилган эди. Чунки ўша даврда қўшинни, мамлакатни ва одамларни бошқариш учун сиёсат ва нутқ маданияти сирларини билиш катта аҳамиятга эга бўлган. Аммо ўша даврларда фалсафанинг қонунлари, категориялари ва асосий таянч тушунчалари муайян тизимга туширилмаган, изчил баён қилинган билимлар системаси сифатида шакллантирилмаган эди. Ҳатто Юнонистоннинг машҳур олими ва мутафаккири Суқротни ҳам ана шундай, ҳали гўёки шаклланмаган фан билан шуғуллангани ва

ёшларни бу илм йўлига бошлаб, уларнинг нотўғри тарбиясига сабаб бўлганликда айблаган ҳам эдилар. Бу ҳол Сукротнинг буюк шогирди Арастунинг мазкур фанни аниқ система тарзида ифодалашга киришиши учун туртки бўлган. Олим фалсафанинг қонун ва категорияларини биринчи марта системалаштирган, таърифлаган ва фалсафани фан даражасига кўтарган. Ўша даврдан бошлаб фалсафа ўз қонунлари, тамойиллари, категориал тушунчаларига эга бўлган фанга айланган. Шарқда бу масалага Форобий, Беруний ва ибн Синолар ҳам катта аҳамият берганлар.

XVII-XIX асрларга келиб, фалсафий категориялар таҳлилида янги давр вужудга келди. Хусусан, И. Кант қарашларида категориялар «сифат» (реаллик, инкор, чегаралаш), «миқдор» (бирлик, кўплик, яхлитлик), «муносабат» (субстанция ва хусусият, сабаб ва ҳаракат, ўзаро таъсир), «модаллик» (имконият ва имкониятсизлик, воқелик ва новоқелик, зарурият ва тасодиф) тарзида изоҳланган. Кантдан фарқли ўлароқ, Ҳегел эса мантиқий категорияларни: «борлиқ» (сифат, миқдор, меъёр), «моҳият» (асос, ҳодиса, мавжудлик), «тушунча» (объектив, субъектив, абсолют ғоя) тарзида изоҳлаган.

Фалсафа фанининг категориялари ҳақидаги турли қарашларни умумлаштириб айтганда, уларнинг мантиқий тушунчалар сифатидаги қуйидаги тавсифлари бор: 1) объектив воқеликнинг инъикоси; 2) нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланиш ва алоқадорлигини мантиқий умумлаштирувчи билиш усули; 3) нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши билан ўзгариб турувчи мантиқий тушунча; 4) борлиқнинг мавжудлигидан келиб чиқадиган тарихий — мантиқий билиш даражаларидан бири. Кўпчилик мутахассислар категориялар олам, ундаги нарса ва воқеалар, уларнинг асосий ва такрорланиб турувчи алоқадорлигини ифодалайдиган кенг мазмундаги тушунчалардир, деган фикрга қўшиладилар. Бу маънода борлиқ, воқелик, ҳаракат, макон, замон, миқдор, сифат ва бошқалар фалсафанинг ана шундай категорияларидир.

Фалсафада ўз хусусиятларига кўра, **«жуфт категориялар»** деб аталадиган; умумий боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодаловчи тушунчалар ҳам бор. Улар нарса ва ҳодисаларнинг муайян йўналишдаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, даврий такрорланиб турувчи боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодалайди. Фалсафа категориялари мазмунидаги ички бирлик, боғланиш, алоқадорлик ва муносабатларнинг яхлитлиги билиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайдиган умумий қонуният тарзида вужудга келган.

**Алоҳидалик, хусусийлик, умумийлик.** Улар нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон-замон муносабатларини конкрет тарзда намоён қилади. Умумийлик - оламдаги алоҳида, индивидуал тарзда намоён бўлаётган нарса - ҳодисаларнинг турфа, хилма-хил умумлаштирувчи хосса ҳамда хусусиятларнинг муштараклашган ҳолда намоён бўлишидир. Алоҳидалик ва умумийлик ўртасидаги боғланиш, алоқадорлик ва муносабат «хусусийлик» категорияси орқали ифодаланади. Биринчидан, бу категорияларнинг мазмуни оламнинг бирлиги, уларнинг мантиқий ифодаси конкретлик бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, «алоҳидалик», «хусусийлик», «умумийлик» нарса ва ҳодисаларнинг макон-замон конкретлигини ифодалайдиган, нисбатан мустақил мантиқий тушунчалар тарзидагина намоён бўлиши мумкин. Зеро, уларнинг нисбатан мустақиллиги, ички бирлигининг намоён бўлиш шаклидир.

Фалсафий адабиётларда, билишнинг умумий тенденциясини алоҳидаликдан хусусийликка ва шу босқич орқали умумийликка ўтиш тарзида ёки аксинча, изоҳлаш кенг тарқалган. Ваҳоланки, фалсафий билишнинг асосий хусусияти ва

мақсади ҳар қандай алоҳидаликнинг индивидуал хусусиятларини умумийликдан фарқлашдан иборатдир. Масалан, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жамият тараққиётининг умумий қонунияти бўлса ҳам, бу жараён турли ижтимоий-тарихий макон ва замонда ҳар бир давлат учун ўзига хос бўлган моделни тақозо қилади. Алоҳидаликнинг умумийликдан фарқини аниқлаш асосида, махсус усул ва воситаларини қўллаш бозор стратегияси ва тактикасининг миллий хусусиятларини белгилашга ёрдам беради.

Алоҳидалик ёки, баъзи фалсафий адабиётларда кўрсатилганидек, яккаликни муайян хосса ҳамда хусусиятга эга бўлган нарса ва ҳодисаларнинг макон ва замондаги чегараланган конкрет ҳолати, бошқача килиб айтганда, ҳар қандай ҳодиса ва нарсанинг ички сифат муайянлиги, индивидуаллиги дейиш мумкин.

Антик фалсафада алоҳидалик категориясининг мазмуни муайян турғунликка эга бўлган бирлик сифатида қаралган (Афлотун, Арасту). Ҳегел, алоҳидаликни воқеаларнинг зарурий шакли, макон ва замондаги тафовутларнинг намоён бўлиш моменти сифатида қарайди.

Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик масаласида алоҳидаликнинг умумийликдан фарқини мутлақлаштириш натижасида муайян қарашлар вужудга келиши мумкин (Бу ҳақда «Осиёцентризм» ва «Европацентризм» тўғрисида эслаш кифоя).

Ваҳоланки, умуминсоният цивилизациясининг тадрижий ривожланишида муайян ички бирлик мавжуд бўлиб, маданият тарихида ҳар бир халқ, миллат ўз ўрни ва аҳамиятини намоён қилади. Шунинг учун умуминсоният цивилизацияси таркибидаги миллий маданиятни мутлақлаштириш, муайян сиёсий манфаатларга асосланган бўлиб, буюк давлатчилик, шовинистик қарашлардан бошқа нарса эмас. Бу XX асрнинг 30-йилларида фашизм мафкурасини шакллантирган асосий сабабалардан бири эди.

Алоҳидаликни, умумий қонуниятлар таркибидаги, элементларнинг индивидуал ривожланиш жараёни сифатида олиб қараш керак. Чунки ҳар қандай умумийлик, дастлаб воқеликнинг алоҳидалиги тарзида вужудга келади. Шунга кўра, ҳар қандай система ўз таркибидаги нисбатан янги, алоҳида ҳодисаларнинг индивидуал ривожланишисиз содир бўла олмайди. Шундай қилиб, алоҳидалик воқелик ривожланишининг хилма-хил шаклларини вужудга келтиради.

Нарса ва ҳодисаларда алоҳидаликларнинг конкрет хусусиятлари ўртасидаги боғланишлар, бир томондан, умумийликни намоён қилиш билан бир қаторда, уларнинг муайянлиги ва мазмунини ҳам белгилайди. Иккинчи томондан эса, умумийликнинг конкретлиги алоҳидаликлар системаси тарзида намоён бўлади. Бу системага структурали ёндашиш билишнинг нисбатан тўлақонли бўлишини таъминлайди. Масалан, муайян жамиятдаги кишиларнинг ижтимоий муносабатлари ўзига хос бўлган йўналишларини вужудга келтирган. Яъни, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, диний экологик ва бошқа шу каби ижтимоий муносабатлар умумий маданият таркибида «иқтисодий маданият», «ҳуқуқий маданият», «сиёсий маданият», «экологик маданият» ва бошқа нисбатан мустақил йўналишларга асос бўлган. Бу маданият йўналишлари нисбатан мустақил бўлса ҳам, бир-бирини тақозо қилади. Уларнинг ички бирлиги ва ривожланиш тенденцияси умуминсоният цивилизацияси манфаатларидан келиб чиққан бўлиб, умумий тараққиёт даражасига мос келади.

Фалсафанинг бу категорияси билан «бутун», «қисм» «структура», «система», «элемент», категориялари ўртасида узвий боғлиқлик ва муайян фарқлар мавжуд. Яъни «алоҳидалик», «хусусийлик», «умумийлик» нарса ва ҳодисалар ривожланиш жараёнидаги боғланиш, алоқадорлик муносабатларининг яхлитлигини нисбатан

мустақил ифодалаш бўлса, «бутун», «қисм», «структура», «система», «элемент», категориялари эса, уларнинг макон ва замондаги боғланиш муносабатларини жараён тарзида ифодалашдир. Шу нуқтаи назардан, бутунни - умумийлик, қисмни ёки элементни - алоҳидалик тарзида олиб қараш ҳолатлари учрайди. Шунингдек, муайян ўхшашлик бўлишига қарамасдан, системани умумийлик тарзида қабул қилиш мумкин эмас. Бунда система турли даражадаги умумийликларнинг мажмуи ҳам бўлиши мумкин. Умуман, нарса ва ҳодисаларни таркибий жиҳатдан «бутун», «қисм», элемент»ларга ажратиш билишга хос нисбий ҳодиса бўлиб, унинг самарадорлигини таъминлайдиган зарурий шартдир. Шунга кўра, юқорида айтилган ҳар иккала категориялар тизими билишнинг босқичи сифатида эмас, балки усули сифатида олиб қаралиши керак.

**Система, структура, элемент** фалсафанинг муҳим категорияларидан бўлиб ҳисобланади. Система - грекча сўз бўлиб, мантиқий маъноси бутунлик, яхлитлик, элементлардан ташкил топган бирикма, деган маъноларни англатади.

Система категориясининг мазмуни, уни ташкил қилган элементларнинг структуравий муносабатларига мос келади. Шу нуқтаи назардан, билиш жараёнидаги системалаштириш, назарий фаолият сифатида, уларнинг ташкил қилинган таркибий элементларини тарихий-мантиқий изчил тартибга келтириш билан изоҳланади. Хусусан, бу элементларнинг функционал фаолиятини, аҳамиятига кўра туркумлаштириш, муҳим методологик аҳамиятга эга, чунки инсоннинг борлиқни билиш фаолияти система структурасидаги элементларнинг мавжудлик ҳолати ва ривожланиши объектив қонуниятларини ўрганиш асосида, уларни мақсадга мувофиқ ташкил қилишга қаратилган. Яъни, инсоннинг объектив реалликни назарий билишга асосланган: ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш фаолиятлари самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги турли категориялардан унумли фойдаланиши билан характерланади.

Система — нарса ва ҳодисаларнинг боғланишлари, алоқадорлиги ва муносабатининг тартибли тадрижий ривожланишини ифодалайди. Структура эса, нарса ҳодисалар боғланиши, алоқадорлиги ва муносабатлари тизимининг макон ва замондаги бирлигини таъминлайдиган системанинг мавжудлик ҳолатидир. Умуман, структура (лотин тилида тузилиш, тартиб деган маънони англатиб), системани ташкил қилган элементларнинг нисбатан турғун боғланиш, алоқадорлиги ва муносабатидир. Ҳозирги мавжуд фалсафий қарашларда структурани системанинг аспекти сифатида қараш устувордир. Системани ташкил қилган элементларнинг структуравий тузилиши унинг мавжудлик ҳолатини ҳамда ривожланиш истиқболларини белгилаб туради. Масалан, табиатдаги атомларнинг таркибий тузилишлари хусусиятларига қараб, моддий оламнинг хилма-хил кўринишлари, ДНК ёки РНК ларнинг ўзаро ички муносабатлари, хромосомалар хилма-хиллиги, тирик организмлар турли-туманлиги аниқланган. Улар умумлашган холда, моддий оламнинг объектив реаллиги тарзида мавжуд бўлса ҳам, моддийликнинг конкрет структурасига эга бўлган системалардир. Борлиқни ташкил қилган элементларнинг муносабатларига, макон ва замон хусусиятларига қараб, уларни «ички структура» ва «ташқи структура» га ажратиш мумкин.

Элемент системани ташкил қилган структуранинг ўзаро боғланиш, алоқадорлик, муносабат жиҳатларини таъминлайдиган нисбатан мустақил таркибий қисмидир. Жамиятда элемент ижтимоий муносабатларнинг конкрет кўринишлари тарзида намоён бўлади. Масалан, жамиятни яхлит система деб оладиган бўлсак, ундаги элемент алоҳида индивидлар, ижтимоий қатламлар, табақаларнинг онгли муносабатлари тарзида кўзга ташланади. Яъни, жамиятнинг

ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатлари структуравий тузилишни ташкил қилган. Ўз навбатида, системани тўлалигича билиш, унинг стуктуравий тузилишидаги ҳар бир элементнинг функционал фаолиятини алоҳида таҳлил қилишни тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, инсонларнинг нарса ҳамда ҳодисаларга муайян манфаатлари ва эҳтиёжларига кўра ёндашишига қараб, ҳар бир элементни нисбатан мустақил система сифатида олиб қараш мумкин. Масалан, маънавият жамият структурасида, уни ташкил қилувчи муҳим элементларнинг бири ҳисобланади, лекин маънавиятни, махсус ижтимоий ҳодиса сифатида алоҳида олиб таҳлил қиладиган бўлсак, унинг ички элементлардан иборат мустақил системалигини кўрамиз. Шунга кўра, система, структура ва элемент нисбий тушунчалар бўлиб, категориялар сифатида, унга бўлган муносабат доирасида конкретлашади.

Шунинг учун «система», «структура», «элемент» каби фалсафий категориялар нарса ва ҳодисаларни билишга системали ёндашиш, структуравий таҳлил усулларининг умумметодологик асоси бўлиб ҳисобланади.

Элементларни системани ташкил қилишдаги структуравий аҳамиятига кўра: муҳим ва муҳим бўлмаган, асосий ва асосий бўлмаган элементларга ажратиб ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ҳар қандай конкрет элемент, муайян системада макон-замон хусусиятларига кўра, ўз аҳамиятига эга бўлади. Бироқ, уларнинг аҳамиятини, юқорида кўрсатилганидек, туркумлаштириш мутлақо нисбий ҳамда шартли характерга эга бўлиб, муайян манфаатлар ва эҳтиёжлар асосида ёндашишдан келиб чиқади. Шунга кўра, конкрет макон ва замонда системани ташкил қилишдаги элементларнинг аҳамияти структуравий функциясида муқобилликлар вужудга келиб туриши билан изоҳланади. Яъни, системадаги унинг характерини белгилаб турган муҳим элемент, маълум вақтга келиб муҳим бўлмаган элементга айланиши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Умуман, фалсафанинг система, структура, элемент категориялари нарса ва ҳодисаларнинг мазмунини, шаклини очиб беришда методологик асос бўлади.

Фалсафа фанидаги анъанавий тарзда ёзилган дарсликлар, ўқув қўланмаларидан фарқли ўлароқ, бу категорияларни қиёсий таҳлил қилишимиздан мақсад, бошқа жуфт категорияларнинг мазмунини очиб бериш имкониятини яратишдир. Чунки, «моҳият ва ҳодиса», «мазмун ва шакл», «сабаб» ва оқибат», «зарурият ва тасодиф», «имконият ва воқелик» категорияларининг мазмуни, юқорида кўрсатилган «алоҳидалик», «хусусийлик» «умумийлик», «бутун», «қисм», «структура», «элемент», категориялари мазмуни билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун биз фалсафа категорияларини бир-бирини тақозо қилувчи, нисбатан мустақил билиш усулларининг яхлит системаси тарзида олиб қарашни лозим топдик. Лекин, бунинг учун ҳар бир категориянинг мазмунини алоҳида таҳлил қилиш зарур.

**«Моҳият ва ҳодиса»** категориясини олиб кўрайлик. Моҳият-ўзида алоҳидалик, махсуслик, умумийликнинг мазмунини, сабабини, зарурриятини, имкониятини, бутун, қисм, система, структура, элемент тарзида намоён қилади. Ҳодиса эса, уларнинг боғланиши, алоқадорлик ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Моҳиятни алоҳидалик, махсуслик, умумийлик, бутун, қисмга мос келишига қараб, туркумлаштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, субъект назарида аҳамиятига ва функциясига кўра, асосий ва асосий бўлмаган, нисбатан барқарор ёки ўзгарувчан моҳиятларга ажратиб, уларнинг ривожланиши жараёнида ўрнини алмаштириб туришларини эътиборга олиш зарур.

Нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиш уларнинг инсон эҳтиёжларини қондириш вазифаси ва мақсадларини конкретлаштиришдан иборат. Масалан,

жамият устқурмасининг сиёсий элементи бўлган давлатнинг мақсади ва вазифаси, уларни амалга ошириш усул ҳамда воситалари мамлакат ҳудудида яшаётган кишиларнинг муайян ҳаёт шароитларини таъминлашдан иборат бўлиб, унинг моҳиятини ташкил қилади. Шунга кўра, ҳар қандай моҳиятни одамларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларига, цивилизация келажагига боғлаб таҳлил қилгандагина, у аҳамиятга эга бўлади.

Нарса ва ҳодисаларни билиш ҳамда ўзгартиришга инсон муайян эҳтиёжлар асосида ёндошади. Бу ёндошиш субъектив ҳарактерга эга бўлиб, унинг конкрет эҳтиёжлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан баҳоланади. Масалан, чанқаган киши учун сув унинг чанқоғини қондириш, физик учун-агрегат ҳолати, электр токини ўтказиши ёки оптик хусусиятлари, химик учун, унинг $H_2O$ кимёвий бирикма сифати, тегирмончи учун-тегирмон паррагини айлантириш хусусиятлари асосий моҳият ҳисобланади.

Нарса ва ҳодисаларнинг моҳият ва ҳодиса тарзида боғланишлари макон ва замондаги муайян конкретлиги билан ажралиб туради. Моҳият ва ҳодиса ўз хусусиятларига кўра система, структура ва элементларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шунинг учун ҳар қандай ҳодисани ва моҳиятни таҳлил қилишда аниқ тамойилларга асосланиш лозим.

**Мазмун ва шакл.** Фалсафада мазмун ва шакл категорияси нарса, ҳодисаларнинг мавжудлиги ва ривожланиш жараёнини билиш усули сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазмун - нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнидаги системани ташкил қилган элементларнинг структуравий боғланиши бўлиб, уни бошқа системалардан фарқини белгилайдиган алоқадорликлар ва муносабатларини ифодалайди.

Шакл эса - системани ташкил қилган элементларнинг структуравий боғланишлари, алоқадорликлари, муносабатларининг ифодаланишидир. Ҳозиргача фалсафий адабиётларда мазмун ва шакл ўртасидаги боғланишларни бир-биридан ажратиб таҳлил қилиш анъанавий характерга эга. Яъни, мазмуннинг ўзгариши шаклнинг ўзгаришига олиб келади, деган хулоса устувор бўлган. Ваҳоланки, системанинг элементлари структуравий боғланишларсиз, алоқадорликларсиз мавжуд бўлиш мумкин бўлмаганлигидек мазмун ва шакл ҳам бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Биз фақат нисбатан мустақил бўлган мазмун ва шаклни билиш хусусиятига қараб, шундай мантиқий хулосага келишимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда, мазмун ва шаклдаги ҳар қандай жузъий ўзгариш ҳам бир-биридаги ўзгаришларни тақозо қилади, фақатгина биз уларни билиб олган ёки билмаган бўлишимиз мумкин. Масалан, сувнинг агрегат ҳолати, шакли ўзгариши билан унинг мазмуни ҳам ўзгаради. Яъни, сув буғ ҳолатида чанқоқни қондирмайди, ўсимликларни суғориш учун ярамайди. Бундан ташқари, элементларнинг структуравий боғланишлари системанинг характерини белгилашидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, структуравий боғланишлар шакл сифатида системанинг мазмунини ҳам белгилаб туради. Шунга кўра, шаклни мазмунга нисбатан «иккиламчи» дейиш ноўриндир. Бунга ижтимоий ҳаётдан мисол келтирадиган бўлсак, демократия бошқаришнинг шакли сифатида жамиятнинг мазмунини белгилаб туради.

Фалсафада мазмун ва шакл категориясини бошқа категориялар тизимидан ажратиб олиб, нисбатан мустақил таҳлил қилганда, унга инсонларнинг муайян манфаатлар ва эҳтиёжлар асосида ёндашишларини алоҳида эътиборга олиш керак. Бу умуман мазмун ва шаклнинг объектив характерига путур етказа олмаса ҳам, уларни баҳолашдаги субъектив, муқобил қарашларда ўз ифодасини топади.

**Сабаб ва оқибат.** Нарса ва ҳодисаларнинг ички бирлиги, яхлитлиги ва тарихий-тадрижий ривожланиш тамойилига кўра, уларнинг мазмуни ва шакли ўзгариб туради. Ўз навбатида, ҳар қандай системанинг элементлари ўртасидаги структуравий боғланиш конкрет мазмунга эга бўлиб, унга мос мазмунларда ўз ифодасини топади. Бошқача қилиб айтганда, мазмун ва шакл ўртасидаги алоқадорлик, боғланиш, муносабатнинг характери муайян сабабга асосланади. Яъни, нарса ва ҳодисаларнинг система шаклида намоён бўлиши, муайян сабаб оқибатидир. Демак, нарса ва ҳодисаларнинг тадрижий ривожланиши сабаб-оқибат муносабатлари тарзида намоён бўлади. Шунга кўра, сабаб - бирор нарса ва ҳодиса ривожланиш жараёнининг оқибатидир.

Нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши жараёнидаги сабаб ва оқибат муносабатларини билишда, уларнинг макон ва замондаги тарихий ва мантиқий изчиллиги муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда, бир томондан, ҳар қандай сабаб аввалги ҳодисалар ёки уларнинг ривожланиш оқибати тарзида намоён бўлади. Иккинчи томондан эса, бу оқибат кейинги ривожланишнинг сабаби бўлиб ҳисобланади.

Нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши асос бўлган сабаблар тизими мавжуд. Уларни шартли равишда: асосий ва асосий бўлмаган, муҳим ва муҳим бўлмаган сабабларга ажратиш мумкин.

Сабабнинг моҳияти аввалги ҳодисаларнинг оқибати сифатида вужудга келаётган ҳодисалар учун сабаблигидадир. Шунга кўра, сабабни бир вақтнинг ўзида оқибат тарзида қараш мумкин. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳар қандай оқибат сабаб тарзида намоён бўлади. Шу билан бирга, сабабни нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш жараёнидаги макон ва замондаги даврий такрорланишдан фарқлаш керак. Чунки, сабаб мавжудликнинг генетик боғланишларини, алоқадорликларини ифодалаши билан биргаликда, уларнинг истиқболларини ҳам белгилаб беради. Ҳегел тили билан айтганда, сабаб-моҳиятнинг ҳаракатдаги мавжудлик ҳолатидир. Сабаб фалсафий категория сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

1) унинг объектив характери нарса ва ҳодисаларнинг ички, таркибий элементлари муносабатларига хос бўлиб, моҳиятнинг реал мавжудлик ҳолатини ифодалайди;

2) сабабнинг конкретлиги нарса-ҳодисаларнинг хусусиятларидан келиб чиқади, ҳамда унинг индивидуаллигини таъминлайди;

3) сабаб умумий характерга эга бўлиб, ҳеч қандай нарса ва ҳодисанинг ривожланиши сабабсиз содир бўлмайди;

4) сабаб зарурий бўлиб, муқаррар равишда, муайян оқибатларни келтириб чиқаради;

5) сабабнинг узлуксизлиги, бир томондан, турли сабабларнинг изчил боғланишларини, муносабатларини, иккинчи томондан, ҳар бир сабабнинг оқибат тарзида олдинги сабаб билан боғлиқлигини характерлайди.

**Зарурият ва тасодиф.** Объектив оламни билишда зарурият ва тасодиф категорияси муҳим фалсафий-методологик аҳамиятга эга. Зарурият - нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар, муносабатлар мажмуасидир. Тасодиф эса - заруриятнинг намоён бўлиш шаклидир.

Зарурият ва тасодиф категорияси оламни фалсафий билишнинг муштараклигини ва самарадорлигини таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан, заруриятни туркумлаштирганда, унинг макон ва замондаги структуравий тузилишини ташкил қилган элементларини системали-структурали таҳлил қилиш лозим. Шунингдек, заруриятни сабаб-оқибат муносабатлари тарзида тушуниш лозим. Зарурият нарса ва ҳодисаларнинг муқаррар ривожланиш қонуниятдан келиб чиқади ҳамда объектив сабаблар тизимига асосланади. Масалан, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши тарихий обеъктив заруриятдир, унинг «ўзбек модели» асосида амалга оширилиши заруриятнинг конкрет намоён бўлишидир. Бунда тасодиф «субъективлаштирилган» жараён сифатида кўзга ташланса ҳам, объектив ҳодисадир. Чунки, Ўзбекистоннинг тарихий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланишининг миллий хусусиятлари, бозор муносабатларига ўтишнинг характерини белгилаб беради.

Заруриятлар табиий-тарихий ривожланишнинг объектив қонуниятларидан келиб чиқиб, доимий ўзгариб туради. Заруриятларнинг тасодифлар тарзида намоён бўлиши, ўз навбатида, бошқа ҳодисалар учун зарурият мақомига эга бўлади. Бундан кўриниб турибдики, зарурият ва тасодиф ўртасидаги боғланишлар сабаб-оқибат муносабатлари характерига мос келади.

Зарурият ва тасодиф, категориясига бошқа категориялар каби, уни аниқлаш ва баҳолашга муайян субъект эҳтиёжлари, манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлса, муқобил қарашлар вужудга келади. Масалан, собиқ Иттифоқнинг парчаланиб, мустақил давлатларнинг вужудга келиши, айрим назариётчилар томонидан тасодифий ҳодиса деб баҳоланиб, унинг зарурий, объектив қонуний характери инкор этилмоқда. Ваҳоланки, жамият тараққиётида ҳеч қандай империянинг абадий бўлмаслигини тарихий тажрибалар доимий исботлаб келган. Демак, бунда биз заруриятни кўриб турибмиз.

Зарурият ва тасодифнинг алоқадорлиги, боғланиши шундаки, улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди, яъни заруриятнинг муқаррарлиги тасодифга ҳам хосдир. Шунинг учун фалсафий адабиётларда тасодифларнинг муқаррарлиги, тарихийлиги, сабабийлигини, қонунийлигини инкор қилувчи қарашлар ғайриилмийдир.

**Имконият ва воқелик** - фалсафанинг муҳим категорияларидир. Имконият нарса ва ҳодисаларнинг макон ва замондаги ривожланиш тенденциясини таъминлайдиган, муайян қонуниятларга асосланади. Воқелик эса, шу қонуниятларга асосланган ривожланишнинг намоён бўлишидир. Имконият ва воқелик категориясини ҳам, билишнинг умумий мантиқий тамойилларига кўра, бошқа категориялар билан боғлиқликда таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Имконият нарса ва ҳодисалар ривожланиш жараёнининг ички бирлигини ифодалайди ва уларнинг ривожланиш шарт-шароитларини, сабабларини, зарурий қонуниятларини, моҳиятини ўзида мужассамлаштирган.

Имкониятнинг воқеликка айланиши қонуний ҳодисадир. Унинг реал, формал, мавҳум имконият деб аталадиган шакллари бор. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин демократик ҳуқуқий жамият қуриши учун реал имкониятлар вужудга келди. Бундай имкониятлар И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида кўрсатиб берилди.

Имконият категориясини, унинг шарт-шароити билан аралаштирмаслик керак. Шарт-шароитлар оқибат, тасодиф, ҳодиса сифатидагина имкониятга таъсир қиладиган омиллар мажмуасидан иборат. Мавжуд воқелик тарихий генезисига кўра, ўзида бошқа воқеликнинг имкониятларини мужасамлаштирган бўлади. Масалан,

бозор иқтисодиётининг ҳозирги босқичи реал воқелик сифатида, унинг кейинги ривожланиш имкониятларини намоён қилади.

### Таянч тушунчалар

**Метод -** юнонча билишнинг йули - илмий билиш, илмий тадкикотнинг усулидир.

**Методология -** Бирон фанда тадбик этиладиган тадкикот усулларининг мажмуи. Илмий билим ва дунёни узгартириш методи хакидаги таълимот.

**Прогресс -** лотинча илгариланма харакат, муваффакият демакдир. Куйидан юкорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиш тараккиётни ифодалайди. Прогресс тушунчаси регресс тушунчасининг зиддидир.

**Регресс -** лотинча оркага кайтиш деган маънода. Ривожланишда оркага кетиш, эски шаклларга кайтиш, тараккиётнинг куйи даражасига тушиб колишни англатувчи тушунча.

**Диалектика -** Дунёни билишнинг умумий усулидир.

**Софистика -** юнонча - атайлаб хато асослар асосида куп маъноли сузларга асосланиб фикр юритиш - билиб туриб, хато асослардан ёлгон хулоса чикаришдир.

**Эклектика -** юнонча танлайман. Турли карама-карши назарияларни, карашларни аралаш-куралаш килиб юборувчи тафаккур усули.

**Догматика -** юнонча котиб колган маъносини англатиб, конкрет шарт-шароитларни хисобга олмай кулланиладиган коида, принцип, фикрдир.

**Яккалик -** алохида нарса ва ходисагагина хос булиб, бу нарса ва ходисани бошка нарса ва ходисадан фарк килувчи, такрорланмайдиган, индивидуал белги ва хусусиятлар бирлигидир.

**Мохият -** нарса ва ходисаларнинг ички, энг мухим узаро богланишлари, шу богланишларнинг конуний алокадорликларини ифодалайди.

**Ходиса -** нарса ва жараёнларни ташкил этувчи томонлар, хусусиятлар ва богланишларнинг намоён булиш шаклидир.

**Мазмун -** нарса ёки ходисани айнан шу нарса ёки ходиса сифатида ифодаловчи жараёнлар, мухим элементлар ва узгаришларнинг мажмуидир.

**Шакл -** мазмуннинг мавжудлик усулини, унинг структурасини ифодаловчи, нарса ва ходисаларнинг ички ва ташки томонларининг бирлигидир.

**Сабаб -** бир ходисадан олдин келиб, уни вужудга келтирган ходиса ёки ходисалар гурухидир.

**Окибат -** сабабнинг бевосита ёки бавосита таъсири билан юз берадиган ходисадир.

**Зарурият -** муайян шароитда катъий равишда келиб чикадиган вокеа ёки ходисадир.

**Тасодиф -** айни шароитда юз бериши хам, юз бермаслиги хам мумкин булган ходиса ёки вокеадир.

**Вокелик -** реал мавжуд булган, яшаб турган нарса ва ходисалардир.

**Имконият -** юзага чикмаган вокеликдир.

**Система -** борликдаги узаро боглик, муайян тартибдаги бир-бирига таъсир ва акс таъсир килиб турувчи нарсалар, ходисалар ва жараёнларнинг конуниятли бирлигидир.

**Структура -** системани ташкил этган нарсалар, ходисалар ва жараёнларнинг тартиби, тузилиш, таркиби, жойлашиши ва ифодаланишидир.

**Элемент** -система структурасини ташкил килган, нисбий мустакилликка эга булган тузилмадир.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Қонун нима?
2. Табиат ва жамият қонунларининг қандай хусусиятлари бор?
3. Оламдаги айният ва зиддият ҳолатларига мисоллар келтира оласизми?
4. Миқдор ва сифат нимағ Меъёр-чи?
5. Инкор нима? Инкорни инкор-чи?
6. Категориялар тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
7. Жуфт категориялар мазмунидаги ички бирликнинг асоси нимада?
8. Ҳозирги даврда тараққиёт ва ўзаро боғлиқлик тамойиллари қандай намоён бўлмоқда?

## Асосий адабиётлар


1. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Т.9. Т., «Ўзбекистон», 2001.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т., «Ўзбекистон», 2002. 316-329-бетлар.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., «Ўзбекистон», 2003. 3-51-бетлар.
4. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005. 5-33-бетлар.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005.
7. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
8. Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази. 2000. 169-180-бетлар.
9. Ислом энциклопедияси. Т., 2004.
10. Гуннар Скирбекк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002. 484-490-бетлар.
11. Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003. 3-21-бетлар.
12. Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007.
13. Ўзбекистонда маънавий рухий тикланиш. Т., «Янги аср авлоди», 2003.
14. Фалсафа қомусий луғат. Т., «Шарқ», 2004. 135, 164, 477, 479-бетлар.
15. Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров). -Т., «Ўзбекистон», 2005.
16. Шахс ва жамият. Қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 2005.


## Кушимча адабиётлар:


1. Основы философии. Т. Мехнат 2004 й. 7-17 бетлар.
2. www.bilim.uz.
3. www.philosophy.ru.
4. www.filosofiya.ru.

5. www.philosophy.nsc.ru.
6. http//philosophy.albertina.ru.
7. www.history.ru.
8. www.philosophy.com.
9. www.gov.uz - Хукумат сайти
10. www.press-service.uz - Президент сайти
11. www.edu.uz - Вазирлик сайти (руйхатдан утиш)
12. www.ziyo.edu.uz - Вазирлик сайти
13. www.performance.edu.uz - Вазирлик сайти
14. www.tseu.fan.uz - ТДИУ сайти
15. www.tseu.uz - ТДИУ сайти
16. www.teuphil.narod.ru - Фалсафа кафедраси сайти

**Мавзуда кулланиладиган педагогик технология куйидагича:**

1. Очик мунозара услуби.
2. Реферат тахлили.

**Мавзуда кулланиладиган ахборот технология куйидагича:**

1. Слайдлар намойиши.
2. Интернетдан олинган маълумотлар.

Ушбу маъруза матни К.Назаров рахбарлигида яратилган маърузалар матни, Фалсафа комусий лугат, Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий карашларининг тахлили асосида тузилган.

# БЕШИНЧИ БЎЛИМ

## Гносеология: билиш фалсафаси

## 8-МАВЗУ. ОНГ ВА РУҲИЯТ. БИЛИШ ФАЛСАФАСИ

***РЕЖА:***

1. Фалсафада онг ва рухият муаммоси.
2. Онг ва инъикос. Ижтимоий онг шакллари.
3. Билиш - гносеологиянинг асосий категорияси. Билиш босқичлари.
4. Ҳақиқат тушунчаси ва унинг шакллари.

**Онг нима?** инсон азал-азалдан ўзигагина хос бўлган онгнинг нима эканлиги тўғрисида ўйлаб, баҳслашиб келади. Бу баҳсларнинг бир жиҳати, онг табиат маҳсулими ёки инсон онги илоҳий яратилганмиғ деган масаладан иборат. Иккинчи жиҳати эса, инсон дунёни доимо бир хил англаганмиғ Яъни асрлар давомида инсон онги такомиллашиб келганми ёки ҳамон ўша-ўшамиғ деган муаммо билан боғлиқ.

«Ўзингни билсанг, оламни биласан», - деган эди Суқрот. Афоризмга айланиб кетган бу фикр ортида олам каби инсон ҳам сиру синоатларга бой, у ўзини билиш орқали олам моҳиятини англашга йўл очиши мумкин, деган ғоя ётибди. Шу маънода, инсон ўзини ташқи оламдан ажратиб, алоҳида бир мўъжиза ва тадқиқот мавзуи сифатида ўрганишга ҳаракат қила бошлаган пайтдан буён уни ўйлантириб келаётган муаммолардан бири онгнинг моҳияти, унинг келиб чиқиши масаласидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, онгнинг табиатини англаш масаласи - энг қадимий фалсафий масалалардан бири, дейиш мумкин. Гарчанд онг ва унинг турли хусусиятлари инсонга хос ҳодиса сифатида психология, адабиёт, социология каби фанларнинг тадқиқот мавзуи доирасига кирган бўлса-да, онгнинг моҳияти, унинг турли кўринишлари ўртасидаги муносабат каби масалаларни ўрганиш билан айнан фалсафа шуғулланади.

Онгнинг моҳияти масаласи энг қадимий муаммолардан бири экан, уни англаш жараёнида турли хил жавоблар бўлганлиги табиий. Бу саволга энг қадимий жавоб диний ва мифологик қарашлар доирасида берилган.

**Онгни диний тушуниш** уни илоҳий ҳодиса, худо яратган мўъжиза тарзида талқин қилишга асосланади. Кўпгина динларда инсон онги буюк илоҳий ақлнинг миттигина акс этиши, унинг намоён бўлиш шакли тарзида тавсифланади. Инсон танасидаги руҳ бизнинг истак ва фикрларимизнинг ташувчисидир. Жон ўлиши билан онг ҳам ўлади. Бундай қарашларнинг илдизи жуда қадимий бўлса-да, улар ҳамон ўзининг кўплаб тарафдорларига эга. Зеро, у олам ва одамнинг яратилганлиги масаласи билан бевосита боғлиқдир. Кимда-ким олам ва одам яратилганлигини тан олар экан, онг ҳам яратганнинг қудрати эканлигини тан олиши табиий.

**Онг моддийликнинг мияда акс этиши** деб тушунишда, унинг моҳияти инсон танаси фаолияти билан боғлаб талқин этилади. Бундай қарашлар ҳам қадимий илдизларга эга. XVIII асрга келиб онгни бевосита инсон мияси фаолияти билан боғлашга ҳаракат қилган қарашлар ҳам шаклланди. Айни пайтда материалистик йўналиш номини олган бундай ёндашувлар доирасида онгнинг моҳиятини бузиб талқин қилиш ҳоллари ҳам пайдо бўлган. Фалсафа тарихида «**Вульгар материализм»** деб ном олган оқим намояндаларининг қарашлари бунга мисол бўла олади. Уларнинг фикрича, худди жигар сафро ишлаб чиқаргани каби, мия ҳам онгни ишлаб чиқаради. Бундай ёндашув натижасида онг идеал эмас, балки моддий

ҳодиса, деган хулоса чиқади. Ваҳоланки, сафрони кўриш мумкин, аммо онгни кўриб ҳам, ушлаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайди.

Хўш, онг тарихан қачон ва қандай омиллар таъсирида шаклланганғ У ҳақиқатан ҳам мия билан боғлиқмиғ

**Онг тарихи** инсоннинг инсон бўлиб шакллллана бошлаши тарихи билан боғлиқдир. Узоқ вақт давомида инсон, унинг онги планетар, яъни Ер шари доирасидаги ҳодиса сифатида қараб келинди. Ҳозирги замон фани масалага кенгроқ доирада ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки фан далиллари инсон пайдо бўлишини фақат Ерда кечган жараёнлар билан чеклаб қўйиш тўғри эмаслигини, у коинот эволюциясининг табиий ҳосиласи эканлигини тобора чуқуррoқ исботламоқда.

Инсон биологик ва ижтимоий ҳаракатнинг ташувчиси экан, ҳаракат шакллари ўртасидаги узвий алоқадорликни, унинг юқори шакллари қуйи шаклларига боғлиқлигини, таянишини, улардан ўсиб чиқишини унутмаслик лозим. Бошқача айтанда, улар ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд.

Онг тарихи Қуёш системаси ва унда миллионлаб йиллар давомида содир бўлган ўзгаришлардан ҳам айрича олиб қаралиши мумкин эмас. Айнан мана шу жиҳатдан олганда, онгнинг шаклланишини космик ҳодиса сифатида қараш ҳам мумкин.

**Инъикос шакллари эволюцияси ва онг.** Онг инъикоснинг олий шаклидир. Хўш, инъикос деганда нима тушунилади. Инъикос муайян таъсир натижасида пайдо бўлади. Бунинг учун эса, ҳеч бўлмаганда, иккита объект бўлиши ва улар ўртасида ўзаро таъсир бўлиши лозим. Энг умумий маънода, ҳар қандай предметларнинг у билан таъсирлашувда бўлган бошқа предметларнинг таъсирини муайян тарзда акс эттириши билан боғлиқ хоссасига инъикос дейилади.

Шу маънода инъикос ҳамма жойда мавжуд. Айни пайтда ҳар бир ҳолатда у ўзига хос хусусиятга эгадир. Чунончи, нотирик табиатдаги инъикос билан тирик табиатдаги инъикос бир-биридан тубдан фарқ қилади. Нотирик табиатда инъикос оддийлиги билан ажралиб турса, тирик табиатда у мураккаб характер касб этади.

Шу билан бирга, нотирик табиатда инъикос пассивлиги, тирик табиатда эса, фаоллиги билан ажралиб туради. Тирик табиатда инъикос ташқи таъсир натижаларидан фаол фойдаланишни келтириб чиқарувчи ахборотли инъикос шаклини олади.

Айни пайтда ахборотли инъикоснинг ўзи тирик табиатнинг ҳар бир даражасида янада мураккаблашиб, ўзига хослик касб этади. Мана шундай мураккаблашув жараёни психик инъикоснинг шаклланишига замин яратди. Айнан психик инъикос даражасида воқеликка актив муносабат ҳам шаклланади, инъикоснинг илгарилаб боришидан эса, ўз навбатида, унинг ўзига хос, юқори шакли бўлган онгнинг пайдо бўлишига имконият яратди.

**Онг ва мия.** Инсон мияси нозик, мураккаб тузилишга эга бўлган тизимдир. Айнан унинг мураккаблиги онг пайдо бўлиши мумкинлигининг асосий шартидир. Бундай ҳолат ҳам узоқ давом этган эволюциянинг табиий ҳосиласидир.

Аммо юксак даражада ташкил топган миянинг ўзи ҳам ҳали онг пайдо бўлиши учун етарли эмаслигини унутмаслик лозим. Бу мия нормал функционал фаолият кўрсатиши зарур. Ва ниҳоят, нормал функционал фаолият кўрсатувчи мия соҳиби ижтимоий муносабатларга тортилган бўлиши шарт.

Шу ўринда вульгар материалистлар қарашларига яна бир марта мурожаат қилиш лозим. Агар улар ҳақ бўлганида эди, ҳайвонот оламига тушиб қолган инсон болаларида ҳам онг шаклланган бўлиши керак эди. Улар ҳайвонлар орасида бўлганида ҳам жигар сафро ишлаб чиқараверади. Аммо, мия онгни ишлаб

чиқармайди. Бундан онгнинг ижтимоий-руҳий ҳодиса эканлиги ва у фақат жамиятдагина шаклланиши мумкинлиги ҳақидаги хулоса келиб чиқади.

**Онг ва руҳият** (психика). Онг психик инъикоснинг ўзига хос, юксак шаклидир. Аммо, бу психика ва онг тушунчаларини айнанлаштириш учун асос бўла олмайди. Негаки, психика ҳайвонларга ҳам хосдир. Гап инсон психикаси ҳақида кетганда ҳам, у онг тушунчасига нисбатан кенг қамровлилик касб этишини унутмаслик лозим. З. Фрейд фикрича, психика онгсизлик, онг ости ҳодисаларини ва онгнинг ўзидан иборат уч қатламдан ташкил топган. Инсон ҳаёти ва фаолиятида онг билан бир қаторда онгсизлик ва онг ости ҳодисалари ҳам муҳим аҳмиятга эга.

Психологлар фикрича, инсон фарзандининг камол топа бориши билан бир қаторда кўплаб функциялар онг назорати остидан чиқиб автоматик характер касб этиши билан характерланади. Айтайлик, биринчи марта машинага ўтирганимизда, биринчи марта сурат олаётганмизда деярли барча ҳаракатларимиз онгнинг қаттиқ назорати остида бўлади. Вақт ўтиши билан эса кўпгина ҳаракатларни онгсиз тарзда, англамаган ҳолда бажара бошлаймиз. Бундай ҳолат инсон фаолиятининг хилма-хил соҳалари, йўналишларида, уларга онгнинг фаол тарзда аралашишини, яъни қайта фаолиятни ўз назоратига олиши мумкинлигини инкор этмайди. Хатти-ҳаракатларнинг онгсизлик соҳасига кўчиши бир томондан онг «юки» нинг енгиллашига хизмат қилса, бошқа томондан, онгнинг асосий кучи, қуввати, «диққати»ни, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган ҳаракат, жараёнларга қаратилишига имконият яратади.

Онгсизлик доирасига онг назоратидан ташқарида қолган сезги, тасаввур, инстинкт ва интуиция каби ҳодисалар ҳам киради. Ана шу хусусиятларни инобатга оладиган бўлсак, онгсизлик онг мавжудлиги ва ривожланишининг табиий шарти дейиш мумкин. Онг ости ҳодисалари ҳам психик жараёнларнинг муҳим бўғинидир. З. Фрейд фикрича, улар онгсизлик билан онг ўртасидаги чегаравий соҳадир.

«Гап тагида- гап бор, коса тагида- ним коса» нақлида онг остига хос бўлган хусусиятлар ифодаланган, дейиш мумкин. Негаки, ҳар қандай фаолиятимизда айни вақтда биз учун аҳамияти бўлмаган ҳолатлар бўлади. Аммо, бу улар кузатишдан, назоратдан четда қолади, дегани эмас. Биз учун аҳамиятли характер касб этганда, улар онг остидан онг сферасига кўчиши мумкин. Масалан, бирор жойга бораётганда, асосан, мақсадга томон ҳаракат қилинади, аммо йўлда учраган бошқа нарса ва ҳодисалар ҳам кузатилади, эсда қолади. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, онг ости инсон онгли фаолиятининг ўзига хос кузатувчиси, зарур бўлган ҳолларда цензори сифатида чиқишдек сифатларга эга, дейиш мумкин.

**Онгнинг тузилиши.** Онг ўзаро алоқада бўлган турли унсур (элемент) лардан ташкил топган мураккаб маънавий тузилишга эга.

Онг инъикоснинг ўзига хос шакли экан, аввало, унда акс эттириладиган объект ҳақидаги муайян билимлар ҳиссий ва рационал шаклда ўз ифодасини топади. Демак, билим онг тузилишининг асосий унсуридир. Шунинг учун ҳам билимларнинг бойиб, чуқурлашиб бориши онг ривожланишини характерлайдиган муҳим белги сифатида юзага чиқади.

Онг тузилишининг яна бир унсури хилма-хил кўринишларда намоён бўладиган кечинмалардир. Уларда инъикос объектига муносабат гавдаланади. Билимларимизнинг чуқурлиги ва кўламлилиги, ҳиссиётларимизнинг намоён бўлиши ёки бўлмаслиги интилишимиз — иродамизга боғлиқ. Ирода кучи оламни англаш жараёнида юзага келадиган ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга, кўзланган мақсад йўлида тинмай ҳаракат қилишга йўл очади.

Ирода табиатнинг инъоми эмас экан, уни тарбиялаш, камол топтириш шахс ҳаётида, унинг жамиятдаги ўз ўрнини топишида муҳим аҳамиятга эга. Зеро,

иродасизлик энг улуғ ният ва мақсадларни барбод қилибгина қолмай, инсоннинг тўғри йўлдан тойиб кетишига ва турли салбий оқибатларнинг келиб чиқишига олиб келиши ҳам мумкин.

**Онг ва тил.** Тил онгнинг инсонгагина хослигини исботловчи омиллардан биридир. Хўш, тил деганда ўзи нима тушуниладиғ Тил, бу энг аввало, муайян белгилар тизими демакдир. Аммо, тилнинг хусусиятларини шу билангина чеклаш тўғри эмас. Негаки, муайян белгилар тизими ҳайвонларга ҳам хос, улар ёрдамида жонзодлар ўртасида муайян ахборот алмашинуви содир бўлади.

Айтайлик, кабутарларининг «муҳаббат» рақси, жонзодларнинг хавф-хатар пайдо бўлганда турли товуш — белгилар ёрдамида бир-бирини огоҳлантириши, айрим ҳайвонларнинг ўзи яшайдиган ҳудудни турли йўллар билан «чегаралаб» чиқиши ана шундай белгилар тизимининг ўзига хос кўринишларидир. Лекин, жиддий эътибор бериладиган бўлса, бу белги — сигналлар тизими узоқ давом этган эволюция давомида ҳосил қилинган рефлекслар эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Хатти-ҳаракат ёки бошқа белгилар ёрдамида узатилаётган ахборотнинг мазмуни муайян вазиятдаги ҳолат билан белгиланган бўлади. Бундан фарқли ўлароқ инсон нутқи, тили конкрет вазият, макон ва замондан холи бўлиши, унга боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бошқача айтганда, у ўзида ўтмишни, ҳозирги ҳолатни ва истиқболни ҳам ифодалаши мумкин. Бу инсон тилининг белгилар тизими сифатида ҳайвонот дунёсида амал қиладиган белгилардан туб фарқини кўрсатувчи муҳим хусусиятидир.

Тил қайд қилинганидек, белгилар тизимидир. Фан юксак тараққий қилган ҳайвонларда ахборот узатишга хизмат қиладиган мураккаб белгилар тизими мавжуд эканлиги ва у ҳайвонот олами эволюцияси билан бир пайтда такомиллашиб борганлигини исботламоқда. Демак, тил йўқ жойдан, бирданига пайдо бўлиб қолмаган. Онг инъикос шаклларнинг узоқ давом этган эвалюциясининг табиий ҳосиласи бўлганидек, у билан узвий боғлиқ бўлган инсон нутқи ҳам ахборот узатишга хизмат қиладиган белгиларнинг мураккаблашиб бориши жараёнининг зарурий натижасидир.

Демак, тил белгилар тизими сифатида келиб чиқишидан қатъий назар фақат инсонгагина хос ва у онг билан узвий боғлиқдир. Негаки, тилда онг гавдаланади. Тил ёрдамидагина онг кишининг ўзи ва бошқалар учун воқеликка айланади. Тилда ифодаланаётган маъно — мазмуннинг англаниши инсоннинг умумий билим даражаси, қизиқиши, қобилияти, конкрет шароитдаги кайфияти каби омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Тил фикрлаш қуроли, мулоқот воситаси сифатида доимий такомиллашув жараёнини бошидан кечирмоқда. Айни пайтда инсоният биз кундалик ҳаётда қўллайдиган табиий тил билан бир қаторда мулоқотнинг ранг — баранглигини таъминлайдиган, фикрни ифодалашга хизмат қиладиган ўзига хос имо-ишоралар ракс, мусиқа «тилига» ҳам эга. Шундай бўлса-да, улар сўзга кўчгандагина англашилади, ундаги мазмун тушунарли бўлади.

Шу билан бирга миллий тиллар билан бир қаторда илм- фан ютуқларининг тез тарқалишида муҳим роль ўйнайдиган интернационал тил-фан тили, унинг тушунчалари ва формулалари ҳам борлигини унутмаслик керак. XX асрда қўлланиш доираси тобора кенгайиб бораётган электрон ҳисоблаш машиналарининг «бейсик», «фортан» каби тиллари яратилди. Комьпютерларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли тез ўсиб бораётган ҳозирги даврда бу «тил»лар ахборотларнинг узатилиши ҳамда қабул қилинишида катта аҳамият касб этмоқда ва вақт бу жараёнларнинг янада тезлашаётганлигини кўрсатмоқда

Онг ва тил муносабати ҳақида гап кетар экан, тил ўзига хос тарихий хотира ролини ўташини ҳам унутмаслик керак. Бу миллий тиллар мисолида айниқса, яққол

кўринади. Зеро, миллат тилида унинг ўзлиги, босиб ўтган тарихий йўли, тафаккур тарзи акс этади, мустаҳкамланади. «Она тили, — деб ёзади Президентимиз, бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар»[1].

Шундай экан, мустақиллик шароитида миллий тилимиз ривожига алоҳида эътибор берилаётганлиги миллий ўзлигимизни англашимизнинг ўтиш жараёнида миллий истиқболимизни белгилашнинг узвий қисми сифатида қаралмоғи лозим.

**Ўз-ўзини англаш, унинг шакллари.** Инсон объектив воқеликни акс эттириш билан бир қаторда ўзи ҳақида фикр юритиш, руҳида кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш, хатти-ҳаракатларини назарий таҳлил қилишдек қобилиятга ҳам эга.

Ўзини ўзгалардан ажрата билиш, ўзига муносабат, имкониятларини баҳолаш ўз-ўзини англаш сифатида намоён бўлади. Ўз-ўзини англашда ўзини билиш, баҳолаш ва тартибга солишдек унсурларни ажратиш мумкин. Бу унсурлар ўз-ўзини англашнинг соҳибига — субектига кўра фарқланувчи муайян шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятга хосдир.

Шахснинг ўз-ўзини англаши ҳақида гап кетар экан, у ўзини алоҳида организм, оила, ижтимоий гуруҳ, миллат, маданиятга мансублигини ва юқоридаги хусусиятларидан қатъи назар алоҳида ва бетакрор «Мен» сифатида англашдек босқичларни босиб ўтишини таъкидлаш зарур.

Инсоннинг камол топиш жараёни, ўз-ўзини англашнинг ривожланиши ўзига хос характер касб этади. Масалан, дастлабки даврда болада аввало, бошқалар томонидан берилган тасаввур ва баҳолар устунлик қилади. Боланинг тафаккури ўсиши билан, у оламни мустақил англай бошлайди ва ўзининг имкониятларини ўзи баҳолашга ўрганиб боради. Айнан мана шу даврда тўғри йўлга қўйилган тарбия муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки, айнан мана шу тарбия таъсирида болада ўз имкониятларини тўғри баҳолаш ҳам ёки унга ортиқча баҳо бериб юбориш ҳолати ҳам шаклланиб қолиши мумкин.

Шахснинг ўз-ўзини англаш жараёнида у мансуб бўлган маданиятнинг ўрни ниҳоятда катта. Зеро, айнан маданият халқ, миллат тўплаган тажриба, билимларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда шахс дунёқараши шаклланишига фаол таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам шахс маданияти, хулқу одоби, онги, ўз-ўзини англашининг даражасини белгиловчи индикатор сифатида намоён бўлади.

Шахснинг ўз-ўзини англаш жараёнига турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий омиллар ҳам кучли даражада таъсир кўрсатади. Ана шундай хилма-хил таъсирлар мавжудлиги шахснинг ўз-ўзини англаши, баҳолаши ва фаолиятини тартибга солиши, назорат қилишини таъминлайди. Акс ҳолда озгина иқтисодий қийинчилик, кичкинагина ижтимоий муаммо шахс ҳаётини издан чиқариб юбориши, турли хил таъсирлар домига тортиши мумкин. «Мана шундай бир вазиятда одам, - деб ёзади И.А. Каримов, - ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амри-маҳол»[2]. Буни тушуниб олиш бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш тобора кескинлашиб ва интенсивлашиб бораётган бир шароитда айниқса муҳимдир.

**Онг ва ахборот.** Кейинги йилларда «Информацион портлаш» тушунчаси ҳам тез-тез ишлатилмоқда. XX асрнинг энг муҳим ютуқларидан бири бу компьютерларнинг

---

[1] Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. - Фидокор, 2000 йил 8 июн.

[2] Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга ҳизмат этсин. - Т: Ўзбекистон, 1998. 6-бет.

яратилганлигидир. Уларнинг яратилиши бир томондан инсон онги, тафаккури, куч - қудратининг, иккинчи томондан, ана шу кучга тушадиган юкнинг енгиллашишига хизмат қиладиган воситани яратиш йўлидаги уринишларнинг натижаси бўлди. Асримизнинг ўртасида пайдо бўлган бу восита шиддатли ривожланиш йўлини босиб ўтди. Дастлаб секундига минглаб операциялар бажара оладиган компьютерлар бўлган бўлса, уларнинг бугунги авлоди 10 миллионлаб мураккаб операцияларни қойилмақом қилиб уддалайди.

Хўш, буларнинг инсон онги ва тафаккурининг моҳияти билан нима алоқаси борғ Гап шундаки, ЭҲМ лар ҳам инсон тафаккурига хос бўлган хусусиятларга эга. Бундай хусусиятларга, унинг тобора кўпроқ эга бўлиб бориши, ЭҲМ фикрлай оладими, агар инсон ўзига хос хусусиятларини уларга тобора кўпроқ кўчириб бораверса, охир оқибатда, бир вақт келиб, у ўзи яратган ана шу қуролнинг қулига айланиб қолмайдими, деган саволларнинг кун тартибига қўйилишига олиб келди. Айтайлик, компьютер албатта олдиндан программалаштирилган операцияларни, миллионлаб марта тез бажариши мумкин. Уларнинг «хотира» қудрати ниҳоятда юксак ва ҳ. к. Аммо булар ЭҲМларнинг фикрлашидан, уларнинг инсон устидан ҳукмронлик қилишидан далолат берадимиғ Албатта, йўқ. Компьютерлар қанчалик мураккаб операцияларни бажармасинлар, инсон томонидан программалаштирилган жараёнларнигина амалга оширадилар, ундан ташқарига чиқа олмайдилар. Инсоннинг фикрлаш жараёни онгсизлик, онглилик, кечинмалар, ижод каби ҳодисаларни қамраб олади. Компьютер эса бундай хусусиятларга эга эмас. Шундай экан, компьютерлар инсоннинг муайян йўналишлардаги ақлий фаолиятини енгиллаштиришга хизмат қилади ва ўзининг яратувчиси устидан ҳукмрон бўла олмайди.

Айрим тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳозирги даврда фан соҳасида эришилган натижалар ҳар ўн йилда, информация олиш эса ҳар 3-4 йилда икки баробарга ошмоқда. Ана шундай шароитда инсон онги, унинг хотира қудрати бу ахборотларни ўзлаштира оладими, деган савол кўндаланг бўлмоқда. Янги билимлар, ахборот оқими унчалик кучли бўлмаган яқин ўтмишда тиришқоқ киши инсоният билими эришган асосий натижаларни ўзлаштира олар эди. Бугунги кунда фақат фаннинг турли йўналишлари бўйича йилига бир неча миллион китоб нашр этилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, инсон энг янги адабиётларни ўрганиб боришга ҳаракат қилганда ҳам, унинг ҳар бир ўқиган бетига ўн минг ўқилмаган саҳифа тўғри келар экан.

Кишиларнинг пайдо бўлган янги китобларнинг аксариятини жисмонан ўқиб улгурмаганлиги «информацион портлаш» келтириб чиқараётган оқибатларнинг бир кўриниши, холос. Масаланинг яна бир жиҳати борки, бу инсон тўплаган билим, ахборотнинг маънавий эскириши, кераксиз бўлиб қолаётганлигидир. Бундай эскириш суръати тобора тезлашиб бормоқда. Масалан, олий — таълим соҳасида бу жараён олти — етти йил, компьютер технологияси соҳасида эса бир йил давомида содир бўлаётганлиги ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Бу агар сиз олий ўқув юртини битирганингизга етти йил бўлган бўлса, ўз вақтида олган билимларингизнинг аксарияти бугунги кун талабига жавоб бермаслигини билдиради. Ана шундай шароитда кишиларнинг ўз билимларини юқори даражада ушлаб туришлари улардан доимий диққат-эътиборни, ўз устида ишлашни талаб қилади. Акс ҳолда, таълим даргоҳини энг юқори натижалар билан битирган мутахассис ҳам тез орада чаласавод бўлиб қолиши мумкин.

Умумлаштириб айтганимизда, онгнинг моҳиятини, унинг коинот эволюциясининг табиий натижаси эканлигини тушуниш, у билан боғлиқ бўлган жараёнларни илмий талқин этиш олам ва одам бирлигини англаш имконини беради.

Айни пайтда, онгнинг моҳиятини англаш инсоннинг ўзлигини, яшашдан мақсади, ҳаётининг маъно-мазмуни каби масалаларни чуқурроқ тушунишга йўл очади. Бу онг ва у билан боғлиқ масалалар амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ҳар бир кишига хос индивидуал онг бўлиши исбот талаб қилмайдига ҳол. Шу билан бирга хилма-хил кишилар, турли-туман соҳалар, гуруҳ, партия, миллат каби ижтимоий бирликлардан иборат жамият учун ҳам умумий англаш мезонлари ва меъёрлари бормиғ Жамият ягона жисм эмас-ку, унда яхлит англаш усули ва умумий онг бўлиши тўғрисида гапириш қандай бўларкинғ деган саволлар ҳам учрайди. Бу саволларнинг тарихи узоқ.

Одамзод бир-бири билан алоқаларини тартибга солиб турадиган маънавий, ахлоқий мезонлар, умумий қараш ва интилишлар, манфаат ва мақсадлар ҳам борлигини англаганидаёқ, ижтимоий онг мавжудлигига ишонган.

Жамият мураккаб ва серқирра ҳодиса. Унинг хилма-хил соҳаларида содир бўлаётган ўзгаришлар кишилар онгида ўз аксини топмаслиги мумкин эмас. Ана шу жараённи ифодалаш учун, одатда, ижтимоий ва индивидуал онг тушунчаларини ишлатамиз. Хўш бу тушунчаларнинг фарқи нимада, улар қандай қонуниятлар асосида ривожланадиғ

**Ижтимоий онг** табиий ва ижтимоий воқеликнинг инъикоси, жамиятнинг муайян даврига ёки қисмига тегишли бўлган умумий ҳис-туйғулар, кайфиятлар, қарашлар, ғоялар, назариялар мажмуидир.

Ижтимоий онг туфайли жамиятнинг ўз-ўзини англаши содир бўлади, кечаётган жараёнларга муносабати шаклланади. Ижтимоий ўзгаришлар билан бир қаторда ижтимоий онг ҳам ўзгариб ривожланиб бораверади. Аммо бундан, асло, ижтимоий онгнинг тараққиёти фақат ижтимоий воқеликдаги ўзгаришларгагина боғлиқ экан-да, деган хулоса келиб чиқмайди. Зеро, ижтимоий онг ўз тараққиётида нисбий мустақиллик характерига ва ижтимоий воқеликка фаол акс таъсир эта олиш хусусиятига ҳам эгадир.

Ижтимоий онгнинг бундай хусусиятлари нималарда кўринадиғ

Аввало, ижтимоий онгга ворислик хос эканлигини таъкидлаш лозим. Бу ижтимоий онг шаклларининг ўз ривожланиш мантиқига, қонуниятларига эга эканлигида яққол намоён бўлади. Бундан ташқари, ижтимоий онг ривожида унинг турли шаклларининг ўзаро таъсири ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ижтимоий онг, ундаги ўзгаришлар воқеликка ҳамма вақт акс таъсир этиб келган. Билимлар кўлами, тарихий тажриба ҳар бир даврда айрича бўлганидек, бу таъсирнинг кучи ҳам турлича бўлган. Ижтимоий онгнинг моҳияти уни индивидуал онг билан солиштирганда янада яққол намоён бўлади.

**Индивидуал онг** муайян, гуруҳ, элат, миллатга мансуб бўлган айрим кишининг онги бўлиб, жамиятдаги воқелик ва реал борлиқнинг алоҳида олинган шахснинг онгида акс этишдир.

Ижтимоий ва индивидуал онгнинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни тушуниб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ва индивидуал онг ўртасидаги ўхшашлик бир томондан, ҳар иккаласининг ҳам ижтимоий воқеликни акс эттиришида кўринади. Бошқа томондан, ижтимоий онг воқеликни индивид онги орқали акс эттиради. Чунки, ижтимоий воқеликда юз берадиган ўзгаришлар аввало, алоҳида кишилар онгида ўз аксини топади ва ундан сўнггина ижтимоий онгда гавдаланади.

Ижтимоий онг билан индивидуал онг ўртасида фарқли томонлар ҳам мавжудки, улар қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, индивидуал онгнинг соҳиби, субъекти алоҳида олинган индивид бўлса, ижтимоий онгнинг субъекти жамиятдир.

Иккинчидан, уларнинг фарқи шаклланиш шарт-шароитларида кўринади. Зеро, ижтимоий онг ижтимоий воқеликнинг инъкоси бўлса, индивидуал онг тараққиётига ижтимоий онг билан бир қаторда шу шахсгагина хос бўлган темперамент, характер каби хусусиятлар, унинг моддий аҳволи, оилавий, диний, миллий-маданий мансублиги каби омиллар, ҳамда у бевосита тортилган ижтимоий муносабатларнинг характери ҳам муайян даражада таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, ижтимоий онгга кўламлилик, кенг қамровлилик, индивидуал онгга эса ўзига хослик, бетакрорлик хосдир.

Учинчидан, ижтимоий онг ижтимоий воқеликни акс эттирганлиги учун муайян қонуниятларга бўйсўнади, улар асосида ривожланади. Индивидуал онг эса, айрим индивиднинг туғилиши билан шаклланиб, тараққий қилиб бориб, унинг вафоти билан барҳам топади. Аммо бу индивид онгининг бутунлай барҳам топишини ҳамма вақт ҳам англатавермайди. Чунки индивид онги у яратган асарлар, кашфиётлар шаклини олиб, кейинги авлодлар томонидан мерос сифатида қабул қилиб олиниши мумкин. Масалан, Гиппократ ва ибн Сино таълимотлари, Афлотун ва Берунийнинг ғоялари, Навоий ва Гандининг гуманизми кишилар учун ҳамон катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Тўртинчидан, индивидуал онг айрим соҳаларда ижтимоий онгдан ўзиб кетиши ёки орқада қолиши мумкин. Фан тарихида кескин бурилишлар ясаган олимларнинг, жамият тараққиётининг истиқболларини олдиндан айтиб берган мутафаккирларнинг қарашлари индивидуал онг баъзан ижтимоий онгдан нечоғлик илгарилаб кетиши мумкинлигига ёрқин мисол бўла олади.

**Ижтимоий онгнинг структураси** ижтимоий муносабатлар ва кишилар фаолиятининг турлари билан белгиланади. Одамлар фаолияти қанчалик хилма-хил, уларнинг ижтимоий муносабатлари қанчалик бой бўлса, ижтимоий онг ҳам шунчалик бой ва мураккаб бўлади. Воқеликни акс эттириш даражасига кўра, ижтимоий онг одатий ва назарий онгга бўлинади.

**Одатий онг** ҳаётий тажриба асосида вужудга келган оддий хулосалар, қарашлар мажмуидан иборат бўлиб, кишиларнинг кундалик ҳаётидаги воқеаларни акс эттиради ва ривожланади. Унинг соҳиблари - субъектлари алоҳида олинган шахсларнинг ҳаётий тажрибаси, қизиқишлари, қобилиятлари, билимлари, ҳаётда эгалланган мавқелари ҳеч қачон бир хил бўлмайди.

Одатий онгда назарий билимларга далил ва асос бўлиб хизмат қиладиган элементлар бўлади. Олимлар, санъаткорлар турли назариялар, бадиий образлар яратишда ҳаётий-кундалик онгга асосланадилар, ундан маънавий озиқ оладилар.

Одатий онгда халқ донишмандлиги, анъана ва урф-одатлар, кундалик турмуш қоида ва талаблари, табиат ҳақидаги билимлар, шунингдек турли уйдирмалар, нотўғри қарашлар ҳам ўз ифодасини топади. Кўп асрлик ҳаётий тажрибани ихчам шаклда ўзида мужассамлаштирган халқ мақоллари бунга мисол бўла олади. Одатий онг соф ҳолда учрамайди. Чунки, инсон фарзанди мурғаклик давриданоқ ўз атрофидагилар, сўнгра китоблар, таълим тизими ёрдамида инсон заковати эришган илмий билимларни ҳам ўзлаштиришга киришади. Бошқача айтганда, содир бўлаётган воқеаларга нафақат ўз тажрибаси, балки илмий билимлар нуқтаи назаридан ҳам баҳо бера бошлайди, назарий онг таъсирида бўлади.

Хўш, назарий онг деганда нимани тушуниш керакғ

**Назарий онг** деганда назариётчилар, олимлар ишлаб чиққан назарий қарашлар ва илмий билимлар тизими тушунилади. Одатий онгдан фарқли ўлароқ

назарий онг ўзгарувчан характерга эга. Бу ўзгарувчанлик илмий билимларнинг шиддатли ривожланиши, воқелик ҳақидаги билимларнинг доимий чуқурлашиб ва кенгайиб бориши билан белгиланади. Шунингдек, одатий онгга воқеаларнинг ташқи томонини ифодалаш хос бўлса, назарий онг воқеаларнинг моҳиятини, ривожланиш қонуниятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам у одатий онгга фаол таъсир қила олади ва кундалик тажриба асосида ҳосил қилинган билимларни саралашга ёрдам беради.

**Ижтимоий психология** социал муҳит, кундалик турмуш шароитлари таъсири остида вужудга келади ва ривожланади. Уни субектига кўра муайян ижтимоий гуруҳ, элат, миллат психологияси каби турларга бўлиш мумкин.

Миллатларнинг этносоциал бирлик сифатида шаклланишида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар устувор аҳамиятга эга. Тарихга назар ташлар эканмиз, айрим ҳудудда яшаган аҳолининг доимий алоқада бўлиши, ўзаро таъсири, муносабати натижасида тилда, маданиятда умумийликнинг шаклланишга таъсир қилганлигини кўрамиз. Бундай шароитда психологияда ҳам ўхшаш томонлар юзага кела борганлиги табиий, албатта.

Алоҳида олинган бир миллатга хос бўлган психологик жиҳатларни ушбу миллат босиб ўтган тарихий йўлдан, халқаро иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлардан қидириш зарур. Ижтимоий воқеликнинг ўзгариши билан миллий психологияга хос бўлган хусусиятлар ҳам ўзгариб боради. Аммо бу ўзгаришлар нисбатан секин кечганлиги туфайли, у ҳамма вақт ҳам тезда кўзга ташланавермайди.

Миллий психологияга хос жиҳатларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда инобатга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу амалга оширилаётган сиёсатнинг халқ кўнглидан чуқур жой олишини ҳамда ушбу ўзгаришларнинг муваффақиятини таъминлайди.

**Билиш ва билим.** Билишнинг моҳияти, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, хусусиятларини ўрганиш фалсафа тарихида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Инсон ўз билими туфайли борлиқ, табиат, жамиятни ва ниҳоят, ўз-ўзини ўзгартиради. Билишга қаратилган инсон фаолиятини ва уни амалга оширишнинг энг самарали усулларини тадқиқ этиш фалсафа тарихида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам фалсафанинг билиш масалалари ва муаммолари билан шуғулланувчи махсус соҳаси — гносеология вужудга келди.

Инсон билиши ниҳоятда кўп қиррали, муракккаб ва зиддиятли жараёндир. **Гносеология** асосан, билишнинг фалсафий муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланади. Ҳар бир тарихий давр жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, гносеология олдига янги вазифалар қўяди. Хусусан, XVII аср ўрталарида европалик файласуфлар илмий билишнинг аҳамияти, ҳақиқий илмий билишлар ҳосил қилишнинг усулларини ўрганиш, илмий ҳақиқат мезонини аниқлаш билан шуғулландилар. Тажрибага асосланган билимгина ҳақиқий билимдир, деган ғояни олға сурдилар.

XVIII аср мутафаккирлари илмий билишда инсон ақли имкониятларига, рационал билишнинг ҳиссий билишга нисбатан устунлигига алоҳида урғу бердилар. Буюк немис файласуфи И.Кант билиш натижаларининг ҳақиқийлиги хусусида эмас, балки инсоннинг билиш қобилиятлари ҳақида баҳс юритди. Гносеология олдида инсон оламни била оладими, деган масала кескин қўйилди. Инсоннинг билиш имкониятларига шубҳа билан қарайдиган файласуфлар агностиклар деб аталдилар.

**Билиш нима?** Билиш инсоннинг табиат, жамият ва ўзи тўғрисида билимлар ҳосил қилишга қаратилган ақлий, маънавий фаолият туридир. Инсон ўзини қуршаб

турган атроф-муҳит тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон-бир тури билан муваффақиятли шуғуллана олмайди. Билишнинг маҳсули, натижаси илм бўлиб, ҳар қандай касб-корни эгаллаш фақат илм орқали рўй беради. Шунингдек, билиш инсонгагина хос бўлган маънавий эҳтиёж, ҳаётий заруриятдир.

Инсоният кўп асрлар давомида орттирган билимларини умумлаштириб ва кейинги авлодларга бериб келганлиги туфайли ҳам ўзи учун қатор қулайликларни яратган. Инсон фаолиятининг ҳар қандай тури муайян илмга таянади ва фаолият жараёнида янги билимлар ҳосил қилинади.

Кундалик фаолият жараёнида тажрибалар орқали билимлар ҳосил қилиш бутун инсониятга хос бўлган билиш усулидир. Билимлар бевосита ҳаётий эҳтиёждан, фаровон ҳаёт кечириш зарուратидан вужудга келган ва ривожланган. Инсониятнинг анча кейинги тараққиёти давомида илмий фаолият билан бевосита шуғулланадиган ва илмий назариялар яратувчи алоҳида социал гуруҳ вужудга келди. Булар — илм-фан кишилари бўлиб, илмий назариялар яратиш билан шуғулланадилар.

Билишнинг икки шакли: **кундалик (эмпирик) билиш ва назарий (илмий) билиш** бир-биридан фарқланади.

Кундалик билиш усуллари ниҳоятда хилма-хил ва ўзига хос бўлиб, бундай билимларни системалаштириш ва умумлашган ҳолда кейинги авлодларга бериш анча мушкулдир. Ҳозирги замон ғарб социологиясида халқларнинг кундалик билим ҳосил қилиш усулларини ўрганувчи махсус соҳа — этнометодология фани вужудга келди. Гносеология асосан назарий билиш ва унинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланади. Назарий билишнинг объекти, субъекти ва предметини бир-биридан фарқлаш муҳим.

**Билиш объекти**. Тадқиқотчи-олим, файласуф, санъаткор ва бошқаларнинг, умуман инсоннинг билимлар ҳосил қилиш учун илмий фаолияти қаратилган нарса, ҳодиса, жараён, муносабатлар билиш объектлари ҳисобланади. Билиш объектлари моддий, маънавий, конкрет, мавҳум, табиий ва ижтимоий бўлиши мумкин. Билиш объектлари энг кичик зарралардан тортиб улкан галактикагача бўлган борлиқни қамраб олади. Билиш объектларига асосланиб, билим соҳалари табиий, ижтимоий-гуманитар ва техник фанларга ажратилади.

**Билиш субъекти.** Билиш билан шуғулланувчи кишилар ва бутун инсоният билиш субъекти ҳисобланади. Айрим олинган тадқиқотчи-олимлар, илмий жамоалар, илмий тадқиқот институтлари ҳам алоҳида билиш субъектларидир. Илмий фаолият табиат ва жамият моҳиятини билишгагина эмас, балки инсоннинг ўзига ҳам қаратилиши мумкин. Инсон ва бутун инсоният айни бир вақтда ҳам билиш объекти, ҳам билиш субъекти сифатида намоён бўлади.

**Билишнинг мақсади** илмий билимлар ҳосил қилишдангина иборат эмас, балки билиш жараёнида ҳосил қилинган билимлар воситасида инсоннинг баркамоллигига интилиш, табиат ва жамиятни инсонийлаштириш, табиий ва ижтимоий гармонияга эришишдир. Фан — фан учун эмас, балки инсон манфаатлари учун хизмат қилиши лозим. Инсон илмий билимлар воситасида маънавий баркамолликка эриша боргани сари илм-фан қадрият сифатида эъзозлана бошлайди. Фаннинг ҳар томонлама ривожланиши билан турли илм соҳаларининг ҳамкорлиги кучаяди, бутун илмий жамоалар билиш субъекти, янги илмий кашфиётлар ижодкорига айланадилар.

**Билиш предмети** субъектнинг билиш фаолияти қамраб олган билиш объектининг айрим соҳалари ва томонларидир. Фаннинг ўрганиш соҳаси тобора конкретлашиб боради. Табиатшунослик фанларини билиш предметига қараб ботаника, зоология, география, ихтиология ва бошқа соҳалари вужудга келгандир.

Тадқиқот предмети фанларни бир-биридан фарқлашга имкон берадиган муҳим белгидир.

**Билиш даражалари**ни шартли равишда: қуйи, юқори ва олий даражага ажратиш мумкин. Билишнинг қуйи даражаси барча тирик мавжудотларга хос бўлиб, **ҳиссий билиш** дейилади. Ҳиссий билиш сезгилар воситасида билишдир.

Инсоннинг сезги аъзолари (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, тери сезгиси) бошқа мавжудотларда бўлгани сингари унинг нарсаларга хос хусусият, белгиларини фарқлаш, табиий муҳитга мослашиш ва ҳимояланиши учун ёрдам беради. Билишнинг қуйи босқичида сезги, идрок, тасаввур, диққат, хаёл ташқи олам тўғрисида муайян билимлар ҳосил қилишга ёрдам беради.

Билишнинг юқори босқичи фақат инсонларгагина хос бўлиб, **ақлий билиш** (рационал билиш) дейилади. Агар инсон ўз сезгилари ёрдамида нарса ва ҳодисаларнинг фақат ташқи хосса ва хусусиятларини билса, тафаккур воситасида нарса ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини билиб олади. Моҳият ҳамиша яширииндир, у доимо ҳодиса сифатида намоён бўлади. Ҳар бир ҳодисада моҳиятнинг фақат бир томонигина намоён бўлади. Шу боисдан ҳам ҳодиса алдамчи ва чалғитувчидир. Бинобарин, инсон сезгиларининг бирон бир нарса ёки ҳодиса тўғрисида берган маълумотлари ҳеч қачон унинг бутун моҳиятини очиб бера олмайди.

**Тушунча.** Ақлий билиш ёки тафаккур воситасида билиш ҳиссий билишни инкор этмайди, балки сезгилар воситасида олинган билимларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, синтезлаш, мавҳумлаштириш орқали янги ҳосил қилинган билимлардан тушунчалар яратилади.

Тушунчада инсоннинг ҳиссий билиш жараёнида орттирган барча билимлари мужассам-лашади. Тушунча ақлий фаолият маҳсули сифатида вужудга келади. Нарса ва ҳодисалар моҳиятига чуқурроқ кириб боришда тушунча муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ақлий билиш ҳиссий билишга нисбатан анча мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Ақлий билишда нарса ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини билиш учун улардан фикран узоқлашиш талаб этилади. Масалан, инсоннинг моҳияти унинг сезги аъзоларимиз қайд этадиган келишган қадди-қомати, чиройли қошу кўзи, ижодкор қўли, оёқлари билан белгиланмайди. Инсоннинг моҳияти аввало, унинг ақл ва тафаккурга, яратиш қудратига, меҳр-шафқат ҳиссига, меҳнат қилиш, сўзлаш қобилиятига эга эканлигида намоён бўлади.

Инсон тушунчаси ўзида инсониятнинг кўп асрлар давомида орттирган билимларининг маҳсули сифатида шаклланди.

Ҳар бир фан ўзига хос тушунчалар аппаратини яратади ва улар воситасида моҳиятни билишга интилади. И. Кантнинг фикрича, нарсаларнинг моҳияти сўз ва тушунчаларда мужассамлашади. Яъни биз сўз ва тушунчаларни ўзлаштириш жараёнида бирон бир билимга эга бўламиз. Ҳар бир инсон дунёга келар экан, тайёр нарсалар, муносабатлар билан бир қаторда тайёр билимлар оламига ҳам кириб боради.

**Ҳукм.** Ақлий билиш нарса ва ҳодисаларга хос бўлган белги ва хусусиятларни тасдиқлаш ёки инкор этишни тақозо этади. Тафаккурга хос бўлган ана шу тасдиқлаш ёки инкор этиш қобилиятига ҳукм дейилади. Ҳукмлар тушунчалар воситасида шаклланади. Ҳукмлар янги билимлар ҳосил қилишга имконият яратади, улар воситасида нарса ва ҳодисалар моҳиятига чуқурроқ кириб борилади. Шундай қилиб, ҳукм нарса ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини ифодаловчи энг муҳим белги ва хусусиятлар мавжудлигини ё тасдиқлайди ёки инкор этади. Масалан, «инсон ақлли мавжудотдир», деган ҳукмда инсонга хос энг асосий белги - ақлнинг мавжудлиги тасдиқланаяпти. Бироқ инсон шундай мураккаб мавжудотдирки, унинг моҳияти

фақат ақлли мавжудот эканлиги билан чекланмайди. Чунки қирғинбарот урушлар, экологик инқирозлар ақлли мавжудот бўлган инсон томонидан амалга оширилди. «Инсон ахлоқли мавжудотдир». Инсон тўғрисидаги ҳозирги замон фанининг муҳим хулосаси ана шу.

**Хулоса** — ақлий билишнинг муҳим воситаларидан бири, янги билимлар ҳосил қилиш усулидир. Хулоса чиқариш индуктив ва дедуктив бўлиши, яъни айрим олинган нарсаларни билишдан умумий хулосалар чиқаришга ёки умумийликдан алоҳидаликка бориш орқали бўлиши ҳам мумкин.

Бинобарин, тушунча, ҳукм ва хулосалар чиқариш илмий билишнинг муҳим воситаларидир. Бундай билиш инсондан алоҳида қобилият, кучли иродани тарбиялашни, нарса ва ҳодисалардан фикран узоқлашишни, диққатни бир жойга тўплашни, ижодий хаёлни талаб этади.

Билишнинг олий даражаси **интуитив билиш, қалбан билиш, ғойибона билиш**дир. Ўзининг бутун борлиғини фан, дин, сиёсат ва санъат соҳасига бағишлаган буюк кишилар ана шундай билиш қобилиятига эга бўладилар. Интуитив билиш ҳиссий ва ақлий билишга таянади. Буюк шахсларнинг ғойибона билиши уларнинг доимий равишда фикрини банд этган, ечимини кутаётган умумбашарий муаммолар билан боғлиқдир.

Илмий билишнинг энг самарали усулларини аниқлаш гносеологияда муҳим ўрин эгаллаб келди. Ҳар бир фан ўзига хос билиш усулларидан фойдаланади.

Илмий билиш факт ва далилларга, уларни қайта ишлаш, умумлаштиришга асосланади. Илмий факт ва далиллар тўплашнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, уларни илмий билиш методлари дейилади.

Илмий билиш методларини ўрганадиган махсус соҳа — **методология** деб аталади. Илмий билиш методлари ўз характерига кўра: 1) энг умумий илмий методлар; 2) умумий илмий методлар; 3) хусусий илмий методларга бўлинади.

Энг умумий илмий билиш методлари барча фанлар учун хос бўлган методлардир. Бунга анализ ва синтез, умумлаштириш ва мавҳумлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш ва моделлаштириш кабиларни кўрсатиш мумкин. Масалан, табиатшунослик фанларида кузатиш, эксперимент, таққослаш умумилмий методлар бўлса, ижтимоий фанларда тарихийлик ва мантиқийлик умумилмий методлар ҳисобланади.

Хусусий илмий методлар ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Масалан, суҳбатлашиш, анкета сўрови, ҳужжатларни ўрганиш социология фанига хос бўлган хусусий илмий методлардир. Бир фанда яхши самара берадиган илмий билиш методи бошқа фанда шундай самара бермаслиги мумкин. Илмий билишда тўғри методни танлаш билишда муваффақият гарови ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, илмий тадқиқотда нимани ўрганиш керак, деган масала фан предметини аниқлашга имкон берса, қандай ўрганиш керак, деган масала эса илмий билиш методини тўғри белгилашга ёрдам беради.

Илмий билиш методлари ва илмий назария бир-бири билан узвий боғлиқдир. Илғор илмий назария фаннинг бутун тараққиёти давомида эришилган муҳим ютуқ бўлиб, у илгариги илмий қарашларни ижодий ривожлантириш, ўша ютуқларга танқидий нуқтаи назардан қараш орқали вужудга келади. Фан моҳиятан ўзи эришган ютуқларга шубҳа билан қарашни тақозо қилади.

Фан, фалсафа соҳасида эришилган ютуқларни мутлақлаштириш, уларга кўр-кўрона сиғиниш муқаррар равишда догматизмни келтириб чиқаради. Фан эришган ютуқлар ҳамиша нисбийдир. Лекин бундай нисбийликни мутлақлаштириш релятивизмни, фан ютуқларига ишончсизлик билан қараш эса, скептицизмни

вужудга келтиради. Фан тараққиёти учун догматизм, релятивизм ва скептицизм жиддий халақит беради.

Илғор илмий назариялар маълум бир даврда илмий ва фалсафий қарашлар йўналишини ўзгартириши, илмийликнинг ўзига хос мезони бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Чарльз Дарвиннинг эволюцион назарияси, А. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси фалсафий ва илмий дунёқарашларда муҳим ўзгаришларни вужудга келтирди.

Гносеологияда ҳақиқат тушунчаси муҳим ўрин тутади. **Ҳақиқат** инсон билимларининг воқеликка мувофиқ келишидир. Ҳақиқатни очиш ёки илмий ҳақиқатга эришиш ҳар қандай илмий билишнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳақиқат ўзининг мазмунига кўра мутлақ ва нисбий бўлиши мумкин. Фан ҳақиқати ҳамиша нисбий характерга эга бўлиб, уларнинг мажмуасидан мутлақ ҳақиқат вужудга келади.

Ҳақиқат ўз мазмунига кўра ҳамиша объективдир. Яъни унинг мавжудлиги айрим кишиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмасдир. Масалан, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги объектив ҳақиқатдир. Айрим кишиларнинг бу мустақилликни тан олиш ёки олмаслигидан қатъи назар, бу ҳақиқат ўз мазмунини сақлаб қолаверади. Ҳақиқатни атайин бузиш ёки сохталаштириш охир-оқибатда фош бўлади ва ўз қадрини йўқотади. Шунингдек, ҳақиқат ҳеч қачон мавҳум эмасдир. У ҳамиша конкретдир. Ҳегель сўзлари билан айтганда, нимаики воқе бўлса, у ҳақиқатдир, ҳақиқат — воқеликдир. Ҳақиқат мазмунининг конкрет характери жой, вақт ва шароитни эътиборга олишни талаб этади.

Гносеологияда табиий-илмий ва ижтимоий билишнинг ўзига хос хусусиятларини англаш муҳим аҳамиятга эгадир. Узоқ йиллар давомида табиатшунослик фанларига хос бўлган объективлик, холислик илмийликнинг муҳим мезони деб ҳисоблаб келинди. Бироқ XX аср ўрталарида фан-техника инқилоби инсоният олдида пайдо бўлган муаммолар табиатшунослик фанлари олдига қадриятли ёндашув вазифасини қўя бошлади. Ақлли мавжудот бўлган инсон ҳар қачон табиатни ўрганишда ҳамиша ўз манфаатларини кўзлайди. Табиат ресурслари чексиз ва битмас-туганмасдир, деган бир ёқлама қараш охир-оқибатда инсон томонидан табиатга нисбатан шафқатсиз муносабатни вужудга келтирди. XX аср охирларига келиб табиатга нисбатан инсонларча, қадриятли муносабатда бўлиш зарурияти чуқурроқ англана бошлади.

Ижтимоий фанлар ҳамиша мавжуд сиёсий тузум, даврнинг талаб ва эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ равишда ривожланади. Ижтимоий билишда жамият ҳам билиш объекти, ҳам билиш субъекти сифатида намоён бўлади: инсоният ўз тарихини яратувчи ва ўз-ўзини билувчидир.

Табиатшуносликда нисбатан барқарор системалар билиш объекти ҳисобланади. Табиатдаги нарса ва ҳодисалар тадқиқотчига ҳеч қандай қаршилик кўрсатмайдилар. Ижтимоий билишда эса, нисбатан тез ўзгарувчи системалар билиш объекти ҳисобланади. Ижтимоий билишга хос бўлган муҳим хусусият шундаки, у моддий ишлаб чиқариш соҳаларинигина эмас, балки жамиятнинг анча мураккаб маънавий ҳаётини, ижтимоий-сиёсий муносабатларни, қарашлар ва ғояларни ҳам ўрганади. Ижтимоий фанлар миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Гносеологиянинг мақсад ва вазифалари, билишнинг моҳияти ва мазмуни тўғрисида зарур билимларга эга бўлиш мамлакатимизда билимдон, ҳар жиҳатдан етук баркамол инсон шахсини шакллантиришда алоҳида ўрин тутади. Билиш назарияси бўлажак мутахассис-кадрларда муайян илмий лаёқат ва қобилиятларни шакллантиришга кўмаклашади. Миллий мустақиллик йилларида гносеология олдига қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири, илмий билимларнинг

жамиятимиз тараққиёти, тинчлиги ва фаровонлиги учун хизмат қилишини таъминлайдиган омил ва механизмларни ўрганиш, улуғ аждодларимизнинг илмий билимларни ривожлантириш борасида орттирган тажрибаларини кенг оммалаштиришдир.

## Таянч тушунчалар

**Гносеология** - юнонча gnosis - билим, илм; logos - таълимот, назария демакдир. Фалсафанинг таркибий кисми, билиш назарияси, билишнинг умумий конуниятлари, усуллари тугрисида бахс юритувчи фалсафанинг алохида сохаси.

**Онг** - юксак даражада ташкил топган материянинг яъни инсон миясининг махсули булиб, унинг хусусияти вокеликни акс эттиришдан иборатдир. Онг - акл, тафаккур, фалсафадаги марказий категориялардан бири.

**Онгсизлик** - онгнинг генетик жихатидан талкини. Онгсизлик бирламчилигини билдириб у узига хос хусусиятга эга эканлигини, инсон фаолияти ва хатти-харакатида муайян даражада рол уйнашини тан олишни такозо этади.

**Рух** - маънавий - рухий, номоддий ибтидони ифодаловчи фалсафий тушунча.

**Билиш** - инсоннинг ўзининг қуршаган дунёга бўлган муносабатларидан биридир.

**Хиссий билиш** - инсон билишининг дастлабки босқичи бўлиб, мияда предмет ва ходисаларнинг белгилари, сигналлари ва хиссий образларининг ҳосил бўлишидир.

**Мантиқий билиш** - инсон борлиқни ақлий билишидир.

**Ҳақиқат** - инсон билимларида борлиқнинг тўғри инъикос этиши, предмет ва ходисалар асли қандай бўлса уларни инсон ўз миясида ҳудди шундай инъикос эттирган билимларидир.

**Нисбий ҳақиқат** - борлиқдаги нарса ва ходисалар тўғрисидаги тахминан тўғри, лекин тўлиқ бўлмаган, билиш жараёнимизда тузатилиб, тўлдирилиб борилиши билимлардир.

**Мутлақ ҳақиқат** - борлиқдаги нарса ва ходисалар ҳақидаги тўлиқ аниқ мукаммал билимлардир.

**Кузатиш** - ҳаракат ўзгариш ва ривожланишдаги маълум объектни табиий шароитда у қандай бўлса, шу холиса диққат билан, белгиланган вақт ичида, маълум мақсад асосида кўздан кечириб боришдир.

**Эксперимент** - ўрганилаётган предмет ёки ходисани ўз холида, лекин сунъий яратилган шароитда кузатишдир.

**Анализ** - бир бутунни қисмларга, бўлакларга, томонларга ва элементларга ажратиб, уларнинг ҳар бири нима эканлигини билишдир.

**Синтез** - анализ туфайли ажратилган бўлаклар томонлар, қисмлар, элементларни ўзаро бириктириб, уларни бир бутун холига келтиришдир.

**Умумлаштириш** - тадқиқот олиб борилаётган бир қанча предмет ёки ходисаларга хос бўлган томонлари, хусусиятлари ва хоссаларини фикрда эътибордан соқт қилиб, тадқиқот учун зарур бўлган бирорта белги ёки хусусиятни мавҳум ҳолатга келтиришдир.

**Конкретлаштириш** - олдинги бутун белги ва хусусиятларни яна предмет ёки ходисалар билан боғлаб шу предмет ёки ходиса ҳақида аниқ бир фикр ҳосил қилишдир.

**Индукция** - тадқиқотчи ўз тафаккуридан текшираётган предмет ёки ҳодисалар тўғрисидаги бир қанча жузъий фактлардан, улар ҳақидаги айрим билимлардан умумийроқ билимни ҳосил қилади.

**Дедукция** - фикрда умумий билимларда жузъий, қисман билимларга келишдир.

**Тарихийлик** - ўрганилаётган предмет ёки ходисанинг пайдо бўлиш, ривожланиш ва емирилиш жараёнлари бирлигини унинг тарихий тараққиёт жараёнида бошқа воқеалар билан алоқадорлигини назарий билишга оид усулдир.

**Мантиқийлик** - тарихийликнинг тадқиқотчи фикридаги умумлаштирилган, абстрактлаштирилган, конкретлаштирилган, қисқарган, тасодифлардан тозаланган обстракт конкретлик шаклида ифодаланишидир.

**Формаллаштириш** - текширилаётган предмет ёки ходисаларнинг маълум конкрет томонлари, хосса ва хусусиятларининг мазмунини мавхумлаштириб, уни маълум абстракт ифода, формула ёки схемалар билан ифодалашдир.

**Моделлаштириш** - ўрганилаётган объектга тузилиши ёки функциясига кўра унга ўхшаш лекин унинг ўзи эмас, унинг нусхасини яратиб, шу нусха орқали ҳақиқий объектни тегишли хосса ва хусусиятларини ўрганишдир.

**Модель** - лотинча - нусха - шартли образ, схема маъноларини билдиради.

**Ғоя** - тадқиқот мақсадини, унинг йўналиши ва моҳиятини ифодалайдиган илмий билиш шаклидир.

**Гипотеза** - текширилаётган предмет ёки ходиса тўғрисида илгари сурилган илмий жиҳатдан асосланган, илмий факт ва маълумотларга зид бўлмаган, лекин ҳақиқатлиги ҳали исботланмаган илмий билиш шаклидир.

**Назария** - ҳақиқатлиги амалий ва назарий жиҳатдан исботланган, борлиқнинг бирор соҳасига оид маълум ғоялар, қарашлар, қонунлар ва принципларни муайян тизими тушунилади.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Психика ва онг коинот эволюциясининг табиий натижаси деганда нимани тушунасиз?
2. Онг нима? Нега у ижтимоий-тарихий характерга эга дейилади?
3. Онг ва тилнинг бирлиги деганда нимани тушунасиз?
4. Ўз — ўзини англаш нима?
5. «Информацион портлаш» нимани англатади?
6. Гносеология нимани ўрганади?
7. Билиш нима?
8. Ҳиссий ва рационал билишнинг ўзига хослиги нимада?
9. Билиш объекти, субъекти, предмети тушунчаларини изоҳланг.
10. Илмий билишнинг асосий усул (метод) ларини кўрсатинг.
11. Билишнинг ёшларни тарбиялаш ва камол топтиришдаги аҳамият нимада?

## Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Т.9. Т., «Ўзбекистон», 2001.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т., «Ўзбекистон», 2002. 316-329-бетлар.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., «Ўзбекистон», 2003. 3-51-бетлар.

4. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005. 5-33-бетлар.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005.Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази. 2000. 194-203-бетлар.
8. Гуннар Скирбекк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002. 113-117, 569-590-бетлар.
9. Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003. 3-21-бетлар.
10. Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007.
11. Ўзбекистонда маънавий рухий тикланиш. Т., «Янги аср авлоди», 2003.
12. Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. Т., «Чўлпон», 2003.
13. Фалсафа қомусий луғат. Т., «Шарқ», 2004. 314-316-бетлар.
14. Ислом энциклопедияси. Т., 2004.
15. Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров). -Т., «Ўзбекистон», 2005.
16. Шахс ва жамият. Қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 2005.

## Кушимча адабиётлар:

1. Основы философии. Т. Мехнат 2004 й. 7-17 бетлар.
2. www.bilim.uz.
3. www.philosophy.ru.
4. www.filosofiya.ru.
5. www.philosophy.nsc.ru.
6. http//philosophy.albertina.ru.
7. www.history.ru.
8. www.philosophy.com.
9. www.gov.uz - Хукумат сайти
10. www.press-service.uz - Президент сайти
11. www.edu.uz - Вазирлик сайти (руйхатдан утиш)
12. www.ziyo.edu.uz - Вазирлик сайти
13. www.performance.edu.uz - Вазирлик сайти
14. www.tseu.fan.uz - ТДИУ сайти
15. www.tseu.uz - ТДИУ сайти
16. www.teuphil.narod.ru - Фалсафа кафедраси сайти

## Мавзуда кулланиладиган педагогик технология куйидагича:

1. Аклий хужум услуби.
2. Реферат тахлили.
3. Мужизалар майдони.

**Мавзуда кулланиладиган ахборот технология куйидагича:**

1. Слайдлар намойиши.
2. Интернетдан олинган маълумотлар.

Ушбу маъруза матни К.Назаров рахбарлигида яратилган маърузалар матни, Фалсафа комусий лугат, Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий карашларининг тахлили асосида тузилган. Марксизм - ленинизм фалсафасига танкидий каралган.

# ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

# ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФА

## 9-МАВЗУ. ЖАМИЯТ ВА ИНСОН ФАЛСАФАСИ

***РЕЖА:***

1. «Жамият» тушунчаси, унинг фалсафий таҳлили.
2. Жамият тараққиёти ҳақидаги турли назариялар.
3. Инсон тушунчаси ва унинг моҳияти.
4. Инсон - ижтимоий муносабатлар тизимида.

**Жамият нима?** Инсоният азал-азалдан жамоа бўлиб яшайди. Ер сайёраси унинг абадий макони, умумий Ватанидир. Қуёш тизимидаги ана шу митти сайёрада яшаётган одамлар оиласини жамият деб аташ одат тусига кирган. Демак, умумбашарий маънода жамият одамзоднинг умри, ҳаёти ўтган ҳамма даври, жой ва ҳудуди билан боғлиқ барча ўзгариш ва жараёнларни ифода этади.

Шу билан бирга, бирор давлат ҳудудидаги одамлар ҳаёти, цивилизациянинг муайян даврларидаги турмушга нисбатан ҳам ушбу тушунча қўлланади. Ҳар қандай ҳолда ҳам, у умумий тушунча бўлиб, айрим одам ва алоҳида шахс жамият аъзоси деб аталади.

**Жамият** — табиатнинг бир қисми, яъни ижтимоий борлиқ бўлиб, одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган жуда кўплаб муносабатлар йиғиндиси, деган турлича таърифлар ҳам бор. Жамият муттасил равишда ривожланувчи, такомиллашиб борувчи мураккаб тизимдир. Ҳар бир янги даврда жамият моҳиятини билиш зарурати вужудга келади. Миллий мустақиллик туфайли жамият моҳиятини янгича идрок этиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Президент Ислом Каримовнинг қатор асарларида жамият моҳиятини янгича тушунишнинг услубий асослари яратилди.

Жамият моддий ва маънавий омиллар бирлигидан иборат. Ҳозирга қадар адабиётларда моддий ва маънавий ҳаёт бир-биридан кескин фарқланар эди. Моддий ҳаёт тадқиқига кўпроқ эътибор берилар. Ҳолбуки, жамиятнинг туб моҳияти уни ташкил этувчи инсон моҳияти билан узвий боғлиқ. Худди инсон танасини унинг руҳидан ажратиб бўлмагани сингари, жамиятнинг моддий ва маънавий жиҳатларини ҳам бир-биридан ажратиш ва уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш мантиққа зиддир. Президент Ислом Каримов асарларида жамиятнинг моддий ва маънавий манфаатларини уйғунлаштириш ижтимоий тараққиёт асоси экани таъкидланган. Инсон маънавиятини юксалтириш орқалигина иқтисодий ривожланишга эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда аҳоли маънавиятини юксалтиришга, миллий ғоя ва мафкура асосларини шакллантиришга катта эътибор бериляпти. Зеро, кишилар иқтисодий жиҳатдан қашшоқ бўлгани учун илмсиз бўлмайди, балки, аксинча — илмсиз бўлгани учун қашшоқ бўлади. Шунинг учун юртимизда халқ маънавиятини юксалтириш орқали иқтисодий фаровонликни таъминлашга катта эътибор беряпти.

**Жамиятнинг вужудга келиши.** Кишиларни оила бўлиб, жамоа бўлиб уюшишга нима мажбур қилган, деган масала қадим замонларданоқ улуғ мутафаккирлар эътиборини жалб этган. Бу масалани диний тушуниш — уни илоҳий куч, худо билан боғлаб изоҳлашдир.

Дунёвий қарашларга кўра, одамлар ўзларининг моддий ва маънавий эхтиёжларини қондириш учун биргаликда яшашга, жамоа бўлиб бирлашишга кўниккан. Кишилар ҳаётий тажриба, ақл ва тафаккур туфайли жамият бўлиб яшашнинг қулай, афзал ва зарурлигини тушунган. Бу жараёнда ўзаро муносабатларга киришган кишилар ана шу муносабатларни такомиллаштириш, янада ривожлантириш орқали маънавий камолотга эришган. Бу кишиларни бир-бири билан яқинлаштирган, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имконини берган.

Ижтимоий муносабатларнинг амал қилиш жараёнида одамларни уюштиришнинг тарихий шакллари — оила, давлат, жамоа (қишлоқ, шаҳар) вужудга келган. Одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, илмий, фалсафий, ҳуқуқий, иқтисодий, мафкуравий каби муносабатларнинг барчаси бир сўз билан ижтимоий муносабатлар дейилади. Ижтимоий уюшмалар кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қолдиришга ёрдам беради. Улар моҳиятан инсон ва жамият мавжудлигининг зарур шарти ҳисобланади. Масалан, оила, давлат, таълим-тарбия, маҳалла, Ватан каби қадриятларсиз инсон ва жамият ўз моҳиятини йўқотади.

**Инсоннинг моддий эҳтиёжлари** озиқ-овқатлар, кийим-кечак, уй-жой, транспорт воситалари, ўзини ҳимоялаш, зурриёт қолдириш кабилардан иборатдир. Маънавий эҳтиёжларга оламни билиш, ўзликни англаш, дунёқараш, донишмандликка интилиш, билим, санъат, ғоя, мафкура гўзаллик билан, маънавий камолот йўлидаги интилишлар киради. Инсоннинг асл моҳияти моддий эҳтиёжларни маданий шаклларда қондирилишида яққол намоён бўлади. Инсон ақлли мавжудот сифатида моддий эҳтиёжларини маданий шаклларда қондириш учун табиат ва жамият моҳиятини билишга, моддий ва маънавий оламни уйғунлаштиришга, табиат ва жамиятни ўз мақсадларига мос равишда ўзгартиришга ҳаракат қилади. Илм-фан ва техника инсоннинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондириш қуроли, муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Инсон юксак маънавият туфайлигина ўз эҳтиёжларини маданий шаклларда оқилона ва тўлароқ қолдириш имконига эга бўлади.

Мамлакатимизда маънавият масалаларига алоҳида эътибор берилаётганининг сабаби ҳам ана шунда. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари билан узвий боғлиқ ҳолда вужудга келди.

**Жамиятнинг моддий ҳаёти**га қуйидагилар киради:

- кишиларнинг яшаши, шахс сифатида камол топиши учун зарур бўлган иқтисодий шарт-шароитлар;
- озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, ёқилғи, коммуникация воситалари;
- моддий неъматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида амал қиладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи;
- моддий бойликлар, табиий захиралар.

**Жамиятнинг маънавий ҳаёти**га оламни тушуниш, жамият ва инсон тўғрисидаги қарашлар, назариялар, таълимотлар, ғоялар, мафкура, ижтимоий онг шакллари, таълим-тарбия, ахборот воситалари, маданият, илм-фан муассасалари ва бошқалар киради.

Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бошқариш, кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда турли сиёсий институтлар (давлат, сиёсий партиялар, ташкилотлар, турли уюшмалар) муҳим ўрин тутади. Жамиятни бошқаришнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳам муҳимдир. Кишилар тамонидан сиёсий

ва ҳуқуқий билимларнинг чуқур ўзлаштирилиши жамиятнинг барқарор яшаши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Жамият ривожи, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилишида меҳнат, мулк ва меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши беқиёс аҳамиятга эга. Меҳнатнинг кишиларнинг қобилиятига қараб ижтимоий тақсимланиши натижасида муайян касб-кор билан шуғулланадиган тоифалар, гуруҳ, қатлам ва синфлар вужудга келади ва улар жамият структурасида ўзига хос ўрин эгалайди, жамият тараққиётига муайян ҳисса қўшади.

**Жамият тараққиёти тўғрисидаги назариялар.** Фалсафий тафаккур тарихида жамиятнинг моҳияти ва ривожланишига оид турли назариялар мавжуд. Хусусан, немис файласуфи Ҳегел жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиш сабабларини мутлақ руҳнинг ривожланиши билан, Л. Фейербах дин билан боғлаган, ижтимоий тараққиёт сабабларини диний онг тараққиётидан излаган. Француз мутафаккири О. Конт жамиятнинг ривожланиш сабабларини инсоният маънавий тараққиётининг уч босқичи (теологик, метафизик, позитив босқичлар) билан изоҳлаган. К. Маркс жамиятнинг ривожланиш сабабларини синфий кураш ва инқилобий ўзгаришлар билан боғлаган, барча ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни синфий нуқтаи назардан тушунтирган. Ижтимоий зиддиятларни сунъий равишда мутлақлаштирган ва зиддиятларни ҳал этишнинг асосий усули сифатида ижтимоий инқилобни амалга оширишни, мулкдорлар синфини тугатишни таклиф этган. Ижтимоий амалиёт бундай назариянинг бир ёқлама ва хато эканини кўрсатди.

Жамият тараққиёти кўп босқичли жараён экани тўғрисидаги қарашлар АҚШ файласуфи О. Тоффлер томонидан илгари сурилган. Бундай қарашга кўра жамиятлар тараққиётига биноан, аграр жамият, индустриал жамият, постиндустриал жамиятга ажратилган. Адабиётларда жамият тараққиёти борасида цивилизацияли ёндашув ғояси илгари сурилмоқда. Бундай ёндашувга кўра ҳар бир халқ ўзининг бетакрор, ноёб, ўзига хос ва ўзига мос турмуш тарзини сақлаб қолган ҳолда, бошқа халқлар тажрибаларидан ижодий фойдаланиш орқали ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос моделини яратади.

Жамият ҳаётига барқарорлик ва беқарорлик ҳам хос. Ҳар бир инсон ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун осойишталик ва тинчликка муҳтож бўлгани каби, жамият ҳам ўз олдига қўйган вазифаларни адо этиши учун ижтимоий-сиёсий барқарорликка эҳтиёж сезади.

**Барқарорлик** - жамият тараққиётининг тадрижий ривожланиши, ижтимоий тизимнинг муайян даражадаги бир текис фаолият кўрсатиш имкониятидир. У турғунлик тушунчасидан кескин фарқланади. Ижтимоий-сиёсий турғунлик тушунчаси жамиятдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий, маънавий тизимнинг таназзули аломатидир.

Жамиятда барқарорлик беқарорлик билан, инқироз гуллаб-яшнаш билан алмашиб туриши ҳам мумкин. Жамиятнинг маънавий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларида муайян ютуқларга эришилгач, ижтимоий имкониятлар руёбга чиқарилиб бўлгач, унинг бундан кейинги тараққиёти йўлида янги муаммолар туғилади ва уларни ҳал этиш вазифаси пайдо бўлади. Жамият аъзоларининг маънавий салоҳияти, миллий психологияси, табиий равишда мавжуд сиёсий тузум кишиларни бошқаришнинг ўзига хос усулларини ҳаётга тадбиқ этади. Инсоният ҳаёти тарихида жамият барқарорлигини таъминлашнинг монархияга асосланган, аристократик, тоталитар ва демократик усуллари тажрибадан ўтган.

**Беқарорлик** ички ва ташқи жараён ва таҳдидлар натижасида вужудга келади. Беқарорлик бир ижтимоий-сиёсий тузумдан бошқа бир ижтимоий-сиёсий тузумга ўтиш даврида кескинлашиши мумкин. Жамият барқарорлигининг издан чиқиши

кишилар психологиясидаги салбий ўзгаришларда, қонунларнинг ишламаслигида, ижтимоий бурчнинг адо этилмаслигида, ижтимоий идеалларнинг йўқолишида, ғоя ва мафкурага лоқайдликнинг кучайишида, турли жиноий гуруҳларнинг пайдо бўлишида, ижтимоий адолат мезонларининг бузилишида, давлат идораларининг аҳолини бошқариш қобилияти кучсизланишида, турли зиддиятларнинг кескинлашувида ўз ифодасини топади.

Жаҳон тажрибаси ҳар бир мамлакат ва халқнинг ўз тараққиёт йўлини танлаш ҳуқуқига эга бўлиши умумий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш гарови эканини кўрсатди. Ўзбекистон миллий мустақилликка эришганидан кейин ўз миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаш, ривожланишнинг ўзбек моделини яратиш имконига эга бўлди.

**Тараққиётнинг ўзбек модели** - жамиятнинг тадрижий ривожланиш концепцияси сифатида. Ижтимоий ривожланишнинг ўзбек модели инсониятнинг ривожланиш борасидаги илғор тажрибасига, миллий давлатчилик тажрибаларимизга ва халқимиз менталитетига таянади.

Ижтимоий ривожланиш борасида халқлар одатда икки йўлдан — инқилобий ва тадрижий йўлдан борган. Инсоният тажрибаси ижтимоий ривожланишнинг кескин инқилобий ўзгаришлар йўли номақбул ва яроқсиз эканини, жамиятнинг тадрижий (эвалюцион) тараққиёти барқарор — табиий ривожланиш йўли эканини кўрсатди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ижтимоий тараққиётнинг тадрижий йўли моҳиятини шундай изоҳлайди: «Сохта инқилобий сакрашларсиз, эвалюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир. Бозор иқтисоди сари буюк сакрашлар, инқилобий ўзгаришлар йўли билан эмас, балки собитқадамлик ва изчилик билан — босқичма-босқич ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир босқичнинг қанча давом этиши ҳал қилиши лозим бўлган муаммолар доирасига, ташқи омиллар қанчалик қулай бўлишига, аҳолининг меҳнат фаолиятига боғлиқдир»[1].

Ўзбек моделнинг асосий тамойиллари қуйдагилардир:

- иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги;
- давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги;
- қонун устуворлиги;
- кучли ижтимоий ҳимоялаш;
- бозор муносабатларига босқичма-босқич, тадрижий йўл билан ўтиш.

Ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятлари давлатчилик асосларининг, миллий қадриятларнинг қайта тикланиши, ўзликни англаш, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, миллий менталитетимизга хос хусусиятларининг тикланиши ва ривожланиши, демократик қадриятларнинг ривожлантирилиши ва инсон ҳуқуқларининг кафолатланиши ва бошқаларда ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбек моделининг ҳаётийлиги жаҳон жамоатчилиги тамонидан эътироф қилинди. Ўзбекистон тажрибаси қатор мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда ва уни ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Ўзбекона тараққиёт йўли маънавий ҳаёт ва иқтисодий ривожланиши бир-бири билан узвий боғлиқликда амалга оширишда, маънавият, маърифат, маданиятга бўлган эътиборнинг кучайишида яққол кўзга ташланади. Маънавий салоҳиятнинг кучайиши, инсон интелектуал ва ахлоқий қобилиятларининг ривожланиши иқтисодий ривожланиш учун пухта замин яратади. Кишиларда янгича иқтисодий тафаккур, тадбиркорлик қобилиятларини ривожлантиришда замонавий илм-фан, техника ва технология асосларини эгаллаш муҳим аҳамият касб этади.

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992. 41 - бет.

**Жамият ва оила.** Жамият ва оила моҳиятан бир-бири билан узвий боғлиқ. Оилада жамиятнинг туб моҳияти ўз аксини топади. Шу маънода, оилани кичик жамият дейиш мумкин. Ҳар бир жамият аъзоси оила бағрида вояга етади, ижтимоий муносабатларни ўзлаштиради ва инсоний фазилатларни намоён этади. Баркамол инсонни шакллантириш, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш оиланинг муқаддас вазифасидир. Оилани мустаҳкамлаш жамият барқарорлиги ва қудратининг муҳим шартидир. Шу боисдан ҳам давлат оилани ўз ҳимоясига олади.

Жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлиги кўп жиҳатдан оилавий маданиятга боғлиқ. Оила қандай бўлса, жамият ҳам шундай бўлади. Оилада эр ва хотининг мавқеи, оилавий муносабатлар характери турли халқларда турличадир. Мамлакатимизда миллий мустақиллик йилларида маънавият соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввало, оила қадриятларини, энг илғор анъаналарни тиклашга қаратилгандир. Она ва аёл муқаддаслиги ўзбекона қадриятдир. Ҳадиси шарифда она ва аёлнинг муқаддаслиги тўғрисидаги ғоялар оилавий муносабатларни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Улуғ мутафаккирлар жамиятнинг маданий даражаси аёлнинг жамият ва оиладаги аҳволи, мавқеи билан белгиланишини алоҳида таъкидлаганлар. Соғлом, баркамол авлод тарбияси кўп жиҳатдан аёлнинг маънавий салоҳияти, билими, уддабуронлиги ва эркинлигига боғлиқдир. Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган қатор тадбирлар аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеи ва ролини кучайтиришга қаратилгандир.

Оила муаммоларини илмий асосда ўрганилганлиги ва уларни оқилона ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган республика «Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилганлиги ҳам давлатимизнинг оилавий муносабатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бераётганидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, тилимиз хусусиятларига мос бўлган янги алифбога ўтиш унинг мавқеини ошириш ва янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатди.

**Давлатнинг жамият ҳаётидаги ўрни** ва аҳамияти. Давлат - жамиятни бошқариш, тартибга солиш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган алоҳида бир муассасадир. Давлат умуминсоний қадрият, инсоният маънавий тараққиётининг муҳим ютуғидир.

Жамият маънавий салоҳиятининг юксалиб бориши билан сиёсий бошқариш шакллари ва усуллари ҳам такомиллашиб боради.Ўзгарган тарихий шароитда давлатнинг моҳияти, мазмуни ва вазифаларига янгича ёндашиш зарурати вужудга келади. Мустақиллик йилларида миллий давлатчилик анъаналарининг тикланиши билан давлатнинг ташкилотчилик, бош ислоҳотчилик фаолияти янгича мазмун ва аҳамият касб этди.

Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўзбек модели концепциясининг амалга оширилишида давлат ҳал қилувчи ўрин тутади. Мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар сиёсий бошқарувни янада такомиллаштиришга, юртимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этишга, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишга қаратилгандир.

Жамият ҳаётида турли жамоалар, ташкилот ва уюшмалар ҳам фаолият кўрсатади. Уларни шартли равишда давлат ва нодавлат ташкилотларига ажратиш мумкин. Уларга сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, турли жамғармалар, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар уюшмаси, маҳалла қўмиталари ва бошқалар киради. Мамлакатимизда амалга

оширилаётган барча ислоҳотлар инсон салоҳиятини янада юксалтиришга, юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилгандир.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш — Ўзбекистон тараққиётининг бош мақсади. **Фуқаролик жамияти** кишиларнинг юксак ахлоқий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига асосланадиган демократик жамият тараққиётининг юқори босқичидир. Бундай жамият эркин уюшмаларнинг кўпқиррали алоқаси бўлиб, давлат қонунларини ҳурмат қилиб бажарувчи жамият таркибига кирувчи элементларнинг нисбий мустақиллигига асосланувчи, турли зиддият ва ихтилофларни қонун доирасида ўзаро келишув, сабр-тоқат ва музокаралар орқали ҳал этишга асосланувчи жамиятдир.

Фуқаролик жамияти умуминсоний тамойиллар, миллий давлатчилик хусусиятлари, ўзига хос турмуш тарзи ва ҳаёт фалсафаси негизида қарор топади. Ўзбекистон миллий мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ юртимизда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Фуқаролик жамиятида давлатнинг қатор вазифалари фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари қўлига ўта бошлайди, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколати кенгаяди. Фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш кишиларнинг юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллигига таянади. Мамлакатимизда маҳалла ҳокимият органларининг ташкил этилиши, улар ваколатининг кучайтирилиши халқимизнинг ўз-ўзини бошқариш, идора этиш маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Маҳалла кишиларда яхши инсоний фазилатларини камол топтириш, ўз-ўзини бошқариш, демократик қадриятларни рўёбга чиқариш мактабидир.

Юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш баркамол инсон шахсини шакллантиришни талаб этади. Ўз навбатида, маънавий етук авлод жамият тараққиётига салмоқли ҳисса қўшади. Шундай етук кишиларни тарбиялашда жамият тўғрисидаги фалсафий билим ва қарашларни ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Инсон — фалсафанинг бош мавзуси.** Инсоннинг яралиши, моҳияти ва жамиятда тутган ўрни фалсафий муаммолар тизимида муҳим ўрин тутади. Турли фалсафий таълимотларда бу масалалар турлича талқин этиб келинган. Шундай бўлиши табиий ҳам эди, чунки инсон моҳиятан ижтимоий-тарихий ва маданий мавжудот сифатида ҳар бир янги тарихий шароитда ўзлигини чуқурроқ англашга, инсоний моҳиятини рўёбга чиқаришга интилаверади.

Суқротнинг «Ўзлигингни бил» деган ҳикматли сўзи ҳар бир тарихий даврда янгича аҳамият касб этади. Инсонда бутун олам ва жамиятнинг моҳияти мужассамлашгандир. Улуғ мутасаввуф Абдулхолиқ Ғиждувоний инсонни «кичик олам» деб ҳисоблаган. Фалсафада бахс юритиладиган барча масалалар инсон муаммосига бевосита дахлдордир. Умуман олганда, инсонга дахлдор бўлмаса, унга фойда келтирмаса, жамиятнинг оғирини енгил қилмаса, ундай фаннинг кераги бормиканғ Шу маънода, инсон, аввалло, ўзи учун зарур бўлган фанларни, илмлар ва билимлар тизимини яратган.

Табиат, маданият, сиёсат, цивилизация, билиш каби масалалар инсон манфаатлари ва инсоний моҳиятнинг намоён бўлиш шаклларидир. Уларнинг барчаси инсон табиати ва моҳияти билан боғлиқдир.

Фалсафа инсонни оламнинг таркибий қисми сифатида ўрганади. Инсон шундай мураккаб ва кўп қиррали мавжудотки, унинг моҳияти яхлит бир бутунлик сифатида инсон, шахс, индивид, индивидуаллик тушунчалари орқали ифодаланади. Бу тушунчалар бир-бирига яқин ва маънодош бўлса ҳам, бир-биридан фарқланади.

Инсон — ўзида биологик, ижтимоий ва психик хусусиятларни мужассамлаштирган онгли мавжудот. Инсоннинг биологик хусусиятларига овқатланиш, ҳимояланиш, зурриёт қолдириш, шароитга мослашиш кабилар хос.

Инсон бошқа мавжудотлардан социал хусусиятлари билан ажралиб туради. Чунончи, тил, муомала, рамзий белгилар, билим, онг, маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол қилиш, бошқариш, ўз-ўзини идора этиш, бадиий ижод, ахлоқ, нутқ, тафаккур, қадриятлар, табу (рухсат ва таъқиқлаш) шулар жумласидандир.

Инсоннинг психик хусусиятларига руҳий кечинмалар, ҳайратланиш, ғам-ташвиш, қайғу, изтироб чекиш, завқланиш, кайфият кабилар киради.

Инсон шу хусусиятлари орқали яхлит бир тизимни ташкил этади. У яхлит мавжудот сифатида ўз эҳтиёжларини қондиради ва инсоният давомийлигини таъминлайди. Инсонга хос бўлган биологик хусусиятларни ижтимоий хусусиятлардан устун қўйиш ёки психологик хусусиятларни бўрттириш унинг моҳиятини бузиб талқин этишга, бир ёқламаликка олиб келади.

Фалсафа тарихида инсон тўғрисидаги таълимотларда биологизм, социологизм, психологизм каби йўналишлар вужудга келган. Биологизм инсоннинг табиий-биологик хусусиятларига, социологизм инсоннинг ижтимоий хусусиятларига, психологизм эса, маънавий, руҳий, психологик хусусиятларига бир ёқлама ёндашишга асосланган эди.

Инсон моҳиятини фалсафий жиҳатдан чуқуррoқ таҳлил қилишда шахс, индивид, индивидуаллик тушунчаларининг моҳиятини билиш ва уларни бир — биридан фарқлаш муҳимдир. **Шахс** ўзида социал сифатларни мужассамлаштирган инсонни ифода этади. Кишилар шахс бўлиб туғилмайди, балки жамиятдагина шахс бўлиб шаклланади ва ривожланади. Чунки инсонга хос ижтимоий сифатлар, фазилатлар авлоддан-авлодга ирсий йўл билан ўтмайди. Инсон дунёга келган вақтида жамият, сиёсий тузум, маданият, ишлаб чиқариш, оила, оммавий ахборот воситалари, мафкура каби ижтимоий тузилмалар мавжуд бўлади.

Инсон таълим-тарбия, меҳнат, мулоқот жараёнида ижтимоий тажриба, билим, турли муносабатлар, ахлоқий меъёрлар, сиёсий ғоя, миллий мафкура каби омиллар таъсирида яшайди, уларни ўзлаштиради ва шу жараёнда ижтимоийлашади, яъни шахс бўлиб шаклланади. Натижада инсонда янгича фазилат ва сифатлар пайдо бўлади. У яратувчан мавжудот сифатида фаолият кўрсата бошлайди.

Ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини тарбиялаш, юксак масъулиятни ҳис этиш, ғоя учун курашиш, мустаҳкам эътиқодга эга бўлиш, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиш ва ижтимоий-сиёсий фаоллик шахсга хос белгилардир. Шахснинг мақсад, ғоя ва идеаллари жамиятдаги мавжуд ғоя ва мафкура билан узвий боғлиқ равишда шаклланади. Миллий ғоя ва мафкурани амалга ошириш, эзгу идеаллар йўлида ҳатто ҳаётини қурбон қилиш шахс ҳаётининг бош мақсадига айланади.

Шахс мустаҳкам иймон-эътиқод, ғоя ва инсоний фазилатларга эга бўлган, Ватан, миллат туйғуси билан яшайдиган, ўзида давр хусусиятларини ифода этадиган инсондир.

Жамият ўз тараққиёти давомида вужудга келган муаммоларни ҳал этиш учун шахснинг муайян тарихий намуналарини яратади. Ҳар бир ўзгарган тарихий шароитда шахс моҳиятини ва мазмунини янгича тушуниш зарурияти вужудга келади. Бугунги адабиётларда ҳаризматик, шуҳратпарастлик, тажовузкорлик ва бошқа шаклдаги шахслар тимсоли акс эттирилмоқда.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фозил ва баркамол инсон шахсини шакллантириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз олдига ана шундай шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйди.

**Инсон тарихнинг яратувчиси** сифатида табиат тараққиётидаги узлуксизликни таъминлайди. У ўз билими, тажрибаси ва ютуқларини келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиради; табиат ва жамиятни қайта қуради ва такомиллаштиради. Инсон ўз ақли туфайли бутун коинот, табиат тараққиётида буюк яратувчи куч сифатида намоён бўлади, ўз тарихини яратади, уни авайлаб-асрайди. Инсон фаолияти ва тажрибалари жамиятнинг такомиллашуви ва кишиларнинг ҳар томонлама камол топиши учун манба бўлиб хизмат қилади.

Табиат ва жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, яратувчилик моҳияти, олий мавжудот экани, ворисликнинг давомийлигини таъминлаши барча ижобий ва фойдали ютуқларни сақлаши ва тарғиб этиши каби хусусияти ва қобилияти туфайли инсон муқаддас ва табаррук қадрият ҳисобланади.

Антропология инсондаги инсонийликнинг намоён бўлиши ва ривожланишини руҳ билан боғлайди. Айрим тадқиқотчилар инсонга хос бўлган бирор-бир хусусиятга алоҳида урғу берган ва шу орқали инсоний моҳиятни очиб беришга ҳаракат қилган. Масалан, И. Кант инсондаги ахлоқий жиҳатларга кўпроқ эътибор берган ва уни эзгуликни ёвузликдан фарқловчи мавжудот сифатида таърифлаган. Владимир Соловьев инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқини уялиш, ачиниш ва олий кучларга сиғиниш каби хусусиятларда, деб билган. Унинг фикрича, инсон ўзининг тубан майллари ва гуноҳларидан уялиш қобилиятига эга. Фақат одамларга эмас, балки бутун тирик жонга ачиниш ва муқаддас кучларга сиғиниш инсонгагина хос.

Инсон табиати — ғоят мураккаб. Унда ҳайвоний ва илоҳий сифатлар мужассамлашган. Лекин у — ҳайвон ҳам, фаришта ҳам эмас. Инсоний руҳ ва маънавият уни бошқа мавжудотлардан юқори даражага кўтаради.

Инсонни ўрганадиган фан — антропология деб юритилади.

**Антропология** инсон моҳиятини, унинг табиат ва жамиятдаги ўрнини, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланади. Антропологияда инсон моҳиятини тўлароқ очиш учун «мен», «онг», «шахс», «руҳ» тушунчалари қўлланади. «Мен» — инсоннинг ўзлигини ташқи оламдан, реал борлиқдан фарқлашидир. «Мен» онг туфайлигина ўзини бошқа борлиқдан фарқлайди. Бошқа нарсалар инсонга бегона воқелик бўлиб туюлади. Шахс инсоннинг мустақиллигини ифода этади.

Инсон ўз ҳаёти давомида тана ва руҳ эҳтиёжларини қондиришга интилади. Тана эҳтиёжларини қондириш инсон борлиғининг бирламчи шарти ҳисобланади. Бироқ ҳаётнинг маъноси фақат моддий неъматлардан баҳраманд бўлиш, танпарастлик, лаззатланиш, бойликка ружу қўйишдан иборат эмас. Инсон руҳи ҳам ўзига хос озиққа эҳтиёж сезади. Шу боис унда маърифатпарварлик, одамийлик, одиллик, раҳм-шафқат, диёнат, виждон, олиҳимматлик, ватанпарварлик каби маънавий фазилатлар шаклланади. Юксак маънавият инсонни руҳан поклайди, иймон-эътиқодини мустаҳкамлайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсонни маънавий-руҳий жиҳатдан камол топтиришга қаратилгандир.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжларини унинг табиий-моддий манфаатларидан ажратиш, унга фақат илоҳий мавжудот сифатида қараш ҳам бирёқламаликка олиб келиши, етилган ижтимоий муаммолар моҳиятини тўғри тушунишга халақит бериши мумкин.

Мамлакатимизда шаклланаётган миллий ғоя ва миллий мафкура инсонга бирёқлама қарашларга зид равишда, ундаги моддийлик ва маънавийликни

уйғунлаштиришни тақозо этади. Бозор иқтисодиёти кишиларнинг фаровон, бой — бадавлат, мулкдор, барча қулайликларга эга бўлишини инкор этмайди. Аксинча, уларни тадбиркор, уддабурон ва меҳнатсевар бўлишга рағбатлантиради. Юксак маънавиятгина инсон эҳтиёжларини оқилона қондиришга, ижтимоий адолат ўрнатиб, сахий ва олиҳиммат бўлишга ундайди.

Антропология инсоннинг маънавий оламига чуқурроқ кириб бориш орқали олам моҳиятини билиш мумкин, деган ғояни илгари суради. Ислом Каримов таърифига кўра, маънавият (руҳ) инсонни ахлоқан поклайдиган, иймон-эътиқодини мустаҳкамлайдиган, эзгуликка ундайдиган ботиний кучдир. Юксак маънавиятда ҳақиқий инсоний моҳият мужассамдир. Инсоннинг олижаноб фазилатлари етук шахслар тимсолида ўз аксини топади. Инсонга хос бўлган барча хусусиятлар шахс фаолиятида, унинг жамиятда тутган ўрнида, унинг ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришида, муайян мафкурани амалга оширишида яққол кўринади.

Шахснинг шаклланиши ва ривожланишида тарихий шарт-шароит, айниқса, ғоя ва мафкура муҳим ўрин тутади. Бозор муносабатларига ўтиш даврида вужудга келган муаммо ва вазифалар янги баркамол инсонни voяга етказишни тақозо этди. Унга хос фазилат ва сифатлар Президент Ислом Каримов асарларида асослаб берилган.

Бозор иқтисодиёти инсон эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, унинг қобилияти, ижтимоий фаоллигини янада кучайтириш учун кенг имкониятлар яратди. Булар қуйидагилардир:

- меҳнатни ташкил этиш усул ва шаклларининг ўзгарганлиги;
- меҳнатга янгича муносабатни рағбатлантиришга ёрдам берувчи омиллар;
- ўз қобилияти, қизиқишларига мос бўлган фаолият турларини танлаш имкониятининг яратилганлиги;
- шахс тадбиркорлиги ва ишбилармонлигининг қўллаб-қувватланиши;
- турли мулк шаклларининг вужудга келганлиги;
- шахс эрки ва ҳуқуқларининг кенгайганлиги;
- давлат ва жамоат ишларида қатнашиш имкониятларининг яратилганлиги;
- демократик қадриятлар ривожи;
- маънавий мерос ва маданият ютуқларидан эркин фойдаланиш имкониятининг яратилганлиги кабилардир.

Улар шахснинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда, унинг комил инсон сифатида ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган барчаислоҳотлар инсон манфаатлари, унинг эзгу мақсадлари рўёбга чиқишини таъминлашга, унинг баркамол сифатлар касб этишига қаратилгандир. Шахс ислоҳот натижаларидан баҳраманд бўлувчигина эмас, балки уларни собитқадамлик билан амалга оширувчи куч сифатида ҳам янгиланиш жараёнида ўзгаради, юксалади, қадр-қиммат топади ва эъзозланади.

Инсоннинг жамиятидаги ўрни, қадр-қиммати борасида миллий истиқлол ўз олдига қуйдагиларни мақсад ва вазифа қилиб қўяди:

- инсоннинг қадр-қимматини жойига қўйиш;
- инсон учун бахтли ҳаёт шароитларини яратиш;
- инсоннинг ўзлигини англаши, ижтимоий бурч ва вазифаларини адо этиши, соғлом авлодлар узлуксизлигини таъминлаши, келгуси авлодларга яхши хотиралар қолдириши ва иймон-эътиқоди бутун бўлиши учун қулай шароитлар яратиш.

Бундай имкониятларни амалга оширишга халақит берадиган нуқсонлар ҳам инсон табиати билан боғлиқдир. Ҳозирга қадар инсон тўғрисидаги фалсафий таълимот ва қарашларда, асосан, унинг ижобий хусусиятларига, яратувчанлигига

кўпроқ эътибор бериб келинди. Кейинги вақтларда инсон борлиғининг салбий жиҳатлари ҳам таҳлил қилина бошланди.

Мустақиллик йилларида инсон табиатини чуқурроқ ўрганиш ва ундаги салбий майлларни бартараф этишга ёрдам берадиган фалсафий қарашларга эҳтиёж вужудга келди. Шуни таъкидлаш жоизки, айрим кишилар миллат, Ватан, халқ манфаатларига зид равишда жамиятдаги мавжуд қонун-қоида ва меъёрларни поймол этиб, кўпроқ ғаразли мақсадларини амалга оширишга ва турли ихтилофларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилади. Шундай ниятлар йўлида ҳатто жиноий гуруҳларга бирлашадилар, жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат дастурларини амалга оширишга тўсқинлик қиладилар. Шунингдек, улар миллий тотувлик, тинчлик ва барқарорликка рахна солади, маънавий-ахлоқий муҳитни бузади, кишиларнинг ижтимоий адолатга бўлган ишончини сусайтиради, баркамол инсонни вояга етказишга қаршилик кўрсатади. Улар турли зиддиятларни келтириб чиқарувчи фирибгарлар, ҳокимиятга интилувчи экстремистлар, коррупция ва жиноятчилик олами вакиллари, гиёҳванд, порахўр, террорчи ва шуҳратпарастлар каби жамият учун нохуш одамлардир.

Инсонни фалсафий билиш ва таҳлил этишда ана шундай кишилар мавжудлигини эътиборга олиш муҳимдир. Демократик жамият инсон ҳуқуқларини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, бундай кишиларни тарбиялашга, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга, кишилар онгида миллий манфаат ва ижтимоий қадриятларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради.

**Шахс эркинлиги** ва тарихий зарурат бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалардир. Мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида пайдо бўлган қийинчилик ва муаммолар моҳиятини англаш шахсни ўз билими ва маҳоратини оширишга, юксак ғояларга содиқ бўлиб яшаш ва уларни жадал амалга оширишга ундайди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон қобилиятлари тўлароқ намоён бўлади. Ижтимоий табақаланиш жараёнида кишиларнинг бой ва қашшоқ гуруҳларга ажралиши табиий қонуний жараёндир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим хусусияти — аҳолининг муайян қисмининг ижтимоий ҳимояланишида, кўп болали оилалар, нафақахўрлар, талабалар ва ногиронларнинг давлат томонидан ҳимояланишида, ижтимоий адолатнинг қарор топишида яққол намоён бўляпти. Кишиларнинг боқимандалик кайфияти, тафаккур турғунлигидан озод бўлишлари, ўзгарган янги иқтисодий шароитга мослашишлари, ўз билими ва маҳоратини оширишлари учун ғамхўрлик қилиш иқтисодий ислоҳотларнинг инсонпарварлик йўналишга эга эканлигидан далолат беради. Иқтисодий ислоҳотлар ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш тамойили Президент И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзбек моделининг муҳим жиҳатларидан биридир.

Инсон моҳиятини фалсафий билиш улкан тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Инсон фалсафаси ҳар бир янги тарихий даврда инсон моҳияти, унинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Инсонга хос хусусият ва фазилатларни билиш орқали талаба ўзида шундай сифатларни шакллантиришга интилади.

Бундай фазилатлар фалсафа ва бошқа ижтимоий фанларни ўрганиш ва умуман, таълим-тарбия жараёнида шаклланади. Замонавий билим ва юксак инсоний фазилатларни эгаллаш орқали Ўзбекистонда озод ва обод жамият қуриш вазифалари уйғунлигини таъминлашга эришиш бутун таълим-тарбия ишимизнинг бош мезони ва унинг олдида турган муҳим вазифадир.

## Таянч тушунчалар

**Жамият -** арабчадан умумий демакдир. Табиатнинг бир кисми, борликнинг алохида шаклини ифодалайдиган фалсафий тушунча; одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар уртасида амал килинадиган куплаб муносабатлар мажмуаси. Жамият узида моддийлик ва маънавийликни. Объективлик ва субъективликни, табиийлик ва ижтимоийликни мужассамлаштиради.

**Социология -** лотинча societas - жамият, Iogos таълимот демакдир. Жамият тугрисида, ижтимоий муносабатлар социал уюшмаларнинг ривожланиш ва амал килиш конунлари тугрисидаги фан. Огюст Конт томонидан социология фанига асос солинди ва атама илмий муомалага киритилди.

**Баркарорлик** - жамият тараккиётининг тадрижий ривожланиши, ижтимоий тизимнинг муайян даражадаги бир текис фаолият курсатиш имкониятидир. У тургунлик тушунчасидан кескин фаркланади. Ижтимоий-сиёсий тургунлик тушунчаси жамиятдаги мавжуд сиёсий, иктисодий, маънавий тизимнинг таназзули аломатидир.

**Баркарорлик -** ички ва ташки жараён ва тахдидлар натижасида вужудга келади. Баркарорлик бир ижтимоий-сиёсий тузумдан бошка бир ижтимоий-сиёсий тузумга утиш даврида кескинланиши мумкин. Жамият баркарорлигининг издан чикиши кишилар психологиясидаги салбий узгаришларда, конунларнинг ишламаслигида, ижтимоий бурчнинг адо этилмаслигида, ижтимоий идеалларнинг йуколишида, гоя ва мафкурага локайдликнинг кучайишида, турли жиноий гурух-ларнинг пайдо булишида, ижтимоий адолат мезонларининг бузилишида, давлат идораларининг ахолини бошкариш кобилияти кучсизланишида, турли зиддиятларининг кескин-лашувида уз ифодасини топади.

**Жамият** - арабчадан умумий демакдир. Табиатнинг бир кисми, борликнинг алохида шаклини ифодалайдиган фалсафий тушунча; одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар уртасида амал киладиган куплаб муносабатлар мажмуаси. Жамият узида моддийлик ва маънавийликни. Объективлик ва субъективликни, табиийлик ва ижтимоийликни мужассам-лаштиради.

**Социология** - лотинча societas - жамият, logos таълимот демакдир. Жамият тугрисида, ижтимоий муносабатлар социал уюшмаларнинг ривожланиш ва амал килиш конунлари тугрисидаги фан. Огюст Конт томонидан социология фанига асос солинди ва атама илмий муомалага киритилди.

**Инсон** - хар кандай фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этувчи фундаментал фалсафий категория. Бошка биологик мавжудотлардан хотираси, тафаккури, тили,амалий фаолияти, онги билан ажралиб туради.

**Антропология** - юнонча anthropos - одам ва logos таълимот демакдир. Одамнинг пайдо булиши ва эволюцияси, одам ирклари хакидаги фан. Антропология одам тана тузилиши, кишилар уртасидаги салбий фаркларни урганиш асосида иш куради. Илмий антропология мустакил фан сифатида 19 асрда шаклланган.

**Шахс -** узида социал сифатларни мужассамлаштирилган инсонни ифода этади. Кишилар шахс булиб тугилмайди, балки жамиятдагина шахс булиб шаклланади ва ривожланади. Чунки инсонга хос ижтимоий сифатлар, фазилатлар авлоддан-авлодга ирсий йул билан утмайди.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Жамият деганда нимани тушунасиз?
2. Жамиятга хос белгиларни santang.
3. Жамиятнинг келиб чиқиши тўғрисидаги қандай назарияларни биласиз?

4. Фуқаролик жамияти нима?
5. Жамиятнинг ривожланишида маънавият қандай ўрин тутади?
6. Жамиятнинг тадрижий ривожланиши деганда нимани тушунасиз?
7. Инсон нима учун фалсафанинг бош мавзуси деб қаралади?
8. Шахс деганда нимани тушунасиз?
9. Антропология фанининг маъноси ва вазифалари ималардан иборат?
10. Инсон танаси ва руҳининг ўзаро боғлиқлиги ва улар ўртасидаги фарқлар нималарда намоён бўлади?
11. Истиқлолнинг инсонпарварлик моҳияти нималарда кўринади?

## Асосий адабиётлар


1. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Т.9. Т., «Ўзбекистон», 2001.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т., «Ўзбекистон», 2002. 316-329-бетлар.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., «Ўзбекистон», 2003. 172-247-бетлар.
4. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005. 5-33-бетлар.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005.
7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005.
8. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази. 2000. 237-245-бетлар.
10. Гуннар Скирбекк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002. 458-479, 500—509-бетлар.
11. Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003. 3-21-бетлар.
12. Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007.
13. Ўзбекистонда маънавий рухий тикланиш. Т., «Янги аср авлоди», 2003.
14. Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. Т., «Чўлпон», 2003. 104-117-бетлар.
15. Фалсафа қомусий луғат. Т., «Шарқ», 2004. 123-124-бетлар.
16. Ислом энциклопедияси. Т., 2004.
17. Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров). -Т., «Ўзбекистон», 2005.
18. Шахс ва жамият. Қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 2005.


## Кушимча адабиётлар:


1. Основы философии. Т. Мехнат 2004 й. 7-17 бетлар.
2. www.bilim.uz.
3. www.philosophy.ru.
4. www.filosofiya.ru.
5. www.philosophy.nsc.ru.

6. http//philosophy.albertina.ru.
7. www.history.ru.
8. www.philosophy.com.
9. www.gov.uz - Хукумат сайти
10. www.press-service.uz - Президент сайти
11. www.edu.uz - Вазирлик сайти (руйхатдан утиш)
12. www.ziyo.edu.uz - Вазирлик сайти
13. www.performance.edu.uz - Вазирлик сайти
14. www.tseu.fan.uz - ТДИУ сайти
15. www.tseu.uz - ТДИУ сайти
16. www.teuphil.narod.ru - Фалсафа кафедраси сайти

**Мавзуда кулланиладиган педагогик технология куйидагича:**

1. Фикрлар хужуми услуби.
2. Реферат тахлили.
3. Лидерлик.

**Мавзуда кулланиладиган ахборот технология куйидагича:**

1. Слайдлар намойиши.
2. Интернетдан олинган маълумотлар.

Ушбу маъруза матни К.Назаров рахбарлигида яратилган маърузалар матни, Фалсафа комусий лугат, Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий карашларининг тахлили асосида тузилган. Марксизм - ленинизм фалсафасига танкидий каралган.

# 10-МАВЗУ. ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ФАЛСАФАСИ

***РЕЖА:***

1. Умумбашарий муаммолар, уларнинг асосий йуналиш ва намоён булиш хусусиятлари.
2. Ўзбекистон ва глобал муаммолар.
3. Республикамиз табиати ва уни асраб-авайлаш муаммолари.
4. Умумбашарий муаммоларни урганишнинг тарбиявий ахамияти.

1. Одамзод насли XX асрнинг иккинчи ярмида шундай муаммолар домига тортилди-ки, эндиликда уларнинг исканжасидан қутулиб кетиш ёки кетмаслик бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланди. Агар XX асрнинг биринчи ярми охирларида инсоният қаршисида асосан битта умубашарий муаммо — ядро ҳалокатининг олдини олиш кўндаланг бўлиб турган бўлса, II жаҳон урушидан кейин аҳвол ўзгарди. Аҳоли табиий ўсишининг юқори даражаси сақланиб қолиши, фан ва техника ютуқларидан тор манфаатлар йўлида фойдланишга рўжу қилиниши ва бир қатор минтақаларда мураккаб экологик вазиятнинг вужутга келиши масалани чигаллаштириб юборди. Оқибатда инсониятнинг келажаги тўғрисида турли типдаги башоратлар келиб чиқди. Ана шундай шароитда ҳар бир ақл заковатли одам «Бундай йўлда қандай муаммолар, қийинчиликлар, синовларга дуч келишимиз мумкинлигини етарли даражада аниқ тасаввур қилмаяпмизмиғ» — деган саволни ўз олдига кўндаланг қўйиши ва унга жавоб топиши зарур бўлиб қолди. Бу саволларни бутун жаҳон халқларининг иштирокисиз хал этиб бўлмайди.

Табиатга кишиларнинг зуғуми кучая борган сари табиий мувозанатнинг бузилиши оқибатида кишиларнинг яшаш тарзи, соғлиғи, ижтимоий муҳитга бўлган акс таъсири тобора ҳалокатли тус ола бошлади. Инсоният бундай таҳликали ҳолатдан фақатгина, ҳар қандай сиёсий, минтақавий, ирқий, миллий, диний ва бошқа манфаатларини кейинга суриб, муштарак умуминсоний манфаатлар теварагида жипслашиш, зудлик билан таъсирли чоралар қўллаш орқалигина қутулиши мумкин. «Бутун дунё ягона ва ўзаро боғлиқдир. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдиришдир»[1].

Ҳозирги пайтда инсониятга хафв солиб турган умумбашарий муаммолар деганда бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

Бундай муаммолар қуйидагилардир:

- термоядро уруши хавфининг олдини олиш ва қуролланишни бартарф этиш;
- жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётнинг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиш;
- иқтисодий қолоқликни тугатиш; ер юзида қашшоқлик ва очликка барҳам бериш;
- табиий бойликлардан оқилона ва комплекс ёндашган ҳолда фойдаланиш;
- инсониятнинг бахт-саодати йўлида фан-техника ютуқларидан фойдаланиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш; (энг хавфли касалликларга қарши кураш, космосни ўзлаштириш;

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолотлари. - Т.: «Ўзбекистон» 1997, 4-бет.

- дунё океан бойликлари ва имкониятларидан унумлирок фойдаланиш; озон қатламининг йўқолиш хавфининг олдини олиш ва ҳ.к.);

- инсоният ва унинг келажаги тўғрисидаги ўзаро ҳамкорликда жиддий тадқиқотлар олиб бориш; киши организмининг тобора тез суръатлари билан ўзгараётган сунъий ва табиий муҳитга мослашиш жараёнини илмий таҳлил қилиш.

Инсоният олдида ана шу хилдаги муаммоларнинг кўндаланг туриб қолишининг ўзиёқ кишилик цивилизацияси ўта мураккаб, ўта қалтис бир жараённи бошидан кечираётганлигидан дарак беради. Умумбашарий муаммоларнинг баъзи бир гуруҳлари мавжудки, уларни ҳал қилишнинг ўзидаёқ бутун планетамиздаги ижтимоий ҳаётнинг кейинги минг йилликдаги аниқ манзарасини чизиб бериш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Бундай муаммолар шартли равишда уч гуруҳга ажратилади:

**Биринчидан,** ҳозирги пайтдаги мавжуд ижтимоий кучлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар (ижтимоий-иқтисодий системалар ўртасидаги, минтақавий зиддиятлар, давлатлар, миллий ва диний низолар ва ҳ.к.) бўлиб, булар шартли равишда «интерсоциал» муаммолар деб ҳисобланади. Улар уруш ва тинчлик, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва шу кабиларни ҳам қамраб олади.

**Иккинчидан,** «Инсон ва жамият» ўртасидаги муносабат билан боғлиқ муаммолар бўлиб, буларга илмий-техника тараққиёти (ИТТ); маориф ва маданият; аҳоли кўпайишининг тез суръатлар билан илдам кетиши («Демографик портлаш», кишилар саломатлигини сақлаш, киши организмининг ниҳоятда тез ўзгариб бораётган ижтимоий муҳитга мослашиши) шунингдек, инсониятнинг келажаги каби масалаларни киритиш мумкин.

**Учинчидан,** «инсон — табиат» муносабатларига эса хом-ашё ресурсларини тежаш, аҳолини озиқ — овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш каби муаммолар киради. Бу гуруҳ муаммолар ижтимоий омиллар тасирида вужудга келади, уларни ҳал қилишда эса ижтимоий омилларнинг ўрнини ва аҳамиятини тўғри англаган ҳолдагина масаланинг туб моҳиятини тушуниш мумкин.

Худди шунингдек, соф ижтимоий глобал муаммоларнинг ечимида табиий омилларнинг бу жараёнга бевосита уланиб кетишини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Ҳам ижтимоий, ҳам табиий омиллар асосида юзага чиқадиган умумбашарий (глобал) муаммолар бир бутунликни ташкил этиб, уларга ҳар томонлама (комплекс) ёндашиш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фалсафа фани зиммасига катта масъулиятлар юклайди.

Инсониятнинг келажаги тўғрисида тарихда турли-туман башоратлар мавжуд, улар бир неча хилларга бўлинади. Масалан, халқимизнинг илк тарихий қадриятларидан бўлган муқаддас «Авесто» ёзма ёдгорлиги ҳам умумий бир тарзда инсониятнинг келгуси истиқболини башорат қилиб, кишиларни муштарак мақсадлар томон йўналтиришга ҳаракат қилган. Бундай башоратлар диний мазмунга асосланган бўлиб, ўз даври учун катта аҳамият касб этган эди. «Авесто»да Зардўшт ўлимидан сўнг 3000 йил ўтгандан кейин, эркин фаровонлик замони келади, Ахура Мазда қудрати Ахриман ёвузлиги устидан тўла ғалаб қозонади, дея ишонч билдирилган эди.

Иккинчи хил башоратлар ўрта асрларда кенг тарқалган, ҳозирда ҳам Ғарб мамлакатларида кенг шухрат қозонаётган бир қатор Ғарб футурологияси мазмунига эга. Ғарб футурологиясининг машҳур намояндаларидан фон Карман, Е. Шервин, Г. Кан ва бошқалар инсониятнинг келгуси истиқболини, асосан, ядро ҳалокати ёки

бошқа бир умумбашарий глобал муаммолар билан боғлаб пессимистик манзараларни чизиб кўрсатишга уринадилар.

Кишилик жамиятининг келгуси истиқболи тўғрисида жиддий илмий башоратлар орасида 1968 йилда А. Печчеи томонидан асос солинган «Рим клуби» аъзолари бўлган Ж. Форрестер, Д. Медоуз, Я. Тинберган, А. Кинг ва бошқалар томонидан тайёрланган ҳисоботларнинг илмий аҳамиятиниҳоятда катта. Уларда инсониятнинг келгуси истиқболини шубҳа остида қолдираётган умубашарий муаммолар кўламининг кенгайиб бориши, кишилар томонидан табиатга қилинаётган зуғумнинг мудҳиш оқибатлари қандай бўлиши тўғрисида жиддий мулоҳазалар юритилади. «Рим клуби» аъзолари томонидан қилинган башоратлар илмий-фалсафий мазмунга эга бўлиб, унда асосан тажриба синовидан ўтган билимлар ва мантиқ қонунлари ва категорияларига суянган ҳолда инсониятнинг келажаги тўғрисида муҳим илмий хулосалар баён қилинган.

Демак, инсоният тараққиётининг келгуси имстиқболини белгилашдаги энг муҳим белгилар сирасига умумбашарий муаммолар табиатини чуқур англаш, бу муаммоларнинг ечими умуминсоний муштарак манфаатлари йўлида ҳамжиҳатликда қилинган саъй-ҳаракатлар эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Ана шундай мисоллар анчагина. Масалан, 1955 йил 31 январда Фредерико Жулио Кюри (у шу пайтда жаҳон илмий ходимлари федерацияси ташкилотининг президенти эди) Нобель мукофоти совриндори Бертран Расселга хат орқали мурожаат қилиб, ядро қуролининг жуда хавфли тус олаётганлигини, бу фалокатнинг олдини олиш учун фан арбоблари биргаликда ҳаракат қилиши лозимлигини билдиради. Б. Рассел Ф. Кьюри таклифини қўллаб-кувватлаб, бу мурожаатга имзо чекувчи вакиллар бир хил сиёсий оқим тарафдорлари бўлиб қолмаслиги, бунда жаҳондаги барча кучлар, ҳар бир халқ, жамият вакиллари иштироки зарурлигини таъкидлайди. Масалага бундай ёндашиш фалсафий тафаккур тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган эди. Бу эса илмий-сиёсий адабиётларда «янгича тафаккур услуби» деб аталган ва жаҳоннинг энг атоқли олимлари А. Эйнштейн, Ф. Жулио-Кюри, М. Борн, Л. Полинг ва бошқалар томонидан имзо қўйилган манифестга асос қилиб олинган эди. Натижада 1955 йил 9 июл куни Б. Рассел томонидан ўтказилган пресс-конференцияда «Рассель-Эйнштейн манифести» номи билан шуҳрат қозонган, бутун ер юзи аҳолисига, сиёсий ва давлат арбобларига қаратилган машҳур чақириқ эълон қилинган. У ҳозирги пайтда тинчлик ва қуролсизланиш учун курашувчи Пагуош ҳаракатини бошлаб берган эди. Манифестда «Биз янгича фикр қилишга одатланишимиз керак. Биз ўз-ўзимиздан у ёки бу гуруҳ мамлакатларининг ҳарбий ғалабасини таъминлаш учун нималар қилиш зарур деб эмас, балки ядро ҳалокати ва унинг даҳшатли оқибатлари қандай бўлиши мумкинлиги тўғрисида инсониятни огоҳлантириш учун нималар қилдинг деб сўрашимиз керак», — деган сўзлар бор эди.

«Рассель-Эйнштейн манифести» чоп этилганига ҳам мана 45 йил ўтди. Бу вақт мобайнида ядро қуролларини ишлаб чиқиш ва синаб кўриш кўлами бир неча баробар кўпайди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўтган ярим аср мобайнида қуролланишга 16-18 трл. доллар маблағ сарфланди. Ҳозирги кунда ҳарбий соҳалар учун ҳар йилига 1 трл. доллар миқдорида маблағ ажратилмоқда. Бир кунда қурол-яроққа ажратиладиган маблағ 3,4-3,5 млрд. долларни ташкил этмоқда. Таққослаш учун қуйидаги рақамларга мурожаат қиламиз. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг безгакка қарши кураш тадбирлари учун бир йилда 28-30 млн. доллар ажратишини, Халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКОнинг бир йиллик

бюджети 950-980 млн. доллар миқдорида эканлигини ҳисобга олсак, масала ойдинлашади.

Ҳарбий-саноат ўз домига табиатнинг шундай ноёб бойликларини тортаяптики, бу сарф-ҳаражатлар ўсиш суръатининг тезлигига қараб беихтиёр ўз келажагимиз тўғрисида хомуш хаёллар оғушида қолмасдан илож йўқ. Бу соҳа фақат табиий ресурслар билан чекланиб қолмасдан, балки, ўта камёб ақл эгалари, талантли кишиларнинг ақлий фаолиятини ҳам ўз измига солиб, оқибатда, илмий-техника тараққиётининг инсоният манфаатига қаратилган йўналишига асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

**Энергия ва ёқилғи ресурсларидан тежамли фойдаланиш муаммоси.** Давримизнинг яна бир муҳим белгиларидан бири жаҳон иқтисодиётининг суръатини белгилайдиган энергияни истеъмол қилиш кўлами муттасил кенгайиб бораётганлигидир. Агар ҳозирги суръатда жаҳон иқтисодиёти давом этадиган бўлса, у вақтда саноат ва халқ хўжалигининг энергияга бўлган эҳтиёжи учун яқин йиллар ичида йилига 20 млрд. тонна ёқилғи талаб қилинади. Бу кўрсаткич 2025 йилда 35-40 млрд., XXI охирига бориб, 80-85 млрд. тоннани ташкил этиши тахмин этилмоқда.

Вуждга келаётган бу ҳолатдан чиқиб кетишнинг йўли эса битта, у ҳам бўлса, ёқилғининг органик моддалар (нефть, кўмир, газ ва х. к.) дан олинадиган энергия салмоғини камайтириб, ноорганик ёқилғи манбалар (ГЭСлар, АЭС, шамол электростанциялар, қуёш энергиясидан фойдаланиш, водород, гелий ва х.к.) дан олинадиган энергия миқдорини муттасил ошириб бориш. Қуёш энергияси, ГЭС ва шамол электростанциялар 2025 йилда бу эҳтиёжнинг 60%ини қондириши мумкин.

Яқин келажакда ривожланаётган мамлакатларда электр энергияси ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан кўпайтириб бориш кўзда тутилмоқда. Бутун жаҳонда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг қарийиб 34% ана шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Электр энергиясининг шу қадар тез суръатлар билан ишлаб чиқарилаётганлиги ён атрофидаги табиий ва ижтимоий муҳитга таъсир этмасдан иложи йўқ. Масалан, гигант ГЭСларнинг қурилиши ўз навбатида ана шу регионнинг, иқлим шароитига, ён атрофдаги шаҳар ва қишлоқларда халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига салбий таъсир ўтказиши мумкин (масалан, экин майдонларининг қисқариши, мавжуд майдонларнинг шўрланиши ва ишдан чиқишига олиб келиши мумкин). Атом электростанцияларининг чиқиндиларини бартараф этишнинг экологик хавфсизлик масалалари ҳозирги даврнинг ечилиши мураккаб муаммоларига айланди. Айниқса, 1986 йил 26 апрель куни Чернобил АЭС IV блокининг ишдан чиқиши натижасида жуда катта миқдордаги радиациянинг хавога тарқалиши мазкур регионнинг яшашга мутлақо яроқсиз бўлиб қолишига сабабчи бўлди.

Инсоният олдида жаҳон иқтисодини ўстириш учун энергияга бўлган эҳтиёжни қондиришдан ўзга чора йўқ. Бироқ, бугунги кунда электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд табиий муҳитга таъсир даражасини камайтирган ҳолда энергияни кўпроқ ишлаб чиқариш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам бу муаммони ижтимоий тараққиётнинг келажагини белгилаб берадиган энг муҳим омиллардан бири сифатида жаҳоншумул аҳамиятга молик муаммолар сирасига киритилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш ва экологик мувозанатни сақлаш муаммоси.** Жаҳон статистик ахборот марказлари берган маълумотларга қараганда, XX асрнинг бошидан то ҳозирги кунгача ишлаб чиқарилган кўмирнинг 45%, темир рудасининг 57%, нефтнинг 76%, табиий газнинг 80% кейинги 25 йилга тўғри келар

экан. Ана шундай ҳолатни хом-ашёнинг бошқа турлари тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Таҳлилларга қараганда, 90-йилларда ишлаб чиқарилган хом-ашё миқдори 60-70-йиллардагига қараганда 1,5-2 баробар кўпайган.

Ер юзида вужудга келган бундай ҳолат, бир томондан, инсониятни хом-ашё ресурслари билан таъминлаш имкониятлари, ҳосилдор ерлар ва ичимлик суви манбаларининг камайиб бориши, шунингдек бошқа хом-ашё захираларининг камайиб кетиши каби бошқа бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Вужудга келган экологик вазият, табиий муҳитнинг инсон организмига ва унинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этмасдан қолмайди. Бошқа томондан эса, фан-техника тараққиётининг кўлами асосида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасини хом-ашё ресурслари, фойдали қазилмалари билан етарли миқдорда таъминлаш муаммосини ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Мазкур муаммони ижобий ҳал қилиш учун, иқтисодчиларнинг таҳлилларига кўра, жаҳон мамлакатларининг ҳар бири ўзи ишлаб чиқарган ялпи миллий махсулотнинг 3-5% миқдорида маблағ ажратиши зарур. Демак, хар йили ўрта ҳисоб билан 650-850 млрд. доллар ҳажмида маблағ ажратилиши талаб этилади.

Жуда кўп ривожланган мамлакатларда ичимлик сувининг танқислигидан кийинчиликлар юзага чиқмоқда. Айни шу мамлакатлардан 42-45% $км^3$ ҳажмида саноатдан чиққан ифлос оқава сувлар сув ҳавзалари, кўл, денгиз, океан сувларини ўзининг заҳарли таркиби билан булғамоқда. XXI аср бошларига келиб, тоза ичимлик сувларига бўлган эхтиёж дунё миқиёсида асримизнинг 90-йилларига нисбатан яна 2,3-2,5 баробар ошди.

**Дунё океанинг ифлосланиши, жонли табиатнинг йўқотилиши янада хавфли тус олмоқда.** Ҳар йили океnларга 12-15 млн. тоннага яқин нефть ва нефть маҳсулотлари тўкилмоқда, шаҳарларнинг кенгайиши, саноат корхоналарини қуриш учун минг-минглаб гектар ер майдонлари ажратиб берилмоқда, ўрмонлар кесилиб яшил ерлар камаймоқда. Бу тенденция, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда хавфли тус олмоқда. Дунёда ҳар йили 0,8% тропик ўрмонлар йўқолиб бормоқда, 200 минг $км^2$ территориядаги тропик ўрмонлар кесилиб қайта тикланмай қолмоқда. Ҳозирги пайтда йилига 8,3 млн. гектар, ёки минутига 16 гектар ўрмон йўқотилмоқда. Табиий мувозанатнинг дунё миқиёсида тез ўзгаришининг оқибати ҳозирнинг ўзидаёқ инсоннинг яшаши ва фаолияти учун ўта зарур бўлган мўътадил муҳитнинг бузилишига олиб келмоқда.

Давримизнинг яна салбий белгиларидан бири шундаки, инсон фаолияти кўламининг миқёси тобора биосферани тўла эгаллаб, эндиликда космосга ҳам таъсир эта бошлади.

**Озиқ-овқат муаммоси ва биосфера.** Ниҳоятда тез ўсиб бораётган дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси кейинги пайтларда жаҳоннинг бир қанча минтақаларида анча кескинлашди. Мавжуд маълумотларга асосан, дунё халқларининг 2F3 қисми доим озиқ-овқат тақчиллиги ҳукм сураётган мамлакат халқлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу минтақаларда экиладиган ер майдонлари аҳоли жон бошига нисбатан камайиб, 0,2 га. ни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, 1950 йилда бу кўрсаткич 0,5га. ни ташкил этган эди.

Озиқ-овқат захираларининг ўсишини, бир томондан, ишланадиган ер майдонларини кенгайтириш ҳисобига, иккинчи томондан экилаётган майдонларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаш мумкин. Кейинги пайтларда ҳосилдорликни кўпайтириш устида жуда кўп ишлар қилиниб, 80 — йилларнинг охирларига келиб дунё миқёсида етиштирилган маҳсулот ўсишининг 90% ҳосилдорликни кўтариш ҳисобига тўғри келди. Аммо, бизга маълумки, бундай

муваффақиятларга табиатга ҳаддан зиёд қилинган қаттиқ зуғум қилиш натижасида эришилади. Жуда кўп ерлар бундай тазийққа дош бера олмасдан ишдан чиқа бошлади. Бу ерларни табиий ҳолатига қайтариш учун имконият қолмади.

Бундай таҳликали ҳолатнинг сабабларини аҳолининг табиий ўсиши ниҳоятда тез суратлар билан кўпайгани, уларнинг иш ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши билан табиий муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш учун етарли маблағни топа олмаётганлигидан излаш керак.

**Ривожланган ва кам тараққий этган мамлакатлар ўртасидаги тафовутни йўқотиш** ҳам давримизнинг энг чигал жаҳоншумул муаммолари қаторидан ўрин олди. Ривожланган мамлакатларда замонавий технология, илғор ишлаб чиқариш малакаси ва инсониятнинг илмий-техника ютуқлари системалаштирилган билимлар захираси тўпланиб, шу билан бирга аҳолининг табиий ўсиш даражасининг пастлиги бошқа мамлакатларга нисбатан ўз мамлакати аҳолисининг иқтисодий яшаш тарзининг беқиёс даражада яхшиланишига олиб келди. Бу мамлакатларда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг ўзига хос томонлари шундаки, мазкур мамлакатларда индустрлаштириш жараёни асримизнинг 70-йиллари бошидаёқ тугалланиб, энг аввал АҚШ ва кейинчалик Германия, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқариш тараққиётининг янада юқорироқ босқичига ўта бошлади. Бунда илмий-техника ютуқлари кўпроқ талабга мос ва юқори технологияни ривожлантиришга кўп эътибор берди, табиийки, оқибатда жуда катта фойда олина бошланди. Бундай ишлаб чиқариш жараёнида малакасиз ёки кам малака ва билимга эга бўлган ишчи кучларига эҳтиёж кескин камайиб кетади.

Бунда иқтисодий тараққиёт даражаси табиий ресурслар ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан эмас, балки илмий-билим, технология, мураккаб машина ва ускуналар билан ўлчанади. Ривожланаётган мамлакатлар бу даражага етишиш учун бир қатор жараёнлардан ўтган.

Биринчидан, бу мамлакатлар табиий бойликлари ҳисобига орттирилган миллий даромад миқдорининг мамлакат аҳолиси жон бошига тушадиган салмоғи кескин даражада кўпайди.

Иккинчидан, мамлакат аҳолисининг туғилишини чегаралаш, уларга сарфланадиган маблағни юқори технологияни эгаллашда зарур бўлган мутахассислар етказиш учун сарфлаш кўзда тутилди.

Учинчидан, илмий-тадқиқот, олий ўқув юртлари ва маорифга тараққиётни таъминловчи асосий манба сифатида қараб, биринчи даражали аҳамият берилди. Чунки юқори технологияни эгаллаш юқори малакали илм эгаларини талаб қилади. Ижтимоий тараққиёт даражасини белгиловчи энг асосий омил илмий тафаккур эса жамият аъзоларининг маърифатлилик даражасини белгилаб беради. Бу соҳада, бутун жаҳон миқёсида фан ва таълимга 3-4% ялпи миллий маҳсулотнинг миқдорида маблағ ажратилаётган бир пайтда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 8,3% миқдорда эканлиги келажакка катта умид билан қарашга имкон туғдиради.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида баъзи мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий кўрсаткич орасидаги тафовут тобора кучайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Агар XX асрнинг 60-йилларида Ҳиндистонда ишлаб чиқариладиган ялпи ижтимоий маҳсулот жон бошига 50-70 долларни ташкил этган бўлса, Афғонистонда 60-70 доллар, Туркияда 243 доллар, Японияда 1400 доллар, АҚШда 3600-3800 доллар бўлган. 1994 йилги маълумотларга мувофиқ, ялпи миллий маҳсулот жон бошига: Ҳиндистонда 370 доллар, Афғонистонда 80 доллар, Туркияда 3900 доллар, Бангладешда 125 доллар, Германияда 22 минг доллар, италияда 14,8 минг доллар,

АҚШда 26 минг доллар, Жанубий Кореяда 8,7 минг доллар, Японияда 37000 доллар бўлган.

Демак, камбағал давлатларнинг камбағаллашиши янада кучайиб бормоқда. Бунинг бош сабабчиси, шу мамлакатлардаги демографик жараён эканлиги таъкидланмоқда. Аҳолининг фақат миқдорий ўсишининг ўзи кўр-кўрона яхши яшаш тарзига олиб келавермайди. Бунинг учун мамлакат аҳолисининг эътиқоди, миллий психологияси, қадрият ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда фаол демографик сиёсат олиб бориш зарур.

**Демографик муаммолар ва унинг фалсафий таҳлили.** XX аср ўзининг бир қатор белгилари билан олдинги барча даврлардан кескин фарқ қилади. Хусусан, XX асрни яна «демографик портлаш» давридир, деган қарашлар ҳам кенг тарқалган. Бунда қолган барча жаҳоншумул муаммоларни келтириб чиқарувчи бош сабаблардан бири ҳам айнан ер юзида аҳолининг тез суръатлар билан кўпайиши билан бевосита боғлиқ эканлиги назарда тутилади. «Демографик портлаш» тушунчаси ижтимоий-тарихий тараққиётнинг қисқа бир даврида, муайян минтақа ёки мамлакатда ва шунингдек, бутун ер юзида табиий туғилиш ҳисобига аҳоли миқдорининг ниҳоятда тез кўпайишини англатади.

Инсониятнинг олдида ана шундай хавф борлиги тўғрисида дастлаб инглиз иқтисодчиси Томас Роберт Мальтус (1766-1834 йй.) огоҳлантирган эди. У ўзининг «Аҳолишуносликнинг қонунияти тўғрисида тажрибалар» номли китобида аҳолининг геометрик прогрессия бўйича кўпайишини, унинг хаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматларнинг кўпайиши арифметик прогрессия бўйича рўй беришини айтган эди. Мальтус бу жараённинг олди олинмаса, яқин келажакда, планетар масштабда, табиий муҳит бериши мумкин бўлган моддий неъматлар миқдори билан жуда тез суръатларда кўпаяётган дунё аҳолиси эҳтиёжи ўртасида зиддият вужудга келишини башорат қилган эди.

Дарҳақиқат, бундан 6-8 минг йиллар олдин ер юзида 5 млн. атрофида одамлар истиқомат қилишган, деб тахмин қилинади. Бу кўрсаткич эрамизнинг бошларида 230 млн., 1-минг йилликнинг охири 2-минг йиллик бошларида, яъни Беруний замонида 305 млн; 1500 йилда 440 млн; 1800 йилда 952 млн; 1900 йилда 1656 миллионни ташкил этган. XVI аср бошидан XIX аср бошигача, яъни уч аср мобайнида бу кўрсаткич 174 фоизга ошганлигини; 1900 йилдан то 1999 йилгача эса бу нисбат сал кам 4 баробар ошганлигини кузатамиз.

XX асрнинг иккинчи ярмида ер юзи минтақаларида аҳолининг табиий кўпайиш суръатлари турлича бўлиб, бу ўз навбатида, Ер юзида минтақалар, мамлакатлар, халқлар салмоғининг кескин ўзгаришига олиб келмоқда. Масалан, 1800 йилда (Наполеон замонида) Франция аҳолиси 27 млн. кишини, Ер юзи аҳолисининг 3 фоизини ташкил этган бўлса, Филиппин оролларида яшаётган аҳоли 1,6 млн. киши миқдорида бўлиб, планета аҳолисининг умумий салмоғига нисбатан 0,16 фоизни ташкил этарди. 1999 йил 13 октябр куни Ер юзи аҳолиси олти миллиардлик довони босиб ўтди. Франция аҳолиси 56,2 млн. ни, Ер юзи аҳолиси салмоғининг 0,94 фоизни, Филиппин аҳолиси ҳам 65 млн. кишини ташкил этиб, жаҳон аҳолисидаги салмоғи (1,05%) бўйича Франциядан ўзиб кетди. Бу борада миллиарддан кўп аҳоли яшайдиган Хитой ва шу кўрсаткич томон бораётган Ҳиндистон алоҳида ўрин тутади. Хуллас, бу масала бир мамлкат доирасидан чиқиб жаҳон муаммосига айланди. У билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам бутун жаҳонда муштарак фаолият олиб бориш зарур.

**2. Ўзбекистон ва глобал муаммолар.** Мамлакатимизнинг келажаги тўғрисидаги илмий-фалсафий башорат Президентимиз И. Каримов томонидан «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» ва бошқа бир қатор асарларида асосли равишда баён қилиб берилган. Бу асарларда Ўзбекистоннинг минтақамиздаги ўзига хос ўрни, улкан табиий ресурслари, демографик омил ва инсон салоҳиятини инобатга олиб, бой маънавий меросимиз, тарихий тажриба, миллий қадриятларимизга асосланиб, яқин келажакда мамлакатимиз, шубҳасиз ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўринга эга бўлиши кераклиги башорат қилинган. Ислом Каримов тўғри таъкидлагани каби: «Жаҳон цивилизацияси хазинасига улкан ҳисса қўшган бой тарихимиз, буюк маданиятмиз, кўп авлодлар ҳаёти давомида вужудга келган бeқиёс табиий ва ақлий имкониятларимиз, халқимизнинг юксак маданияти ва ахлоқий қадриятларимиз, заминимизда яшаётган одамларнинг меҳнатсеварлиги, саховатлилиги, бағрикенглиги ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга бўлган истаги бунинг гаровидир».

Албатта, мамлакатимизда собиқ Иттифоқдан мерос қолган энг глобал муаммо — Орол фожиаси эканлигини биламиз. Бу борада республикамиз минтақадаги давлатлар орасида кўпдан-кўп ташаббусларни ўртага ташлаб келмоқда. Шу билан бирга мамлакатимиз аҳолиси ҳам муттасил ўсиб бормоқда.

Республикамизда «демографик портлаш» асосан, XX асрнинг иккинчи ярмида рўй бериб, бу жараён (бошқа бирор жиддий омиллар таъсир этмаса) XXI асрнинг дастлабки ўн йилликлари охиригача давом этиши башорат қилинмоқда. Республикамизда ҳозирги вазиятда вужудга келган ўзига хос «демографик вазият ғоят муҳим хусусиятлардан биридир, — деб қайд қилган эди Президент И.А. Каримов, — Жумҳуриятимизда аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳар йили юксак суръатлар билан ортиб бормоқда». Жумладан, 1980 йилда аҳолининг бир йиллик табиий ўсиши 421161 кишини ташкил этди, бу кўрсаткич 1989 йилда 480621 кишини; 1997 йилда 580673 кишини ташкил этди.

Ўзбекистон ўз аҳолиси ўсиш билан боғлиқ масалаларни, айтиш мумкинки, муваффақиятли ҳал қилишга киришди. Президентимизнинг бозор муносабатларига ўтишда аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсати, республикамизда бўлиши мумкин бўлган ижтимоий тенгсизликнинг олдини олишга хизмат қилди.

Кейинги пайтларда республика ҳукумати оналарнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, туғилган хар бир чақалоқ олдида ота ва онанинг, қолаверса, жамиятнинг жавобгарлик ҳиссини ошириш борасида, шунингдек фарзанднинг ота-она ва Ватан ҳамда халқи олдидаги бурчларини чуқур англашлари учун жуда катта маънавий рағбатлантирувчи тадбирлар ишлаб чиққанлиги ўта муҳим аҳамият касб этди. Шу мақсадда «Соғлом авлод» жамғармасининг тузилиши, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши фикримизнинг далили бўлади.

Бугунги кунда ўзбек халқининг қадриятлари асосида ёш авлод дунёқараши шакллантирилганда, шубҳасиз аждодларимизнинг ўз Ватани, табиий муҳитга бўлган меҳр-муҳаббатли бўлиш каби муқкадас туйғусининг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаётганлигини ва бу мерос олдида чуқур масъулият ҳисси бўлиши зарур эканлигини ҳисобга олиш лозим.

### Таянч иборалар

**Прогнозлаш** - бирор-бир ходисанинг истикболларини махсус илмий такик этиш. Уз предметига кура табиий - илмий ва прогнозлаш жараёнини тафовутлаш кабул килинган. Прогнозлашда асосий манба вазифасини тажрибадан олинган маьлумотлар, башорат килинаётган ходисанинг истикболига доир аналогияга асосланган бахолар, маьлум тенденциялар экстрополяцияси, ходисаларнинг келажакдаги холатига доир моделлар ва бошкалар утайди. Прогнозлашнинг уч асосий услублари синфи мавжуд: 1. субъектив фикр - мулохазаларни объективлаштириш максадида ахоли суровини амалга ошириш. 2. экстраполяция ва интерполлаштириш - башорат килинаётган жараён курсаткичларининг узгариб бориш хусусиятларини аниклаш. 3. моделлаштириш - башорат килинаётган ходисанинг эхтимоллиги меъёрларини тузиш.

**«Демографик портлаш»** - ижтимоий-тарихий тараккиётнинг киска бир даврида, муайян минтака ёки мамлакатда ва шунингдек, бутун ер юзида табиий тугилиш хисобига ахоли микдорининг нихоятда тез купайишини англатади.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Умумбашарий муаммоларнинг вужудга келиш сабаблари нимада?
2. Илмий-техника тараққиёти ва унинг социал оқибатлари нималарда намоён бўлмоқда?
3. Умумбашарий муаммоларда демографик омилнинг ўрни қандай?
4. «Демографик портлаш» тушунчаси ҳақида нима дея оласиз?

### Асосий адабиётлар


1. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Т.9. Т., «Ўзбекистон», 2001.
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т., «Ўзбекистон», 2002. 316-329-бетлар.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т., «Ўзбекистон», 2003. 3-51-бетлар.
4. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005. 5-33-бетлар.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005.
7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т., «Ўзбекистон», 2005.
8. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. Фалсафа: маъруза матнлари. (Назаров Қ. ва бошқ.) -Т.: ЎАЖБНТ маркази. 2000. 289-302-бетлар.
10. Гуннар Скирбекк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., «Шарқ», 2002. 689-691-бетлар.
11. Саифназаров И. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., «Янги аср авлоди», 2003. 3-21-бетлар.
12. Саифназаров И. ва бошқ. Фаннинг фалсафий масалалари. -Т., «Фан ва технология», 2007.
13. Ўзбекистонда маънавий рухий тикланиш. Т., «Янги аср авлоди», 2003.

14. Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан. Т., «Чўлпон», 2003. 142-149-бетлар.
15. Фалсафа қомусий луғат. Т., «Шарқ», 2004. 92-бет.
16. Ислом энциклопедияси. Т., 2004.
17. Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров). -Т., «Ўзбекистон», 2005.
18. Шахс ва жамият. Қўлланма. Т., «Ўқитувчи», 2005.

### Кушимча адабиётлар:

1. Основы философии. Т. Мехнат 2004 й. 7-17 бетлар.
2. www.bilim.uz.
3. www.philosophy.ru.
4. www.filosofiya.ru.
5. www.philosophy.nsc.ru.
6. http//philosophy.albertina.ru.
7. www.philosophy.com.
8. www.gov.uz - Хукумат сайти
9. www.press-service.uz - Президент сайти
10. www.edu.uz - Вазирлик сайти (руйхатдан утиш)
11. www.ziyo.edu.uz - Вазирлик сайти
12. www.performance.edu.uz - Вазирлик сайти
13. www.tseu.fan.uz - ТДИУ сайти
14. www.tseu.uz - ТДИУ сайти
15. www.teuphil.narod.ru - Фалсафа кафедраси сайти

### Мавзуда қўлланиладиган педагогик технология куйидагича:

1. Аклий хужум услуби.
2. Реферат тахлили.

### Мавзуда кулланиладиган ахборот технология куйидагича:

1. Слайдлар намойиши.
2. Интернетдан олинган маълумотлар.

Ушбу маъруза матни К.Назаров рахбарлигида яратилган маърузалар матни, Фалсафа комусий лугат, Марказий Осиё мутафаккирларининг фалсафий карашларининг тахлили асосида тузилган. Марксизм - ленинизм фалсафасига танкидий каралган.

**И л о в а**

## Ўқув қўлланмасида акс эттирилган файласуфлар ва олимлар

**Ибн Рушд (Аверроэс) (1126-1198)**
**- араб файласуфи ва табиби, етти жилдли қомусий тиббий асар «Китоб ал-куллиёт» (тиббиёт бўйича умумий қўлланма) муаллифи. Аристотель асарларига шарҳлар ёзган.**

**Ибн Сино (Авиценна) (980-1037)**
- жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк қомусий олим, файласуф, табиб. Унинг илмий-фалсафий «Китоб аш-шифо» ва «Тиб қонунлари» асарлари жаҳон маданиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

**Аристотел (мил. ав. 384-322)**
- қадимги юнон файласуфи ва қомусий олими. Ўз асарларида ўша даврда маълум бўлган билимнинг барча соҳаларини қамраб олган. Унинг фалсафа, мантиқ, физика, биология, санъат назарияси, риторика, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ҳақидаги фанларга оид ғоялари жаҳон фалсафаси ва фанининг ривожланишига улкан таъсир кўрсатган.

**Архимед (тахм. мил. ав. 287-212)**
- қадимги юнон олими, математиги. Юза ва ҳажмларни аниқлаш, эгри чизиқларнинг узунлигини ҳисоблаб топиш усулларини биринчи марта қўллаган; математик физика пионери; механика асосчиларидан бири; кашфиётчи.

**Белл Д. (1919)**
- америкалик социолог, ижтимоий тафаккур тарихи, сиёсий оқимлар ва ижтимоий прогноз қилиш соҳасимутахассиси; постиндустриал жамият концепцияси (1964) муаллифи.

**Беркли Ж. (1685-1753)**
- инглиз файласуфи, 1734 й.дан Клойн (Ирландия)да епископ, субъектив идеализм концепциясини ривожлантирган; материализмни, И.Ньютоннинг макон ҳақидаги таълимотини ва чексиз кичик катталиклар талқинини қаттиқ танқид қилган.

**Бернал Ж. (1901-1971)**
- инглиз физиги, фан социологи, жамоат арбоби, фаншунослик асосчиларидан бири.

**Бор Н. (1885-1962)**

- даниялик физик, атом квант назариясини яратган, квант механикаси муаллифларидан бири, атом ядроси ва ядро реакциялари назариясининг ривожланишига катта ҳисса қўшган, Нобель мукофоти лауреати (1922); квант механикасининг фалсафий талқинига катта ҳисса қўшган; мувофиқлик принципини таърифлаб берган (1923). Табиий фанлар фалсафаси бўйича илмий ишлар муаллифи.

**Борн М. (1882-1970)**
**- немис физиги, квант механикаси асосчиларидан бири, В.Гейзенберг ва П.Иордан билан ҳамкорликда матрицали квант механикасини ишлаб чиққан ва уни статик асослаган; фалсафа ва физика методологиясига оид кўплаб асарлар муаллифи; тинчлик ва демократия учун кураш ҳаракатининг фаол иштирокчиси; Нобель мукофоти лауреати (1992).**

**Браге Т. (1546-1601)**
**- даниялик астроном, 20 йилдан ортиқ юлдуз, сайёра ва кометалар устида тадқиқот олиб борган; ушбу кузатувларнинг натижалари асосида И.Кеплер сайёраларнинг ҳаракатланиш қонунларини яратган.**

Бруно Ж. (1548-1600)
**- итальян файласуфи ва шоири; фалсафанинг мақсади табиатдан устун Худони эмас, балки табиатнинг ўзини билиш деб ҳисоблаган, Коперникнинг гелиоцентрик назариясини фаол ҳимоя қилган, табиатнинг чексизлиги ва Оламда дунёларнинг беҳисоблиги ҳақидаги ғояларни ривожлантирган, даҳрийликда айбланиб, гулханда куйдирилган.**

Бутлеров А.Н. (1828-1886)
**- рус кимёгар олими, модданинг кимёвий тузилиши назарияси муаллифи, кимёгар олимлар рус мактабининг асосчиси, жамоат арбоби.**

Бэкон Ф. (1561-1626)
**- инглиз файласуфи, 1618-1621 йилларда Англия лорд-канцлери; борлиқни талқин қилиш математик анъанасини ривожлантирган; схоластикага қарши фаол курашчи; фан нафақат борлиқни билишда, балки уни инсон манфаатларида ўзгартиришда ҳам катта рол ўйнашини асослаб берган; унинг фан методологияси, у таклиф қилган фанлар таснифи, илмий ҳамжамият ташкил этиш ҳақидаги ғоялари француз энциклопедистлари томонидан қабул қилинган; унинг ғоялари фалсафанинг, айниқса, фанлар фалсафаси ва методологиясининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган.**

Вебер М. (1864-1920)

**- немис социологи, иқтисодчиси, тарихчиси, ҳуқуқшуноси, файласуфи, дин социологияси ва ижтимоий ҳаракат назарияси асосчиси; тажрибадан олинган билим билан тахминий муҳокамани бир-бирига аралаштириб юбормасликни талаб этган; марксизмга қарши чиққан.**

Верн Ж. (1828-1905)
**- француз ёзувчиси, илмий-фантастик роман жанрининг асосчиларидан бири.**

Вернадский В.И. (1863-1945)
**- рус табиатшуноси, минералог ва кристаллографи, геокимё, биокимё, радиогеология, биосфера ва ноосфера ҳақидаги таълимот асосчиларидан бири, фан тарихчиси, жамоат арбоби; унинг Ер геокимёвий эволюциясида жонли нарсалар роли, табиатга инсон таъсирининг ўсиб бориши, инсоннинг ягоналиги ва янги, планетар тафаккурни ривожлантириш зарурлиги ҳақидаги ғоялари давримиз дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган.**

Винер И.Н. (1894-1964)
**- америкалик математик, кибернетика асосчиси, табиат ҳодисалари, жамият ва инсонни тавсифлаш ва тушуниш учун эҳтимоллик ва ахборотга асосланган ёндашувларни кенг қўллаш ғоясини ривожлантирган; ҳозирги жамиятда фан ва техника ютуқларининг қўлланилиши ҳақидаги асарлар муаллифи; унинг ғоялари ХХ аср иккинчи ярми дунёқарашига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.**

Витгенштейн Л. (1889-1951)
**- австралиялик файласуф ва мантиқчи, аналитик фалсафа намояндаси, мантиқий позитивизм фалсафаси асосчиларидан бири; классик фалсафа муаммолари ўз моҳиятига кўра мантиқсиз ва тилимизнинг мантиғини нотўғри тушунишга асосланган деб ҳисоблаган; унинг таъкидлашича, тилдаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш фалсафанинг вазифасидир; Витгенштейннинг бу қарашлари лингвистик фалсафа тараққиётига таъсир кўрсатди.**

Галилей Г. (1564-1642)
**- итальян физиги, механиги, астрономи, мусиқачиси, шоири, филологи ва адабий танқидчиси, ҳозирги замон экспериментал-назарий табиатшунослиги асосчиларидан бири, классик механика асосчиси.**

Гедель К. (1906-1978)

**- австриялик мантиқчи ва математик; етарли даражада бой формал системалар (шу жумладан натурал сонлар арифметикаси ва тўпламлар аксиоматик назарияси) мукаммал эмаслигини исботлаган.**

Гейгер Х. (1882-1945)

**- немис физиги; инглиз физиги Э.Резерфорд билан ҳамкорликда алоҳида зарядланган зарраларни ҳисоблаш имконини берадиган асбобни кашф қилган, кейинчалик ушбу асбоб Гейгер ва немис физиги В.Мюллер томонидан такомиллаштирилди ва Х.Гейгер-Мюллер ҳисоблагичи деб номланди.**

Гейзенберг В. (1901-1976)

**- немис физиги, квант механикаси асосчиларидан бири; Н.Бор билан ҳамкорликда матрицали механика (1925) – квант механикасининг биринчи вариантини ишлаб чиққан; ноаниқликлар нисбатини таърифлаб берган (1927); атом ядросининг тузилиши, релятивистик квант механикаси ва майдон ягона назарияси ҳақидаги асарлар муаллифи; Нобель мукофоти лауреати (1932); унинг фан фалсафаси ва методологияси муаммоларига оид кўп сони асарлари ҳозирги дунёқарашга катта таъсир кўрсатди.**

Гексли К. (1825-1895)

**- инглиз табиатшуноси, Ч.Дарвин сафдоши ва таълимотининг давомчиси; 1883-1885 йилларда – Лондон қироллик жамияти президенти; инсон ва маймун бир аждоддан келиб чиққан деган назариянинг фаол тарафдори.**

Гоббс Т. (1588-1679)

**- инглиз файласуфи; геометрия ва механика илмий тафаккурнинг идеал намунаси деб билган; табиатни катта-кичиклиги, шакли, ўрни ва механик ҳаракати (жойини ўзгартириши) билан фарқланувчи жисмлар мажмуи деб ҳисоблаган; ижтимоий шартномага асосланган давлат ҳақидаги таълимотни ривожлантирган.**

Гюйгенс В. (1629-1695)

**- нидерландиялик механик, физик ва математик; ёруғликнинг тўлқин назарияси асосчиси; биринчи бўлиб маятникли соатни ихтиро қилган, унинг назариясини яратган; Франция Фанлар академиясининг биринчи вакили.**

Демокрит (тахм. мил. ав. 460-370)

**- қадимги юнон файласуфи, атомистик назария асосчиларидан бири; қомусий билимларга эга бўлган; ўз даврида маълум деярли барча фанлар: математика, физика, астрономия, тиббиёт ва б. билан шуғулланган.**

Дидро Д. (1713-1784)

**- француз файласуфи, ёзувчиси, маърифатпарвари, французча «Энциклопедия» ташкилотчиси ва муҳаррири (1751-1780); «Фалсафий фикрлар» номли илк фалсафий асари (1746) Франция парламенти қарорига биноан ёқиб юборилган; табиат ҳақидаги материалистик таълимотни ривожлантирган; биологик эволюция ҳақидаги фаразни илгари сурган.**

Дильтей В. (1883-1911)
**- немис маданият тарихчиси, файласуф, «ҳаёт фалсафаси» оқимининг намояндаси, «тушунувчи психология» асосчиси; фалсафанинг вазифаси ҳаётни тушуниш деб билган ва шундан келиб чиқиб ҳаётни маданий-тарихий ҳодиса деб талқин қилган.**

Евклид (мил. ав. 3 аср)
**- қадимги юнон математиги; бизгача етиб келган математикага оид биринчи назарий рисола муаллифи; асосий асари – «Негизлар»да планиметрия, стереометрия ҳамда сонлар назариясига оид бир қанча масалалар ёритилган.**

Жолио-Кюри Ф. (1900-1958)
**- француз физиги, жамоат арбоби; хотини И.Жолио-Кюри билан ҳамкорликда сунъий радиоактивлик ҳодисасини аниқлаган, бунинг учун 1935 йилда улар Нобель мукофоти билан тақдирланган; нейроннинг бета парчаланишини башорат қилган; атом энергиясидан амалда фойдаланиш соҳасида катта ишларни амалга оширган.**

Иоанн Павел II (К.Войтила) (1920-2005)
**- польшалик католик руҳонийси; 1964 йилдан Краков архиепископ-митрополити; 1967 йилдан – кардинал; 1978 йилдан – Рим папаси.**

Кант И. (1724-1804)
**- немис олими ва файласуфи, немис классик фалсафасининг асосчиси; Қуёш системаси фазода тарқоқ ҳолда жойлашган материя зарраларининг ўзаро яқинлашувидан вужудга келган деган космогоник гипотезани ишлаб чиққан; кўплаб галактикалар мавжуд деган фаразни илгари сурган; у ривожлантирган таълимотга кўра, инсон «нарса ўзида» (моҳият)ни билишга қодир эмас, у фақат «биз учун нарса»ни, яъни ҳодисаларни билиши мумкин.**

Капица П.Л. (1894-1984)
**- совет физиги, Нобель мукофоти лауреати (1978); ўта кучли магнит майдонлари ҳосил қилишнинг импульсли методини таклиф қилган; суюқ гелийнинг ўта оқувчанлигини кашф қилган; бошқариладиган термоядро синтезини амалга ошириш соҳасида янги йўналишга асос солган; катта**

**амалий аҳамиятга эга бўлган гелий ва кислородни камайтириш қурилмасини ишлаб чиққан.**

Карнап Р. (1891-1970)
**- немис-америка файласуфи, мантиқшунос, мантиқий позитивизмнинг етакчи вакили; фан фалсафаси, мантиқий синтаксис ва семантика назарияси, индивидуал мантиққа оид асарлар муаллифи; ҳозирги замон фалсафаси фан тилини мантиқий таҳлил қилиш билан шуғулланиши керак, деган ғояни ҳимоя қилган.**

Кеплер И. (1571-1630)
**- немис астрономи, сайёралар ҳаракати қонунлари (Кеплер қонунлари)ни кашф этган; ўз асарларида Н.Коперникнинг гелиоцентрик таълимотини асослаган ва ривожлантирган; И.Кеплер тадқиқотлари нафақат астрономияга, балки янги давр физикасига ҳам асос бўлди.**

Киндий, ал-Кундий (800-879)
**- машҳур араб файласуфи ва олими, шарқ аристотелизми асосчиларидан.**

Колумб Х. (1451-1506)
**- денгизчи сайёҳ, асли генуялик; унинг кашфиётларидан кейин Америка қитъаси география фанига маълум бўлди ва европаликлар томонидан фаол ўзлаштирила бошланди.**

Конт О. (1798-1857)
**- француз файласуфи, позитивизм асосчиларидан бири, социология асосчиси; фан ва фалсафа ҳодисаларнинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қилмаслиги, балки улар қандай содир бўлишини ўрганиши керак, деб ҳисоблаган; жамият тараққиётини белгиловчи инсоният ақл-заковати эволюциясининг уч босқичи (илоҳий, метафизик, позитив ёки илмий) назариясини илгари сурган; фанлар таснифини ишлаб чиққан.**

Коперник Н. (1473-1543)
**- поляк астрономи, врач, давлат арбоби; дунёнинг гелиоцентрик системаси асосчиси; унинг асарлари янги давр дунёқараши шаклланишига катта таъсир кўрсатди.**

Кун Т. (1922-1996)
**- америкалик фан тарихчичи ва файласуфи, фан фалсафаси ва методологиясидаги тарихий мактаб етакчиларидан бири; унинг асарлари фан фалсафаси ва методологияси муаммолари доирасининг кенгайишига ва фанлар тарихи билан методологияси ўртасида алоқанинг мустаҳкамланишига имконият яратди; «Илмий инқилоблар структураси» (1962) асари билан довруқ таратди, унда фаннинг тарихий-мантиқий динамикасини кўрсатиб берди.**

Лакатос И. (1922-1974)
**- инглиз тарихчиси ва фан файласуфи, илмий билимнинг ривожланиш қонунларини ўрганишга ва фан методологиясига катта ҳисса қўшган.**

Лейбниц Г.В. (1646-1716)
**- немис файласуфи, математиги, физиги, ҳуқуқшуноси, тилшуноси, кашфиётчиси; борлиқ қарама-қаршиликлардан иборат эмас, деб ҳисоблаган; унинг фикрича, реал дунё ўзаро бўлинмас руҳий субстанция – монадалардан иборат.**

Лобачевский Н.И. (1792-1856)
**- рус математиги, ноевклид геометрияси асосчиларидан бири; университет таълими ва халқ маорифининг таниқли арбоби; Қозон университети ректори (1827-1846).**

Ломоносов М.В. (1711-1765)
**- жаҳонга довруқ таратган биринчи рус олими, табиатшуноси, физик кимё асосчиларидан бири, ҳозирги замон рус адабий тили асосчиси, рассом, тарихчи, рус маърифатпарвари; унинг буйруғига биноан 1755 й.да Москва университети ташкил этилган.**

Максвелл Ж. (1831-1879)
**- инглиз физиги, классик электродинамика асосчиси; статистик физика асосчиларидан бири; унинг асарлари физик борлиқнинг янги тури – майдон аниқланишига олиб келди.**

Мальтус Т. (1766-1834)
**- инглиз иқтисодчиси, руҳоний; демография асосчиларидан бири; «Нуфус қонуни тўғрисида тажрибалар» (1798) асарида аҳоли ўсиши уни тирикчилик воситалари билан таъминлашда қийинчиликлар ошишига олиб келади, деган фикрни биринчи бўлиб илгари сурди ва туғилишни тартибга солиш зарурлиги масаласини кўтарди.**

Мах Э. (1838-1916)
**- австриялик физик ва файласуф, аэродинамика жараёнларини ўрганган (бу соҳада бир қанча катталиклар ва тушунчалар унинг номи билан аталган – Мах сони, Мах конуси ва б.); зарба тўлқинини кашф этган; жисмнинг инерция бўйича ҳаракати унинг Олам бутун моддаси билан ўзаро таъсири натижаси деган принцип (Мах принципи)ни таклиф қилган.**
Менделеев Д.И. (1834-1907)
**- рус кимёгар олими, кимёвий элементлар даврий системаси (Менделеев даврий жадвали)ни кашф этган, педагог, жамоат арбоби; кимё, кимё технологияси, физика, метрология, метеорология, қишлоқ хўжалиги,**

**иқтисод, халқ таълимига оид фундаментал асарлар муаллифи; кимёвий элементлардан бири унинг номи билан аталган.**

Мендель Г. (1512-1594)

**- австриялик биолог, генетика асосчиси; монах, 1868 й.дан Брюнн (Австро-Венгрия)даги Августин монастири бошлиғи; ирсият қонунларини аниқ таърифлаб берган, ирсийланиш жараёнининг назарий моделини яратган, бу таълимот унинг шарафига менделизм деб аталади.**

Мертон Р. (1910)

**- америкалик социолог, социологиядаги структуравий-функционал йўналиш вакили; унинг асарлари структуравий функционализм назарияси ва методологияси, фан ва илмий билиш социологиясига, бюрократияни, жамиятнинг ижтимоий тузилишини ўрганишга бағишланган; АҚШдаги оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение, кино, матбуот)ни эмпирик тадқиқ қилган.**

Милль Ж. (1806-1873)

**- инглиз файласуфи, мантиқчиси, иқтисодчиси, жамоат арбоби; позитивизм фалсафасини ишлаб чиққан, фаннинг феноменалистик талқинини ҳимоя қилган; «Мантиқ системаси» фундаментал асарининг муаллифи, унда мантиқнинг индуктивистик талқини фаннинг умумий методологияси сифатида ривожлантирилган.**

Ньютон И. (1643-1727)

**- инглиз физиги ва математиги, механика ва астрономиянинг назарий асосларини яратган, бутун олам тортишиш қонунини кашф этган, дифференциал ва интеграл ҳисоб асосларини ишлаб чиққан (Г.Лейбниц билан бир қаторда), кўзгули телескоп ихтиро қилган, оптикага оид муҳим экспериментал асарлар муаллифи; энг муҳим илмий асари – «Натурал фалсафанинг математик негизлари» (1687), унда ер ва осмон механикаси системаси яратилган ва осмон жисмларининг ҳаракат назарияси ишлаб чиқилган.**

Павлов И.П. (1849-1936)

**- рус физиологи, одам ва ҳайвонлар олий нерв фаолияти таълимоти асосчиларидан; унинг тадқиқотлари биология, тиббиёт, психология, педагогиканинг ривожланишига, инсон ҳақидаги умумий қарашларга катта таъсир кўрсатган; Нобель мукофоти лауреати (1904).**

Пифагор (тахм. мил. ав. 570-500)

**- қадимги юнон файласуфи, математиги, дин ва сиёсий арбоби; пифагореизм асосчиси, ушбу таълимотга кўра ҳамма нарсанинг замирида сон ётади; геометрияда исботлашнинг жорий этилиши, планиметрияни тузишга илк уринишлар, ўхшашлик ҳақидаги таълимотнинг яратилиши,**

**тўғри бурчакли учбурчак томонларининг нисбати ҳақидаги теореманинг исботи Пифагорга тегишли деб ҳисобланади.**

Полани М. (1891-1976)
**- инглиз кимёгар олими ва файласуфи; фалсафа ва фан социологиясига оид бир қанча асарлар муаллифи, энг машҳур асари – «Шахсий билим».**

Пригожин И. (1917-2003)
**- бельгиялик физиохимик; номутаносиб термодинамика соҳасидаги асарлари билан машҳур; синергетика асосчиларидан бири; фанни фалсафий тушунишга оид бир қанча асарлар муаллифи, уларда мураккаб системаларнинг вужудга келиши ва фаолияти, ўз-ўзидан ташкил бўлиш, вақт, тасодиф тушунчаларининг ўзига хос талқини берилган; Нобель мукофоти лауреати (1977).**

Сен-Симон (1760-1825)
**- граф, француз файласуфи, социологи; илмий социология фани зарур деган ғояни илгари сурган; жамият тараққиёти унда ҳукм сурувчи фалсафий ва илмий ғояларнинг алмашиши билан боғлиқлигини таъкидлаган; тарихда одамларнинг иқтисодий фаолияти, мулк шакллари ва синфлар ўртасидаги муносабатлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб қайд этган.**

Смит А. (1723-1790)
**- шотланд иқтисодчиси ва файласуфи; унинг тадқиқотлари таъсирида сиёсий иқтисод ишлаб чиқилган иқтисодий билимлар тизимига айланди; бозор иқтисодиёти назариясининг ривожланишига катта ҳисса қўшган; бозор иқтисодиёти ўз-ўзини тартибга солиш хоссасига эга ва унга ҳар қандай аралашиш жамият учун салбий оқибатларга олиб келади, деб ҳисоблаган; энг муҳим асари – «Бойлик табиати ва сабаблари ҳақида тадқиқот» (1776).**

Суқрот (мил. ав. 470/469-399)
**- қадимги юнон файласуфи; диалог ҳақиқатнинг тагига етиш усули деб билган; догматизмга қарши чиққан; ўзини ақл ўргатувчи эмас, балки бошқаларни ҳақиқатга интилишга даъват этишга қодир одам деб ҳисоблаган.**

Спенсер Г. (1820-1903)
**- инглиз файласуфи ва социологи, позитивизм асосчиларидан бири, умумий эволюция ҳақидаги таълимотни ривожлантирган; социология органик мактаби асосчиси.**

Спиноза Б. (1632-1677)

**- нидерландиялик файласуф, дунёнинг яхлит манзарасини яратишга интилишида Худо ва табиат бир, деган фикрдан келиб чиққан, бу ягона субстанция ўз-ўзининг сабабчиси, у ўзининг мавжудлиги учун бошқа нарсага муҳтож эмас, деб ҳисоблаган.**

Тоффлер О. (1928)
**- америкалик файласуф ва социолог, постиндустриал жамият (ўта индустриал цивилизация) концепцияси муаллифларидан бири; асосий асарлари: «Келажак билан тўқнашув», «Учинчи тўлқин».**

Тулмин С. (1922)
**- америкалик файласуф; фанни тадқиқ қилиш эволюционистик дастурини ишлаб чиққан; фанга фан тармоқлари ва профессионал институтлар мажмуи деб қарайди; фан тарихи илмий назариялар замирида ётган оқилоналик ва тушуниш стандартларининг алмашиши деб ҳисоблайди.**

Фалес (мил. ав. 625-547)
**- қадимги юнон файласуфи, афсоналарга кўра, «етти донишманд»дан бири, антик ва Европа фалсафаси ва фани асосчиларидан бири; юнон астрономияси ва геометриясига асос солган; қуёш тутилишини башорат қилган (мил. ав. 585 йил), бир қанча геометрик теоремаларни биринчи марта исботлаган.**

Форобий Абу Наср (870-950)
**- Шарқ файласуфи ва қомусий олими, Аристотель ва Платон асарларига шарҳлар ёзган; унинг «Мусиқа ҳақида катта рисола» асари – Шарқ ва қадимги юнон мусиқа тизими ҳақидаги муҳим манба; Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам фалсафа ва фаннинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.**

Фома Аквинский (1225-1274)
**- итальян файласуфи ва илоҳиётчиси; ортодоксал схоластикани тизимга солган; доминик мазҳабига мансуб монах; томизм асосчиси; асосий асарлари - «Илоҳиёт йиғиндиси» ва «Даҳрийларга қарши йиғинди»да етук схоластика рационалистик изланишларига якун ясаган.**

Франк Ф. (1884-1966)
**- австрия-америкалик физик ва файласуф; неопозитивизм намояндаси; физиканинг асосий тушунчаларини фалсафий таҳлил қилиш, физик билимлар соҳасини мантиқий таҳлил қилиш билан шуғулланган, биологияда витализмни танқид қилган.**

Фрейд З. (1856-1939)
**- австриялик невропатолог, психиатр ва психолог, психоанализ асосчиси; бош мия физиологияси ва анатомиясини ўрганган, неврозлар муаммоси билан шуғулланган; сексуаллик ривожланишининг психик жиҳатларини биринчилардан бўлиб ўргана бошлаган; 1907 й.да онгсизликнинг классик таърифини баён қилган; «Мен ва у» (1923) асарида шахснинг психологик структуралари ҳақидаги таълимотни ривожлантирган.**

Шлик М. (1882-1936)
**- австриялик файласуф ва физик; мантиқий позитивизм дастлабки босқичи намояндаси; позитивистик фан фалсафасини фаол ишлаб чиққан Вена тўгараги асосчиси; фан фалсафаси муаммолари, замон, макон, сабабият, эҳтимоллик таҳлили билан шуғулланган.**

Шпенглер О. (1880-1936)
**- немис файласуфи, «ҳаёт фалсафаси» оқимининг вакили, маданият фалсафаси асосчиларидан бири; асосий асари – «Европанинг сўниши» (1918-1922); европоцентризмга, тарих жараёнининг «чизиқли» йўналишига қарши чиққан, тўлақонли, лекин ҳар хил маданиятларнинг кўплиги ғоясини ҳимоя қилган.**

Эйнштейн А. (1879-1955)
**- ҳозирги замон физикаси асосчиларидан бири, нисбийлик назарияси муаллифи, квант назарияси ва статистик физика асосчиларидан бири, Нобель мукофоти лауреати (1921); замон ва макон, уларнинг ўзаро алоқаси, объектнинг замон-макон муносабатлари унинг ҳаракати тезлигига, тортишиш кучларига боғлиқлиги ҳақидаги янги қарашларни ривожлантирган; М.Планк билан бирга квант физикасига асос солган.**